

ұхаммад

изо

ираб

рниёзбек

—

ўәли

Оғажүй

АСАРЛАР

II жилд

ДЕВОН

Д а в о м и

Нашрға тайёрловчи  
Субутой Далимов

Масъул мұҳаррир  
Ғулом Каримов



Fазаллар

# «НУН» РАДИФИ

Давоми

## ТОНГ ЭРМАС

Тонг эрмас чарх жавридин гар әтсам нолау афгон-  
Ки, йүктүр бир киши зулмидин онинг бўлмоғон нолон.

Қаю ошиқки, топса лаҳзае роҳат висол ичра,  
Қилур ул лаҳза они мубталойи меҳнати ҳижрон.

Агар юз жон чекиб топса киши мақсад сори йўл,  
Узоққа чекмайин аллар они овораи ҳайрон.

Баногаҳ ҳар кўнгулга даст берса шодлиғ жоми,  
Онга ношодлиғ бирла ичурмай қўймогой юз қон.

Бирор чиқса агар хуршид ёнглиғ иззат авжига,  
Қилур дарҳол они хоки мазаллат остида пинҳон.

Балосидин онинг не бир кичик, не бир улуғ фориг,  
Жафосидин онинг не бир гадо әмин, не бир сulton.

Фалак зулмидин әмин бир киши эрмас, магар улким,  
Онинг олидадур бу даҳр айшу меҳнати яксон.

Не келса, эй кўнгул, олдингға сабру шукр қил, токим,  
Муродингни бериб ҳақ, мушкилингни айлагай осон.

Үзингни, Огаҳий, фақру фано кунжида сокин тут,  
Бу ноҳамвор майдон ичра берма фикринга жавлон.

## ПАРИШОНМАН

Яна фалак на ситам айладики, гирёнман,  
Яна күнгүлға на ғам етдиқим, паришонман.

Бурунғидин манга ҳоло кам ўлмиш әұсқонинг-  
Ки, на гуноқ санга айладимки, җайронман.

Умидим әрдикі бўлсам қопунгға юз қўйғоч,  
Қуёшдек авж тутуб сар баланди давронман.

Вале мубаддал ўлуб яъс ила ҳамул уммид,  
Мудом зарра киби но падиду ларzonман.

Бу ғусса бирла бориб ўздину, қолиб сўздин,  
Гаҳи бу ҳолима гирену, гоҳ ҳандонман.

Бу тийралик била алфозим ўлди бўйла ракик,  
Йўқ әрса маънию мавзун ила суханронман.

Етургай әрди муродимни чархи дун парвар,  
Гар ўзгалардек әсам кош гўлу нодонман.

Фигонки, чархи жафо пеша жавру зулмидин,  
Қилай тазаллум ила кимга доду афғонман.

Магарки Огаҳийдек арзи ҳол этиб шахға,  
Бўлай иноятидин масти жоми әұсқонман.

## БЕҚАРОР ҮЛМОҚ НЕ ТОНГ

Хар кишиким топса завқе нашъан паймонадин,  
Бир нафас чиқмас күб осо гүшан майхонадин.

Изтиробим тонглама базми висолинг ичраким,  
Беқарор үлмоқ не тонг күргач пари девонадин.

То юзинг май тобидин гул очти күнглүм булбули,  
Бир нафас фориғ әмастур нолан мастанадин.

Йўқ ажаб жоним қуши бошингдин эврулса мудом-  
Ким, тонг әрмас садқа бўлмоқ шамъига парвонадин.

Эй кўнгул, гар хуррам үлмоқ истасанг, бўл хоксор-  
Ким, кўкармак мумкин әрмас ерга тушмай донадин.

Оқил әрсанг, нақди умринг қиласын беҳуда сарф-  
Ким, бу иш әрмас муносиб ҳеч бир фарзонадин.

Келди асбоби жаҳон авсофи гафлат мужиби,  
Не учунким уйқу ҳосил бўлғуси афсонадин.

Сидқу ихлос үлса кимда жамъ ўлур ҳосил мурод-  
Ким, туғор мундоқ ўгул андоқ атоу онадин.

Шод коми мақсад үлмоқ, Оғадий, қиласа ҳавас,  
То чиқормай ўзни бу кулфатфизо ғамхонадин.

## ДИЛБАРМУ ЭКАН

Юз очиб келган бу тун базмимға дилбарму әкан,  
Е шаби қадр ичра туқон моҳи анварму әкан.

Юзда лаълиму әкан берган манго жон лаззатин,  
Йўқса жанинат гулистони ичра кавсарму әкан.<sup>25</sup>

Жилвагар бўлғон қади зебосиму базмим аро,  
Е Эрам боғи аро зебинда ар-арму әкан.

Лабларида сўзму әркан еткуур жонимға завқ,  
Йўқ әса ёқути гун соғарда шаккарму әкан.

Зулфиму әркан узори узра бўлғон жилвагар,  
Еки гулшан ичра буткан сунбули тарму әкан.

Кирпики әрконму ул кўз тебратур ҳар дам они,  
Чеккан ул кофир ва ё қатлимға ханжарму әкан.

Кўнглум әрканму мудом ул юз хаёли андадур,  
Е қуёшнинг акси тушкан соғ маҳарму әкан.

Қосид әрканму кетурган ёрнинг пайғомини,  
Ваҳи келтурган ва ё номуси акбарму әкан.

Огаҳий наэм айлаган сўздумру лаъли васфида,  
Е чекилган риштага сероб гавҳарму әкан.

## ЭЙ ПАРИВАШ

Эй париваш, очма юэ, ишқ аҳли шайдоланмасун,  
Мандин ўзга ҳеч ким ишқингда расволанмасун.

Юз жаҳон савдоси турранг иқдида музмардуур,  
Воқиф ўл, оҳим ели бирла мутарроланмасун.

Айлагил қаддинг ниҳолин жилвагар бор ичраким,  
Сарв раъноланмасун, шамшод зеболанмасун.

Лаъли хандон бирла гулшан сайрин эт ҳар субҳим,  
Ғунчалар кўнгли очилмоқға тақозоланмасун.

Наргис олида ёшурғил юзниким, ул оч кўз  
Ком олурға хони ҳуснунгдин таманноланмасун.

Гаҳ-гаҳи кўргуз қуёшға чеҳраким, ул хирасар  
Билсун ўз ҳаддинию ҳусн ичра даъволанмасун.

Очма дийдоринг рақиб оллидаким, ул бад назар  
Пок рухсоринг сори боқиб, тамошоланмасун.

Кирпигинг жон қасди айлар қошинг имоси била,  
Ё раб, андоқ ўқ мунингдек ё била ёланмасун.

Истасанг, әзоҳид, бақойи жовидони ўзлугунг,  
Айла фони ўйлаким, то ҳашр пайдоланмасун.

Масти жоми кибр ўлуб, ҳаргиз ўзини билмагай,  
Нотавон аблаҳ топиб, давлат тавоноланмасун.

Бу чаманинг рангу бўйида бақо йўқ, эй сабо,  
Айтғил гулларғаким, кўб зебу ороланмасун.

Булбули шўридаларға доги мандин арз қил-  
Ким, вафо гулдин тилаб, беҳуда гавғоланмасун.

Огаҳий, қилғил онингдек назм аро гүё тилинг-  
Ким, тили назм аҳлининг сўз дерга гўёланмасун.

## ҚОЛМАДИ КҮНГЛУМДА АРМОНИМ БУКУН

Мужда, эй шайдо күнгүлким, келди жононим букун,  
Етди мақсуду муродига ҳазин жоним букун.

Гар ўлук жисмимға кирса тоза жон, әрмас ажаб-  
Ким, етушти лутф әтиб Исоий давроним букун.

Зулмати шоми фироқимни ёрутди субҳдек,  
Жилва айлаб, юз очиб хуршиди тобоним букун.

Бўлса гўё тўти осо эмди лол ўлғон тилим,  
Айлама ҳайратки, етди шаккаристоним букун.

Ғунча ёнглиғ танг бўлғон кўнглум очти гул киби,  
Неча сўз бирла лаби гулбарги хандоним букун.

Ғам туни аулмотида бўлди қуёшим жилвагар,  
Шодлиғ ашкани тўқ, эй чашми гирёним, букун.

Бошиға парвонадек эврулсам эмди хуштурур-  
Ким, ёрутди мажлисим шамъи шабистоним букун.

Огаҳий, армон эди кўнглумға бир кўрмак юзин,  
Қолмади, юз шукрким, кўнглумда армоним букун.

## ЭВРУЛУР ҲАР ЛАҲЗА БОШИНГДИН

Буким чарх офтоби эврулур ҳар лаҳза бошингдин,  
Тараддуд бирла тинмай касби нур айлар қуёшингдин.

Эрур кўэу қошинг ҳар бири юз жон офати, ваҳким,  
Нечук жон асрагайман бўйла фаттон кўэу қошингдин.

Бўлубдур шом ёнглиғ тийра сансиз байтул аҳzonim,  
Келиб они мунаvvар айла меҳри нур фошингдин.

Агар фарёду афғоним фалакка етса тонг әрмас-  
Ки, жон нақдини торож айладинг ўғрин қарошингдин.

Жафо таркин қилиб, гаҳ-гаҳ келиб бу хаста ҳолин сўр-  
Ки, ҳар дам тоза-тоза жон топой мундоқ сўрошингдин.

Агар улғойсанг, эй маҳваш, на офат бўлғосан билмон,  
Жаҳонга бўйла солдинг шўру шар кичкина бошингдин.

Ниҳон бормоқ иложи, Огаҳий, кўйига йўқтурким,  
Борур тўфон агар ҳар ерга борсанг оҳу ёшингдин.

## ЮЗИНГ ОЧ

Юзинг очким, қүёш садқанг бўлуб, бошингдин  
айлансан, Янги ой юз тавозуъ кўргузуб, қошингдин айлансан.

Агарчи лаълу ёқут эл замираға муфарриҳдур,  
Ҳаёт афзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлансан.

Тану жоним ҳадаф айлаб, ўқу тош отсанг, эй чобук,  
Бири ўқингдин эврулсун, бири тошингдин айлансан.

Рақибинг гар әрур хасмим, они йўлдош әтуб келсанг,  
Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин айлансан.

Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ жамолингдин-  
Ки, ўнсаккиз минг олам ўнсаккиз ёшингдин айлансан.

Боқиб кўз учидин пинҳону фош әтдинг тағофиллар,  
Йўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин айлансан.

Неча қаллош әсам ҳам ағниё оллида бош әгмон,  
Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин айлансан.

Чу бергунг нон ила ош, эй сахий, сидқ аҳлига бергил,  
Риёву кизб аҳли нонингу ошингдин айлансан.

Ул ой қўнглиға қилди, Оғаҳий, оҳу ёшинг таъсир,  
Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансан.

## БУ ҚИШ

Совуқға бу қиши ортиб шиддату кин,  
Қочурди халқдин орому тамкин.

Агар бир ерда ўт күрса бўлуб жамъ,  
Улус атрофиға ондоқки парвин.

Баданлар титрабон сиймоб ёнглиғ,  
Исинмоқ бирла топмай ўтга таскин.

Юзи хўбларнинг ўлмиш нилуфардек,  
Агарчи аргувондек әрди рангин.

Алифдек қадлари нундек бўлуб хам,  
Тушуб абрўлариға шамрадек чин.

Чидай олмай совуқға айламишлар  
Кирорни ошиқ оғушиға ойин.

Топиб ишқ аҳли осонлиғ била ком  
Қучуб дилдорин ўлди роҳат огин.

Совуқ әл жисмин афгор айламакка  
Чиқармиш оғзидин данданаи син.

Тузо олмай бурудат шиддатига  
Ғино аҳли кийибдур қоқиму тийн.

Эрур ушбу совуқ дафъи иложи,  
Қолин чакман била пўстини сангин.

Бу қиши не ҳоли кечкай Огаҗийнинг-  
Ки, не чакман анго бордур, не пўстин.

Үтун бирла кўмур ҳам галла фикри  
Қилибдур кўнглини маҳзуну ғамгин.

## АҲЛИ ВАФО МАҲЗУН

Ҳароб ўлсун, илоҳи, гунбази даввор чархи дун-  
Ки, дойим даври каждур, таври шуму, ҳайъати вожун.

Онинг кажравлиги таъсиридиндур, бу жаҳон ичра,  
Жафо аҳли ҳамиша хурраму аҳли вафо маҳзун.

Бироким топса ёдек тийнати кажлик била тахмир,  
Бўлур коми ўқи дойим мурод оможига мақрун.

Бироким бўлса сидқу ростлиғ ичра алиф янглиғ,  
Қади бори меҳан остида бўлғай ул сифатким нун.<sup>26</sup>

Бироким бўлса хиссат пешаси ҳукмин суруб әлга,  
Жаҳон амволини йигнар уйига ўйлаким Қорун.

Бироким аҳли ҳиммат бўлса ғам кунжин мақом айлаб,  
Ҳамиша фақру фоқа меҳнатидиндур юзи олтун.

Бироким оғзидин чиқғай дамо-дам фаҳш ила дашном,  
Эрур маскан онга айвони олий қасри гуно-гун.

Бироким тоза мазмун байт фикр айлаб қолиб тузда,  
Йиқуқ вайронда ёлғуз, боғридуру юз ваҳм бирла хун.

Бироким сочса гар эл қасдиға буғзу ҳасад заҳрин,  
Бўлур кун-кундин онинг умри бирла давлати афзун.

Бироким берса гар амвотға ҳар нуктаси юз жон,  
Ўлуб ҳасрат била бўлғой адам туфроғида мадфун.

Фано қасриға еткур, Огаҳий, жаҳд айлабон ўзни,  
Агар истар әсанг бўлмоқ жаҳон андуҳидин маъмун.

## ЖУНУН ДАШТИДА

Жунун даштида қочма, эй күнгүл, санги маломатдин-  
Ки, бу водига кирган юз әвурмас ҳеч офатдин.

Агар ошиқ әсанг сабр айла шиддатлиғ балоларга-  
Ки, ишқ ичра қутулмоқ мумкин әрмас ранжу  
мөхнатдин.

Ичурса соқийи даврон агар нокомлиғ заҳрин,  
Әр әрсанг они ширин англа шаҳд омиз шарбатдин.

Сипар қил бошинга бу разынгоҳ ичра қаноатни,  
Агар мақтул бўлмоқ истамассан тийғи миннатдин.

Ривож истар әсанг мақбул ўлуб аҳли замон ичра,  
Дегил сўз борҳо фисқу, фасоду, айшу, ишратдин.

Десанг хор ўлмойин мардуд ўлуб даҳр аҳли олида,  
Даме тил очмоғил кайфияти гўри қиёматдин.

Кўрунмас эл кўзига бир муҳаққар зарра миқдори,  
Ўзингни туфроқ әтсанг нечаким ранжу риёзатдин.

Баҳойим янглиғ эт қорнинг четан, бўйнингни  
гупчакдек,  
Тилар әрсанг агар инъоми вофири аҳли неъматдин.

Такаббур бирла қил шайтон киби макру ҳасад пеша,  
Гар истиҳсону таслим истасанг арбоби давлатдин.

Агар ширин сүзингдин даҳр аро юз минг шакар  
сочсанг,  
Они заҳр айлагай бир талх нукта аҳли гийбатдин.<sup>27</sup>

Агарчи, Огахий, дўзах ўти муҳрикдурур усру,  
Вале йўқ бир шаарча оташи сўзони фурқатдин.

## ОГАХИЙ САРФАРОЗ ҮЛСУН

Агар ул ой иши тун-күн манга юз жавру ноз ўлсун,  
Дамо-дам күпроқ ўлсун дерманку оз ўлсун.

Нечаким ноз ила ман хоксоридин әтак тортар,  
Аёкига онинг, ё раб, бошим хоки ниёз ўлсун.

Тиларман қилмағой жуз жони афгорим шикорин сайд,  
Агар ишқ оламининг ҳар қуши бир шоқбоз ўлсун.

Наво топмоқ унингдин истарам базм ичра, эй мутриб,  
Ишиңг ушшоқ оҳангида бўлмоқ нағмасоз ўлсун.

Ҳазони ғам аро афсурдаман қиши янглиғ, эй соқий,  
Баҳори лутғ ила май гулларин очғилки, ёз ўлсун.

Талаттуф айлабон, кўргуз манга ўтлуғ юзинг, токим,  
Ҳасад пеша рақибингнинг иши сўзу гудоз ўлсун.

Фано хайли вужудим мулкини гар турктоз әтса,  
Демасман лаҳзае ондин жудо бу турктоз ўлсун.

Ҳамиша ботинан роғиб ҳақиқат соридур кўнглум,  
Нечаким зоҳиран даъби онинг майли мажоз ўлсун.

Сарафroz ўлди васлинг давлатидин аҳли ишқ ичра,  
Ҳамиша Огаҳий бу давлат ила сарфароз ўлсун.

## ДАМИ ҒАМ БҮЛМАСУН

Шод кўнглунгға ҳаводисдин дами ғам бўлмасун,  
Лаҳзаи жоми нишотинг даврсиз хам бўлмасун.<sup>28</sup>

Етмайин то субҳи маҳшар офати айнил камол,  
Меҳри иқболинг зиёси заррача кам бўлмасун...

Давлатинг аъдосин этсун ўйла ҳақ маъдумким,  
Ул жамоатдин асар оламда бир дам бўлмасун.

Истаса раъйинг хилофи бирла кўнглин кимса шод,  
Кўнгли онинг даҳр аро бир лаҳза хуррам бўлмасун.

Хотири софингки, бир ойнадур гитинамо,  
Бир нафас занги маломат бирла музлам бўлмасун...

Хуштуур олам санинг зоти ҳумоюнинг била  
Истарамким сансизин бир лаҳза олам бўлмасун.

Огаҳий йиглаб дуойи давлатинг айлар мудом,  
Сидқи ашкидин замоне кўзи бенам бўлмасун.

## КАМОЛИНМУ ДЕЙИН

Дўстлар, ул шўхнинг ҳусни камолинму дейин,  
Ишқида бечора кўнглум зори ҳолинму дейин?

Дилраболиг шеваси саҳбойи ноби тобидин,  
Юз гул очғон гулшани боғи жамолинму дейин?

Үтга тушган қил киби жисмимга берган тоблар,  
Гул юзида кокили сунбул мисолинму дейин?

Рашк ўтидин жонима доғ узра қўйғон доғлар,  
Жилвагар икки лабида икки холинму дейин?

Ўқ киби қаддим фалакнинг қавсидеқ ҳам айлаган,  
Ё масаллик икки қошининг ҳилолинму дейин?

Таълатининг гулшани чини аро маст ўйнағон,  
Икки жоду чашмининг чобук ғизолинму дейин?

Бу кеча кулбамга келгач юз табассум кўргузуб,  
Ноз бирла айлаган ширин мақолинму дейин?

Ғунчадек лаълин очиб, ҳар нуктада дурлар сочиб,  
Недурур ҳолинг дебон, қилғон саволинму дейин?

Гаҳ солиб бўйнимга қўл, гаҳ суртубон юзимга юз,  
Зоҳир этган лобау ғанжу далолинму дейин?

Оғзима бир қатраси етгач етурган тоза жон,  
Лаблари ичра ҳаёт афзо зилолинму дейин?..

Хосил әтган бенаво күнглум муроду комини,  
Неча турлук ишрати базми висолинму дейин?

Топибон ёр илтифотин Огаҳийнинг бу кеча  
Базми ҳолинму дейин, айши камолинму дейин?

## ҚИЛ РАВОН

Қил равон қадингниким, бандаи хиромингман,  
Сўзга оч лабингниким, зиндаи каломингман.

Оразинг ёруқ кундур, кокилинг қаро тундур.  
Оч юзинг қуёшиниким мубталойи шомингман.

Шарбату висолингдин комим айлагил ширин-  
Ким, фироқи заҳридин усру талх комингман.

Эмди васл аро қилсанг шод эрур муносибким,  
Неча умр хурсанди қосиди паёмингман.

Қатлима қилич сургилким, ғам ичра ўлгандин  
Яхшироқдурур бўлсам куштаи ҳусомингман.

Соқиё, карам айлаб, мақсадимни қил ҳосиля,  
Бўлмоқ истарам бир тун журъя нуш жомингман.

## «ВОВ» РАДИФИ

### ГАР ЭРУРСАН МАРД

Гар эрурсан мард, қил ишқ үтидин бағрингни  
Кибру нахват чиркидин ул сув била илгингни юв.  
сув,

Тарк әтиб ҳақ зикрини, майл әтма дунә фикрига-  
Ким, қилур восил сани комингға ул ноком бу.

Қүй бошингни хилват ичра бандалик туфроқыға,  
Фарра бўлма гар жанобингда улус қиласа ғулу.

Қилма чок ал кўнглинни тийги ситамдинким, бу чок  
Ҳеч бир тадбир ила асло қабул әтмас рафу.

Тангри даргоҳида кўз тутма намозингга қабул,  
То такассур бирла сидқ андоридин қилмай вузу.

Файзи ҳақ аҳли гинодин кўб етар фақр аҳлига-  
Ким, топар хумдин таматтуъ, шишадин кўброқ сабу.

Айлабон беҳуда фикр әтмакда авқотингни сарф,  
Тилга фориъ қилмадинг жори замони зикри ҳу.

Хизмати маҳлуқ ила умрингни зоеъ айлади,  
Юз туман фосид хаёлу неча косид орзу.

Узма ҳақ лутфидин уммид, Огаҳий, кўб журом ила-  
Ким, маоси аҳли шаънида деди лотақнату.<sup>29</sup>

## ФИГОНУ НОЛА ҚИЛСАМ АЙБ ЭМАС

Фигону нола қилсам айб эмас гар ёрдни айру-  
Ки, бўлмас тушса булбул ноласиз гулзордин айру.

Малул ўлма кўруб ағёр бирла, эй кўнгул, ёринг-  
Ки, бутмайдур бу гулшан ичра бир гул хордин айру.

Манго санги маломат ишқ вожқидин етар, тонг йўқ,  
Урарлар тош ила, нахлики әрмас бордин айру.

Агар ошиқ эсанг әл таънидин, эй дил, малул ўлма,  
Керакдур ошиқ ўлғон бўлса нангун ордин айру.

Хату зулфи хаёли чиқмаса афгор кўнглумдин,  
Не тонгким, бўлмамиш вайрона мўру мордин айру.

Таажжуб қилмангизлар телбараб саҳроға юзлансам-  
Ки, ман девонадурман, ул пари руҳсордин айру.

Кўнгулдин ғайр нақшин соғ қил ёр ўлса мақсадинг-  
Ки, тушмас акси бўлмай ойина зангордин айру.

Жаҳон золи агарчи кўргузур ўзни аруси шўх,  
Вале әр улки қилса ўзни ул маккордин айру.

Ғами ҳажр усру муҳлиқдур тараҳҳум айлабон ҳаргиз,  
Илоҳи Огаҳийни қилма васли ёрдин айру.

## КАЛОМИ РУҲПАРВАРМУ

Юзи узра паришон икки гисуий муанбарму?  
Гули аҳмар уза ёхуд ду даста сунбули тарму?

Намоёнму мусаффо жабҳаси узра ики қоши,  
Жамол авжида ё икки ҳилоли лутф густарму?

Ики қотил кўзиму жон олурға қасд кўргуэган,  
Ва ё дин нақдини горат қилурға икки кофирму?

Ики лаълиму әркан оташин рухсори устида,  
Ва ё худ ўт уза тушкан ики ёқути аҳмарму?

Латофатлиғ тишиму жилвагар икки лаби ичра,  
Мақом эткан ики лаъл ичра ё сероби гавҳарму?

Осиғон икки дурму юз уза ҳар ён қулогидин,  
Қуёш атрофида ёхуд дураҳшон икки ахтарму?

Ики дилкаш қапогиму экан зебо қади узра,  
Ва ё бир нахл узра ики бодоми муқашшарму?

Ўрулгон икки кокулму дурур ҳар ён узорида,  
Ва ёхуд ганжи ҳусни теграсида икки аждарму?

Сўзиму Огаҳийнинг икки лаъли васфида, ёхуд  
Ики лаъли аён эткан каломи руҳпарварму?

Күз әрмас, жону күнглум қасдин әтмакка балодур бу,  
Қош әрмас, жавру бедод ўқларин отмоққа ёдуր бу.

Ғамим шомин ёрутса нури рухсоринг тонг әрмаским,  
Тулуъ әткан сабоҳат буржидин шамсуэ-эуҳодур<sup>30</sup> бу.

Етушкач күйинга тонг йүқ танимға тоза жон етса-  
Ки, ҳажр андуҳи муҳлик дардига доруш шифодур бу.

Ҳазин күнглумни ўлтурмак билан қўрқутма, эй қотил,  
Анго токим ғами ҳажринг ародур — муддаодур бу.

Чу дединг телба күнглунг кимгадур шайдоу ошуфта,  
Эшилкил, эй пари пайкар, сангодур бу, сангодур бу.

Ғанимат англагил, эй сарви саркаш, ашку оҳимким,  
Қадинг нахлини сарсабз айлаган обу ҳаводур бу.

Муҳаққар билмагил хам қомату гирён кўзы оҳим,  
Ижобатга қарин ўлғон шарофатлиғ дуодур бу.

Эр әрсанг берма күнглунгни аруси даҳр ҳуснига-  
Ки, гарчи дилрабодур, лекин усрุ бевафодур, бу.

Наво еткүр унингдин Огаҳийға бир тун, эй мутриб-  
Ки, ғам чангидаги кўб кунлар дурурким, бенаводур бу.

## ТОШИБ ЖАЙХУНДА СУВ

Фурқатингдин мавж урар бу дийдан пурхунда сув,  
Үйлаким шўриш қилур пайдо тошиб Жайхунда сув.

То бўлуб гирён югурдим ҳар тараф истаб сани,  
Сели ашким бирла оқти водию ҳомунда сув.

Үйла тўфон хез бўлди ашку оҳимким, бори  
Ер юзин гарқ айлаб әмди мавж урар гардунда сув.

Еткуур ҳар дам ҳаётим боғиға сероблиғ,  
Тердин оқиб ҳар тараф ул чеҳран гулгунда сув.

Паст фитрат муддаийдин обру кўз тутмаким,  
Чашма сори шармдин йўқтур руҳи ҳардунда сув.

Ҳар кўнгул қиёса ҳасад ўтидин, ондин истама  
Раҳмким, мумкин әмас бўлмоқ аён конунда<sup>31</sup> сув.

Қил равонроқ назм ила маъни риёзин тозаким,  
Огаҳий назми равондур гулшани мазмунда сув

## ОГАҲИЙ СОЧАР СҮЗ НАҚДИНИ

Базмим ичра кеча түгөн ойму,  
Ехуд ул рухсори базм оройму.

Жонима масканмудур вайрон таним,  
Йўқса жононимга кулбам жойму.

Обиҳайвонму танимга берди жон,  
Йўқ эса ул лаъли руҳ афзойму.

Нўш айларму Масиҳ обиҳаёт,  
Лаъли нўши ё қадаҳ поймойму.

Қилдиму ширин такаллумлар лаби,  
Ноз ила ё оғзи шаккар хойму.

Қошиму имо юкидин бўлди хам,  
Қасдима ёхуд чекилган ёйму.

Айтинг, эй базм аҳли, ҳоли зорима  
Мултафит ул шўхи бепарвойму.

Сабри заҳрин ич деманг, әмдики ул  
Косаи чин ичра қандин чойму.

Шеър фикрида кўринг, ожиз таним,  
Зарраму ё мўри лангин пойму.

Ҳам яна дерсиз ҳамиша дурри наэм,  
Баҳри табъингдин чиқорғил, лойму.

Огаҳий токай сочар сўз нақдини-  
Ким, маони ганжидин ул бойму.

**«ХОИИ ҲОВВАЭ» РАДИФИ  
ОРАЗИНГДИН НИҚОБ ОЛСАНГ**

Юзинг ойға нечук қиласай ташбиҳ,  
Чунки ондин бўлубдурур бу важиҳ.

Оразингдин агар ниқоб олсанг,  
Қуёш ўлғой онинг ёнида кариҳ.

Ҳар кишиким, юзинга ўхшотодур  
Кунни, йўқтур жаҳонда ўйла сафиҳ.

Нўши лаълинг чучукдур ўйлаки қанд,  
Онга әрмас малоҳат ичра шабиҳ.

Неча йиллар фироқ даштидаман,  
Манга гўё насиб бўлди бу тиҳ.

Ишқ аро достони Мажнундин  
Бор қиссамга эл аро тавжиҳ.

Огаҳий, қуллуқига бел боғла,  
Улки бор мислдин онга танзиҳ.

## КЕЛ, ЭЙ МАҲЗУН КҮНГҮЛ

Кел, эй маҳзун күнгүл, хүй әт ғаму андуҳу кулфатға,  
Талабкор ўлма ҳаргиз инбисоту айшу ишратға.

Нединким чархи қажрав гардишидин етмади ҳарғиз,  
Қилиб юз саъю күшиш рост равлар кому роҳатға.

Хасосат аҳлиниң комини гардун айлабон ҳосил,  
Етургай дойимо нокомлиғлар аҳли ҳимматға.

Зуҳалдек тийра диллар иззат авжиды мақом айлаб,  
Қуёшдек соғ диллар туштилар хоки мазаллатға.

Тараф базми аро бекорлар дойим қилиб ишрат,  
Ҳамиша хизмат аҳли мубталодур ранжы мөхнатға.

Оларким беҳунардур дам-бадам хилъат кийиб қат-қат,  
Ҳунар аҳли vale мұхтождур бир күхна кисватға.

Чу топдинг, эй күнгүл, гардунни дун ҳолидин оғождығ,  
Беріб орқа ҳунарға, бўлмоғил мағрур хизматға.

Ҳасад бирла нифоқу бухл ила хассатни касб әтма,  
Тилаб иззат, замона аҳли ичра қолма заҳматға.

Умидинг әрдиким, аввалғидин қадринг баланд ўлғой,  
Магарким ушбу уммидинг әрур мавқуф фурсатға.

Жаҳондур бебақо, фурсат әрурким, умр мустаъжил,  
Бошингдин қўй ҳаваснию юз ур тақвию тоатға.

Қилиб ҳар ҳолға шукр, Огаҳийдек шаҳ дуосин қил,  
Агар истар әсанг етмак туганмас жоҳу давлатға.

## ЭИ ҚҮНГҮЛ, ТОЛИБ ЭСАНГ

Эй күнгүл, толиб эсанг мақсад майи ошомиға,  
Кир фано дайригау, құл сун тажарруд жомиға.

Ушбу мағфилдин тааллуқ қатъин этким, арзимас  
Нечаким қолмиш эсанг кулфат қоронғу шомиға.

Истама ёқмоқ муруват шамъин аҳли даҳрдин,  
Нечаким қолмиш эсанг кулфат қоронғу шомиға.

Комронлар лутфидин күз тутма, комингким олар,  
Элни ноком айламак бирла етарлар комиға.

Очма дунә аҳли хони базлиға дасты тамаъ,  
Гар десанг банд ўлмойин ўлгунча миннат домиға.

Ногуворо луқма ёңглиғ келди рад мусталзими,  
Фарра бўлма нокаси навқисалар инъомиға.

Юз қўй ул шаҳ даргаҳигаким, бори шоҳу гадо  
Боғламишлар белни кўйи тавфининг иҳромиға.

Умрдур камфурсат, усру истама ондин бақо-  
Ким, шараардек муттасил оғозидур анжомиға

Оғаҳий, бас нега авқотингни зоеъ айлагунг,  
Чун билурсанким, бақо йўқтур ҳаёт айёмиға.

## ОГАҲИГ, КУЗ ТУТМА

Чекар әрди наво қумри бу зору нотавонингча,  
Агар бўлса әди сарви сиҳи сарви равонингча.

Гул узра сунбули мушкин муфарриҳдур, vale әрмас  
Ўзоринг узра тушкан гисуйи анбар фишонингча.

Нечун зулмат аро ўзни ёшурди чашмаи ҳайвои,  
Агар жонбахшиликда бор әса ширин даҳонингча.

Нега әлдин қочиб ер тутти кўкда Исию Маръям,  
Ўлукни тиргуза олса лаби мўъжиз баёнигча.

Сочинг тори хаёли гарчи нозикдур ниҳоятсиз,  
Назокатда vale әрмостуур мўйин миёнингча.

Ажал әл қатлига қасд этса гар минг йил бўла олмас  
Кўз остидин аён ўлғон бир имойи ниҳониднгча.

Чекарму әрди тун-кун зиллати саргашталик гардун,  
Қопунгда топса әрди қадр хоки остоинингча.

Жаму Дороки<sup>32</sup> мулку жоҳ бирла туттилар шуҳрат,  
Эмаслар бир гадойи зору беному нишонингча.

Сўзингфа, Огаҳий, кўз тутма шаҳдин ўзгадин таҳсин-  
Ки, сўз қадрини билмас кимса шоҳи хурдадонингча.

## ЭЛЛИК ЕТИ ЕШ УСТИНА

Мажнун күнгүлнинг ишқ аро гар ёғса юз тош устина,  
Дер шод ўлуб ҳар тошга келсанг агар бош устина.

Ул дилрабонинг оташин рухсори мушкин қош ила,  
Бир шамъи базм ородуруким, етти минқош устина.

Ҳар кимки бўлса бебасар, ул юз зиёсидин қочар,  
Ул навъким тушкач қуёш анвори хуффош устина.

Ишқ ичра гар содиқ әсанг, шод ўл ғаму меҳнат била,  
Бошингга келса юз бало, чин солмоғил қош устина.

Зоҳид сақолида сузуб май, муғбача дурдини кўр,  
Оҳордекким жавлада тўлдурди ғурвош устина.

Хуноб ичар вақтимда хуш келдинг кўнгулким, халқ аро  
Яхши масалдуруким, келур яхши киши ош устина.

Иқболу иззат аҳлининг киргай қаториға қачон,  
Киймоқ била дебоу ҳаз арзолу авбош устина.

Лекин ҳақиқатда әрур иқболу иззат лойиқи,  
Фақр ичра кийган әски шол озода қаллош устина.

Бўлма гунаҳ дашти аро навмидлик лаб ташнаси-  
Ким, афву ёфи ичра сув мавжи етар рош устина.

Рұҳим бўлиб нафс илгига урён либоси файздин,  
Бор ул ўлукдекким онинг қасд әтти наббош устина.

Қиyma ҳавас, эй Огаҳий, эмди йигиттаик айшини-  
Ким, етти умринг муддати эллик ети ёш устина.

## УЛ ЧАШМИ ЖАЛЛОД УСТИНА

Мушкниң қошининг ҳайати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас келтурур нун әлтибон сод устина.

Қиалғыл тамошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар күрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

Нозу адоу ғамзаси қасдим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча оғатму бўлур бир одамизод устина.

Ман ҳастага жон асреноқ әмди әрур душворким,  
Қотил кўзи бедод әтар ҳар лаҳза бедод устина.

Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,  
Булбулдек айлар юз наво минг навъи фарёд устина.

Бошимға ёққон ғам тоши мингдин бирича бўлмоғой,  
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Эй шаҳ, карам айлар чоги тенг тут ёмону яхшини-  
Ким, меҳр нури тенг тушар вайрону обод устина.

Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Не журъат ила Огаҳий очғай оғиз сўз дергаким,  
Юз хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ношод устина.

## ОЧИЛСА БОҒ АРО ГУЛ

Бошимда ғам юки, найлаб тура олғум аёғ узра-  
Ки, тоқат айлай олмас бу оғир юк түшса тоғ узра.

Гам ичра таңг бўлғон ғунчадек кўнглум очо олмас,  
Очила боғ аро гул, сайраса булбул будоғ узра.

Эмас гирён кўэимда кўзлари шаклу хаёликим,  
Кийиклардурки сув истаб келибдурлар булоғ узра.

Юзин кўргач бошига эврулурлар жон ила кўнглум  
Ики парвонадекким айланур тинмай чироғ узра.

Агар оби ҳаст узра тиларсан **Хизрни** кўрмак,  
Тамошо айлагил хаттин ҳамул ширин дудоғ узра.

Ҳамоли богининг бодомига қасд эткан — ўгридур,  
Ҳам ўлмиш буки мушкин қоши ул дилкаш қапоғ узра.

Бало шаҳрида ишқ аҳли аро андоқ ғанийдурман-  
Ки, жамъ ўлғон дирамдур доғлар кўнглумда доғ узра.

Қарам аҳли дирам аҳли дирамға сочса тонг йўқким,  
Масалдур ёғ агар томса, томар, албатта, ёғ узра.

Оқарди чун бошинг, уз, **Оғаҳий**, ўздин умидингким,  
Ҳазон еткан нишонидур қиоров гар түшса боғ узра.

## ЭЙ МУТРИБИ ГУЛЧЕХРА

Эй мутриби гулчехра, туз созингни овозинг билади,  
Ким, жону дил бўлсун фидо овозинга созинг билади.

Созинг эшитмакка бори базм аҳлидурлар мунтазир,  
Кел соз вақтин бу кеча ўткармагил нозинг билади.

Нозинг басе кўбдур, vale созинг бағоят оз эрур,  
Қилағил мубаддал ул кўбинг бир лаҳза бу озинг билади.

Гоҳи ироқу, гаҳ ҳижоз оҳангини соз айлабон,  
Қил сарфароз ушшоқни лаҳни фалак торинг билади.

Ўтлуғ наводин истасанг дард аҳлини куйдургали,  
Туз рост қонуни аро рови чапандозинг билади.

Тиргузгусидур ҳар даминг юз минг ўлукниким, сани  
Тонг йўқ, Масиҳо, гар десам бу навъ иъжозинг билади.

Ғамзанг қошида йўқ манга мумкин ёшурмоқ рози ишқ,  
Албатта, расвойи жаҳон бўлғум бу ғаммозинг билади.

Ургон бағоят кўбтурур ишқингда лофи мардлик,  
Лекин ҳариф әрмас бирни бу зор жонбозинг билади.

Даврон ғамидин, Огаҳий, маҳзун әрур, шод эт они,  
Дилкаш паволар соз этиб, жон парвар оқозинг билади.

## УЛ ОЙ РУХСОРИ

Ул ой рухсори ёрутди қаро шомимни юз кунча,  
Ва лекин бошима солди қаро кун зулфи минг тунча.

Дема Исо дами авсофиниким, хаста жонимға  
Эмастур гулшани кўйи аро жонбахш согунча.

Нетай гулзор сайринким, мангодур ул паривашнинг  
Қади сарву сочи сунбул, узори гул, лаби ғунча.

Эшит ноламнию солма қулоқ булбул павосига-  
Ки, йўқ таъсири онинг нолишимдин бир ҳазин унча.

Еру кўкни не тонг ашким суви ғарқ әтсаким, йўқтур  
Қошида Нуҳ тўфони бир-икки қатра шудрунча.

Умидимдурки васли роҳатига еткоман бир кун-  
Ки, тинмай ҳажр дарду меҳнатини чеккоман мунча.

Жаҳон сийму зарин найлайки, ишқ ичра манга бордур  
Ориғ ашким — кўмушча ҳам сориғ рухсорим — олтунча.

Ракикун — нутқ бўлғил, эй кўнгул, қўй хуш адолиқни-  
Ки, булбул қадри йўқдур аҳли даҳр олида қузғунча.

Қилиб жаҳд, Огаҳий, етгил шаҳодат гоҳи ишқ ичра,  
Бу ҳасратхонада ғам остида мурдор ўлгунча.

## ГУНЧА

Бўлуб хуррам, табассум зоҳир айлар ҳар саҳар гунача,  
Магар топмиш ул ой кўйи насимидин асар гунча.

Нозакатлиг лабин кулгу чоги кўрмишдурур гўё-  
Ки, ҳайратдин оғиз очмиш бўлуб осима сар гунча.

Магар тор оғзининг ишқи ғамиға мубтало бўлмиш,  
Буким, дилтанг ўлуб ҳар дам ичар хуни жигар гунча.

Чаман хилватгаҳида бош чекар фикрат яқосиға,  
Нишон топмоқ лаби асроридин истар магар гунча.

Белин хизматга боғлаб боғ саҳнига берур оро,  
Магар топмишдурур ул гул қудумидин хабар гунча.

Лаби хатдин муэзайян бўлса хуштурким, муносибдур  
Зумуррад пўш қиласа лаъли нобини агар гунча.

Нигорим пайкари ҳусни сафо гулзоридур, онда  
Эрур рангин қабо, гул тутгмаю заррин камар гунча.

Фигонким, ушбу гулшан ичра осиби ҳаводисдин  
На фориғ бир нафасдур гул, на бир дам бехатар гунча.

Висоли субҳи етмай хуррам ўлмас Огаҳий кўнгли-  
Ки, очилмайдурур то стмайин вақти саҳар гунча.

## ЛАТОФАТЛИГ ЮЗИНГ ШАВҚИ

Қачон сурса саманд ул шаҳсувор айлона-айлона,  
Борур күнглум онга беихтиёр айлона-айлона.

Ниҳон бўлғоч кўзимдин ул париваш, телба итлардек  
Қилурман дам-бадам ун ошкор айлона-айлона.

Юзу қаддига ўхшаш сарву гул топмоқ әмас мумкин,  
Нечаким сайри боғ әтсанг баҳор айлона-айлона.

Агар базм ичра равшан айласанг шамъи жамолингни,  
Куяр жоним қуши парвонавор айлона-айлона.

Кулуб чиқсанг ҳарамдин ман ғариби нотавонингға,  
Бўлай садқа бошингдин, эй нигор, айлона-айлона.

Тараҳҳум айлаким, даشتни фироқингдин чиқа олмон,  
Неча йилдин бери ман дилфиғор айлона-айлона.

Латофатлиг юзинг шавқи била тегрангда ою кун,  
Замони тинмади лайлу наҳор айлона-айлона.

Санингдек нозанин зебо парини қўрмадим ҳаргиз,  
Кезиб даҳр ичра қўймай бир диёр айлона-айлона.

Шарафдур Огаҳийға ажз ила йўлингда бош қўйса,  
Аёқингнинг изин, эй шаҳсувор, айлона-айлона.

## ЕТУР, ЭЙ САБО

Қаду оғзи ҳажрида дарду ғам етадур аламзада жонима,  
Етур, эй сабо, бу хабарни ул қади сарву ғунча дақонима.

Ғами фурқатида бало ұужум әтиб олди жоним, анго илож  
Топилурмұ гар ета олмосом ман агар Масиҳ нишонима.

Нече йилдур, әй фалак, үртагунг мани ҳажр үти оро  
құмридек,  
Бу жафоларинг бас әрүр, мани стур әмди сарви равонима.

Қүёшингни, әй фалак, айлама мангы арзым, қачон ўхшой  
Лаби шаккару сүзи жонфизо, қади сарву қоши камонима.

Бошим узра жоним олурға ҳажрида дарду ғам қилюр  
издиҳом,  
Нетойинки, ваҳ, ета олмоғум мане хаста руҳи равонима.

Йүқ әрүр менинг киби ишқ аро ғаму дарду ғуссаға  
мубтало,  
Югурур, фалак, назар әт онга, чидой олмой оху фигонима.

Тилагим менинг будур, Оғадий, туну күн ҳудойи каримдин-  
Ки, қилиб рақибини дилшикаста, етурса они маконима.

## НОТАВОН РҮЗА

Қил, эй соқий, карамким, қилди жисмим нотавон рўза,  
Хумори жоми майдин айлади бағримни қон рўза.

Кўзим нурин, белимнинг қувватин қўймай олиб, ваҳким,  
Ситам тийғин чекибдур әмди айлаб қасди жон рўза.

Тузубдур қасдима ранжу машаққат лашкарин саф-саф,  
Мадад май хайлидин етмай манго бермас амон рўза.

Қадимким ўқ киби туз әрди, чекмай бори андуҳи,  
Ҳам этти ғам юки остида андоқим камон рўза.

Мани май партавидин ёғду оламға чиқорғилким,  
Хумор ичра қоронғу қилди бошимға жаҳон рўза.

Бўлуб ман телбага жоми сабуди ичкали монеъ,  
Олибдур ақлу ҳушим қўймайин ному нишон рўза.

Табиат кунд әрур, хотир паришон, фикр ҳам вайрон,  
Мани одам қаторидин чиқарди бегумон рўза.

Неча кундурки бир маҳваш майи лутфи хуморидин,  
Кетурди бошим узра шўриши охир замон рўза.

Ҳамул ҳусн аҳли шоҳи илтифоти камлигидиндур —  
Ки, мундоқ Огаҳийға кўб қилур жаврин аён рўза.

## ОҲИСТА-ОҲИСТА

Манга зулм айлаб, ул қотил аёп оҳиста-оҳиста,  
Чекиб тийгини айлар қасди жон оҳиста-оҳиста.

Жафоси зўридин икки кўзимдин оқти дарёлар-  
Ки, қолғой остида онинг жаҳон оҳиста-оҳиста.

Улусга айлаган зулмин кўруб, ондин ҳазар қилмай,  
Келиб чекдим жафосин ман ёмон оҳиста-оҳиста.

Бўлур ҳажрида зиндон гар манинг манзилгаҳим бўлса  
Гулистон, балки гулзори жинон оҳиста-оҳиста.

Тўло бир жом тут лутф айлаб, эй соқийки, бу ғамдин  
Қутулғойман ичиб ман нотавон оҳиста-оҳиста.

Вафо йўқ даҳр боғининг гулида, берма кўнглингни,  
Бу кун тонгла кетар, эй боғбон, оҳиста-оҳиста.

Эмас гардунда раъд овозиким, ҳижрон туни ичра,  
Эрур ул Оғаҳий чеккан фигон оҳиста-оҳиста.

## МАѢНИ ГАВѢАРИ БИРЛА

Дедим: «Комимни ширин айла лаълинг шаккари бирла».

Деди: «Очма оғиз мундоқ қаломи сарсари бирла».

Дедим: «Бир тун майи баэминг еткур, эй пари пайкар».

Деди: «Мушкил дурур одамға базм әтмак пари бирла».

Дедим: «Очғил юзинг то жон топай лаълинг

қилиб бўса».

Деди: «Мақтул ўлурсан кирпикимнинг ханжари бирла».

Дедим: «Бу хоксоринг бирла бир оқшом ҳамогуш ул».

Деди: «Топмас маъият хоки меҳри ховари бирла».

Дедим: «Раҳм айлабон ҳолимни сўр, эй ҳўблар шоҳи»,

Деди: «Шаҳ сўзлашурму бандаларнинг аҳкари бирла».

Дедим: «Заррин ўтогинг узра гавҳар ҳўб ярошибдур».

Деди: «Қиласмиш қирон хуршиди анвар муштари бирла».

Дедим: «Жоним куяр ҳар лаҳза ўт узра сипандосо».

Деди: «Фикр айлама лаълимни холи анбари бирла».

Дедим: «Юз узра лаълинг жон бағишлиар оби ҳайвондек».

Деди: «Тенг тутмогил ҳар сувни жаннат кавсари бирла».

Дедим: «Бўлмиш манга кам нақди лутфинг ўзгадин

невчун».

Деди: «Сан бой әрурсан гапжи маъни гавҳари бирла».

Дедим: «Қайси киши комига еткай базми васлингдин».  
Деди: «Ондоқ кишиким мол вофирдур зарн бирла».

Дедим: «Невчүн қочарсан Огахийдин күргузуб нағрат».  
Деди: «Күчмоқ тилар белимни жисеми логари бирла».

## МУМТОЗ ҮЙНАСА

Ҳар қачон базм ичра гар ул шўхи танноз ўйнаса,  
Жонларин әрмас ажаб ушшоқи жонбоз ўйнаса.<sup>33</sup>

Юз қиёмат шўри тушкай ҳар кишининг бошиға,  
Чангу дафга гар қилиб овозини соз ўйнаса.

Кўрган әл сайди бўлуб бошиға қилғой жон фидо,  
Занг аёқига тоқиб чуст ўйлаким боз ўйнаса.

Тушмаган қўлу аёқдин кимса қолмас базм аро  
Гар бўлубон пойи кўбу дасти андоз ўйнаса.

Кимдурурким, қилмағай оллида жон нақдин нисор,  
Кўргузуб гар юз адou шевау ноз ўйнаса.

Рақсфа киргай ўлук, тан доги топиб тоза жон,  
Чарх уруб, раққос ўлуб чусту сабуктоз ўйнаса.

Ҳеч ким девона бўлмай қолмагай гар ул пари  
Ўйнамоқ чоғи ўзин айлаб фусунсоз ўйнаса.

Оқ ўтовда мажлис аҳли ичра ўтлуғ юз очиб,  
Айлагай қиши мавсумин ул навъким ёз ўйнаса.

Печ ураг жону қўнгул ўт уэра тушкан қил киби,  
Кокули бирла бериб юзига пардоз ўйнаса.

Гарчи кўбдур шўхлар базм ичра, лекин ҳусн аро  
Борчасидин дилбарим бўлғуси мумтоз ўйнаса.

Ҳар дами Исо дамидек юз ўлукка жон берур,  
Огаҳий шеърин ўқуб, гар тортиб овоз ўйнаса.

## ЖОМИ ИШРАТ ДАВРИ ХУШТУР

Хаста жисимин тиларман судрамак жононгача,  
Бору йўқимни фидо олида қилмоқ жонгача.

Кечаву кундуз хаёли хайли маскан айламиш,  
Жону кўнглум манзилин то дийдан ҳайронгача.

Офариниш ул париваш ҳуснининг шайдосидур,  
Заррадин то меҳри рапшону маҳи тобонгача.

Лаъли рухсори шавқи тийғидин бу боғ аро,  
Сийна чок ўлмишдурур гул ғунчай хандонгача.

Демагил гавҳар сўзиниким, тафовут кўбтурур  
Қадр аро хар муҳрадин якто дури ғалтонгача.

Эзоҳидо, фирдавсни кўйига ташбиҳ айлама-  
Ким, томуғдин фарқ кўблур равзай ризвонгача.

Кўйи гулзори биҳиштининг әрурлар толиби,  
Ҳам парию ҳам малак, ҳам ҳур илағимонгача.

Бодаи лаъли лабининг нашъаси маҳмуридур,  
Кавсари тасним то сар чашмаи ҳайвонгача.

Зулфи домига саросар даҳр эли бўлмиш асир,  
Сойили нокомдин то комрон султонгача.

Чун бўлур маскан санга охир ер ости, не осиг,  
Гар етурсанг қасру айвон авжини кайвонгача.

Жоми ишрат даври хуштур, Оғаҳий, букун, вали  
Ҳайфким, йўқ фурсате тонгла яна давронгача.

## ҮЗГАЧА

Ул ситамгарларга букун бўлмишдур атвор ўзгача-  
Ким, жафодин еткуурр кўнглумга озор ўзгача.

Йўқ ажаб бетоқат ўлсам ўзгача, эй дўстлар-  
Ким, бу дам ёрим әрур ағёрға ёр ўзгача.

Ўзгача дилсўз эса оҳим тонг әрмас әмдиким,  
Дилбарим бўлмишдур ўзга әлга дилдор ўзгача.

Кўзларимдин ўзгача қон оқса тонг йўқким, бу дам  
Ҳажр тийғидин бўлубдур кўнглум афгор ўзгача.

Васлидин дардимга ҳаргиз ўзга навъ әтмас даво,  
Бўлмишам ҳажри ғамидин гарчи бемор ўзгача.

Мен вафосида замоне ўзга ёнглиғ бўлмоғум,  
Гарчи бўлмишдур жафода ул ситамкор ўзгача.

Ўзга янглиғ тут тўло согар манго, эй муғбача-  
Ким, букун кўнглум аро даврон ғами бор ўзгача.

Гарчи ҳар дам ўзгача чеккунг жафосин, эй қўнгул,  
Лек онинг ишқида ҳолинг қилма зинҳор ўзгача.

Огаҳийга ўзгача лутф айлаб очса әрди юз,  
Айтур әрди васфида юз ранг ашъор ўзгача.

## БУ КЕЧА

Соқиё, келгилки шоми ийди құрбон бу кеча,  
Қыл жамолинг партавин шамъи шабистон бу кеча.

Кече зулмотида ойдек юз очиб, юз лутф ила  
Май тутуб, қыл мажлис аҳлин шоду хандон бу кеча.

Оразинг гул-гул очиб, аввал ўзинг май тобидин,  
Айлагил мажлис фазосини гулистон бу кеча.

Сүнгра базм аҳлинни масти шоду хуррам айлагил,  
Жоми лутфингдин тутуб саҳбойи әңсон бу кеча.

Сүнгра ширин лабларингдин нукта нақлинни сочиб,  
Айшу ишрат лаzzатини қыл фаровон бу кеча.

Анжуман аҳли неча кун бўлдиким, махмурдур.  
Тез қиғиғиғи сағари лутфингга даврон бу кеча.

Барча сандин кўз тутар сархушлиғу хуш ҳоллиғ,  
Комича қыл барчани масруру шодон бу кеча.

Үйла обод эт қўнгуллар мулкиникум, қолмасун,  
Бир қўнгул кошонаси бир лаҳза вайрон бу кеча.

Оғадийни барчадин кўб лутф ила шод айлаким,  
Қолмасун асло ҳазин кўнглида армон бу кеча.

## ТУТОШТИ ИШҚИНГ ЎТИ

Тутошти ишқинг ўти, соқиё, бошдин аёқимға,  
Тараҳум айла бутун бўйла муҳлик эҳтироқимға.

Висолинг базмида ишрат навидин еткурур ҳар дам,  
Суроҳий қулқулию мутриб овози қулоқимға.

Қўлингдин бода ичмакка басе муштоқ ўлубдурман,  
Тут илкинг бирла бир соғар, боқиб бу иштиёқимға.

Қою соғарки ширин лаълинга базм ичра етмишдур,  
Тутуб юз лутф ила жон таъмини еткур мазоқимға.

Бу базм ичра муродим ҳосил әтгил мастлик чоги,  
Қўюб лабни лабимға, пайкаринг солиб қучоқимға.

Агар бу лутфунга истар әсанг жон нақдини подош,  
Берурман бўлса юз жон солмайин бир чин қапоқимға.  
  
Кари деб Огаҳийни айлама маҳрум базмингдин,  
Кўзимнинг ёшиға боқ, эй гўзал, боқма саёқимға.

## НОЭУ АДОЛАР БУ КЕЧА

Келдилар күлбамға неча дилраболар бу кеча,  
Күргуәуб ман хастаға меҳру вафолар бу кеча.

Тийра шомимни мунааввар қылғали хуршиддек,  
Юз очиб еткурдиләр нури зиёлар бу кеча.

Ҳар бири бир ўзга турлук илтифот айлаб, мани,  
Қылдилар мустағрақу лутфу атолар бу кеча.

Бириси очиб табассум бирла лаъли дуржини,  
Нұктасидин сочти дурри бебаҳолар бу кеча.

Бири соз айлаб адаб бирла тараб қонунини,  
Чекті тоңг атғучада дилкаш наволар бу кеча.

Бири үйнаб паридек, ўртада раққос ўлуб,  
Олди ҳушим күргузуб нөзу адолар бу кеча.

Бири айлаб лаб-балаб гулгүн қадаҳлар дам-бадам,  
Оғзима тутди майи ишратфиэолар бу кеча.

Бири мастана ўзин оғушим ичра еткурууб,  
Айлади ҳосил манго күб муддаолар бу кеча.

Интиҳойи умрида шаң шафқатидин Оғажий,  
Топти мундоқ ишрати беинтиҳолар бу кеча.

**«ЛОМ АЛИФ» РАДИФИ  
ХАЙЛИ ГАМ ЗҮР АЙЛАБОН**

Қасди жон ул шүхи бебок эттило,  
Тийг ила күксүмни юз чок эттило.

Лаҳза-лаҳза зулм ўтин тез айлабон,  
Жисмим ул ўт узра хошок эттило.

Войким, бир жилва бирла ул пари  
Қасди ақлу ҳушу идрок эттило.

Ҳар кеча оҳим чекиб дуду шарор,  
Бирни анжум, бирни афлок эттило.

Кўз ёшимдин неча дарё мавж уруб,  
Чархни гарқоби кўлок эттило.

Хайли гам зўр айлабон ожиз таним,  
Поймол ул навъким хок эттило.

Огаҳий, тонг йўқ фифонимким, фалак  
Зулм ила жоним аламнок эттило.

## ВАҲ ЯНА ГАМ ҲАЙЛИ

Ваҳ, яна гам хайли бошим узра ғавғо қилдило,  
Ҳушу сабрим мулкини торожу яғмо қилдило...

Ҳажри оташгоҳиға, ваҳким, яна жону кўнгул,  
Туштию бошдин аёқ қолмай асар ё қилдило.

Ишқ роzin ӯшурур әрдим кўнгулда, ваҳ, нетай,  
Қон ёшим юз сори оқиб, ошкоро қилдило.

Васли бўстони мақомим әрди, ваҳ, эмди манго  
Чарх зулми ҳажри зинданини маъво қилдило.

Меҳнату гам шиддати оҳим ўтин тез айлабон,  
Ҳар кеча дуду шарорин чархи фарсо қилдило.

Воқиф әрди Огаҳий ҳолидин ул султони ҳусн,  
Билмадим, мунча тағофил нега пайдо қилдило.

**«Е» РАДИФИ  
ИШҚИНГ ҒАМИ**

Ишқинг ғамики рўзи азалдур бидояти,  
Шоми абаддин ўткуси онинг ниҳояти.

Ҳаффози чарх қилгуси такрор ҳар саҳар,  
Эрмас қуёш китоби жамолинг бир ояти.

Ҳар тун нужум дема, сочиликон сиришк эрур,  
Инглотди баски чархни оҳим сирояти.

Лутф айла, саргузаштим әшиит, бўлмайин малул-  
Ким, гулга хуш кўрингуси булбул ҳикояти.

Мақсад ризойи дўст агар әрса хўб әмас,  
Аҳли вафога меҳнати ҳижрон шикояти.

Бир кимса даҳр зулмидин әмин әмас магар,  
Ҳар кимга етса жоми сабуҳи ҳимояти.

Мақсуди манзилиға қачон йўл топар киши,  
То етмагунча ҳодийи давлат ҳидояти.

Осудалиғ, кўнгул, тиласонг, қўй амалниким,  
Ул бир йўлики, йўқтур онинг ҳадду ғояти.

Гар ғолиб ўлса Огаҳий, ғам хайлиға не тонг-  
Ким, ёрдур шаҳаншаҳи одил инояти.

## ТҮЗСА МАЖЛИС ДҮСТЛАР

Борму бир бад аңд ул шүхи дағо ойин киби-  
Ким, қилур күб ваъдалар ёлғон, боридур чин киби.

Қил тамошо гул юзинким, оташин май тобидин,  
Бўлғуси гаҳ аргувон осо, гаҳи насрин киби.

Нутқи руҳуллоҳ ўлукни тиргузурда бўлмоғой,  
Лаълидин тақрир топғон нуктаи ширин киби.

Дилкаш әрмас сунбули хушбў гули сероб уза,  
Терлаган руҳсори уэра гисуи мушкин киби.

Ул пари ишқи аро жонбоэлар кўбдур, vale  
Покбоз әрмас бири бу ошиқи мискин киби.

Гарчи майдин риндлар олуда айларлар этак,  
Лек тардоман әмаслар зоҳиди худбин киби.

Ҳар кишиким арра ёнглиғ бўлса бадхўю дурушт,  
Даҳридин элтар они авжи самоға син киби.

Солғуси гардун паришонлиғ наботун наъшдек,  
Тузса мажлис дўстлар ногаҳ агар парвиг киби.

Рост равлиқ, Огаҳий, солмиш сани руҳдек қироқ,  
Қурби шаҳ топғай эдинг, кажрав эсанг фарзин  
киби.

## НАВБАҲОР АИЕМИ

Навбаҳор айёми ҳар ким қилса саҳро сайрини,  
Айлаганча ҳаз топар фирмавси аъло сайрини.

Кўнглида қолмас қудуратдин асар, қилса агар  
Мурғзору бешаларнинг хотир оро сайрини.

Баҳр янглиғ табъидин мавж ургуси файзу футуҳ,  
Гаҳ-гаҳи заврақ миниб, гар қилса дарё сайрини.

Сунъи ҳақ асроридин воқиф бўлур, гар айласа  
Чашми ибрат бин очиб, аснофи ашё сайрини.

Баҳра топғай ўзгача қилса гаҳи бу сайр аро  
Авлиёлар марқадининг ибрат афзо сайрини.

Еткурур кўб суд дунё сайри ул сайёрға-  
Ким, суруб рахши тафаккур қилса уқбо сайрини.

Файзлар бу борчадин ортиқ топар, гар айласа  
Яъс аро қолгон дили маҳзуну шайдо сайрини.

Гулшани роҳатдурур фақру қаноат гўшаси,  
Қилмогунча лек не билсун киши то сайрини.

Огаҳийнинг кўнгли ҳам бир хуш ҳаво саҳро әрур,  
Ул ингори лутфхў қилғойму оё сайрини.

## ХУСН МУЛКИДА

Эй, жамолингдур жаҳон зебандаси,  
Ою кун әрмас онинг монандаси.

Ҳусн мулкида әрурсан подшоҳ,  
Ҳўблардур оstonинг бандаси.

Ҳони ҳуснингнинг гадоси келди гул,  
Эгнида юз пора бўлғон жандаси.

Ғунча ҳайратдин очибдур оғзини,  
Токи зоҳир бўлди лаълинг хандаси.

Ўзни ушшоқингга мансуб айлабон,  
Офтоб ўлди йўлинг афкандаси.

Жилва берсанг қоматингфа боғ аро,  
Сарв ила шамшод ўлур шармандаси.

Лутф этиб, сўр Огаҳийнинг ҳолини,  
Гарчи лутфингнинг әмас арзандаси.

## ГУЛЪУЗОРИМ

Гулъузоримким, букун сайри гулистон айлади,  
Ҳуснидин гулшанни рашки боги ризвон айлади.

То олиб юэдин никоб, ўлди паридек жилвагар,  
Гул бўлуб девонаси, чоки гирибон айлади.

Лабларидин гаҳ-гаҳи пинҳон табассумлар қилиб,  
Ғунчалар бағрини гаҳ-таҳ рашкдин қон айлади.

Ғунча ҳайратдин оғиз очти, йиқилди ерга гул,  
Боғ аро то лаъли рухсорин намоён айлади.

Гул терарда ғунча оғзи бўса айлаб илгини,  
Рашк ўтиға жони bemоримни сўзон айлади.

Ул гул очиқ юз била гул сайрин айлаб ҳар тараф  
Булбули шайдо киби кўнглумни нолон айлади.

Ваҳ, бу не тарзи хиром әрдики, олам аҳлини  
Бир адо бирла асиру зору ҳайрон айлади.

Айлагил, эй гул, вафо булбулғаким, беш кун сани  
Гардиши гардун бу гулшан ичра меҳмон айлади.

Меҳрибонлиғ кўргузуб келган гулистон сайриға.  
Огаҳий ул гул фидоси жавҳари жон айлади.

## ОБИ КАВСАРНИ НЕТАЙ

Кўрмасам меҳри жамолин, моҳи анварни нетай,  
Сўрмасам лаъли зулолин, оби кавсарни нетай.

Қаддининг раъно ниҳолин гар тамошо қилмасам.  
Боғ аро наззораи сарву санавбарни нетай.

Ул гул андомим агар мажлисда соқий бўлмаса,  
Лаългун саҳбонию гулранги соғарни нетай.

Ҳар нафас ширин қаломи жонга роҳат бермаса,  
Базм аро қанду, наботу, шаҳду шаккарни нетай.

Бўлмаса гар жилвагар рухсори узра кокули,  
Гул уза бўлғон паришон сунбули тарни нетай.

Бермаса бошимга зийнат остоини туфроги,  
Афсари Доронию тожи Скандарни<sup>34</sup> нетай.

Тийра шомимни висоли субҳидин ёрутмаса,  
Моҳи анварни на айлай, меҳри ховарни нетай.

Бўлмаса аҳбоб базми айш асбобига харж  
Киссада маҳбус бўлғон сийм ила зарни нетай.

Огаҳий, гар боқмаса хўблар сари айб этмаким,  
Базм аро чун йўқтур үл ой, ўзга дилбарни нетай.

## ЭП ТҮТИ

Бу янглифким каломинг әлгадур жонпарвар, эй түти,  
Масиҳим лаълидин тотдинг магарким шаккар, эй түти.

Нааар то ул юзу лаб кўзгусию шаҳдига қилдинг,  
Сўзингдур соф жонбахшу ҳаловат густар, эй түти.

Чу шаккаррэз қилдинг ҳар нафас ширин каломингни,  
Бори қушлар гуруҳи ичра бўлдинг сарвар, эй түти.

Чу йўқ оби ҳаёти умрдин сар сабзлиқ топмоқ,  
На ҳосна Ҳизрдек қилсанг либосинг аҳзар, эй түти.

Ҳаловатлиғ фараҳ густар сўзинг боисдурур буким,  
Қафас қайди аро тун-кун әрурсан музтар, эй түти.

Фалак бедоди ёйидин чиқиб санчилағон ўқлардур,  
Гумон әтма тани зоринг аро болу пар, эй түти.

Ҳамуш ўл жоқ истаб, сўзда кўргузма ҳунар, кўргил-  
Ки, жоқ аҳли жаҳонда беҳунардур аксар, эй түти.

Ҳунарпарвар сўзингдни бошинга келган бало дафъини,  
Қило олмас гар ўлса ҳар паринг бир ханжар, эй түти.

Агар ком олмоқ әтсанг орзу шаҳ лутфи шаҳидини,  
Сўзингни Огаҳийдек айла лаззатпарвар, эй түти.

## УМИДИМ БУ ЭДИКИМ

Келиб ногаң мени ул қоши ё ўлтурмай ўлтурди,  
Отиб мужгон ўқин, айлаб жафо ўлтурмай ўлтурди.

Дедим юз ёлбориб, қошимда бир дам ўлтуруб ўлтур,  
Баҳона айлабон шарму ҳаё ўлтурмай ўлтурди.

Умидим бу әдиким, ўлтуруб дилдорлиғ қылгай,  
Ва лекин күргузуб нозу адo ўлтурмай ўлтурди.

Ман ўлтурмоқ тилаб, илгин тутуб тушдим аёқиға,  
Ул истиғно қилиб зоҳир манга, ўлтурмай ўлтурди.

Бориб мажлислариға, ўлтуруб тиргузди ушшоқин,  
Мани лекин келиб кулбам аро, ўлтурмай ўлтурди.

Етушкач бошима тортиб қилич, бир лаҳза ўлтур деб,  
Туман-минг ёлбориб қылдим дуо, ўлтурмай ўлтурди.

Фигонким, Огаҳийнинг кулбасиға келгач ул золим,  
Жафо шамширини тортиб анго, ўлтурмай ўлтурди.

## БАҲРАМАНД ЭТКИЛ

Эй пари, манъ этмагил базми висолингдин мани,  
Баҳраманд эткил тамошон жамолингдин мани.

Лутф ила жам әт паришон хотирим айлаб ҳисоб,  
Зумраи, девонаи ошуфта ҳолингдин мани.

Комим әтти талх ҳажринг заҳри, ширин ком қил,  
Согари лаълинг аро жонбахш болингдин мани.

Тийги ишқингдин ўлубман, тиргуза олмос Масиҳ,  
Гар ўзинг тиргузмасанг ширин маҳолингдин мани.

Одам осо равзай кўйингда бархўрдор қил,  
Лаззати наззораи наврас ниҳолингдин мани.

Хилвати васлинг аро ағёрни маҳрам қилиб,  
Айлама маҳрум ҳусни бемисолингдин мани.

Нечаким ҳуру пари олимда бўлса жилвагар,  
Ўткара олмас даме фикру хаёлингдин мани.

Ғам тоши синдуурди айшим соғарин, эй пири дайр,  
Май тутуб масти айлагил синғон сағолингдин мани.

Ишқ таркини буюргунг Огаҳийға, носиҳо,  
Айлама озурда бу амри маҳолингдин мани.

## БОГИ ЖАҲОНКИ ХУШТУРУР

Боги жаҳонки хуштурур гулшани айшхонаси,  
Роҳати жисму жон эрур базму тараб нишонаси.

Базм әли сабрини олиб рақсга жонларин солур,  
Мутриби хушнавосининг шавқфиоз таронаси.

Жоми Жам ичра шарбати жон киби хушгувор эрур,  
Согари зар нигор аро соф майи муғонаси.

Ишқ әли жону кўнглининг сўзу гудози шарқини,  
Равшан әтарга тил дурур шамълари забонаси.

Қасди юз очиб, айламак әлни асири доми ишқ,  
Зулфи сиёҳин урмаки шўхлари баҳонаси.

Чеккуси жонни зулфиға лаъли зулоли хол ила,  
Домига банд әтар ҳамул қушни бу обу донаси.

Базми мұяссар ўлса гар харж қилурға оз эрур,  
Бир кечалик нишотиға ер юзининг ҳазонаси.

Даҳр тарабгаҳи басе дилкашу хўб эрур, вале,  
Ҳайфки, йўқтурур онинг ишрати жовидонаси.

Муддати умрин, Оғаҳий, чексун уғон узоққаким,  
Айшу тараб замонидур, шоҳи замон замонаси.

## ҲАР СҮЭЗИНГ ФАСОҲАТ ГАВҲАРИ

Эй юзинг буржи сабоҳат ахтари,  
Ҳар сўзинг дуржи фасоҳат гавҳари.

Қошларинг жаллоди шамшири ажал,  
Кўзларингдур шаҳри Ҳайбар<sup>35</sup> кофари.

Суратинг руҳи мужассам шакл аро,  
Талъатинг нури тажалли мазҳари.

Кокулингдур сунбули гулзори ҳусн,  
Қоматинг боғи латофат аръари.

Тоза рухсоринг гулистони беҳишт,  
Лабларинг шаҳдидур онинг кавсари.

Тийғи нозинг қотили аҳли жаҳон,  
Ҳайли ғамзанг жону дил яғмогари.

Остоингдур гадолар маржиъи,  
Ҳоки пойинг келди шаҳлар афсари.

Одам улдур, бу жаҳон аҳли аро,  
Қайси ҳайвонинг эса сийму зари.

Кирмагай зарсиз кишилик сонига  
Саъди ўлсун фазл аро ё Анвари<sup>36</sup>

Ҳолима бир боқ карамдин, то бўлай  
Рутбада аҳли жаҳонинг сарвари.

Огаҳийни лутф ила қиъғил азиҳ,  
Ким эрур ул ишқ элининг аҳқари.

## ШИРИН МАҚОЛ АЙЛАР МАНИ

Оғзин қачон зикр айласам, ширин мақол айлар мани,  
Белин қачон фикр айласам, нозик ҳаёл айлар мани.

Ул ой қошининг шаклини васф әтмак әтсам орзу,  
Ҳайрат сипеҳрида онинг фикри ҳилол айлар мани.

Қадди ниҳолининг қачон авсофиға сурсам қалам,  
Зебо иборат фикрати андоқки нол айлар мани.

Ширин сўзи таърифида гар нукта сўрмак истасам.  
Нозик маони диққати ҳайрону лол айлар мани.

Боқиб юзига, жам этай десам паришон хотирим,  
Ҳойил бўлуб мушкин сочи, ошуфта ҳол айлар мани.

Ҳусни камолини не тонг, васф айласам такрор ила-  
Ким, ушбу маъни ишқ аро соқиб камол айлар мани.

Шайдо кўнгул кўзгусида ҳар вақт бўлса жилвагар,  
Ул дилрабонинг сурати сурат мисол айлар мани.

Жоним қатиғлиғдин лаби ҳажрида тандин чиқмади,  
Эмди юз ўлгандин батар бу инфиол айлар мани.

Ҳар не жафоким айласа, миннат туторман жонима-  
Ким, лутфининг шойистаси ушбу хисол айлар мани.

Васли ҳаёли кечалар ҳамдам манга, паҳким, ўзи,  
Бидмон қаю тун маҳрами базми висол айлар мани.

Оғзи висоли фикрини ҳар дам қилурман, Оғаҳий,  
Охир адам, албатта, бу фикри маҳдол айлар мани.

## БУЛБУЛУ ҚУМРИ

Чу қылди оразу қаддинг тамошо булбулу қумри,  
Гул ила сарв сори боқмас асло булбулу қумри.

Ҳавойи сарву гул қымас нединким, боғ аро күргач  
Юзу қаддинг ҳавосин қылди пайдо булбулу қумри.

Чекар рухсору қаддинг шавқи бирла бир нафас  
тинмай  
Наволар дил күшоду беңжатафзо булбулу қумри.

Туну күн хүш адой жонфизо ун бирла гүёдур,  
Гулу сарвинг жамолин күрди гүё булбулу қумри.

Бу гулшан ичра топти то юзу қаддинг висолини,  
Гулу сарв этимади ҳаргиз таманин булбулу қумри.

Азалда күйди ишқинг ўтиға, күргилки жисмида  
Кул осорин аён этти сарупо булбулу қумри.

Карам айлаб гулистон сайрини тарк этмаким, етсун  
Муроду мақсадиға комича то булбулу қумри.

Назар истар әсанг гар жохилу олимға, билгилким.  
Эрүр зөғү заған нодону доно булбулу қумри.

Тонг әрмас Огақийча бўлмаса сўз аҳликим, ҳар қуш  
Наво тузмак била бўлғойми оё булбулу қумри.

## АЙБ АЙЛАМАНГИЗ

Ул навъ тамаввуж яна кўз ёшима етти-  
Ким, ошти бошимдин дема сув бошима етти.

Кўрган киши ғам баҳрида амвожи бало дер,  
Чинларки алам заҳрин ичиб қошима етти.

Елғуз дема, оҳим ўти куйдирди танимни,  
Кул қилди ичим аввалу сўнг тошима етти.

Ҳолимни кўруб, ҳуши қочиб, борди ўзидин,  
Ҳижрон тунида ҳар кишиким қошима етти.

Айб айламангиз ҳоли забунимки, азалда  
Бу нақш менинг хомай наққошима етти.

Кетмиш эди жон гавҳари нутқин тилабон шукр,  
Ким, ушбу гадо ул лаби дурпошима етти.

Кўнглум била борғоч бир ўқ отти икимиизга,  
Мандин ўтубон новаки йўлдошима етти.

Ашким етушуб, ҳолима раҳм айлади ул шўх,  
Юз шукрким, бу лаҳза ёшим ёшима етти.

Кўб сўз демак ўлтурди мани, Огаҳий, охир,  
Фарёдки, тил тийғи манинг бошима етти.

## КҮККА ЕТКАЙ ЭРДИ БОШИМ

Гар ҳисоб этса ул ой ушшоқи зоридин мани,  
Нега манъ айлар тамошойи узоридин мани.

Қуллар ичра хор әсам тонг йүқки, ул сұлтони ҳусн  
Хориж әтмишдур камиң қуллар қаторидин мани.

Күкка еткай әрди бошим, қадрим ортиб әл аро,  
Паст агар тутмас әса, күйи губоридин мани.

Лутфи бирла комрондур үзга, ман маҳрумман,  
Әй ажал, қутқор бу ҳолим нангу оридин мани.

Ұлмак ул қотилнинг илгіда манинг комим әрүр,  
Айламанг таҳдид тийғи обдоридин мани.

Йүқ ажаб оқим шарори бирла ёқсам күкниким,  
Үртади ҳижрон үти муҳриқ шароридин мани.

Гарчи ул гул васлидин ойиргуси гардун, vale,  
Үткара олмас замоне хор-хоридин мани.

Ман вафодин юз әвурмасман замоне, гарчи ул  
Қаҳр айлаб, солди чашми әътиборидин мани.

Лутфидин узмом умидим, Огаҳий қар нечаким,  
Қаҳрин хориж қилди васл аҳли шуморидин мани.

## КУЛБАИ АҲЗОНИМА КЕЛДИ

Бу кеча ул ой кулбай аҳзонима келди,  
Кўнгли чидамай нолау афгонима келди.

Кўқдин тилаган комим ўлуб ерда мұяссар,  
Хуршид очиб чеҳра, шабистонима келди.

Ушшоқ аро бўлсам не ажаб, эмди ғанийким,  
Ул ганжи вафо гўшай вайронима келди.

Бетоқат әди жону дилим ҳажрида, юз шукр,  
Ким, бергали ором дилу жонима келди.

Юз лутф ила юз бўса манга бергали юздин,  
Бўйнимга қўлин солди, ёвуқ ёнима келди.

Олроҷ юзидин бўса, кулумсуб деди: «Лаълим  
Уп, эмдиким, навбат лаби хандонима келди,

Лаълим санго жон бергуси, йўқ хиэр сўйиким,  
Махсус бу иш чашмаи ҳайвонима келди».

Мен жон киби қучдим белини, лаълинни сўрдим,  
Ул руҳи равондек тани урўнинг шоънима келди.

Тонг отғуча ётдим қучушуб, Огаҳий, бу тун,  
Васл ояти гўёки манинг шоънима келди.

## ЭЙ САБО

Эй сабо, бу кун бориб, албатта, жононим сари  
Арз қил, юз дарду ғам, юз қўйғонин жоним сари.

Зарра янглиғ изтиробимни шаби ҳижронида,  
Қил аён айлаб ҳаво хуршиди тобоним сари.

Фурқатида булбулосо зор кўнглум ноласин,  
Еткур афрону ғирев айлаб гулистоним сари.

Дардидин ҳар дам ўларга етканим кайфиятин  
Айтғил бир-бир бориб Йсойи давроним сари.

Ғам туни ҳажр ўтига парвона янглиғ куйганим,  
Айла равшан аэм этиб шамъи шабистоним сари.

Қолғонин сўздин тилимнинг айт гўёлиғ била,  
Юз қўюб ёри адо фаҳму сухандоним сари.

Огаҳий йўлунгға айлар нақди жонини нисор,  
Гар десанг ҳолин бориб даргоҳи султоним сари.

## НИҲОН ЎЛДИ

Қачонким, ул пари қўздин ниҳон ўлди, ниҳон ўлди,  
Ишим Мажнун киби оғу фифон ўлди, фифон ўлди.

Чиқ истиқболига, эй дил, нисори айла жон нақдин-  
Ки, дерлар бу тараф ул шаҳ равон ўлди, равон ўлди.

Кўнгулда оташи ишқинг ниҳон асрай дедим, эй шўх,  
Нетай оҳим шароридин аён ўлди, аён ўлди.

Ўшул кунким ёрутдинг ҳусн айвонин жамолингдин,  
Дили вайроним ишқингга макон ўлди, макон ўлди.

Ҳазин жонимга дарду ғам ўқин ёғдурғоли ҳар дам,  
Юзинг узра ики қошинг камон ўлди, камон ўлди.

Инонмон, эйки, дерсан дилраболарда вафо бордур,  
Яқиндурким бу сўз манга гумон ўлди, гумон ўлди.

Туну кун чиқмасам майхонадин, не айбким, онда  
Кишиким кирди кулфатдин омон ўлди, омон ўлди.

Жаҳон савдосидин, эйким, тиласан суд топгойсан,  
Бу савдо суди билгилким, зиён ўлди, зиён ўлди.

Агарчи яхшидур аҳбоб ила базм этмагинг ҳар тун,  
Вале Огойҳийни қовдинг, ёмон ўлди, ёмон ўлди.

## ОФТОБИ ХОВАРИ

Эй, юзингдин мунфаъилдур офтоби ховари,  
Вай дамингдиндур хижил Исо дами жонпарвари.

Касби нур айлар юзингдин кеча-кундуз ою кун,  
Не учунким ул әрүр ҳусну латофат масдари.

Бир назарда олғуси фаттои қўзиниг юз жону дил,  
Сандек әрмастур жаҳонда ҳеч кимнинг дилбари.

Топмасам лаълинг зулолин ҳожат әрмастур маңга,  
Оби ҳайвон шарбатио боғи ризвон кавсари.

Ижтиоб айлаб, қўзимдин бўлмоқинг пинҳон недур,  
Чунки ман девонаи бехонумонман, сан — пари.

Нетти васлинг маҳзанидин бир дирам қиласанг қарам,  
Сан әрурсан шоҳ, ман кўйинг гадойи аҳкари.

Оғаҳий, етса онинг хоки жаноби бошима,  
Ҳожат әрмастур манго султони даврон афсари.

## ТАРИЙКИ ДИЛРАБОЛИФ

Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди,  
Вафо қатлимға қылғон вәтдасиға қылмай ўлтурди.

Олиб күнглумни кетти, сүңг келиб бир сўрмади  
**ҲОЛИМ**  
Тарийқи дилраболиғ шевасини билмай ўлтурди.

Ман онинг интизорин тортибон то субҳ ўлтурдим,  
Мани ул мудданилар базмидин ойрилмай ўлтурди.

Қочиб уйқу кўзимдин, борча олам ёнди оҳимдин,  
Тагофил бирла бу ҳолим кўзига илмай ўлтурди.

Тузуб ағёр ила суҳбат, ичиб тонг откуча соғар,  
Мани сармастликдин бир нафас ойилмай ўлтурди.

Муродим эрди онинг тийғи захмидин қатил ўлмоқ.  
Фигонким, қатлима тийғи дами тортилмай ўлтурди.

Ҳаётим боиси эрди сўзи, фарёдким, найлай.  
Ики ширин лаби бир нуктага очилмай ўлтурди.

Топар эрдим висолидин даво ҳижрони дардига,  
Бу дардимға бу оқшом ул даво топилмай ўлтурди.

Шаҳи одилга дод айлай қулидин, Огаҳий, қўйким,  
Мани ул бевафо қотил бу оқшом келмай ўлтурди.

## БҮЛМАСА БҮЛМАСУН, НЕТАЙ

Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Оҳима ҳам шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун нетай.

Ҳар дам улусга лутф ила боғуси, қаҳр ила, vale  
Ман сори бир назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ишқ әли кўнгли дардига чора қилур, vale манинг  
Дарди дилимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажр ила заъфим ўйлаким, оди ҳазиним ўтига  
Шуъла била шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жон лабидин чу бермади жиссими, ваҳки қошидин  
Қатлима ҳам ишора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Кўйига борсам этгуси васлиға ваъда, ул доғи  
Бўлғуси бора-бора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Толеъи равшан ўзганинг лутфи қуёши нуридин,  
Ман киби баҳти қора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Бўлди ситораси исиг ҳулқига меҳри ёри гарм,  
Манда исиг ситора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Дедим: «ўлубдур Огаҳий, ашки канорасиз», деди:  
«Ашкима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай».

## ДАРДИ ДИЛИМ

Дарди дилим анго дедим, дема ани манго, деди.  
Ким манга ошиқ ўлса, ул лозим әрүр анго, деди.

Юз уза икки нарғисинг, ваҳ, не бало қаро, дедим,  
Кўнглунг жонинг олғучи икки қаро бало, деди.

Лабларинг оғзима етур, жон топойин анго, дедим,  
ЛАъли табассум айлабон, йўқму ўлум санго, деди.

Қучмоқ әрүр белинг ҳазин кўнглума муаддао, дедим.  
Йўқму ўётинг ушбу сўз дегали, беибо, деди.

Ҳуснунга айлайин назар, ман сори бир қаро, дедим.  
Ёшурубон юзин, кет, эй масхара, беҳаё, деди.

Бўсаи лаб савоб учун айла манго ато, дедим,  
Қошу қапогини четиб, қўй, бу сўзинг хато, деди,

Ваҳ, недин эркан этмагунг ҳеч вафо манга, дедим.  
Зоҳир ўлубдурур қачон ҳусн әлидин вафо, деди.

Хаста кўнгулга қилғасан мунча недин жафо, дедим,  
Дема жафо они санинг дардингадур даво, деди.

Оғаҳий комини недин айламагунг раво, дедим,  
Ком топорму жонин ул қилмогунча фидо, деди.

## УЛ ОЙ ГАМИ

Айлаб мани фироқ аро ҳайрон ул ой гами,  
Багримни қилди қайғу била қон ул ой гами,

Ваҳ, найлайинки жисми назоримни ҳажр аро  
Кулфат ўтига айлади сўзон ул ой гами.

Тун-кун ҳазин кўнгулни неча фикрга солиб,  
Еткурди ақлу ҳушима нуқсон ул ой гами.

Оҳимни дуддек чиқориб кўкка ҳар кеча,  
Икки кўзимни айлади гирён ул ой гами.

Бир ёндин әл жафоси ўқи бошима ёғиб,  
Жонимга қасд қилғуси бир ён ул ой гами.

Кўнглум уйига жамъ бўлуб беҳадду адад,  
Холимни қилди усрุ паришон ул ой гами.

Дил жамълиғ манго нечук ўлсунки, бир нафас  
Чиқмоқ кўнгулдин ўлмади имкон ул ой гами.

Роҳат учун тамуг тиларамким, жаҳон аро  
Берди азоблар неча алвон ул ой гами.

Эмди тириклиқ, Огаҳий, ишқ ичра қайдадур.  
Мундоқки қасд қилди манго жон ул ой гами.

## ЖОН ТУҲФАСИ

Эй жанобинг, лойиқи жон туҳфаси,  
Йўқ муносиб баҳр ила кон туҳфаси.

Зар сочар ҳар кун йўлунг туфроғига,  
Бу дурур ҳуршиди раҳшон туҳфаси.

Бошинга сочмоққа анжум гавҳари,  
Илгода гардуши гардон туҳфаси.

Базмгоҳинг ишрат афзо жомининг,  
Лойиқидур оби ҳайвон туҳфаси.

Остонинг хокиға дархур әмас,  
Жуз сиришким чашми гирён туҳфаси.

Ҳазратингдин ёрлиғ сткач мани,  
Фикратида қилди ҳайрон туҳфаси.

Чун әмас эрди жанобинг лойиқи,  
Дурру лаъли ганжи даврон туҳфаси.

Ложарам жон нақдии олиб келмишам,  
Мўрдин будур Сулаймон туҳфаси.

Подшоҳо, Оғаҳийдин қил қабул-  
Ким, будур умрида топғон туҳфаси.

## ЧОИ

Токи базм ичра ҳарифи лаъли жонон ўлди чой,  
Жонфизолиг ичра рашки оби ҳайвон ўлди чой.

Жонфизо таъму тараб ангиз кайфият била,  
Жумлан олам әлига роҳати жон ўлди чой.

Гўйёқим, чой әрур меҳри гияҳ, йўқса недин  
Ҳам гадо матлуби, ҳам марғуби султон ўлди чой.

Топти иззу эътибор ул навъ оғоқ иҷраким,  
Сар-басар мақбул аҳлу қуфру имон ўлди чой.

Топса ҳар мажлис хазон фасли киби афсурдалик,  
Жилвагар ўлғоч баҳор осо гулистон ўлди чой.

Еткуси кўзларга юз нуру кўнгулларга сурур,  
Ҳар қачон чини қадаҳ ичра намоён ўлди чой.

Етса ҳар мушкил киши олдига маъни фикрида,  
Ичкач ул мушкил онинг олида осон ўлди чой.

Ҳаста жонларга даво, bemор танларга шифо,  
Бўлмаса мунча недин машҳури даврон ўлди чой.

Эй ҳаким, эмди давоий айламакдин фориг ўл-  
Ким, бори bemорлар дардига дармон ўлди чой.

Гар будур ҳосияти онинг жаҳон бозорида,  
Юз дирам ҳам бўлса бир мисқоли арzon ўлди чой.

Ушбу таъриф, Оғаҳий, бас бўлғусидур чойга,  
Ким, тараб афзойи базми ҳазрати хон ўлди чой.

## ОЛДИ КҮНГЛУМНИ

Олди күнглумни менинг биргина дилбаргинаи  
Тиши гүҳаргинаи, лаблари шаккаргинаи.

Жилвагар бўлди паридек сўрубон рахшини тез,  
Чобуки таргинаи, шўхи ситамгаргинаи.

Бир боқиб ҳушу хирад нақдини форат қилди,  
Кўзи кофиргинаи, кирпиги ништартгинаи.

Қилди ҳайрон мани юз нозу адо зоҳир этиб,  
Сийм пайкаргинаи, сўзлари гавҳаргинаи.

Ўртабон ишқ ўтига жону таним айлади кул,  
Юзи анваргинаи, холи муанбаргинаи.

Олди ақлу, хираду, сабру қароримни суруб  
Бир таковаргинаи, шўхи диловаргинан.

Қачон ўлғайки манга келса суруб рахшини ул,  
Нозпарваргинаи, золими кофиргинаи.

Манда худ қолмади бир зарра киби тоқату тоб,  
Айлагил, ё раб, ани тез мұяссаргинаи.

Оғаҗий бил кечә-кундуз ишидур оды фиғон,  
Кимгаким учраса бир ёшгина дилбаргинаи.

## ЭИ МЕХРИБОНИМ

Эй меҳрибоним, кел бери, гулдек яноқингни ўпай,  
Гоҳи бошингдин эврулуб, гоҳи аёқингни ўпай.

Қўб муддат ўлдиким, кўролмай согинмишман сани,  
Келким қучуб нозик белинг, қошу қапоқингни ўпай.

Рози дилим пинҷон санго демак баҳона айланон,  
Оҳиста илким бўйнунга солиб қулоқингни ўпай,

Заҳри ғамингдин неча вақт улдики эрдим талх ком,  
Бер рұксат әмди лутф этиб, ширин дудоқингни ўпай.

Ондоқ манга бўл меҳрибон базми висолинг ичра ким,  
Кўксунгга кўксум еткуруб сиймин сақоқингни ўпай.

Эй шаҳсуворим маркаби қўйғил қадам ман сориким,  
Йўлингга туфроқ айланон бошим, туёқингни ўпай.

Кел Огаҳий оғушига урён бўлуб, эй гул бадан,  
То кўнглак осо титрабон бошдин аёқингни ўпай.

## ИШҚ МУБТАЛОСИ

То ман ғами ишқ мубталоси,  
Бошимга ёғар фалак балоси.

Кўзимга жаҳонни тийра қилди,  
Мушкин сочи шомининг қароси.

Дема қошу кирпикига жоним,  
Қасдига чекилган ўқу ёси.

Эй зор кўнгул, на чора айлай-  
Ким, жонга туганмади жафоси.

Кўксумда әрур ададдин афзун  
Шамшир жафосининг яроси.

Фарёдки етмади замони  
Бир захмима марҳами вафоси.

Гардундин ўтар ҳазин кўнгулнинг  
Ҳар кеча фиғонлари садоси.

Юз умрда отилиб туганмас  
Андуҳи фироқи можароси.

Гар Огаҳийга қилур жафо ул,  
Лекин онго иш онинг дуоси.

## КҮЭЗИМНИ РАВШАН АЙЛАДИ

Шукрким, гардун тараҳдум расмини фан айлади,  
Бир қуёш рухсоридин кўзимни равшан айлади.

Ёрутурга тийра кулбамни тараб инворидин,  
Матлабим шамъи шабистонимни маскан айлади,

Интизор ила қарорғон кўзларим ёрутгали,  
Ул кўзим нури юзини партав афкан айлади.

Ҳажри баҳридин чиқиб бу кун муродим гавҳари,  
Жони вайронимни васли бирла маҳзан айлади.

Сели кулфатдин бузулғон хотирим вайронасин  
Шодлиғ меъмори маъмур музайян айлади.

Очилиб комим гули беҳжат баҳори файзидин,  
Жаннат осо ишратим баэммини гулшан айлади.

Соқийи даврон тутуб мақсад майи гулгунини  
Базми айшим равза боғидек мулавван айлади.

Ул май ичра жилва айлаб ул бути наврас юзи,  
Оллида ошуфта кўнглумни бараҳман айлади.

Не сўрарсиз Оғаҳийдин ҳолининг кайфиятин-  
Ким, тилин ҳайрат ҳужуми лолу алкан айлади.

# МУСТАХЗОД

## КҮРГҮЗÜБ НОЗУ АДО

Ваҳ, менга қаҳр этиб ул қотили бебок санам,  
берадур заҳри жафо,  
Илтифот айлабон ағёрга, тинмай бир дам,  
тутодур жоми вафо.  
Ғами ишқ ичрағиғоним ўтигининг шуълалари  
бориб оғоқ сари,  
Кул онинг ҳиркатидин бўлди тамоми олам,  
қуюбон арзу само.  
Не ажаб ишқ аро девоналиғ иэҳор әтсам-  
ки, ўшул рашики пари  
Ақлу ҳушимни манинг қўймайин олди кам-кам,  
кўргузуб нозу адo.  
Десам ул шўхи паривашни паризод агар,  
тонг әмаским ҳаргиз,  
Бўлмоғи мумкин әмас даҳр аро жинси одам,  
бу сифат ишванамо.  
Сидқ ила йўлида бошимни қўюбман туну кун  
поймол әтмак учун,  
Қилғаман гар келибон қўйса бошим узра қадам,  
нақди жонимни фидо.  
Чекиб ондин ситаму жавру жафо ўлмакка,  
етмишам усрุ ёвуқ,  
Раҳм бу ҳолима айлаб нафасе зулму ситам,  
қилмади тарқ асло.  
Ҳажр андуҳи била бўлса мушавваш кўнглунг,  
Оғадий, ғам емаким,  
Борча ташвишинг ўлур маҳв агар лутфу карам  
қилса дилдор санго.

## ДИЙДОРИНГГА ШАЙДО

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боди аро гул  
бир ошиқи ҳайрон,  
дийдорингга шайдо,  
Бир шифтадур кокули мушкинга сунбул,  
ҳар ҳоли паришон,  
ҳам бошида савдо.

Ҳам сарв қадинг жилвасини қўргали қумри.  
ҳар дам чекибон оҳ,  
билкул борур ўздин,  
Ҳам гул юзинга маҳви жамол ўлғоли булбул  
тун-кун чекар афгон  
тинмай дами асло.

То тушти фироқингга манинг гамзада кўнглум,  
ҳар лаҳза ёнодур,  
юз дард ўти ичра,  
Эмди анго торторга дами сабру таҳаммул,  
йўқ меҳнати ҳижрон,  
раҳм айла нигоро.

Фарёдки ислом элинни қатла қилурга  
мастона суруб от,  
андоқ қилич урдинг-

Ким, етти дами тийгинг ила қатла билкул  
мажмуъи мусулмон,  
эй кофири тарсо!

Чашми қараминг пур нигаҳи қилғуси обод,  
оламни саросар,  
недур бу ситамким,  
Цекмакни дариг айламагунг тийги тағофула,  
бўлса неча вайрон  
маъмураи дунё.

Ҳуснингни тамошю қилибон, баҳра олурлар  
кўзим била кўнглум  
бир-биридан афзун,

Зиндорки эмди ёзибон юз уза кокул,  
айлаб они пинҷон,  
манъ әтма тамошо.

Манким, әшикинг бандалари ожизидурман,  
шукр әтмак ишимдур  
гар очу ва гар тўқ,

Лутфингга қилурман бори ҳол ичра тавакуул,  
ё розиқи манион,  
сансан анго доно.

Ҳай-ҳай не тароватлиғ әрур бори жамолинг,  
ким тергусидур гул  
ондин ҳама олам,

Мундин дурур анвоъи гулу лола била мўл  
ҳам жайби гулистон,  
ҳам домани саҳро.

Ҳажринг гами заҳрини ичиб Оғаҳийн зор,  
ўлмакка етибдур,  
комига етушмай.

Қилма нафаси ҳолини сўрмоқда тағллул,  
эй Исойи даврон,  
қиласиғи ани иҳё.

## ХУРШИД КИБИ ЮЗ

Хажринг тунида қолмишам, оч, эй маҳи тобон,  
хуршид киби юз,  
Күнглум уйини сели ғаминг айлади вайрон,  
васлингдин они туз,  
Ялдо шабидек шоми Фироқинг узоқ ўлди,  
субҳидин асар йўқ.  
Кулбамга келиб айлаки хуршиди дурахшон,  
қилғил они кундуз.  
Қаҳринг била ҳар лаҳза манга новак отарсан,  
қил әмди тамошо.  
Ул навъики сончилди манинг жисмима пайкон,  
ҳар мўйим уза юз.  
Ҳар дам манга бедоди Фироқинг етушуб, од  
тинмай чекадурман,  
Оҳим, шараридурур кўринур чарх уза ҳар ён,  
дема они юлдуз.  
Ширин даҳанинг шавқида, эй шўхи дилоро,  
раҳм әтки, неча йил  
Фарҳод киби қоздирадур кўнглума даврон  
ғам торини ёлгуз.  
Не етканидин йўқ хабаринг ушбу гадора  
кўйингда совуқдин  
Утдек қизадурсан кийибон, эй шаҳи хўбон,  
санжоб ила қундуз.  
Фарёдки, ўлтурди ғаминг Оғаҳий янглиғ  
ман зор ҳазинини,  
Бир қатра қилиб лаъли лабинг нўшидин иҳсон,  
келғил мани тиргуз.

# МУХАММАСЛАР

## «АЛИФ» РАДИФИ

### ШАКАР БОРИНГҒА САЛЛАМНО

Танимга берди жон, лаъли щакар борингға салламно,  
Кўзумни равшан әтти, нури дийдорингға салламно,  
Муқайяд қилди кўнглум, зулфи пурторингға салламно,  
Нигоро, олди ҳушим, тарзи рафторингға салламно,  
Ёрутди тийра кулбам, шамъи рухсорингға салламио.

Тилаб лутфинг, тутдим умрлар қўйинг аро манзил,  
Вужудим туфроқ ўлди, бўлмади бу матлабим ҳосил,  
Тараҳум айла бу ҳолимға, эй бебок сангин дил,  
Ишим қотиа кўзинг бедодидин бўлмиш басе мушкил,  
Ичиб қонимни, тўймас чашми хунхорингға салламно.

Висолинг толибидур олам ичра кофиру мўъмин,  
Эмаслар лаҳзае ишқинг жафоу жавридин эмин,  
Агарчи ўлгусидур борча юз меҳнат била, лекин  
Лабинг сўздин берур жон ўлган әлга дарди ишқингдин,  
Равон парвар лабу жонбахш гуфторингға салламно.

Фузуроқдур ададдин жинси васлингнинг харидори,  
Бу савдода берур жон нақдини хурсанд ўлуб бори,  
Муносибдур олар ҳолига қилсанг раҳм изҳори,  
Ҳама ишқ аҳлидур, эй муғбача, зулфинг гирифори,  
Бори дин аҳлини банд этти, зуинорингға салламно.

Вафо йўлин тутуб, дилжўлиқ отин барқитоз айлаб,  
Етушдинг кулбама лутфинг кўбу қаҳрингни оз айлаб,  
Ва лекин ҳийлапарвар нукта бирла сарфароз айлаб,  
Дединг: «Лутф айлагум», ўлтурдинг аммо неча ноз айлаб,  
Агар лутфинг бу әрса, жавру озорингға салламно.

Тиларман бандалык қониниң күйингда ниәз әтсам,  
Бошимин останынг саждасидин сарфароз әтсам,  
Вале мақбулинг ўлмас умрлар мундоқ намоз әтсам,  
Қиалурсан ноз агар ман ҳар неча арзу ниәз әтсам,  
Ситамгар маҳвашо, бу нағыз авторингға салламно.

Мудом әт, Огахий, бир лаңза тинмай қадду зулфин васф,  
Күнгүлни хуш тутуб, қыл ўйнай-ўйнай қадду зулфин васф-  
Ки, етгай мақсадыға кимки қылғай қадду зулфин васф,  
Санго Феруз ўлуб баҳт этгай қадду зулфин васф,  
Бу янглиғ табъи нозик бирла ашъорингға салламно.

## КУЛБАМ АИЛАДИ МАСКАН

Нигор мойили агёрму экан оё,  
Бу бедилидин онга орму экан оё,  
Ва ё манго доги гамхорму экан оё,  
Ул ой бу телба била ёрму экан оё.  
Замири ичра ғамим борму экан оё.

Фигонки, ташлаб ул ой ҳажр ўтига кетти мани,  
Ул ўт бошимдин аёқ ўртабон эритти мани,  
Ҳам олди ҳушиму, билмонки сўнгра нетти мани,  
Буким фироқ ўзимдин хабарсиз этти мани,  
Ўзи бирорта хабардорму экан оё.

Кўингул ўзи ғамининг чорасин қила олмас,  
Манинг фироқ аро ҳолимни ҳам била олмас,  
Даме ул ой сари кўйидин айрила олмас,  
Ман ул тараф бора олмон, кўнгул кела олмас,  
Манингдек ул доги беморму экан оё.

Саҳар чоғида келиб, кулбам айлабон маскан,  
Ётиб чу уйқуга майл этти ул маҳи пурфан,  
Бориб аёқи учига ман асири миҳан  
Қўзим тобонигаким шоми васл сурторман,  
Уюбму эркану, бедорму экан оё.

Юз уэра зулфини то очти номусулмоним,  
Үт ичра туштию куйди дили паришоним,  
Жаҳонни ёқса не тонг эмди ўтлуғ афоним,  
Каманди зулфики очилғоч учти имоним,  
Расанму риштаи зуннорму экан оё.

Хумор шиддатидин күнглум ўлди беозарм  
Не зүхд әмди мулойим манга, не тақвойи нарм-  
Ки, манда қолмади асло ҳаёу наңгу шарм,  
Чу хирқа бодага раңын бўлмишам саргарм,  
Гаровға навбати дасторму әкан оё.

Манинг бу пандим әшиит, Огаҳий, әсанг одам,  
Фано йўлида вужудинг юкини айла адам,  
Етарга манзили мақсадға саъни қил сан ҳам,  
Навоий ўзлукидин кечти, доғи қўйди қадам,  
Бу йўлда әмди сабукборму әкан оё.

## БҮСТОНГА ЯФМО

Эй хайли ғамзанг торожи бирла етмиш саросар имконга  
яфмо,  
Ишванг сипоҳи чопғунларидин тушмиш гадоу султонга  
яфмо,  
Фаттон кўзингнинг имосидиндур одамга оғат, ҳайвонга  
яфмо,  
Ваҳ, не балолиг кўздуру сангоким солмиш нигоҳинг  
давронга яфмо,  
Мардумларингдин куфр ичра горат, кирпикларингдин  
имонга яфмо.

Ҳам чок әтиб гул ҳар ён гирибон, ҳам настарингга юз  
пора хафтон,  
Ҳам сунбули тар аъзоси ларzon, ҳам сар-басардур  
пажмурда рэйҳон,  
Ҳам ғунча бағри қат-қат бўлуб қон, ҳам наргис ўлмиш  
мабҳуту ҳайрон,  
Ҳам сарву раъно андоми урён, ҳам нахли зебо ҳоли  
паришон,  
Гўёки солмиш қаддинг ниҳоли бир жилва бирла бўйтонга  
яфмо.

Ишқинг жафоси доми асири то бўлмишам ман бахти  
сияҳким,  
Сандин тараҳдум бир кўрмадим, эй ҳусну малоҳат  
мулкида шаҳким,  
Ман нотавону зору ҳазининг, охир санго не қилдим  
гунаҳким,  
Ғамзанг сипоҳин тортиб етушдинг ман мубталонинг  
қасдиға, ваҳким,

Бу таркитозинг ошуби солди кўнглумга форат ҳам жонга яғмо.

Ҳайратга солди қаддинг хироми боги жаноннинг ар-  
арларини,  
Беқадр қилди лаълинг қаломи қанноди олам шаккарларини,  
Бир шўх сандек йўқтур нечаким кўрдим.  
жаҳоннинг дилбарларини,  
Етгач, хаёлинг, тўкти кўзимдин доманға ашким  
гавҳарларини,  
Фаввосдекким соҳилға тўккай дурларни солғоч уммонга  
яғмо.

Ногаҳ етушса гар ҳар кишининг кўнглига ишқинг тийги  
яроси,  
Ҳаргиз топилмас бу олам ичра то ўлмоғунча онинг давоси,  
Билмонки, санда бордур на хислат, эй хўбларнинг  
фармон равоси,  
Очғоч жамолинг кўз мардумидин торож бўлди нуру знёси,  
Ул навъдурким етгай паридин бир жилва қилғоч инсонга  
яғмо.

Ишқинг ғамидин бу олам ичра оҳин фалакдин ошурмоғон  
ким,  
Ҳажрининг тунида йиғлаб туну кун байтул-ҳазанда  
ўлтурмоғон ким,  
Ҳар дам ютуб қон, меҳнат тошидин жон шишасини  
синдурмоғон ким,  
Бир кимса йўқтур олам ичинда нақди дилини олдурмоғон  
ким,  
Гўёки етмиш ишқинг балоси форатгаридан ҳар ёнға яғмо.

Сансан латофат тахти уза шаҳ, ҳусн аҳлидурлар  
хайли сиҳ оҳинг,  
Бўлсун илоҳи то рўзи маҳшар афзуну олий иқболу жоҳинг,  
Тутғил қулоқким, олингда ҳолин арз әтгуси бу ҳоли  
табоҳинг,  
Ғамдин, бузулғон кўнглумга яғмо солмоқлиқ истар  
ҳоли сиёҳинг,  
На ҳосил айлар эркан бу ҳинду солмоқ била ул вайронга  
яғмо.  
Тарғиб этар кўб аҳли жаҳонни азъоғ ила зар назр  
айламакка,

Айлар дуолар ганжи карамдин атлоф ила зар назр  
айламакка,  
Конеъ эмастур, әлдин тариқи инсоф ила зар назр  
айламакка,  
Зоҳидки әлни айлар далолат исроф ила зар назр  
айламакка,  
Ул ҳийлагарга будур гаразким, солгой гуруҳи нодонға  
яғмо<sup>1</sup>.

Жоно, өшитги аҳли вафоға усру ситамгар қотил әмиш  
ишқ,  
Ким Огаҳийга жавру жафодин қилмас замоне ўзга  
бир иш ишқ,  
Айлаб тараҳҳум, ҳолига боқким, әмди этмиш қатлиға тишиш  
ишқ,  
Мунисни айлаб ҳайрон жамолинг торожин онинг қасд  
айламиш ишқ,  
Ҳайратдаманким, олғай несин ул солмоқ била бу  
ҳайронга яғмо.

## МАҲБУБ БҰЛСУН ЖИЛАВАГАР

Эй бөг, ұснунг файзидин гуллар таровотул-таво,<sup>4</sup>  
Булбул ғами ишқинг аро аҳли навога пешво,  
Оlam гулистони аро бўйи насиминг уство.  
Эй навбаҳори оразинг субҳига жонпарвар ҳаво,  
Ондин гулу булбул топиб юз барғ бирла минг наво.

Жаннатда тўбининг баланд иқболу жоҳи негаким,  
Афлоки авжи садранинг оромгоҳи негаким,  
Мундоқ олар бу манзалат топти илоҳий негаким,  
Тўбию шохи садрадур қўйинг гиёҳи негаким,  
Ушшоқ ашку оҳидин ҳар дам топар обу ҳаво.

Ранжур ҳажринг нолай жонгоҳ тортиб субҳу шом,  
Дорилшифойи қўйингга уммид бирла урса ком,  
Жуллоби васлингни анга бер, эй ҳакими, лойи ном  
Заҳри фироқингдин қаю ошиқки бўлди талхиком,  
Нўши висолинг етмаса, Исо анго топмас даво.

Одам адам ҳоки эди юз минг қуруни азмана,  
Не онда жисм әрди, не жон, не бир савобу, не гунаҳ,  
Ўз ҳоҳишинг бирла анго қиласдинг вужуд уйин бинаҳ  
Қиласмай қабул ижодининг имкони йўқ сўнгра яна  
Мақбулни рад айламак лутфингдин ўлгайму раво.

Ҳушинг қулоқини тутуб ҳар дам бу пандимни әшит,  
Сокин ватан ичра бўлиб, атрофи олам сиррин эт.  
Ағер бирла анжуман ҳар неча имкондур қизит,  
Зоҳид, кўнгулнинг хилватин матлуби файридин орит,  
Сан сайри қиласанг гар керак кўнглунгда бўлсун  
унзиво.

Гар истар әрсанг, Огаңнй, ул юз сори солмоқ назар,  
Күзга фано майдонининг гардикин әт каҳли басар,  
Бир зарра чоғлиғ қўймагил жисминг ғуборидин асар,  
Десанг, Навоий, жонаро маҳбуб бўлсин жилвагар,  
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.

## «БЕ» РАДИФИ ЧАРХДИН КҮЗ ТУТМА

Эй күнгүл, бўлсанг агар ҳушу хираддин баҳра ёб,  
Чархдин кўз тутма бўлмоқ, даҳр аро иззат маоб,  
Ногаҳон айлаб санго бир меҳр қилмоқ иртиқоб,  
Сосса анжумдин фалак бошингға юз минг дурри ноб,  
Жолан ғам билки ёғдургой бир оғатлиғ саҳоб.

Йўқ ҳадаф бу жолага аҳли жаҳондин ўзгаким,  
Етгач ўқ мажруҳ қилмас жисму жоғдин ўзгаким,  
Еғмоқидин суд йўқ әлга зиёндин ўзгаким,  
Не ғараз бу жолани ёғдурса ондин ўзгаким,  
Умр нахлин синдуруб, тан гулбунин қилгой хароб.

Оlam ичра ҳеч бир махлуқи қудрат киш әмас,  
Бир нафас сайри сукунда ихтиёр андиш әмас,  
Бу каломимни әшиятгил, гар қулоқинг риши әмас,  
Офариниш баҳриддин гардун ҳубоби беш әмас,  
Борму имкон кимсага бир қатра сув бермак ҳубоб.

Мумкин әрмас элга бир мушкил очилгой чархдин,  
Ҳикмат аҳли бу тамаъ беҳуда қилгой чархдин,  
Тангри тақдиридурур ҳар неки келгай чархдин,  
Рўзи ортуқ бўлмоқин ҳар кимки билгай чархдин,  
Зол янглиғдурки розиқ чархини қилгой хитоб.

Гарчи гардундур басе зи шавкату, рифъат мадор,  
Ҳукми ҳақ олидадур, лекин заифу, хору зор,  
Ҳарна содир бўлса ондин, йўқтур онда ихтиёр,  
Бўлса әрди қудратиким лаҳзае тутгай қарор,  
Туни кун тинмай бу навъ этгайму әрди изтироб.

Ҳар дам устига ҳужум айлаб онинг юз минг миҳан,  
Бори ғам тортордин ўлмишдур анго ожиз бадан,  
Қияғоли ором бир ерда тута олмас ватан,  
Ул дөғи ўз ҳолига ҳайроц әрур андоқки ман,  
Онда ҳам саргашталик, андоқки манда печутоб.

Истабон матлубини тортиб, миҳан ҳаддин фузун,  
Хайли Фурқат саңғи борони қадин қиласиши нигун,  
Ғам лакад кўбидин ўлмиш ман киби зору забун,  
Жисми онинг ҳам ҳаводис зарбасидин нилгун,  
Топмайин мақсудини мандек неча айлаб шитоб.

Ул қилиб қуллуқда қаддини нигун андоқки ман,  
Беирода айламас сайру сукун андоқки ман,  
Хизмат амрида қиалур саъйин фузун андоқки ман.  
Қадр илгига бўлур ул ҳам забун андоқки ман,  
Олмай ул мандин ҳисоб, андоқки ман ондин ҳисоб.

Истасанг озодалиғ касбida беандоза суд,  
Хотирингни қилмагил ҳаргиз гирифтори қуюд,  
Оғаҳийдек тарқ айлаб ҳарнаким буду набуд.  
Эй Навоий, солик эрсанг ҳақ вужудин бил вужуд,  
Мосиволлоҳни адам валлоҳу аълам биссавоб.<sup>3</sup>

## БУЛМА МАҲЗУН ОГАҲИЙ..

Субҳ май нўш этгали, эй дилбари, ишрат маоб,  
Базм аро маскан тутуб хуршид янглиғ бениқоб,  
Илгинга олғоч қадаҳ гаҳ лутф айлаб, гаҳ итоб,  
Икки ўтлуғ наргисингким қилдилар бағрим кабоб,  
Биридур айни хумор ичида, бири масти хоб.

Дард ила меҳнат сипоҳи саф тузуబ фарҳошима,  
Етгусидур ишқ майдонида ҳар дам қошима,  
Сан доғи раҳм айламай бу ҳол ила кўз ёшима,  
Тийғ тортиб дам ола олмай етуштинг бошима,  
Гўйё хуршид янглиғ йўлда кўргуздинг шитоб.

Ишқ зулмидин етиб жонимга наштар ҳар кеча,  
Етти оҳим боҳтардин то баҳовар ҳар кеча,  
Айлабон таъсир ағоним саросар ҳар кеча,  
Офариниш баски аҳволимра йиглар ҳар кеча,  
Ашк дарёси әрур гардун, кавокиблар хубоб.

Қилмасам тонг йўқ Масиҳоға баробар лаълини-  
Ким, билибман жондин ортуқ руҳпарвар лаълини,  
Кўз тўқуб хуноба кўргач ул ситамгар лаълини,  
Толпинурман ашк аро ҳар дамки тишлар лаълини-  
Ким тенгизга тушса, жон ваҳмидин айлар изтироб.

Ўртанур сўзи ниҳоним ишқ аро билган улус,  
Йиглабай қон йигларимни кўзига илган улус,  
Дардим англар ҳажр тийғи бағрини тилган улус,  
Ранжу заъфим бўлмиш андоқким сўрай келган улус,  
Ҳолим айларлар савол, аммо эшитмаслар жавоб.

Хонақаң ичра күб ўлма бу сифат афтодаким,  
Кир харобот ичрау бўлғил тараб омодаким,  
Айлагил сажжода таркин, сан киму, сажжода ким,  
Неча тасбиҳинг ҳисоби, зоҳидо, ич бодаким,  
Сену мандекларга худ бу коргаҳда не ҳисоб,

Кўрки ман тақви танин май ўти бирла доғладим,  
Панжай роҳат била тоат кўзин туфроғладим,  
Қилғоли айшу тараб, журъат била бел боғладим,  
Гар қарам дарёсининг мавжи будурким, чоғладим,  
Қони ўз бўйнига ким ишратдин этса ижтиnob.

Базмиким роҳат етургай жоми гулфоми била,  
Чиқса ондин ҳар киши гар каъба эҳроми била,  
Қатл онга вожибдурур бедод самсоми била,  
Хоса базмиким қуёш роҳин шафақ жоми била,  
Элга тутрой хисрави анжум сипоҳи жам жаноб,

Бўлма маҳзун, Огаҳий, ҳаргиз чекиб даврон ғамин,  
Нўш қил шаҳ давлатидин дам-бадам ишрат майнин,  
Дайр аро ўткарма авқотингни бир дам майсизин,  
Ич, Навоий, майки фаҳм этдук табиби ишқдин,  
Ғусса заҳри дафъига тарёк әмиш ёқути ноб.

## ЕҚУТ АНГО МАСКАН

Биҳамдиллаҳки, ағёр улфатидин ижтиюб айлаб  
Манго меҳру вафоу, раҳму шафқат беҳисоб айлаб,  
Бузулғон масканимни гулшан этмак иртиқоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб.

Мулукона қўюб эгри боши уэра кулоҳи зар,  
Далиронга этак санчиб, олиб қўлға оғири шашпар,  
Каманд айлаб сочи торин қўнгул қайди учун яксар,  
Чекиб мужгони шабравлар киби жон қасдига ханжар,  
Белига зулфи анбар торидин мушкин таноб айлаб.

Нечак турлук далолу ғунж ила кулбам аро кирди,  
Табассум дуржиға лутфу адo гавҳарларин терди,  
Равон осо хиромида адаб осори фош эрди,  
Келиб ўлтурдию илгим тутуб ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Нечук дурларки бўлмиш ҳуққай ёқут анго маскан,  
Олорнинг бириға бўлмай баҳо юз ганижу минг маҳзан.  
Бу янглиғ дур сочиб ҳолимни сўрди бўйла ул пурфанди-  
Ки, эй зору балокаш ошиқим, мансиз нечукдурсан,  
Мен ўлдим лол айта олмойин майли жавоб айлаб.

Бу ҳолимни кўруб, шавқим не чоғлиқ әрканин билди.  
Еридин сачрабон турдию қошимға ёвуқ келди,  
Иковлон маст ўоли, деб кулуб бўйнимға осилди,  
Чиқорди шишае май доги бироғ сағар тўла қилди,  
Ичиб тутди манго юз навъ лутф осо итоб айлаб.

Деди: «Эй хокисорим, әмди ашкынг тўкмагил кўздин,  
Қилиб нўш ушбу соғарни орит ғам гардини юздин».  
Ман илгидин олиб соғар, топиб комимни бу сўздин.  
Ичиб, фарёд этиб тушдум аёқига, бориб ўздин,  
Мани йўқ бодаким, лутфи онинг маству ҳароб айлаб.

На хуштур, Огаҳий, ишрат тунида ёр ила бўлмоқ,  
Қўлидин нўш этиб ҳар дам тараб жомини афзунроқ,  
Бўлуб сармаст, аёқига йиқилмоқ ўйлаким туфроқ,  
Ониким әлткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## ОЛАМ МАЖЛИСИ АРО

Тан әрүр ажаб шаңру нафс алас, ё раб,  
Бўлмас ул алас жаври жонга ҳеч бас, ё раб,  
Эмди хор этиб они ул сифатки хас, ё раб,  
Ишқ завқини еткур жонга ҳамнафас, ё раб.  
Нафс комини бир дам қилма дастрас, ё раб.

Даҳр шўхидин афзун айлаб әътиrozимни,  
Ўз жанобинга еткур жабҳаи ниёзимни,  
Ҳар нафас баланд айлаб оҳ барқи тозимни,  
Чек раҳи ҳақиқатга ноқаи мажозимни,  
Бер ғамингда кўнглумга нолаи жарас, ё раб.

Жисм тийрадур туну кун, руҳи поки зинданни,  
Йўқтурур манго бир дам онда роҳат имкони,  
Эмди айламак истар сайр арши аълони.  
Жон қушин пурафшин қил, тании айлабон фоний,  
Усеру қилмиш афсурда они бу қафас, ё раб.

Токи бўлмишам олам мажлиси аро восил,  
Ихтилоти ҳалқ этмиш ёрдин мани гофиљ,  
Бўлмоқ истасанг эмди мақсадим агар ҳосил,  
Айлабон фано аҳли зумраси аро дохијл.  
Даҳр ҳалқидин билкул улфатимни кес, ё раб.

Бўлди сарф авқотим даҳрга ҳалқ аро ҳар ён,  
Үтди муддати умрим ҳазл ила бўлуб ҳандон,  
Эмди ўз ғаминг ичра айлагил мани гирён,  
Кўзларим ёшин ишқинг ичра оқизиб ҳар ён,  
Бирни айлагил Жайҳун, бирни қил Арас, ё раб.

Юз уруб ҳаво бирла ҳирс даштина ҳар дам,  
Гулистони кўйингдин ваҳшат этмишам гар кам,  
Қўйма ушбу ваҳшини әмди айламакка рам,  
Остони қурбунгға судра боғлабон маҳкам,  
Риштай иноятдин бўйнума марас, ё раб.

Фақр кўйида чашмим ҳар тун ашкрез этгили,  
Оҳим ўтини ҳар дам дард бирла тез этгили,  
Жоҳи ҳирсидин кўнглум мойили гуриз этгили,  
Қонеъ айлабон ганжи фақр аро азиз эткили,  
Кел мани залил усру айламиш ҳавас, ё раб.

Шафқатингни даврамда қалъайи хос айла,  
Борҳо манго они маъману манос айла,  
Демагум манга олам шаҳлигини хос айла,  
Еткуруб пушаймонлиғ лашкарин ҳалос айла,  
Журм хайли теграмни тутди пешу пас, ё раб.

Келгуси жаҳон аҳли буғз ила манга ўтру,  
Кўрмадим киши бўлғай дўстлиғ била қаршу,  
Ингларам бу ҳолимға ҳар кеча босиб қайфу,  
Шафқатинг манга ёвар қилки бўлмишам усру,  
Инқилоби даврондин зор ҳеч кас, ё раб.

Ғам қаро туни ичра нуки ашк ҳар мағмум,  
Етти қот ер остида чекса оҳ бир мазлум,  
Борчасига доносан, йўқ нима санга маъдум,  
Ҳарнаким, манга ҳожат әрса бор санга маълум,  
Қилмоқим не ҳожатдур они мултамас, ё раб.

Ком топмоғай бўлғай илмидин фуэун жаҳали,  
Ҳар нечаки сайд әтса Руму, Маккай, Деҳли,  
Бас улум ашколин лутғ ила қилиб саҳли,  
Огаҳий сўзин ширин ўйла қилки, сўз аҳли  
Даврида ҳужум этсун, ўйлаким магас, ё раб.

## ЖАВР АЙЛАДИ ҲАР ДАМ

Манга зулму ситамлар боржо ул дилрабо айлаб,  
Танимни жавр тиіғи бирла сартосар яро айлаб,  
Чиқорди ақлу ҳушим жисем мұлқидин жудо айлаб,  
Вафони қылди күб озода ул ой чун жафо айлаб.  
Адам даштида күнглумга ватан қылмиш жало айлаб.

Туну кун йиглар әрдим лутфидин бўлмоқ тилаб хуррам,  
Кўруб бу ҳолими раҳм әтмайин жавр айлади ҳар дам.  
Жафо қылмоқ тарийқида онингдек кунавардур кам,  
Вафо андоқки қочти ул жафогардин, агар ман ҳам  
Қоча олсам, яна ишқин ҳавас қылмон хато айлаб.

Киши йўқ бу замон ичра вафолиғ ошно кўрган,  
Эрур ҳар кимни кўрсанг дўстидин юз бало кўрган.  
Киши кўб даҳри дун ичра вафо айлаб, жафо кўрган,  
Дема даврон аро йўқтур вафо айлаб, вафо кўрган-  
Ки, йўқтур минг жафо тортиб, қутулғой бир вафо айлаб.

Даводур ишқ муҳлиқ дардига не зуҳди тақводин,  
На бу заҳматга чора ҳосил ўлгой жоми саҳбодин,  
Иложе топмасанг гар шафқати ёри дилородин,  
Ииқиагон ишқ аро сиҳдат тамаъ қилма Масиҳодин-  
Ки, бу беморликдин кимса қутулғон йўқ даво айлаб.

Жафогарлар бошим узра дамо-дам ёғдуруб хора,  
Деди бошиму балким жузви-жузвимни қилиб пора,  
Бошимда бу балоларни кўруб, келмай мани зора,  
Кўнгулким рўзгоримни қарортиб бўлди овора,  
Топиласа кездурай даврон аро юзин қаро айлаб.

Инномасман агар ул ой вафосидин хабар топсам,  
Эмас бовар онинг лутфи майдидин баҳравар топсам.  
Вале ногаҳ вафо қилмоқға майлидин асар топсам,  
Манго йўқ ўзгага ёри вафо қилғонни гар топсам,  
Бошига эврулай, олдида жонимни фидо айлаб.

Фалакнинг жаврини, эй дўстлар, деманг фузун эрмас,  
Киши йўқким, жафоси боридин қадди нигун эрмас,  
Дема, Огаҳ, бошимга гамни солғон чархи дун эрмас,  
Навоий, кимса йўқким, чарх зулмидин забун эрмас,  
Наво жовид кимга берди биәни бенаво айлаб.

## «ТЕ» РАДИФИ

### ГУЛДЕК ЮЗИНГНИ КУРСАТ

Эй дилбари маъжубим, гулдек юзингни кўрсат,  
Булбул киби ушшоқинг шавқ ўти била ўртат,  
Тонг отти, хуморингни жоми май ила тарқат,  
Шўх икки гизолингни ноз уйқусидин ўйғат,  
То уйқулари қочсун гулзор ичида ўйнат.

Сарв олдида қаддингни ҳар сори хиромон қил,  
Гунча қошида лаълинг гулбаргини хандон қил,  
Бирнинг аёқин банд эт, бирнинг ичини қон қил,  
Тишлабки сочинг ўрдинг, очғонда паришон қил,  
Офоқи саводида жон ройиҳасин бутрат.

Бўстон аро оҳимдин гул очилиб ошуфта  
Фарёдим ила булбул ҳоли келиб ошуфта,  
Жоно, бу асирингнинг ҳолин билиб ошуфта,  
Кулбамга хўяфшон кел, зулфинг қилиб ошуфта,  
Анжум спеҳин синдуру, оғоқ, улусин қўзғат.

Ҳажрингда хароб этти юз дарду миҳан кўзни,  
Ашки тугониб ҳарён қон этти ватан кўзни,  
Бу ҳол ила кўб қўймай, эй сийми бадан, кўзни,  
Ораз қуёшин очиб, ашки қуруғон кўзни,  
Кўб ҳажрда йиглатдинг, бир васлда ҳам йиглат.

Ишқ ичра гаҳи кўҳу, гаҳ дашт сори чопиб,  
Ҳар ғам тошиким отти чарх, олдим они қопиб,  
Майдони фано кирдим, умрим юзини ёпиб,  
Бир оҳ ила кул бўлдим, эй чарх, тилаб топиб,  
Фарҳод ила Мажнунға ошиқлиқ ишин ўргат.

Даҳр ичра бу кам фурсат, умрингни ганимат бил,  
Давлатга гуур әтма, ҳақ қуллуқини қилғил,  
Тонглеки, ажал етса, туфроқ ўлуб, әй ғофил,  
Хоро тубида ётғунг, йўқ суд агар юз йил,  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнат.

Чун жоми ҳилолининг бўлғон чори муштоқи,  
Огоҳий киби илмой кўзига фалак тоқи,  
Ағзун бўлубон ҳар дам юз урбада қилмоқи  
Базм ичра Навоий кўб йиғлар эса, әй соқий,  
Хуш әлтгучи доруни жомига онинг (ни) чайқат.

## ГУЛИСТОНИНИ БЕХОР ЭТ

Умидим бўстонига карам абрин матарбор эт,  
Муродим боғини ҳисунг гулидин жаннат осор эт,  
Ҳазони ҳажридин таъбим гулиstonини бехор эт,  
Баҳори васл ила, ё раб, кўнгул даштини гулзор эт,  
Гули дийдоринга руҳим қушини булбули зор эт.

Етушмай илму дониш соғаридин қатрае дурда,  
Бу маҳфил ичра ман мақсад хумори бир-ла пажмурда,  
Неча умр ўлдиким, бу ҳол ила ман зору озурда,  
Жаҳолат шоми фафлат уйқусидин бўлдим афсурда,  
Мани огоҳлиғ субҳи насими бирла бедор эт.

Кўнгул ғамгин әрур шайтон фириби бирла ою йил,  
Ҳазиндуру жон доги очилмайин зикрингга бир дам тил,  
Тараҳҳум кўргузуб лутфунг кўзига, ушбу ҳолим ил,  
Ғамин кўнглумни васвоси шаётиндин хабарсиз қил,  
Ҳазин жонимни асрори илоҳидин хабардор эт.

Ҳавас кўйида айлаб кечаю кундуз шитобонлиғ,  
Ҳар эшикка бориб, комимни топмай ёндим армонлиғ,  
Берид мундоқ гадолиғдин манго эмди пушаймонлиғ,  
Фано мулкида бер тахти бақо узра сулаймонлиғ,  
Вужудим нақшини йўқлуқ нигинида намудор эт.

Киши ҳар неча бўлса жоҳ ила мукнат аро комил,  
Бўлур юз ҳисса онча кибр ила нахват анго ҳосил,  
Ман ўлдим бу жиҳатдин дарди ишқу фақрға мойил,  
Бўлур жоҳу саломат аҳли ҳам мағрур, ҳам гоғил,  
Мани чек бистари фақр узрау ишқингда бемор эт

Эрурман кечә-кундуз җажр зиндиңида гам фарсуд,  
Топо олмон ўзимни васл базмидә dame хүшнүд,  
Муродим комига етмай замони бодаи маңсуд,  
Хумори җажрдин җар дам түкарман ашки хүн олуд,  
Висолинг бодаи гулгүни бирла масти саршор эт.

Етиб җуснунгдин ушбу даңр борча хўбига җусни,  
Бори толиб топар сандин ўзи матлубига җусни,  
Манинг җам гар тиларсан хотирим марғубига җусни,  
Бериб нури худодин ботиним маҳбубига җусни,  
Онга ушшоқ бил маъшуқлар кўнглин гирифтор эт.

Ҳамиша нафс ишидур тийралик андоқки хоки раҳ,  
Туну кун руҳ иши бермак сафога кўзгудек жилваҳ,  
Вале тадриж ила ул топиб истило мунга ваҳ-ваҳ,  
Губори нафс руҳ ойинасин дойим қилур тийраҳ,  
Они рафъ айлабон мундин мунга сайқал падидор эт.

Қачонким Огаҳий маҳшар қизиқ бозорига кирса,  
Дўкони ажэ аро тоат касод ажносини терса,  
Топилмас муштари ҳаргиз неча арzon баҳо берса,  
Матои тоати Мунис агарчи норивож эрса,  
Онга лутфунгни раҳмат чорсусида харидор эт.

## ОГАХИЙ, ҚИЛМА ҲАВАС ЖОХУ ЖАЛОЛАТ МАСКАНИН

Гар жаҳон мулки уза ўзни Сулаймон бўлди тут,  
Афсанингра лаъл хуршиди дурахшон бўлди тут,  
Боргоҳинг қуббаси буржису кайвон бўлди тут,  
Қасри жоҳингга сипеҳр авжида айвон бўлди тут.  
Ҳам сипеҳр осибидин ер бирла яксон бўлди тут.

Юз паришонлиг чекиб жамъияти давлат учун,  
Бўлмоғунг осуда бир дам тақвию тоат учун,  
Кўргузуб тун-кун тараддуд жоҳ ила мукнат учун,  
Лаъли руммони тиласан дам-бадам зийнат учун,  
Қатра-қатра оғзинг ондин нордек қон бўлди тут.

Беқарор ўлуб туну кун ошиқи мажзубдек,  
Оҳ тортиб лаҳза-лаҳза бедили манкубдек,  
Ҳеч тинмай дам-бадам қон йигланбон Яъқубдек,  
Истадинг дунё арусин тушдаги маҳбубдек,  
Топмас әргач ком лаълидин пушаймон бўлди тут.

Орзуйи нафс ила ўзни қилиб ошуфта ҳол,  
Сарф этиб исроф ила сийму зару молу манол,  
Кечалар мажлис тузуб бўлмоқ учун ишрат сигол,  
Шўхлар қошин тиласан кўрмоқ андоқким ҳилол,  
Жонга етганда кўрунгач қўзга пинҳон бўлди тут.

Гўшаи дайри муғон айлаб мақар сан чангдек,  
Мақсадинг бўлмоқдурур ишрат асар сан чангдек,  
Бу таманнолар била ҳар дам агар сан чангдек,  
Бир муғоннийдин наво топмоқ тиласан чангдек,  
Эгри қад бирла ишинг фарёду афғон бўлди тут.

Хандаи ишрат санго ғам барқини чақмоқдурур,  
Фикри давлат бўйнунго ҳасрат ипин тоқмоқдурур,  
Шуғли мукнат билгил ўз жонингга ўт ёқмоқдурур.  
Кўси давлат етти дўзаҳга әшик қоқмоқдурур,  
Бас ети иқлим мулки узра султон бўлди тут.

Огаҳий, қилма ҳавас жоҳу жалолат масканин,  
Сайр қил жаҳд айлабон, фақру қаноат гулшанин,  
Тарқ этиб дунё учун әмди паришонлиғ фанин,  
Эй Навоий, ўзни жамъ эт йўқса олам маҳзанин,  
Қон ютуб, жамъ айлабон ўлгач паришон бўлди тут.

## ГУЛ ЮЗИДА ЛАТОФАТ

Гулгун юзингча әрмас гул юзида латофат,  
Мавзун қадинг мисиллик йүқ, сарвдор шоқат,  
Бу ҳуснинг адоу ғамзанг қилиб изофат,  
Гулшанда зөхир этсанг, эй гулъузор қомат,  
Сарв ила гул бошига тушгай ажаб қиёмат.

Хўблар бериб агарчи қаду юзига оро,  
Ошиқларидин айлар сабру хирадни яғмо,  
Лекин сўзум әшитгили, эй шўх моҳи сиймо,  
Ҳусн оламида кўбдур кони сабоҳат, аммо  
Сандек қачон топилғай бир маъданни малоҳат.

Дардинг чекарда йўқтур дард аҳлиға такосул,  
Эрмас аён бирида ишқинг аро такоҳул,  
Бормураво аларнинг аҳволидин тажоҳул,  
Эй моҳи авжи иззат, мунча недур тагофул,  
Ушшоқ бенавода ҳеч қолмади саломат.

Лутфу иноят этти чун әзиди муҳаймин,  
Одам сарири иззат устида бўлди сокин,  
Иблис зиллатига кўб қасд қилди, лекин  
Ҳақ кимга берса иззат, хор ўлмоғи на мумкин,  
Қўй, эй ҳусуд, мундоқ беҳуда иш на ҳожат.

Эй бўлғон олам ичра ийди фараҳ баидинг,  
Кўнглунгни хуррам этким, маҳшар кунидур ийдинг,  
Қуфли тараб очарга меҳнатдурур қалидинг,<sup>4</sup>  
Офоқ ичидан роҳат топмоқ эса умидинг,  
Қилма умид олам мулки ичидан роҳат.

Гар истасанг ишингға олам аро күшойиши,  
Адлу, сахоу, базлу, ҳимматни айла варзиш,  
Шардин бўлуб гуризон, хайр айламакни қил иш,  
Шаръи набиға ҳурмат қил, фақр әлиға баҳшиш,  
Шоҳо, десангки бўлғой ҳақдин санга ионат.

- Эй Огаҳий, агар сан донишга мазҳар эрсанг,  
- Ур шаҳ жанобига юз ҳар ишда музтар эрсанг,  
- Гар роғиби биҳишту вар толиби зар эрсанг,  
- Шоҳинг дуосин одат қил, Рожий, истар эрсанг  
Топмоқ иккি жаҳонда давлат била саодат.

# «ДОЛ» РАДИФИ

## УЛ КҮЗИ БОДОМ

Токи мақбули мизож ўлмишдуур дилдора қанд,  
Кечакундуз базм аро истар ёмон ҳамвора қанд,  
Бас тонг әрмас жонга ишқи ичра ҳар бемора қанд,  
Жонфизо лаълиға әлтар ул пари рухсора қанд,  
Бергудекдур жон улусга әмди бора-бора қанд.

Үзни афзун таъм аро билмишдуур ул лаб олида,  
Сотғоли ширинлигини келмишдуур ул лаб олида,  
Үз кўзига ўзни илмишдуур ул лаб олида,  
Гўё тарки адаб қилмишдуур ул лаб олида,  
Элдин әлга сотилиб бўлмишдуур аввора қанд.

Қанд ўзни ўхшотиб ул кўзи бодом әрнига,  
Баҳс этар ширинлик ичра шаҳди ором әрнига,  
Беадаблик зоҳир айлаб субҳ то шом әрнига,  
Қилғони ўзни ташбиҳ ул дилором әрнига,  
Бўлодур ҳар ерда мажмаъ бўлса пора-пора қанд.

Базмгоҳинг тахтини гар авжи чарх устида қур,  
Иззу жоҳинг тожини хуршид бошидин ошур,  
Айшу ишрат шаҳди бирла неча йиллар ком ур,  
Марг заҳрин тотқунг охир гарчи базмингда әрур,  
Чарх тўқкуз хони узра событу сайёра қанд.

Оғадий жонлар фидо айлаб Ажамдин то Араб,  
Лаълидин комин топо олмас неча айлаб талаб,  
Лекин ушбу иш муқаррар қанд бордур бир ажаб,  
Лаъли ўтрусиға бордур бўйла дойим беадаб,  
Рожиё, сўргил лабидин, бор эмиш не кора қанд.

## «РЕ» РАДИФИ ҚИЛДИ МУЗАИЯН ЖАМОЛИНИ

То холу хатти узоринг аро бўлди ошкор,  
Субҳи умидим узра падид ўлди шоми тор,  
Не навъ очай кўзимни мане тийра рўзгор,  
Холу хатинг хаёлидин, эй сарви гулъузор,  
Годи кўзимга хол тушубдур, гаҳи губор.

Таъриф холу васф рухунг қилсанм ибтидо,  
Юз умр агар сурулса қалам йўқтур интиҳо,  
Лекин бу икки нуктани қилдим бу навъ адo,  
Юзингда хол сафҳада тамғон киби қаро  
Холинг малоҳати туз эрурким қарода бор.

Оҳимни эшитиб мани сўрмоқға келмасанг,  
Лутф илги бирла юз узра ашкимни силмасанг,  
Жисмим ёниб кул ўлғанини кўзга илмасанг,  
Жонимни ўртаган юзу холингни билмасанг,  
Ут шуъласида айла гумон бир учук шарор.

Бир заҳмат ила кавкаби умрим заволидур,  
Ондин ҳамиша жоним ажал пойимолидур,  
Жоно, бу бедилинг туну кун бўйла ҳолидур,  
Билмон кўнгулда холларингнинг хаёлидур,  
Ё кирпигинг тиконларин айлабсан устивор.

Умрим гули шамоли ҳазон бирла сўлмоғин,  
Жисмим биноси сели фано бирла тўлмоғин,  
Жонимга доги оташи ҳасрат қуюлмоғин,  
Ҳар дам кўнгул ҳалоку кўзим тийра бўлғонин  
Билгай бирорки, ёри эрур шўху холдор.

Җун хатту хол қылди музайян жамолийи,  
Бўлдим асир кўргали ҳусни камолини,  
Тонг йўқ мудом истасам онинг висолини,  
Машшотан қазо безамиш хатту холини,  
Беихтиёрлигда манго борму ихтиёр.

Лаълингдин Огаҳий киши сўз сўрса жонпарвар,  
Холинг хаёли кўнглида ўлтурса жонпарвар,  
Ишқинг аро ўтурса ўлар, турса жонпарвар,  
Мискин Навоий холи лабинг кўрса жонпарвар,  
Боқсаниг на бўлди сурати ҳолига, эй нигор.

## ШҮХИ ДИЛОРО

То жони ҳазиним алами ишқа макондур,  
Юз тийги бало захмлари онда ниҳондур,  
Жон дүстлиги майли агар санда аёндур.  
Жон вермағами ишқаки, ишқ офати жондур,  
Ишқ офати жон ўлдуғи машқури жаҳондур.

Бориғами ишқ әтти неча шерни ожиз,  
Кечгил ҳавасидин, санғо ақл ўлса құловуз,  
Савдоғығами ишқ әмас ақл ила жойиз,  
Суд истама савдоғығами ишқдин ҳарғыз-  
Кім, ҳосили савдоғығами ишқ зиёндур.

Даврон аро усру күб әрүр шүхи дилоро,  
Сийминбару, гул пирағану, қомати зебо,  
Очсанг назарингни агар айларга тамошо,  
Яхши күрунур сурати мағашларинг, аммо,  
Яхши назар әтдүкча саранжоми ямондур.

Шүхи қаро күзлар күб әрүр даҳр аро, лекин,  
Бордур ҳамаси жавру жафо расмида сокин,  
Гар истар әсанг бўлмоқ олор зулмидин эмин,  
Ёд әтма қаро күзлilarинг мардуми чашмин,  
Мардум деюб олдонмаки, ичдуклари қондур.

Ҳар сабзи хат, эй дил санга бир фитнаи нахиз,  
Ҳар чашми сияҳ заҳр ила бир соғари лабрез,  
Ҳар новаки мужа жонинга бир ништари тез,  
Ҳар абрўйи ҳам қатлинга бир ханжари хунрез,  
Ҳар зулфи сияҳ қасдинга бир афъи йилондур.

Ишқ ичра далирона агар қўйса қадамким,  
Қилгуси ҳалок они дами тийғи надамким,  
Дема на билурсан қилурин ишқи ситамким,  
Ишқ ичра азоб ўлдуғин ондин билурамким,  
Ҳар кимсаки ошиқдур, иши оҳу фифондур.

Хўбларда агар ҳар нечаким ҳусну адо вор,  
Юз онча оларда ситаму жавру жафо вор,  
Бас, Огаҳиё, ақлу хирад бўлса санго вор,  
Гар деса Фузулники гўзалларда вафо вор,  
Олдонмаки, шоир сўзи албатта, ялондур.

## КЕЛДИ ЯХШИ МЕҲМОНЛАР

Ақлим айлади шайдо қомати хиромонлар,  
Табъим уйига яғмо солди чашми фаттонлар,  
Сабрим этти нопайдо орази дараҳшонлар,  
Солди бошима савдо зулфи анбар афшонлар,  
Қиалди кўнглум ошуфта турраси паришонлар.

Бошима жафо тийғин лаҳза-лаҳза солидилар,  
Қонима менинг ушбу олам ичра қолдилар,  
Даҳр аро бори мундин куфр ила отолдилар,  
Нақди дину исломим бир боқишда олдилар,  
Сурмали кўзи коғир, чеҳра моҳи тобонлар.

Бўлдим ул паривашнинг токи зору шайдоси,  
Сабр уйин хароб этти оҳу нола яғмоси,  
Ортибон бошим узра ғам ҳужуми ғавгоси,  
Ҳажри шоми кўнглумда холу зулфи савдоси,  
Шодлиг канор иста, келди яхши меҳмонлар.

Бир нафас рақибининг суҳбатидин айрилмас,  
Ед этиб мани ҳаргиз кулбама даме келмас,  
Десангиз манга, нечун кўзига сани илмас,  
Ул гўзал тағофилдин ҳолима назар қилмас,  
Бўлди сели ашкимдин олам ичра тўфонлар.

Бу замонда оламдин борди айш ила ишрат,  
Сар-басар жаҳон ичра тўлди ғам била меҳнат,  
Ёрлар нечук тутсун бир-бири била суҳбат,  
Чеккали майи ишрат бермади даме фурсат,  
Кетти ройикон әлдин, ҳайф, яхши давронлар.

Боқмагум қуёш сори маҳвашим жамолисиз,  
Янги ойға кўз солмон қошининг ҳилолисиз,  
Савр сори майл этмон қомати ниҳолисиз,  
Сайри гулшану гулни найлайин висолисиз,  
Дўзахи муқаррардур ёрсиз гулистонлар.

Токи минди у золим хўблуқ саририға,  
Солмади худо ҳаргиз раҳмни замириға,  
Қилмаса карам, тонг йўқ Огаҳий фақириға,  
Ҳусн кишвари шоҳи боқмади Вазирийға,  
Ғуссалар ютуб эмди ўлгум, эй мусилмонлар.

## ОЙ БИЛА КУН БУЛДИ ЗОР

Шаҳсуворимким, қуёшдек ҳусни майдонидадур,  
Ишқдин ушшоқнинг шўриш дилу жонидадур,  
Дема ёлғуз шўру оғат чашми фаттонидадур,  
Ул париким фитнаи айёми фармонидадур.  
Юз қиёмат жилваси таҳрики мужгонидадур.

Ой била кун тинмайин парвонадек лайлу наҳор,  
Айланиб шамъи жамолингни кўрарга бўлди зор,  
Чун намоён айладинг мушкин ниқобингдин узор,  
Не қамардин бўлди зоҳир, не қуёшдин ошкор,  
Ул тажаллийким, юзинг хуршиди тобонидадур.

Гар мане Мажнунга ҳар дам юзланиб дарду миҳан,  
Халқдин қочиб жунун саҳросини қиласам ватан,  
Ушбу ҳолимга қилиб ҳар бирингиз бир навъи зан,  
Деманг, эй жамият аҳли, не учун ошуфтасан,  
Телба кўнглум манзили зулфи паришонидадур.

Субҳи давлатдур аёни дилбарлигинг айёмидин,  
Обиҳайвондур нишон лаълинг майи гулфомидин,  
Сурмаи мозоғ әрур зоҳир кўзинг бодомидин,  
Оятул валлайл әрур таъбири зулфинг шомидин,  
Сураи вошшамс тафсири юзинг шаънидадур.

Ақлу ҳушимни бериб хайли бало торожига,  
Қасд қилди хаста жонимнинг яна торожига,  
Оғаҳий, найтай онинг ман бенаво торожига,  
Берди кўнглум кишварин охир жафо торожига,  
Жаврларким, ул Амирий ҳуси давронидадир.

## ЛОЛА ДОФ ҮЛУР

Түшти то юзинг уэра зулғи анбар афшонлар,  
Шавқ ўти аро қылдек ўртанур тану жонлар,  
Бўлса ошиқинг тонг йўқ олам ичра жононлар,  
Партави жамолингга зор ҳуру филмонлар,  
Зулфинг олида ҳайрон сунбули гулустонлар.

Қолди кўз очиб наргис ҳайрат ичра субҳу шом,  
Борди сарв жисмидин сабру тоқату ором,  
Токи бор сайрига ноз бирла қўйдинг ком,  
Сиймиваш қапогинги ногаҳон кўруб бодом,  
Тош аро ўзин солди рашкидин ютуб қонлар.

Савр боргууси ўздин қоматинг равон кўргач,  
Лола доф ўлур, холинг юзда ногаҳон кўргач,  
Гул нетонг нисор этса, оразингни жон кўргач,  
Кулгу чорги лаълингдин бор аро аён кўргач,  
Гунчалар назар қилрой чок этиб гирибонлар.

Токи бўлмишам, жоно, ошиқи талабгоринг,  
Етдим ўлгали айлаб орзуйи дийдоринг,  
Ваҳ, недин яшурғунгдур парда ичра рухсоринг,  
Гул юзинг фироқида булбули вафодоринг,  
Ҳар саҳар қилиб ёдинг, айлар оҳу афғонлар.

Сончибон қошинг шавқи кўкрагимга юз ханжар,  
Кирпигинг урап ҳар дам жоним ичра минг наштар  
Лахта-лахта қон ондин бағрим ўлди сартосар,  
Ёд этиб лаби лаълинг лаҳза-лаҳза, эй дилбар,  
Айларам равон кўздин қатра-қатра маржонлар.

Елга борди оҳимдин чарх ўйлаким яроғ,  
Қон ёшим била бўлди лолазор дашту тоғ,  
Раҳм агар бу ҳолимға қилсанг эмди яхши чоғ,  
Лоладек гаму ҳажринг кўксум узра қўймиш доғ,  
Васл ила етур, жоно, дардим узра дармонлар.

Қиғғиа Оғаҳий табъин лутф ила саросар хуш-  
Ким, хуш айласа ошиқ хотирини дилбар хуш,  
Сандин этмак истайдур вақтин, эй сиймбар хуш,  
Айла комиронингни жоми васл ила сархуш,  
Токи қолмасун кўнгли ичра неча армонлар.

## ҚҰЙМА ҮЗНИ РАНЖУ МЕҲНАТДА

Жаҳон мулкиким, ул бир турфатул айн ичра барҳамдур,  
Жафо ниши била мамлу, vale ноёби марҳамдур,  
Суруду ишратида навҳаи андуҳи мудғамдур,  
Бу оламким, кўнгул қайдин чекарсан меҳнату ғамдур,  
Фано сарманзилин сайр айлаким, бир хушча оламдур.

Қилиб ваҳм инбисоту айшдин айрилма ўлмакдин,  
Дилу жонингни кулфат тийғи бирла тилма ўлмакдин,  
Гарибу хоксору бекас ўлмак билма ўлмакдин,  
Ангуб танҳолиқи қабр ичра нафрат қилма ўлмакдин,  
Тарийқи унс дутким ҳар ўғуч туфроқ бир одамдур.

Асоси қасринги мармар ваё фўлодким қилсанг,  
Сутун кохингни ар-ар ваё шамшодким қилсанг,  
Хароб ўлғусидур оҳир неча ободким қилсанг,  
Дагил маҳкам жаҳон мулкида ҳар бунёдким қилсанг,  
Фано мулкида дут манзилким, ул бунёд маҳкамдур.

Тузуб ҳақ ҳикмат ила даҳр гулзори мусаффосин,  
Безабдур аҳли дил туфроғидин саҳни дилоросин,  
Қадам густоҳ қўйма истабон қилмоқ тамошосин,  
Баҳор айёми кирсанг лолазора хоки ажзосин,  
Муҳаққар кўрмаким, ҳар зарраси бир жом ила жамдур.

Чекарга ишқ нуқсидур сабаб андуху фурқатда,  
Етур ишқинг камола, қўйма үзни ранжу меҳнатда,  
Валекин тут қулоқ, айтай санга бу сирни хилватда,  
Камоли ишқи инсон мавт иландур роҳи ҳикматда,  
Бали мужро қилон ҳукминг мисолин нақши хотамдур.

Фано кайфияти ужбу риёдан қутқорур нафси,  
Дема ужбу риё ранжу анодин қутқорур нафси,  
Не ранжу, не ано турлук балодин қутқарур нафси,  
Ажал олойиши хавфу хатодин қутқарур нафси,  
Бу жавәдар кимсейи давлата иксирі аuezамдур.

Жаңон аҳли на билсун, Огаҗий, меҳру вафо қадрин,  
Билурму шаппаратлар шом аро нуру зиё қадрин,  
Нетонг гар билмаса бедарлар завқу даво қадрин,  
Асири нафсдур аҳли жаңон билмаз фано қадрин,  
Фузулий, ишқ автори санго онжақ мусалламдур.

## БЕХУДА ЧЕКМА РАНЖ ИЛА МЕХНАТ

Киши зуҳду ибодатда агар зуннунү даврондур,  
Вагар ақлу фаросатда жаңон аҳлиға Луқмондур,  
Baē жоқу жалолатда бори оламға султондур,  
Сипең осибидин солим қутулмоқлик на имкондур,  
Ки меҳри ташту, тийғу, кулгуси барқи дурахшондур.

Онинг бу меҳри ҳар күн борча даҳр аҳлиғадур шомил,  
Бу кулгуси дөғи жумла ҳалойиқ шаънида комил,  
Бу меҳру бўйла кулгуни кўруб олдонмағай оқил,  
Мунингдек меҳр кўргач, шод ўлуб кулган зиҳи ғофил,  
Бу янглиғ кулгу сори меҳр солғон усру нодондур.

Бу меҳр иҳроқидин дойим шажарлар муртаиш аъзо,  
Бу кулгу ҳайбатидин музтариб ер жисми сар то по,  
Очиб ибрат кўзин, қилғир тамошо гар эсанг бийно,  
Тенгиз кўнглида ондоқ меҳрдин юз шуъладур пайдо,  
Қиё бағрида мундоқ кулгудин минг дашна пинҳондур.

Агар шаҳлар сипаҳ чексун жаңон мулки аро ҳадсиэ,  
Вагар дарвишлар қилсун дуо әгнида солиб киз,  
Жафоси дағъин онинг айламак мумкин әмас ҳарғиз,  
Ҳижориндин қиёдур онга юз минг тийғ ила ожиз,  
Хубобидин тенгиз юз минг кўз ила онга ҳайрондур.

Эток чирмаб, бўлуб қад хам урор ҳар лаҳза пўю так,  
Ҳалойиқ танларидин жонларин то айлагил мунфак,  
Назар қил кўз била гар кўнглунга келса бу сўзда шак,  
Чекиб қавси қузаҳдан ё кўнгуллар қасдиға инак,  
Егин мадо хадангу қатра сувлар онда пайкондур.

Бу ё ё дин қасд қилди жонига кazzобу содиқнинг,  
Бу ўқдин вахм урди жисмиға маъшуқу ошиқнинг,  
Бу ё у бу ўқ ўлди офати адноу фойиқнинг,  
Бу ё бирла онингдек ўқни ёғдургоч ҳалойиқнинг  
Ҳаёти қасрига ҳар сори солмоқ рахна осондур.

Киши гар ҳукмрон ўлсун жаҳон аҳлиға ҳар кунким,  
Тараб жомини нўш өтсун кўнгул комича ҳар тунким,  
Бу янглир умр сурсун неча йил йўқ суд, невчунким,  
Ҳаёт ичра бақо чун мумкин эрмас Нуҳ бўлсунким,  
Ўлар ҳолатда туғмай ўлган ўғли бирла яксондур.

Агар кўнглунгфа ком эрса туганмас айш ила ишрат.  
Бу базм ичра фано жоми била ич бодаи ваҳдат,  
Тилаб оби бақо беҳуда чекма ранж ила меҳнат,  
Бақо сарчашмаси зулматда дерлар, йўқки ул зулмат,  
Искандар оди ўтидин йигилғон дуди ҳирмондур.

Бу фоний дайр аро ҳар кимда бўлса нашъаи маъни,  
Анго етгай дамо-дам ҷархӣ золим зарб ила таъни,  
Бас әмди Оғаҳийдек ахтариб осуда мазжаъни,  
Навоний, ўртабон ўзлук қадам бу йўлға қўй, яъни-  
Ки, ҳар ҳамроҳким бўлғай тажарруд мониъи ёндур.

## УЛ ЮЗИ ГУЛ

Инжу тиши жон қулзуми ичра гүдаримдур,  
Рангин лаби дил маъданида лаълларимдур,  
Бу лаҳзаки маҳруми жамоли назаримдур,  
Дурлу әдажак доманими чашми таримдур,  
Пур лаъл әдан чашмими хуни жигаримдур.

То ойинан ишқ аро жилва намоям,  
То ҳажри биёбонида мажнунни гадоям,  
То васл талаб айлагали бесару поям,  
Гам гулшани ичра дегилан нахли балоям-  
Ким, дод баним баргиму ашким самаримдур.

Ул меҳр лиқо тарқ дутуб улфату меҳри,  
Ешурди соруб зулфи паришон аро чеҳри,  
Оҳим ўти ёхса нўла руҳсораи меҳри,  
Ул ўтки буроҳдуқча дутор еди сипеҳри,  
Меҳри руҳидан шуълан оҳи саҳаримдур.

Чих, сарви равон, этма бу дам боғи нишиман,  
Нагис юри, сан доғи мақом айлама гулшан,  
Булбул ики минқоринги эт ноладан алкан,  
Дер гулларинги боди сабо саҳни чамандан,  
Ким бода гезан ул юзи гул, барги таримдур.

Манзил ўлони зори таним кулбаси жона.  
Кўз ёша, кўнгул қони равон ўлди жаҳона,  
Гар важҳин онинг сўрсангиз, эй аҳли замона,  
Хуни дилими сийми сиришк ила равона,  
Ҳар лаҳза әдан ёд руҳи сиймбаримдур.

Үнс айламаюб бир нафас ичра ватанимла,  
Саңро гезарам ҳар нафас урён баданимла,  
Девоналигим етти камола бу фанимла,  
Бир ёзия Мажнун агар әрмишди банимла,  
Вермишди жунун даштида хуш роҳбаримдур.

Ишқ аҳлина ёғду гун әрур баҳти сияҳлиқ  
Дард ичра улуғ давлат әрур ҳоли табаҳлиқ,  
Кел, айла манго, Огаҳий, сан әмди сипаҳлиқ,  
Вор ишқ диёрида мусаллам манга шаҳлиқ,  
Хон шуълан оҳим бошима тожи заримдур.

## «ЗЕ» РАДИФИ

### БОҒИМИЭУ БАҲОРИМИЗ

Бизга баҳор жилвангиз сайри умидворимиз,  
Гулшани даҳроға назар айламак ўлди оримиз,  
Ўтди висолингиз тираб ҳаддидин интизоримиз,  
Бору баҳор аро нетонг бўлмаса гар қароримиз.  
Ким, сари кўйингиз әрур боримишу баҳоримиз.

Қоматингизга сарвлар боғ аро муктасиб әмас,  
Оразингизга лолалар ҳусн аро мунтаҳиб әмас,  
Бизга олорсиз, эй пари, гулшан аро тараб әмас,  
Сарв ила лолаға назар айламасак ажаб әмас.  
Ким, қаду чеҳрангиз әрур сарв ила лолазоримиз.

Сиэга зиёда ҳусн аро давлату жоҳингиз әрур,  
Даҳр аро борча хўблар хайлу сипоҳингиз әрур,  
Ишваю ноз гавҳари зеби кулоҳингиз әрур,  
Орази олингиз уза зулфи сиёҳингиз әрур,  
Боги муродимиз аро сунбули мушкборимиз.

Бизга фироқи мажмари отashi ичра удимиз,  
Чиқфуси кўкка оҳидин лаҳза-балаҳза дудимиз,  
Бўлғусидур куюб адам будимизу набудимиз  
Гулшани ишқ аро бало нахли әрур вужудимиз,  
Оҳимиз онда баргимиз, ашкимиз онда боримиз.

Ком улусга бердингиз лаб ора болингиз била,  
Тунларин этдингиз ёруқ меҳри жамолингиз била,  
Ҳар кеча бизни қўйдингиз фикру хаёлингиз била,  
Нетти ёрутсангиз дами субҳи висолингиз била,  
Қилди қаро Фироқингиз кечаси рўзгоримиз.

Нече замонлар ўлди, эй меҳрилиқу моҳрү,  
Айлагаймиз висолингиз кундузу кеча жустжү,  
Бўлди тани наҳифимиз фирқат аро нечукки мў,  
Баски ингичка белингиз қучмоқин этдук орзу,  
Қолмади танда қучғудек қилча они мадоримиз.

Кўнглумиз ичра ҳажрингиз ғуссаси ҳар нафас етиб,  
Етдук ўларга ҳушимиз гоҳ келиб, гаҳи кетиб,  
Раҳму муруватт айлангиз бу сўзимизни әшитиб,  
Ком топарни лаълингиз шарбатидин умид этиб,  
Ҳар дам оғизга етгуси чиқали жони зоримиз.

Барча улус висолингиз субҳи тараф шиорида,  
Шарбати ком ичиб қарам соғари зар нигорида,  
Биз қолибон валек ғам зулмати шом торида,  
Бодайи илтифотингиз нашъасининг хуморида,  
Ерга йиқилди ўйлаким хоки тани назоримиз.

Ҳусни сарири узра сиз жумла жаҳон шаҳи киби,  
Равшан әтарга даҳрни авжи фалак маҳи киби,  
Найири мунир улуғ жанобингиз бандай беражм киби,  
Ҳар на жафоки қилсангиз чеккамиз Огаҳий киби-  
Ким, онга монеъ ўлғудек йўқтурур иқтидоримиз.

## ЕЛГУЗ

Етиб жонимга гардун зулмидин юз минг аlam ёлгуз,  
Аlam чекмакда етдим жонға ман зору дажам ёлгуз,  
Эшит додимни әмди, эй шаҳи соқиб карам, ёлгуз.  
Құюбман то тааллуқ маҳбаси ичра қадам ёлгуз,  
Етар ҳар дам ҳаводис шаҳнасидин минг ситам ёлгуз.

Чекиб ҳар лаңза бекаслик ғамини жони афгорим,  
Үлуклардек ётиб байтул-ҳазанда жисми беморим,  
Эшитмас бир киши ҳар шом чеккан нолан зорим,  
На бор бир ёри ғамхорим, на дилдори вафодорим,  
Етушса даҳрдин чеккүм агар юз бор ғам ёлгуз.

Куҳан майхонаси бу даҳрнинг, ё раб, ҳароб ўлсун,  
Ки бедодидин онинг йигларам ҳар шом тортиб ун,  
Кўзим кўб йигламоқдин тийра бўлса не ажаб букун,  
Ғами бекаслик андоқ еттиким ифрат ила ҳар тун,  
Тўкордин ашк кўзда қолмади бир қатра нам ёлгуз.

Бино то топти тангри сунъидин вайронаи олам,  
Жаҳонга келмади ёлгуз манингдек ҳеч бир одам,  
Мани ўлтурса әмди тонг әмас бу ғусса бирла ғам,  
Замони айтишиб ҳолимни йўқ мунглошгудек ҳамдам,  
Ура олмон ичим дард ўтидин гар ёнса дам ёлгуз.

Кишисиэлик мани қилмишдукур андоқки хоки роҳ,  
Қўлумдур бу жиҳатдин борча ишдин даҳр аро кўтоҳ,  
Нечук ҳасрат била ўлтурмай ўзни әмди тортиб оҳ,  
Кишим йўқ олғоли хуни дият қатл әтсалар ногоҳ,  
Киши ман янглиғ ўлғон топилур оламда кам ёлгуз.

Қилиб сарф, әйки, ишрат қылғоли ганжинг зару молин,  
Қиалурсан нүш хешу ақрабо бирла тараб болин,  
Замони күримамишсан рўзгор андуҳу ашколин,  
На сўргунг ушбу меҳнатхонада ёлғуз қиши ҳолин-  
Ки, бўлғой заҳр коми ичра ичса жоми Жам ёлғуз.

Киши гар дониш ичра тўрт дафтарга әрур хоно,  
Агар ёлғуз эса нодонча қадри бўлмогой жоно,  
Эшият, айтай санго ҳолин онинг тақрор ила ёно,  
Бори илму ҳунар ичра эса ҳар нечаким доно,  
Замон аҳли аро бўлмос замони муҳтарам ёлғуз.

Бировким ёлғуз әрса айламас имдод анго толеъ,  
Қаю ишдинки суд истар, бўлур ондин варар воқеъ,  
Агар юз ганиж ҳам сарф айласа бўлмай анго нофеъ,  
Жаҳон бозори ичра нақди ондоқ бўлғуси зоеъ-  
Ки, тутмас бир пул ўрнин харж қиласа минг дирам  
ёлғуз.

Макон әтса фалак ҳар кимга бекаслик сияҳ ҳолин,  
Үтургай ҳасрату нокомлиғ бирла маҳу солин,  
Эшитгил ҳам яна шарҳ айлай онинг танг аҳволин,  
Эл ичра обру топмоқ тилаб сарф әтса амволин,  
Бўлур беобрўлиғ бирла әлга муттаҳам ёлғуз.

Адамдин то келиб қиалдим бу мотамхонани маскан,  
Қолиб ғам остида бўлди ишим ўз ҳолима шеван,  
Қўнгул маҳзуну, жон ғамгину, тан бемору, тил алкан,  
Агар бу әрса ёлғузлиқ ғамиким ман чекибдурман,  
Илоҳи, бўлмасун олам аро куфр аҳли ҳам ёлғуз.

Алоийқ лавсидин айлаб замири покинг олуда,  
Маош асбоби фикрида чекиб юз ранжи беҳуда,  
Үтурдинг борча авқотинг ғаму, андуҳу, қайғуда,  
Тааллуқ, таркин айлаб эмди тутғил ўзни осуда,  
Қачонға тегру чеккунг, Огаҳий, мунча алам ёлғуз.

## ФАЛАК СИТАМ ҚИЛИБОН

Замон-замон бошим узра ҳужум әтиб келасиз,  
Нафас-нафас юрагим панд тийғидин тиласиз,  
Чу зажр манъ манга суд қилмасин биласиз,  
Жамоатики жунун манъини манго қиласиз,  
Төш отибон не учун телбаларга қотиласиз.

Фалак ситам қилибон ул қүёшдин айрилдим,  
Уларга җажр қаро шомида ёвуқ келдим,  
Висол субдиға чун әмди етмасим билдим,  
Кетинг күнгүл била жонким, видонингиз қилдим.  
Фироқ агар будурур әрта күнни кеч қиласиз.

Қилиб фироқ аро қон ёшингиз равон йигланг-  
Ки, қылғуси сафар ул сарвари замон йигланг,  
Бу гусса бирла җароб ўлғудек жаңон йигланг,  
Фироқ вақти әзур, күзлар, әмди қон йигланг,  
Билурмусизки, букун не кишидин ойриласиз.

Багирға сабр қўли бирла тобакай тош урай,  
Қағонға тегру таҳаммул аёқиға бош урай,  
Тиларман әмди фигоним сипеҳрдин ошурай,  
Кўнгүл фасоналари, сизни, ваҳ, нетиб ёшурай,  
Бу навъ юз сариким қон ёш ила ёйиласиз.

Агарчи поку мусаффодурур мазоҳири ашк,  
Валек бўлмади ул ҳур чеҳра нозири ашк,  
Тушар аёқиға бу важҳ ила мақотири ашк,  
Кўзим ҳақини биҳил қилдин, эй жавоҳири аш-  
Ки, бори ҳам онинг ўқ мақдамиға сочиласиз.

Нега фиғоним ила даҳр әлини инжитмай,  
Недин ўзимдин ололмайин нафас кетмай,  
Бу дам адам сори борғум муродима етмай,  
Фироқ нишлари, ваҳки, яна раҳм әтмай,  
Нафас-нафас нега мажруҳ ичимга сончиласиз.

Кишига лозим әрур бўлса ҳарна ҳолда шукр,  
Агар завол аро бўлсун, вагар камолда шукр,  
Кўрингки, Огаҳийдек қилмай иттисолда шукр,  
Навоий ҳажрда қолди, қилинг висолда шукр,  
Жамоатики севар ёрингиз биласиз.

## ОХИМЛА ЁНДИ...

Жафо таркин мани маңзуна бир дам ул санам қилмаз,  
Күзим ондин онингдек нам қилур зоҳирки, ям қилмаз,  
Агарчи мавж уруб оқмоқни кам бир лаҳза ҳам қилмаз,  
Нами ашким мукаддар хотиримдин дағъи ғам қилмаз,  
Бу равшандур нами ойинадин зангор кам қилмаз.

Қошинг меҳроби ўлмиш қиблагоди аҳли куфру дин-  
Ки, онда ким дуо қилса, дегой хайли малак омин,  
Бас аллаб баҳти ёварлик агар, эй ёри хуш, тамкин,  
Ҳами абруйи мушкинингни, кўрса зоҳиди худбин,  
Даҳи қомат сужуди гўшаи меҳроба ҳам қилмаз.

Фамингда оташи оҳимла ёнди бу ети торам,  
Сиришким сели туфониға борди жумлаи олам,  
Бунингла ҳам жафони жонима кам қилмадинг бир дам,  
Санго, эй шўхи сангин дил, демон бут нишаким, бут ҳам  
Агарчи сангдиллур бўйла бедоду ситам қилмаз.

Чекиб жаври юкин, жисмим ўлубдур ул сифатким мў,  
Жафоси ков-ковидин бнайниқ кўзларимдур жў,  
Боғир қони ҳамул жўларда жорий сув киби ҳар сў,  
Жафоу жавр ила қон ўлди бағрим, ё раб, ул бадхў,  
Нечун тарк айламаз жаври жафосин, бир карам қилмаз.

Йўлингда юз қўюб гирён ўлан бу ҳоксорингдур,  
Аёғинг туфрогини ўпмага уммидворингдур,  
Санга арз айларам, жоно, эшитмак гарчи орингдур,  
Муродим гириядин касби губори раҳгузорингдур,  
Кўзим ёши дамо-дам чеҳрами беҳуда нам қилмаз.

Күнгүл әрмаски ҳақ туэмшдуур ғам гунбази тархин,  
Эмастур жонки таъмир айламиш дарду миңан сархин,  
Демакка тил на җожатдур дилу жоним ниҳон жархин,  
Хатинг даврида ашки ол ила дарду ғамим шархин,  
Дам ўлмазким, рухи зардимда мужгоним рақам қилмаз.

Бу бор ичра гул осо җар кишиким соф ботиндур,  
Висолинг гулшанининг роҳати нақдиға хозиндур,  
Тамоми орзудин Огаҳийдек тинчу әминдур,  
Фузулий, хаста дил то равзаи кўйингда сокиндур,  
Таманнойи беҳишту, майли гулзори Эрам қилмаз.

## ВАСЛ МАЙИ ХУМОРИМІЗ

Токи гулы жамолингиз булбули бекарормиз,  
Фурқатингизда беадад дарду аlam дучоримиз.  
Жону күнгүлни ўртади шуълаи оху зоримиз,  
Бизга тараҳдум айланг, эй дилбари гулъузоримиз.  
Ишқингиз ўти сар-басар ёқти тани назоримиз.

Бошимиз узра хайли ғам җадду шуморасиз етиб,  
Етти чиқарға жонимиз, ақлу қароримиз кетиб,  
Айтингиз, ушбу дардға сабр эта олғомиз нетиб,  
Базмингиз ичра ўвгалар жоми тарабни нүш этиб,  
Биз ғами җажрингиз аро васл майи хуморимиз.

Аҳду вафо күб айланыб қилдингиз ихтилофи ахд,  
Мунча ҳам ўлғусимудур кимсага индирофи ахд,  
Бизга бўлурға урдингиз, ёр анис, лофи ахд,  
Сиздин умидимиз буму эрди, қилиб хилофи ахд,  
Дарду аlamни қилдингиз, бизнинг анису ёrimиз.

Кўргузуб илтифот ила лутфу атойи бешумор,  
Хар сўзингизда айлабон неча зарофат ошкор,  
Токи келурга ваъдалар қилдингиз, эй суманузор,  
Хоки қудумингиз тилаб, шавқ ила тортар интизор,  
Иўлингиз узра сув сепиб дидай ашкборимиз.

Эмди вафо агар ҳамул ваъдаға айлабон аён,  
Лутф самандини суруб бу қулингиз сори равон,  
Азм аро кўргузуб шитоб ўйлаки меҳри осмон,  
Бўлсангиз айлабон қарам, кулбамиз ичра меҳмон,  
Мақдамингизга бўлгуси жавҳари жон нисоримиз.

Үпмогу құчмоқ истабон ошиқи бебадилингиз,  
Йүлға боқиб, бўлубдурур хок сифат залилингиз,  
Келгали биз сори қачон раҳм бўлур далилингиз,  
Зарра мисол оғзингиз бирла ингичка белингиз,  
Фикру хаёл мунъадим айлади йўқу боримиз.

Сиз киби аҳли ҳусн аро гар йўқ әрур пари најод,  
Биз доғи аҳли ишқдин меҳру вафодамиз зиёд,  
Яхшидур ичсак иккимиз ҳамдам ўлуб майи мурод,  
Ошиқингизмиз айлангиз базмингиз ичра бизни шод-  
Ким, шабу рўз васлингиз жоми умидворимиз.

Ишқ, әлиниң қаторида бизни ҳам айлабон ҳисоб,  
Меҳро киби узорингиз устидин олибон ниқоб,  
Равшан әтарга комимиз лутф ила кўргузинг шитоб,  
Дўстингизмиз, этмангиз суҳбатимиздин ижтиоб,  
Чунки муҳаббат аҳлиниң соҳиби эътиборимиз.

Маснади ҳусн узрасиз, чунки шаҳи фалак жаноб,  
Лутф ила қилсангиз керак шоҳу гадони комёб,  
Мунча на әрди Огаҳий шаънида қаҳр ила итоб,  
Зулмингиз этти кўнглимиз мулкини сарбасар ҳароб,  
Гарчи замона аҳлиниң шоҳи жам иқтидоримиз.

## «СИН» РАДИФИ

### АРЗИМАС

Роҳати дунё балойи мубрамига арзимас,  
Ошкоро нўши ниши мубдамига арзимас,  
Юз исиг қулгуси бир совуқ дамига арзимас,  
Даҳр базму айши андуҳу ғамига арзимас.  
Шарбати жонпарвари муҳлиқ самига арзимас.

Гулшани гардунки йўқтур хушҳаволиг субҳида,  
Кулку әрмаским, аёндур беҳаёлиғ субҳида,  
Истама бир дам зиёйи ошнолиг субҳида,  
Юз йил ўлсонг ёр васлининг сафолиг субҳида.  
Бир замонлиғ ҳажри шоми музламига арзимас.

Бўлса базминг жаннату соқийлари ғилмону ҳур,  
Топсанг онда улчаким коминг әрур айшу сурур,  
Воқиф ўл, ҳолингға бўлма масти саҳбойи ғурур,  
Етса даврондин санго гар умрлар сур узра сур,  
Бир нафас етган малолу мотамига арзимас.

Эйки маъқул онглабон нафсинг хаёли фосидин,  
Айладинг маҳбуб ўзинга даҳр вайду ҳолидин,  
Ҳалқан мақсад этиб бўйнингға зулфу соидин,  
Лаълидин гар жон топиб қучсанг муродинг шоҳидин,  
Назъ вақти пайкаринг печу ҳамига арзимас.

Маскан эттинг тут хилофат тахти узра неча йил,  
Ҳам бори олам әлин авсофинга машғул бил,  
Бўлса гар ҳушиңг буларға ғарра бўлса онглағиљ,  
Мадҳинга очса улус юз ҳуш иборат бирла тил,  
Бир қабиқ алфоз ила қилғон замига арзимас.

Жамъ әтарга мол ранжа қилмогил жону танинг,  
Оқыл әрсанг айлагил расми қаноатни фанинг,  
Бўлма маҳзун сийму зардин тўлмади деб маҳзанинг,  
Тенг тут амволи жаҳон бешу каминиким, онинг  
Инбисоти беши андухи камига арзимас.

Фикринг отини тамаъ майдони ичра сурмаким,  
Юз қаноат гўшасидин ўзга сори урмаким,  
Ҳар на бору йўқинга рози бўлу қойғурмаким,  
Истабон айш, Огаҳий, ғам бошинга келтурмаким,  
Даҳр базму айши андуҳу ғамиға арзимас.

## ҚАДРИМНИ БАЛАНД ӘТМАС

Фалакким яхшилар базмида қадримни баланд әтмас,  
Даме йүқким ёмонлар мажманда мустаманд әтмас,  
Бу ҳасратдин күзим ашкы йўлини бир лаҳза банд әтмас,  
Мани ман истаган ўз сұхбатига аржуманд әтмас,  
Мани истар кишининг сұхбатин кўнглум писанд әтмас.

Фигонким, даҳри дун ичра рафиқе топмадим огаҳ,  
Қаён борсам бўлурлар ғўливашлар ҳамдаму ҳамраҳ,  
Тиларлар баҳра мандин, ман тилаб топман биридин раҳ,  
На баҳра топгаман ондинки мандин истагай баҳра,  
Ўзи ҳам баҳраманд ўлмас, мани ҳам баҳраманд әтмас.

Кўзи заҳри эса ҳар нечаким мойил мамотимга,  
Лаби шахди эди роғиб ўлумдин ҳам најхотимга,  
Бу дам восил эмон ул қотили Йсо сифотимга,  
Нетай ҳуру пари базминки қатлим ё ҳаётимга,  
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд әтмас.

Чиқо олмай кўнггул ҳайрондур усрุ шоми фурқатдин,  
Тўкар ашкни кўз ҳам интизори субҳи вислатдин,  
Иложи бўлмаса ул моҳваш хуршиди талъатдин,  
Керакмас ой била кун шакликим ҳусну малоҳатдин,  
Ичим ул чок-чок әтмас, таним бу банд-банд әтмас.

Букун чобуклар ичра йўқ эди ул шаҳсуворимким,  
Бирини қилмади манзур чашми ашкборимким,  
Губоросо не тонг гар қолмаса сабру қароримким,  
Керак ўз чобуку қотилвашу мажнун шиоримким,  
Бузук кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд әтмас.

Күнгүлни айлаб, эй солик тааллуқ чиркидин тоңир,  
Фано мулкига азм әт, беховотир айлабон хотир,  
Нечаким берса коминг айлабон меңгу вафо зоңир,  
Күнгүл ўз чарх золидин фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйинингга каманд әтмас.

Саводи зулфини кўргач юмор Огоҳий тун деб кўз,  
Юзига нозир ўлғоч ҳам тутар қўл бирла кун деб кўз,  
Кўнгул ҳайратда қолма кўрмас они не учун деб кўз,  
Ул ой ўтлуг юзин очса, Навоий, тегмасун деб кўз,  
Муҳаббат тухмидин ўзга ул ўт узра силанд әтмас.

## ИККИ КҮЭЗИН ХҮНХОРАЛАР ҚИЛДИ

На дилбарсанки, монандинг қазо қылки рақам қилмос,  
Қаду рухсорингосо сарв ила гулни баҳам қилмос,  
Күриб жон қоматинг түбига ранжа бир қадам қилмос,  
Күнгүл күрса юзингни, майли гулзори Эрам қилмос,  
На гулзори Эрам, ёди гули фирдавс ҳам қилмос.

Чу ул золим манго икки күзин хүнхоралар қилди,  
Дилу жонимни мажруҳ айлабон, оворалар қилди,  
Демай ёлғуз жафоси тийги багрим ёралар қилди,  
Чекиб юз ноз ила ханжар, юроким поралар қилди,  
Киши ўз душманига бу сифат ҳаргиз ситам қилмос.

Баланд әтмак учун оламда қадру әътиборини,  
Мунаввар қылғоли ҳам тийра чашми интизорини,  
Қилиб сайд, ул қүёшнинг хок күйи лолазорини,  
Сабо ағёра өлтур түтиёлиқға губорини,  
Сиришким кўйининг туфроғини беҳуда нам қилмос.

Кийиб зебо қадига лолагун тўйлар бори заркаш,  
Қуёшдек бошим узра тийғ тортиб, сепратиб абраш,  
Ғазаб бирла шитоб айлаб, бўлуб сарто қадам оташ.  
Худоға шукрким, жавру жафо зулмини ул маҳваш  
Қилур кун-кундин ағзун жонима, бир зарра кам қилмос.

Агар ғам шиддати ичра әшитиб нолау зоринг,  
Қилиб ногаҳ тараҳдум ҳолинга тарқ айлаб озоринг,  
Навозиш айласа дилдорлиғлар кўргузуб ёринг,  
Рақибо, қилма нозиш ман кўрон ёр ўлса дилдоринг,  
Мани шод әтмади бори, сани ҳам муҳтарам қилмос.

Нечайил хонақоң ичра бўлиб шайтон киби сожид,  
Матои тоатинг қилдинг риё бозорида косид,  
Ишингнинг охири билмон не ерга бўлғуси оид,  
Кўруб ул бут қошин миҳроба қилдинг сажда, эй зоҳид,  
Сан әтган ишни биллоқ ҳеч раҳбону санам қилмос.

Муроди Огаҳийнинг бўлса пири дайр ҳамрози,  
Ҳароботи фанода риндларнинг ёру дамсози,  
Бўлуб иқбол агар онинг бу ҳоли чора пардози,  
Муяссар бўлса синфон косау гулхан кули Ғозий,  
Ҳавоий тахти Доро орзуйи жоми Жам қилмос.

## ГУЛГУН ЛИБОС

Келди рангин айлабон ул сийм тан маймун либос,  
Лаълидин қылғон киби гүё дурн макнун либос,  
Ҳусни аксидин топибдур зебу фар афзун либос,  
Айламишму ул суманбар қаддиға гулгун либос.  
Сарви маваун әтти ё гулбаргидин маваун либос.

Бўлди то мен бенавоға ишқ жазби раҳнамун,  
Дард водисида топман бир дам орому сукун,  
Оташи ҳижрондин ўлмишдур таним зору забун,  
Демангиз ман телбани киймиш либоси лолагун,  
Тоза-тоза доғ ила бўлмиш танимға хун либос.

Ул пари зоҳир қилиб сўз бирла гавҳаррезлик,  
Телбаларнинг оташи шавқиға берди тезлик,  
Қул қилиб жисмимға еткурди ҳаво омизлик,  
Ишқ, даштида қуюн айларму гард ангизлик,  
Ё қаро туфроқдин әтмиш ҳуснига Мажнун либос.

Зодиран бўлса либосинг кимхо, ёхуд катон,  
Не зарап гар хотиринг ичра ҳаво тутмас макон,  
Балки оқил эрсанг айлаб саъю қўшишлар аён,  
Ботининг маънисин әтгил зеб зоҳирда ниҳон,  
Ўйлаким алфози рангидин қилур мазмун либос,

Эй талаб йўлида ҳосил айлаган фаҳму шуур,  
Бўлма қосид касбида борча маволигдин нуфур,  
Истасанг гар ҳар нафасда топғасан файзу ҳузур,  
Субҳ янглиғ сидқ ила қылғил вужудинг гарқи нур,  
Кўр не навъ ўлғусидур гар бўлмаса собун либос.

Эй тушуб бошиға оламда ұавойи салтанат,  
Истасанг киймак сарир узра қулоқи макрумат,  
Авжы иззат узра юз йил мақому мартабат,  
Хорлиқ бирла қаро туфроқға киргүнгө оқибат,  
Гарчи айларсан қуёшдек атласу гардун либос.

Огаңийға айлабон гардуни дун парвар ситам,  
Ладза-ладза етқуур қүнглиға юз ранжу алам,  
Ғам ұужумидин әрүр табъи паришон, фикри кам,  
Бұлса Рожийнинг сўзи урён латофатдин, не ғам,  
Қиласа лутвидин онга соний Афридун либос.

## «ТО» РАДИФИ

### ИШҚ ӘЛИНИ ҚИЛДИ ЗОРУ ҲАЙРОН

Гул каби юзинг узра чиқти анбар афшон хат,  
Ишқ әлини булбулдек қилди зору ҳайрон хат,  
Рашк ўтиға жонларни тонг йўқ этса сўзон хат,  
Бўлди лаъли жонбахшинг ўзра то намоён хат,  
Эй пари, Ҳизэр янглиғ топти жовидон жон хат.

Йўқ сарири ҳусч узра сан киби шаҳи воло-  
Ким, ҳужум әтибдурлар эл қопунгда ҳашросо,  
Ушбу кенг жаҳон ичра кимса қолмайин асло,  
Борча эл хатинг кўргач, банда бўлдилар гўё,  
Қул қилурга оламии айладинг намоён хат.

Хатки бўлди лаълингда мў-бамў аён, эй шўх,  
Оразингга еткурди ҳусни бекарон, эй шўх,  
Қайси тил била васфин айлайнин баён, эй шўх,  
Жонфиزو лабинг узра айламиш макон, эй шўх,  
Айлаган киби маскан Ҳизэр оби ҳайвон хат.

Хум ичида май дойим масканин аён әтмиш,  
Тунк аро шакар манзил борса ҳар қаён әтмиш,  
Тийра жисм ичида жон бенбо макон әтмиш,  
Зулмат оби ҳайвонни сар-басар ниҳон әтмиш,  
Лаъли руҳ бахшингни тонг йўқ этса пинҳон хат.

Хилъати назокатдур қаддинга тўқулғондек,  
Хутбайи малоҳатдур отинга ўқулғондек,  
Холлар лабинг узра нуқталар қўюлғондек,  
Сафҳага ёзилса хат зеби ортуқ ўлғондек,  
Айламиш узорингга хўблуқ фаровон хат.

Оразинг уза хатти мушкбори эрконму,  
Е беъишти бояннинг сабзазори эрконму,  
Йўқса ҳусни субҳининг шоми тори эрконму,  
Мусҳафи руҳинг узра хат губори эрконму,  
Сафҳасида кўргузмиш йўқса меҳри раҳшон хат.

Гул киби санго ораз усру дилкушо бордур,  
Зеби баҳш анго ҳарён хатти мушксо бордур,  
Санда то бу хатту юз, эй парилиқо бордур,  
Истомон гулурайхон негаким, санго бордур,  
Гайрати чаман ораз рашк бўйирайхон хат.

Эйки, усру бўлмишсан иззай биноий ҳусн,  
Беказон әмас билким, боғи дилкушойи ҳусн,  
Бор эсанг агар оқил, истама вафойи ҳусн,  
Фаҳм қил юэу хатдин йўқлуқин бақойи ҳусн,  
Ул варақда бу мазмун билгурур ёзилғон хат.

Ул парики монанди бу жаҳон аро йўқтур,  
Е эрур ики қоши ғамзаси анго ўқтур,  
Гарчи фурқати ичра жон чиқарға ёвуқтур,  
Огаҳий абад умри муждасидин ортуқтур,  
Ваъдан висол айлаб гар юборса жонон хат.

## «ФАЙН» РАДИФИ РУЗА

Ул навъ қилмиш әрди мани рўза бедимоғ,  
Ким, тушмиш әрди ерга бошим ўйлаким аёғ,  
Ҳам тийра бўлмиш әрди кўзим, ҳам асами қулоғ,  
Соқий, етушти ийд ўлубон рўзадин фароғ,  
Ҳамёзаи хумор оғиз очмай кетур аёғ.

Хўб әрди базми айш аро ором тутмоғинг,  
Махмурларға бодаи гулфом тутмоғинг,  
Ҳам вақти субҳ сўнмоқ, ҳам шом тутмоғинг,  
Фавт ўлди рўза ичра неча жом тутмоғинг,  
Эмди онинг қазосин адо айлагил бу чор.

Ҳалқи жаҳонға зоҳир ўлуб лутф кирдикор,  
Оlamға юз қўюб фараҳу файзу бешумор,  
Ер юзи бўлмиш ўйлаки фирдавси лолазор,  
Айёми ийд келмишу ҳам мавсуми баҳор,  
Равнақ фазойи олам ўлуб боғ балки роғ.

Етти чаманға зеб ила зийнат шуморасиз,  
Ҳар сарв бўлди ҳусн ила бир нав аруси қиз,  
Ҳар ён оқар сув нашъа бериб ўйлаким қимиз,  
Шабнам сувига ғунча оча бошлади оғиз,  
Гуллар ёрутди ийд туни ҳар сори чароғ...

Айлар чоги дуо шаҳи давлат паноҳига,  
Зору тазарруъ Огаҳий айлар иноҳига,  
Истар зиёдалиғ туну кун иззу жоҳига,  
Рожий қилурға таҳният ийд шоҳига,  
Ушбу ғазални битти мадад айлабон қароғ.

# «ҚОФ» РАДИФИ

## ГУМБАЗИ НИЛИ РАВОҚ

То бино топти бу күұна гунбази нили равоқ,  
Остида дард ақлидур әмнү фарогатдин йироқ,  
Әй күңгүл, гар дардмандаң әрсанғ бу сұзға тут қулоқ,  
Чарх дард ақлиға ұар дам ёғдурур гарди Фироқ,  
Үт равонроқким хатарлықдур базе бу әски тоқ.

Олам ақли күргуси минг зулм гардун золидин,  
Эмин әрмастур даме бир кимса макру олидин,  
Айтайин бир сүз әшиит ул шумнинг тимсолидин,  
Аждаридур ұалқа ургон пайса кавкаб холидин,  
Жұз ажал заңрини комондин топо олмас мазоқ.

Сақфи гардунниким ұубобосо келибдур вожгүн,  
Не биносиғадур девор бордур, не сутун,  
Истагай ақл ахли не нағы онда орому сукун,  
Чарх бир үйдур иши бўлмоқ онинг ұар дам нигун,  
Тушмаган яхши иқомат мундоқ уйда иттифоқ.

Сув уза тушган бинои фаҳм қил күк гунбазин,  
Сарсари оғатдин вайрон дегил күк гунбазин,  
Күз юмуб то очғуча барбод бил күк гунбазин,  
Сунъ баҳридин ұубоби англагил күк гунбазин,  
Сиймгун гунбаз деб ўлмас айламак они васоқ.

Чарх ўз қүчқорини забҳ әтса қурбонинг учун,  
Неъмати алвон муҳайе айласа хонинг учун,  
Шодлиғ күргуәма ҳүшинг бор әса онинг учун,  
Ҳазм әтар фикрин ҳам әтгил фарз әтай нонинг учун,  
Қилди чарх анжумни дона ою кунни ёргучоқ.

Даҳр золиким ўзига дойимо зийнат берур,  
Кимга жуфт ўлса, бошиға юз балолар келтуур,  
Етти дўзах меҳнатин олти жиҳатдин еткуур,  
Истасанг беш кун фарогат гарчи кобин умр эрур,  
Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилғил уч талоқ.

Аҳли дунёким ангодур бевафолиғ сори йўл,  
Жаҳд ила урмиш нифоқу кина шамшириға қўл,  
Бас узуб аҳли жаҳондин Огаҳий янглиғ кўнгул,  
Эл нифоқин кўрмайин десанг, Навоий, фони ўл,  
Чунки сан чиқсанг ародин кимга қилғойлар нифоқ.

# «ҚОФ» РАДИФИ

## ИШҚ ДАШТИДА

Чу ишқ даштида хайли бало әрүр минг лак,  
Ким онда қўйса қадам лозими дурур ўлмак,  
Белингни боғлогил, эй солики тариқат бак,  
Десангки дашти фано аҳлиға бўлай ҳамтак,  
Не дўст гайри эса силк борчасидин этак.

Бўлиб ҳамиша ҳавоу ҳавас отига сувор,  
Қачонга тегру чопарсан они ямину ясор,  
Кел әмди тошла ўзинг фақр эли аёқига хор  
Қил ўзлукинг кесокин поймол бирла губор,  
Йўқ әрса полчиқ ўлур фисқ суйидин бу кесак.

Кийбсан эйки неча қат либоси шоҳона,  
Ҳақири билма кўруб кисвати фақирона,  
Тааммул айла әсанг хушманду Фарзона,  
Гадоу хирқада ўлмак нечукки парвона,  
Йўқ улки ҳулла аро шоҳ ўйлаким кўпалак.

Кишики кўнглинин ҳоли тутор нечукким най,  
Наво етар анго бу базм ичиди пайдарпай,  
Бу сўзга тут қулоқ, эй ринду, волау, лошай,  
Анго бу дайри фано ичра тутди мугвача май,  
Ки тишни боғрига беркитмакини қилди газак.

Сипеҳридун ситамидун вафо эли пайваст,  
Эрурлар Оғаҳийдек ғусса қайдига побаст,  
Чу даҳро ҳоли будур, эй рафиқи бода параст,  
Навоий бўлса не тонг базм ичиди кўпроқ масти-  
Ки, ғусса жомини даврон анго тутор кўброқ.

## ЗЕБО ОРАЗИНГ

Бўлди камоли ҳусн ила то ошкоро оразинг,  
Берди қуёшдек нур ила оламға оро оразинг.  
Не тил била васф айлайнин ман зори шайдо оразинг,  
Ҳусн авжининг хуршидидур, эй шоҳи сиймо, оразинг,  
Балким латофат ичрадур ондин ҳам аъло оразинг.

Токим ниқобинг абридин меҳри рухинг бўлди аён,  
Айшу нишот анворидин сарто қадам тўлди жаҳон,  
Фарруҳ жамолинг партавин оғоқ аро кўрган замон,  
Кун зоҳир айлаб инфиол ўлди шафақ ичра ниҳон,  
Субҳи саодатдин тулуъ этгач мусаффо оразинг.

Кўрмакга зебо суратинг олам әли рағбат қилур,  
Кўйинг сари юз шавқ ила субҳу масо суръат қилур,  
Қадду юзингни ногаҳон наззора бир навбат қилур,  
Савр узра очилмиш гули аҳмар дебон ҳайрат қилур,  
Кўрган киши қаддинг уза бу навъ зебо оразинг.

Хаттингни ўтлуғ юз уза ошуфта кўнглум кўргали,  
Ҳар лаҳза рашк ўти аро солур ўзин куйдургали,  
Балким тилар бу важҳ ила ҳар дам ўзни ўлтургали,  
Ҳусну латофат рамзини ишқ аҳлиға билдургали,  
Гулгун саҳифа устида хат қилди пайдо оразинг.

Шайдо кўнгул турмай ўзин қўйинг аро чекса нетонг,  
Ишқинг балоу дардини қилмай ибо чекса нетонг,  
Истаб юзинг фарёдлар субҳу масо чекса нетонг,  
Кўнглум қуши булбул киби тинмай наво чекса нетонг-  
Ким, они бу навъ айламиш хуш лаҳну гўё оразинг.

То тушти ҳуснунгдин бори олам аро овозаким,  
Эл бўлди ишқинг тийғидин мақтули беандозаким,  
Қилма вафо таркин бўлиб магрури ҳусни нозаким,  
Ишқингдин ўлгонларга бир жоно ҳаёти тозаким,  
Лаълингдин этмиш чашмаи ҳайвон ҳувайдо оразинг.

Келса манго ғам жомининг зулмоти ўтру не ажаб,  
Оқса ҳамул зулмат аро кўздин ҳаро сув не ажаб,  
Навмидлиғ голиб бўлуб ҳам босса қайгу не ажаб,  
Бўлса кўзимга ёрду кун тундек қаронғу не ажаб-  
Ким, зулфи шабранг остида қилмишсан ихфо оразинг.

Чоҳи занахдону бино кўши мунаvvарлар била,  
Нозик даҳону жонфизо нутқи муқаррарлар била,  
Дилкаш хату ширин лабу зулфи муаттарлар била,  
Шаҳло кўзу мушкин қоши, холи муанбарлар била,  
Зийнатлиғ этмишдур басе тангри таоло оразинг.

Солдинг каманди зулф агар айлаб таҳаккум бўйнума,  
Аммо илиг солдинг қилиб, воҳир тараҳҳум бўйнума,  
Оғзинг етурдинг ҳам дебон пинҳон тақаллум бўйнума,  
Тушму әркон ё хаёл айлаб табассум бўйнума,  
Қўл солдингу қўйдинг юзим узра дил оро оразинг.

Авжи сабоҳатда юзинг келди саодат ахтари,  
Дуржу латофатда сўзинг бордур назокат гавҳари,  
Кўргач жамолингни бўлиб ман телба ҳушимдин бари,  
Сабру, қарору тоқатим борди кўнгулдин, эй пари,  
Васлинг аро бир дам кўзим қилғоч тамошо оразинг.

Бўлмоқ тилар Огаҳий мафлуж, алкан мунисинг,  
Лекин бўло олмос анго монеъ тушубсан мунисинг,  
Бер рухсат эмди бўлғоли, эй ёр, пурфан мунисинг,  
Иқболи Ферузинг киби бўлмоқ тиларман мунисинг,  
Ёшурма ҳақ ҳаққи учун, эй шўхи якто оразинг.

## УЛ САРВИ ҚАД

То хўблуг сарири уза маскан айладинг,  
Килемоқ мане гадога ситамлар фан айладинг,  
Адбоб мажлисин кечалар маъман айладинг,  
Эй маҳ, банимла дўстларим душман айладинг,  
Душман ҳам айламаз бу ишиким, сан айладинг.

Елборди кўб тазарруъ ила бу ҳазин санго,  
Бир дам жафо кам ўлмоди, эй маҳжабин, санго,  
Балким зиёдроқ бўлубон қаҳру кин санго,  
Пайконларингла дўлди таним, офарин санго,  
Бедод чекмака танимни одан айладинг.

Кўбдин бери чекиб туну кун нолаи хазин,  
Субҳи висола бир дам ўла олмойин қарин,  
Фурқат қаро тунида әдим ожизу ғамин,  
Бўлсун зиёда рифъатинг, эй оҳи оташин,  
Меднат саромизи бу кеча равшан айладинг.

Ул сарви қад мудом әтибон майл аҳли дун,  
Бу гусса остида бўлубон қоматим нигун,  
Зиндони ҳасрат ичра әдим ожизу забун,  
Аксилмасун тароватинг, эй ашки лолагун,  
Гулгул домуб мақомимизи гулшан айладинг.

Жавру жафо манго фалаки пур итобдин,  
Арзун етар ҳамиша қиёсу ҳисобдин,  
Заъфим агар қави бўлубон бу азобдин,  
Жон чиқса манзил әтмага әв дут ҳубобдин,  
Эй кўз, ёшлини қасди бинои тан айладинг.

Харгыз ҳафоу жавр русумини йўймадинг,  
Зулм айламакдин, эй бути хунхор, тўймадинг,  
Кўксимдин ўзга ерга отиб новак ўймадинг,  
Таҳсин сангоки: кўнглум уйин тийра қўймадинг,  
Ҳар заҳм новакинг анга бир равзан айладинг.

Чун йўқтурур бу олам аро истидоматинг,  
Бас онда, Оғаҳий, недур истиқоматинг,  
Азми тарийқ айла кўполмай надоматинг,  
Мумкин дагил жаҳонда Фузулий, иқоматинг.  
Беҳуда сан бу марҳалада маскан айладинг.

## ЕРИМА АЙТИНГ

Қаддим ҳамини сарви ситамкорима айтинг,  
Сабрим камини ғамваси бисёрима айтинг,  
Құзим намини құзлари таррорима айтинг,  
Қүнглум ғамини, дүстларим, ёрима айтинг,  
Жоним аламин лаъли шакарборима айтинг.

Уммидки, рағбат сүзунгиз жониби қылғай,  
Бошимға не келганини ғам әжрида билгай,  
Лутфи йўли бўлғойки, менинг сори очилғай,  
Шоядки, тараҳдум қилибон кулбама келгай,  
Холимни паризоди вафодорима айтинг.

Афгор таним ичра сўнгакнинг бири қолмай,  
Фурқат тошининг захмини зарбидин ушолмай,  
Мунча била ҳам ўзни талаб йўлида солмай,  
Иstab нигаҳ гўшаи чашмин тоно олмай,  
Беморлигим қўзлари bemорима айтинг.

Дардим бўладур ҳар нафас аввалгидин ортиқ-  
Ким, бошга тегар холлари ёдида юмруқ,  
Жонға отилиб ҳам қўзининг фикрида мильтуқ,  
Мужгони хаёли била ҳар лаҳзада минг ўқ,  
Сончилғонини бу тани афгорима айтинг.

Жавру ситами хайли бўлуб соғу сўлимға,  
Тайғу табари сели бўлуб банд йўлимға,  
Васли әтаги етмади бир лаҳза қўлимға,  
Озорига кўнглум чидамай әмди ўлимға,  
Рози эрур ул шўхи дилозорима айтинг.

Жон токи онинг ҳажрида ғам ўтига ёнсун,  
Тан токи алам шиддатидин ерга сүёсун,  
Эмди кўнгул ўлмакка қўюбдурман, у ёнсун,  
Келсун доги қатл айласуну қонима қонсун,  
Қотилвашу ошиқ кушу хунхорима айтинг.

Бу ҳастасининг жайбио жон дуррини терсун,  
Яъни келибон жондек онинг терига кирсун,  
Йўқса терисин сўйсину ҳам ҳомига кирсун,  
Огоҳийни ўлтурсан, ё комини берсун,  
Зинҳор бориб ёри жафокорима айтинг.

## ЭИ ДИЛРАБО, ҚОШУ ҚҮЗИНГ

Тангри адамдин қилғоли мавжуд то қошу қўзинг,  
Одат қилибдур қатл ишин субҳу масо қошу қўзинг,  
Ҳар дам мани юз ўлтурур, қилмай ибо қошу қўзинг,  
Ваҳ, не балодур билмадим, эй дилрабо, қошу қўзинг.  
Ким, бир назарда солди ўт жоним аро қошу қўзинг.

Ўтти ситам қилмоқ била ман зорға ою йилинг,  
Ҳар лаҳза очир сўз била жоним олур ширин тилинг,  
Нетти етурсанг бўйнума лутфу карам бирла алинг,  
Олди қарору тоқатим оқ сийнаю нозик белинг,  
Солди қаро кун бошима икки қаро қошу қўзинг.

Токим яқо чок айлабон мастона сурдинг ашхабинг,  
Кўргач кумушдек пайкаринг, бўлдим губори маркабинг,  
Ақлимни ҳайрон айлади кўксунгга тавқи ғабгабинг,  
Жонимга қўйди доғлар ရашк ўтидин холу лабинг,  
Кўнглумга еткурди туман дарду бало қошу қўзинг.

Ваъданг чоги ёлғон агар бўлсун ва гар худ чин сўзунг,  
Бермакни жон ишқ аҳлига қилмишдурур ойин сўзунг,  
Елғуз мани тиргузмади лаззат била рангин сўзунг,  
Ҳам юз ўлукни тиргузур лаълинг аро ширин сўзунг,  
Ҳам минг тирикни ўлтурур айлаб жафо қошу қўзинг.

Сен-сен бори хўблар аро бир хисраву олий насад,  
Қошу қўзинг бедодидин ортор маңго ранжу тааб  
Бас даргаҳингга бош уруб йиғлаб саросар рўзу шаб,  
Қошу қўзинг бедодидин дод айласам әрмас ажаб-  
Ким, не жафолар қилмади охир маңго қошу қўзинг.

Халқ айламишдур ҳақ сани коми җукумат сургали,  
Бечора ушшоқ аҳлиға жабру жафо еткургали,  
Бир кимса ўлмай қолмади қошу күзингни күргали,  
Хүсн аҳли шоҳисан, бори ошиқларинг ўлтургали,  
Гүёки жаллоди ажал бўлмиш санго қошу күзинг.

Бўлса санингдек бир пари гар ҳар кишининг дилбари,  
Бўлғон жунун дашти аро девоналар сардафтари,  
Бир лаҳза ором айламай усрук юз урғой ҳар сари,  
Ман зори ҳайронинг нечук девона бўлмай, эй пари-  
Ким, ақлу ҳушим айлади мандин жудо қошу күзинг.

Ишқинг ғаму бедодининг йўқтур ҳаду поёниким,  
Бу нотавонлиглар била ман ким кўтартмак ониким,  
Раҳм айлагил бу ҳолима, эй хўблар султониким,  
Йўқтур манго ишқинг аро юрмак тирик имкониким,  
Жонимни ё қадду юзинг олғуси, ё қошу кўзинг.

То арсаи олам аро очдинг ниқобингдин узор,  
Наззора қилғач қолмади бир кимсада сабру қарор,  
Ҳар ён улус ичра тушуб шўру аолово бешумор,  
Қошу кўзинг имосидин бўлди қиёмат ошкор  
Гўёки олам офати қилди худо қошу кўзинг.

Олдинг ғазаб изҳор этиб иагингга чун тийғу табар,  
Кўрган буён қул жондин ўз ҳолига бўлди навҳагар,  
Ғавғойи маҳшардин фузун оламға тушди шўри шар.  
Эл қатлини қасд айлабон мастона қилғоч бир назар,  
Солди жаҳонга нолай воҳасрато қошу кўзинг.

Ман зоринг ўлмишман, бори ошиқларингнинг бекаси,  
Ожиз бўлубдур пайкарим ул навъким қўйинг хаси,  
Оғғил юзингниким ўлар ҳолатга етмишман баси  
Айлай ҳаётим нақдини ҳар дам нисору садқаси,  
Ешурмагил ман зордин айлаб жафо қошу кўзинг.

Бир лутф ила базм аҳлини шод этгали мойил бўлуб,  
Бошдин аёқинг ғамзау, нозу адo бирла тўлуб,  
Чобуклик изҳор айлабон гаҳ ўйнабу гоҳи кулуб,  
Мажлис фазосида усул этган чоғи раққос ўлуб,  
Элдин олур жон нақдини, эй маҳлиқо, қошу кўзинг.

Хақ дилраболиғ тахтини султони қилмишдүр сани,  
Құйинг аро бир бандаи ожиз яратмишдур сани,  
Раҳм айлабон бу ҳолима, әй ҳусн әлиниңг аҳсаны,  
Шириң лабингдин Оғаҗий жисмиға жон берким они,  
Ултурди бир имо қилиб боқғач қиё қошу күзинг.

## «ЛОМ» РАДИФИ ОЛГИЛ ЖАМОЛИНГДИН НИҚОБ

Айласа зебо жамолин ҳар қачон изҳор гул,  
Қиалгуси ер юзини бояни беҳишт осор гул.  
Топмоқи эрмас ажаб ҳусн ичра бу миқдор гул,  
Буки, сончибидур бошиға зеб учун дилдор гул,  
Топмиш онинг ҳусни бирла зебу фар бисёр гул.

Ер бода иўш этар ағёр ила ҳамдам бўлуб,  
Ман ўларман заҳри ҳасрат бирла паймонам тўлуб,  
Гар онинг олдиға бориб, ёлбориб, туфроқ ўлуб,  
Десам: «Айрилғил анго ағёрдин», ойтур кулуб:  
«Бўлғусидур муттасил ҳар ерда бўлса хор гул».

Эй ситамгар, лутф этиб олғил жамолингдин ниқоб,  
Зулм ила бу бедилингга берма кўб ранжу азоб.  
Раҳм этиб ўз жонига, тарк эт дами қаҳру итоб,  
Ишқ танҳо айламас булбулнинг аҳволин хароб,  
Кўр, нечук бўлмишдурур ҳар сори юз афгор гул.

Бу жаҳон сар то қадам дарду миҳан жойи әмиш,  
Онда амният на ёз имкони бор эрмиш, на қиши,  
Йўқ әмиш ҳасрат била ўлмакдин ўзга ҳеч иш,  
Даҳри бояни бевафо эрканни гўё онгламиш,  
Мотамийлардек юзида чок этар изҳор гул.

Оlam ичра ул киши ургусидур кўйи вафо,  
Ким улусдин кўрмак уммид айламас рўйи вафо.  
Гар эрурсан Оғаҳийдек мойилу суви вафо,  
Рожий олам гулшанидин тутма кўз бўйи вафо,  
Еткурур булбулга ҳар дам юз туман озор гул.

## КҮЗ ТУТОРМАН

Тинмайин эмди туну күн, эй җазин жон, йиғлағиля-  
Ким, ул ой бўлмиш вафодин рўйи гардон, йиғлағиля,  
Ўзгалар базмиға майл әтмиш намоён, йиғлағиля.  
Эй кўнгул, ҳижрон кунидур тортиб афлон, йиғлағиля,  
Вай кўз, айриғунгдур ул гулчекрадин, қон йиғлағиля.

Борғали токим рақибу, хосиду, пур фан сори,  
Келмади айлаб талаттуф гоҳ-гоҳи ман сори,  
Манда ҳад йўқ борғоли ул гул бўлур маскан сори,  
Кўз туторман, эй булатким, ўтсанг ул гулшан сори,  
Чун соғинсанг бизни, ун тортиб, фаровон йиғлағиля.

То нишимиан қилғоли ағёр ҳар кун базмида,  
Чиқғусидур отилиб афсоналар ун базмида,  
Даст топсанг васлининг иқболига чун базмида,  
Ростлиғ ҳаққи учун, эй шамъ, ҳар тун базмида  
Чиқса сўз мандин куюб, беҳадду поён, йиғлағиля.

Гар эрурсан мақсади аслиға толиб, эй кўнгул,  
Қатъ қилмоқдур Фано даштини вожиб, эй кўнгул,  
Санда ажэ афзуны истеъдод фойиб, эй кўнгул,  
Йўл қотиг, мақсуд мубҳам, яъс голиб, эй кўнгул,  
Ун чекиб бу ҳолинга, то бордур имкон йиғлағиля.

Белу оғзи олғон ўлса сандин орому шикиб,  
Кўргузуб кўшиш олор васлиға етмакдур ажиб,  
Оғаҳийдек то адам сар ҳаддига етмай қариб,  
Эй Навоий, белу оғзидин санго йўқтур насиб,  
Хоҳ пайдо нола қилағил, хоҳ пинҳон йиғлағиля.

## ҲАЙРОН БҮЛДИ ГУЛ

Навбаҳор айёми то боғ ичра хандон бўлди гул,  
Рангу бўдин зийнат афзойи гулистон бўлди гул,  
Гарчи лутфу ҳусн ила яктои даврон бўлди гул,  
Оразингни боғ аро чун кўрди ҳайрон бўлди гул,  
Баргисиз қолди нединким, бас паришон бўлди гул.

Чарх авжидин тушуб ер узра, эй хуршиду моҳ,  
Айлабон қуллуқ, топинг андозасиз иқболу жоҳ-  
Ким, буқун айни қарам бирла кийиб заррин қулоҳ,  
Гул узорим кишвари ҳусн ичра бўлди подшоҳ,  
Рост андоқким чаман мулкида султон бўлди гул.

Юз адоу ноз ила ул ҳўйларнинг пур фани,  
Жилва қилди базм аро айлаб либосин савсани,  
Тонг йўқ әмди шавқ агар беихтиёр айлаб мани,  
Лаълин истарман қошимга келса ул гул хирмани,  
Май тилар кўнглум чу базмида фаровон бўлди гул.

Минг алам ҳижронда тортиб, ҳар нафас, эй андалиб,  
Гул висолига чу бўлдинг дастрас, эй андалиб,  
Айламай хомушлиғ әмди ҳавас, эй андалиб,  
Кечакундуз қилма гулбонгингни паст, эй андалиб-  
Ким, санго беш кун бу гулшан ичра меҳмон бўлди гул.

Огаҳий, сиакиб этак олам саро бўстонига,  
Берма кўнглунг гулжабинлар аҳд ила паймонига,  
Кўрки, раҳм этмай дами фарёд ила афгонига,  
Гул чоги ёри сафар айлаб Навоий жонига,  
Ҳар бири бир тоза қонлиғ доғи ҳижрон бўлди гул.

## ГУЛИСТОН ҚИЛ

Эй пари, жамолингни пардадин намоён қил,  
Оразинг гулин очиб, базмни гулистон қил,  
Ошиқи гирифторинг айшини фаровон қил,  
Лаб уюр такаллумға, зулфунгни паришон қил.  
Қанд қиматин синдур, нархи анбар арzon қил.

Боқмайин дилу жоним ўзга дилраболарға,  
Ишқинг ичра ҳўй айлаб меҳнату балоларға,  
Етмак истабон сандин барча муддаоларға,  
Ҳусн шоҳисан, жоно, бу ҳазин гадоларға,  
Кўз учи била боқиб, хайр бирла эҳсон қил.

Кимки даҳр аро ишқинг касбин айлади ойин,  
Улдурур ҳақиқатда сарфарози аҳли дин,  
Кўргузуб агар ушшоқ аҳли тавриға нафрин,  
Ишқ динига мункир бўлса зоҳиди худбин,  
Эй санам лиқо, кўрсат габрни мусулмон қил.

Ичтилар буқун бода, борча бода муштоқи,  
Арбада била тўлди даҳр то фалак тоқи,  
Судрабон асо ногаҳ бу сифат тараб чоқи,  
Ижтиносб учун зоҳид кирса дайр аро соқий,  
Бир қадаҳ била они зуҳдидин пушаймон қил.

Оразинг тараб авжи узрадур маҳи тобон,  
Лабларинг Фараҳ бояни ичра ғунчай хандон,  
Ишвау адo рахши узра сан шаҳи хўбон,  
Истасанг кўнгулларни ғамза ёйига қурбон,  
Қошлиаринг ҳилолини моҳи ийди қурбон қил.

Ошиқи ҳазинларнинг додига карамдин ет,  
Синаи муродига илтифот ўқин беркит,  
Чобукона ҳар сори ғамза маркабин секрет,  
Шўх чашму, навхат сан, ноз даштида сайр эт,  
Гарди хоки пойингни сурмаи ғазалон қил.

Огаҳий киби маъни ҳуснига бериб оро,  
Дилкушо иборатга тилни айлабон гўё,  
Сафҳага суруб бу дам хомаи фараҳ афзо,  
Ёл лаълидин ҳарфе айладим Амир иншо.  
Эй кўнгул, бу гавҳарни жон ичида пинҳон қил.

## «МИМ» РАДИФИ

### ЭЙ ҲАКИМ

Чунки кўрдинг ман ҳазинни зори бемор, эй ҳаким,  
Дардими қиалдинг савол айларга тиймор, эй ҳаким,  
Тут қулоқ, айтайсанго әмди мани зор, эй ҳаким,  
Ишқдин жонимда бир пинҳон мараз вор, эй ҳаким,  
Халққа пинҳон дардим изҳор этма зинҳор, эй ҳаким.

Ишқ дардидур агарчи усру шиддатлиг бало,  
Лек эрур дард аҳлиға юз жон киби роҳатфизо,  
Бас, алинг чеккил манинг дардимға қилмоқдин даво,  
Вор бир дардимки чўх дармондин ортуқдур манго,  
Қўй мани дардимла, дармон айлама, вор, эй ҳаким.

Дардими фош әтмасун деб чекмон оҳи сардими,  
Ҳам ниҳон тутгум сиришки олу ранги зардими,  
Сан доғи лутғи шод әт жон ғами парвардими,  
Гар босиб ал, набзима ташхис қиласанг дардими,  
Ол амонат, қилма ҳар бедарда изҳор, эй ҳаким.

Дард ила маънус, масрур ўйладурман неча йи-  
Ким, эрур ожиз онинг шарҳини қилмоқлиқда тил,  
Ондин айрилсан ўлорман бир замон, албатта, бил  
Кел маним тадбири дардим әдасан бир саъӣ қил-  
Ким, ўлом бу дарда ортуғроқ гирифтор, эй ҳаким.

Раъд янглиғ тутгой афлок авжин афгоним уни,  
Барқдек ёқғай жаҳонни оҳим ўти учқуни,  
Гар мани девонадин қилмас эсанг бовар муни,  
Кўр тани урён ила аҳволими ҳижрон куни,  
Вор әмиш рӯзи қиёмат, қилма инкор, эй ҳаким.

Роҳат ўлмас ошиқа то тарки роҳат қилмаюб,  
Ком топмас ханжари ишқ ила бағрин дилмаюб,  
Дардиға топмас даво то жонидин ойримлаюб,  
Чекма заҳмат чораи дардимда ўлма билмаюб-  
Ким, ўла дармон дарди ишқ душвор, эй ҳаким.

Ҳар кишининг жонида гар ишқ дарди ер тутар,  
Бир дам ондин мухлисе топмай бу оламдин ўтар,  
Кўрки, топмай Огаҳий тадбирин онинг қон ютар,  
Ранж чекма сиҳҳат уммидин Фузулийдин кутар-  
Ким, қабули сиҳҳат этмаз бўйла bemor, эй ҳаким.

## АҲЛИ ЗАМОНДИН УЛФАТИМ

Даҳр аро афзун бўлуб ҳар лаҳза дарду меҳнатим  
Не танимда қолди тобу, не кўнгулда тоқатим,  
Тонг эмас эмди адам мулкига азми суръатим,  
Бўлмиш андоқ мунқатеъ аҳли замондин улфатим.  
Ким, ўзим бирла чиқишмайдур замони суҳбатим.

Не ажаб ҳар лаҳза бўлсам бекарору, тангу, зарф,  
Ким даме ҳақ ёди бирла қилмадим фикри шигарф,  
Билки, сургум субҳу шом элга хушомад бирла ҳарф,  
Турфа кўрким, халқ коми бирла умрим бўлди сарф,  
Турфароқ буким бироруга ёқмади бир ҳазматим.

Аршни кул айлабон гардин учурғай ҳар тараф,  
Сафларин хайли малакнинг барҳам ургай ҳар тараф,  
Ой ила кунни судо янглиғ ёшурғай ҳар тараф,  
Етти кўкни кўк варақлардек совурғай ҳар тараф,  
Тоқи минойи аро чирмашса оҳи ҳасратим.

Дерсиз, эй аҳбоб, тут биз бирла бир маъвода унс,  
Мандин әтманг тутмоқ уммидини бу дунёда унс-  
Ким, ўзим бирла тuto олмон дами бир жода унс,  
Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила саҳрода унс,  
Мудиш аҳволи мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.

Даҳр иззу жоҳини арз әтма алимдин йитур-  
Ким, мани дилхастага зеби жаҳон мардуд эрур,  
Бор ўзинг хуршид олтун хишти бирла ком сур,  
Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошингга ур-  
Ким, Фано майхонаси тошидин ўлди турбатим.

Оҳ, тожу, чеҳра олтун, ашк лаъли ноб ўлуб,  
Ишқ аро шаҳман мұхайё бу қадар асбоб ўлуб,  
Билласам шукрин бу давлатнинг таним бетоб ўлуб,  
Лаълдек бошим осилсан ғарқан хуноб ўлуб,  
Лаъл тиккан салтанат тожига бўлса рағбатим.

Огаҳийдек тоғами ишқ ила топдим иттисол,  
Дунёу уқбо сўзидин тилни қиласим гунгу лол,  
Жилвагар бўлди Манга мундин жамоли лоязол,  
Эй Навоий, икки оламдин кечиб, топдим висол,  
Бу икки бутхонадин эрмиш бу йўлда оғатим.

# «НУН» РАДИФИ

## ЮЗИ ХУРШИДИ ТОБОНИМ

Үётлиғдур Масиҳо бу каломи рұхы фошиңгдин,  
Хижлдур бадр ҳам бу ҳұсн ила ўн түрт ёшиңгдин.  
Нечук дерман нишондур янги ой зебинда қошиңгдин.  
Бу ким чарх офтоби әврулур ұар лаңза бошиңгдин,  
Тараддуд бирла тинмай касби нур айлар қуёшиңгдин.

Күзингдур зақираң юз хайли инсон офати, вақым,  
Қошиңг имоси махфиян бани жон офати, вақым,  
Демой ёлғуз оларни жисми вайрон офати, вақым,  
Әрүр күзу қошиңг ұар бири юз жон офати, вақым,  
Нечук жон асроғойман бўйла Фаттон күзу қошиңгдин.

Назар аҳволима сол, эй юзи хуршиди тобоним-  
Ки, ҳажрингда туну кун заррадек музтардур жоним,  
Чиқиб бошим уза лаңза-балаңза дуди ағоним,  
Бўлубдур шом янглиғ тийра сансиз байтул аҳзоним,  
Келиб они мунаввар айла меҳри нури фошиңгдин.

Кўруб нозу адo сандин бу зору, бедилу, бекас,  
Кўюб ишқ ўтиға ұар лаңза ул янглиғки хору хас,  
Қило олмой дами оҳ урмоқу қон йиғламоқни бас,  
Агар фарёду ағоним фалакка етса тонг әрмас-  
Ки, жон нақдини торож айладинг ўгрин қарошиңгдин.

Вафо расмин тутуб, жоно, кўнгул ранжу малолин сўр,  
Лабинг ҳажри аро тиљинг тушунмасдек мақолин сўр,  
Адам сар манзилига жони ғамгин интиқолин сўр,  
Жафо таркин қилиб гаҳ-гаҳ келиб бу хаста ҳолин сўр-  
Ки, ұар дам тоза-тоза жон топай мундоқ сўрошиңгдин.

Сипеҳри ҳусн уза то жилва қилдинг, эй маҳи равшан,  
Жаҳон аҳлиға ғавғо тушти маҳшар аҳлидек безан,  
Бирор йўқ бўлмоғон расвойи ишқинг ул сифатким ман,  
Агар улғойсанг, эй дилбар, на оғат бўлғойсан, билмон,  
Жаҳонға бўйла солдинг шўру шар кичкина ёшингдин.

Самакдин то само оҳинг ўти бирла ёруқдурким,  
Бинойи даҳри ашқинг селидин ҳар ён йиқуқдурким,  
Маал қисса на ерга юз урубсан, ул бузуқдурким,  
Нихон бормоқ иложи Огаҳий қўйига йўқтурким,  
Борур тўфон агар ҳар ерга борсанг оҳ ёшингдин.

## МЕХРУ ВАФО РАСМИН ТУТУБ...

Чобук самандини суруб тез, ўйлаким дулдул букун,  
Ҳар ён рикобида юруш шаҳлар нечукким қул букун,  
Боғи жамолига қилиб гисўсини сунбул букун,  
Базмимга келди ул пари рухсорин айлаб гул букун.  
Чексам нетонг ўтлуғ наво ул навъиким булбул букун.

Меҳру вафо расмин тутуб ул моҳи пайкар, эй кўнгул  
Айлаб паришон юз уза зулфи муанбар, эй кўнгул,  
Базмимга келгач ўйлаким, руҳи мусаввар, эй кўнгул,  
Бўлди машомим мушк иси бирла муаттар, эй кўнгул,  
Юз уэра ёзмишдур магар ул дилрабо коқул букун.

Хурсанду хушҳол этгали ман бенавони рўзу шаб,  
Тутти висол жомини ишрат майдин лаб-балаб,  
Эй дўстлар, андозасиз қизмиш манғо базму тараф,  
Кўнглумга таъсир этмаса булбул фигони не ажаб-  
Ким, гульузорим илгидин мино қилур қул-қул букун.

Баам ичра айш асбобини ўз кўнгли комича қуруб,  
Нуқлу шакардин ҳам газак омода айлаб келтуруб,  
Сўнгра адоу назила илгин суроҳийға уруб,  
Сармастни саҳбо бўлғоли чинни қадаҳни тўлдурууб,  
Аввал ўзи нўш айлабон тутти манга ҳам мул букун.

Май нашъасидин олибон кўнгли муродича насиб,  
Топиб жамоли ўзгача май тобидин ороу зеб,  
Боғ ичра киргач тоблиғ рухсорин гайлаб дилфириб,  
Ул оташин юэни кўруб гулшанда шайдо андалиб,  
Ишқи ўтиға ўртаниб бўлмиш вужуди кул букун.

Зүхдү вараъни ўзинга ҳар нечаким кор айладинг,  
Лекин риёю ужбни ойини автор айладинг,  
Ҳамкоса ринд аҳлига бўлмоқдин доғи ор айладинг,  
Тун бода ичмай, зоҳидо, худбинлик изҳор айладинг  
Бу беадаблик бўйнунга тасбиҳинг этмиш ғул букун.

Гар давлату ҳашмат аро борман Сулаймон дастгоҳ,  
Бошим уза хуршиддек тобон әрур заррин кулоҳ,  
Аммо әшитгин, Огаҳий, сансан манго бир некоҳ  
Гарчи әрурман толеъи Фируз ила оламга шоҳ  
Лек ул парилар сарвари олидадурман қул букун.

## СИТАМИДИН ҲАЗИНУ ГИРЕНМАН

Яна не күэ ситамидин ҳазину гирёнман,  
Яна не кирпик ўқи захми бирла нолонман,  
Яна не лаъли ғами ичра жон киби қонман,  
Яна не чеҳрага ўт солди майки, ҳайронман,  
Яна не туррани ел очтиким, паришонман.

Қачонға тегру бу водийда ерга паст ўлайин,  
Жабини сажда била нақши по киби тўлайин,  
Тиларман эмди қиём ичра садқаси бўлайин,  
Учурғил, эй қуюн, ул ой бошиға эврулайин,  
Бу дамки йўлида туфроқ бирла яксонман.

Кўруб фироқ аро ҳолимни ҳушидин кетар эл,  
Дариг тирногидин юзларига хат битар эл,  
Басе бу қиссада ҳайрат маҳалиға етар эл,  
Бирни фусуну бирни сиймёға ҳамл этар эл,  
Бу заъфдинки бўлуб эл кўзиға пинҳонман.

Вужуд оламиға токи бўлмишам мақрун,  
Қуюн киби мани саҳро навард қилди жунун,  
Онингдек унс манго тутди ваҳшийи ҳомун,  
Вуҳуш аро мани дашт узра қўрди чун Мажнун,  
Тасаввур айлади ул хайл аро нигаҳбонман.

Неча жаҳон элидин дўстлиғки қозғондим,  
Вафо умиди била бошларига айландим,  
Вале жағолариға тузмадим доғи ёндим,  
Чу ҳалқдин қочибон дашт сори юзландим,  
Рафиқлар, билингиз ваҳшийи биёбонман.

Бурун ўзумга замон аҳлин ошно кўрдум,  
Борига меҳру вафо айламак раво кўрдум,  
Валек сўнгра алардин туман бало кўрдум,  
Чу билмай әлга айладим, жафо кўрдум,  
Не суд әмди агар нечаким пушаймонман.

Кўнгул сижанжалидин рафъ этарга ғам зангин,  
Тонгибман, Огаҳий, Ҳоразмдин сафар тангин,  
Писанд ҳимматим этмай Бухор аврангин,  
Қилурман әмди Навоий Ҳижоз оҳангин,  
Софинмоилки, яна озими Ҳурсанман.

## ЖАФО ҚИЛМОҚ БИЛА ТОЛМАС

Агар меҳнат туни ичра манго юэ йил маош ўлсун,  
Вагар жисми заифим ғам саводи ичра лош ўлсун.  
Демон роҳат сипеҳрининг қуёши нур фош ўлсун,  
Агар ишқинг ҳавосидин ёғар ҳар жола тош ўлсун,  
Нишона ҳар бирига дерман ушбу хаста бош ўлсун.

Ажалнинг раҳзанидин бўлмойин гар нақди жон ҳавфи,  
Муяссар бўлса сар то сар жаҳон бозорининг тавфи,  
Топо олмон матои ҳуснига бир нима муставфи,  
Юзингнинг меҳридин бир зарра сотмон гар фалак жавфи,  
Тўло бўлсан филури ҳар филури бир қуёш ўлсун.

Дили шайдо била жони ҳазинимга агар ҳар дам  
Неча доғ ўртасанг ондин зиёда бўлғуси хуррам,  
Бу янглиғ бенаволардин даме эҳсонинг этма кам,  
Кўнгулға жон била бир дөғинг оздур, қўй яна бир ҳам,  
Нечка икки гадоға бир дирам узра талош ўлсун.

На золим эрдиким, мунча жафо қилмоқ била толмас,  
Жафосидин амон бир лаҳза ғамгин хотирим қолмас,  
Неча фарёд қиласам зор ҳолимга назар солмас,  
Ситам зангин темурдек кўнглидин, ваҳқим, қира олмас  
Нечаким нолай зоримда сүҳондек хирош ўлсун.

Висолинг бодасининг бўлмишам ул навъ муштоқи-  
Ки, онинг интизоридин қарорди кўзларим оқи,  
На ер саҳни кўзумга кўринур, на чархнинг тоқи,  
Кўнгулда сирри ишқинг асрай-асрай ўлдум, эй соқий,  
Қадаҳ тутким, ҳарбот аҳлиға фош ўлса фош ўлсун.

Туну кун факр күйида тузуб бир мажлиси дилкаш,  
Фано жоми била ложуръя сипқор бодай бегаш,  
Етушсанг салтанат тахтиға бўлма ғаррау саркаш,  
Уларда тенгдурур шаҳ айласа гулшан гулин мафраш,  
Ва ё гулхан кули узра гадо соҳиб Фирош ўлсун.

Кўз истар дам-бадам қоқим била кундузда ер бергай,  
Кўнгулнинг орзуси буки дойим ўзда ер бергай,  
Таманно Огаҳийга будуурким, юзда ер бергай,  
Навоий ашк дурридек тиларким, кўзда ер бергай,  
Агар ишқинг ҳавосидин ёғар ҳар жола тош ўлсун.

## ФАСЛИ БАҲОР

Дутдилар ишқ әли туфроқ киби саҳро әтагин,  
Ногаҳон сайра келурса дуталар то әтагин,  
Дутмоғ ўлурму бу тадбир ила оё әтагин,  
Ала олур гезажак ул гули раъно әтагин,  
Ваҳм әдарким, дута бир ошиқи шайдо әтагин.

То паривор манга жилвалар айлаб яшурун  
Оташи ишқ ила қўйди дилу жонимға дугун,  
Тани туфроқ этибон йўли уза дутдим ўрун,  
Билдиким хоки раҳ ўлдим әтагин дутмағ учун,  
Кўтарур душмая қўймоз ера амдо әтагин.

Ман дилхастаға бедод этибон шому саҳар,  
Айлади жону дилу сабрими мағқудул асар,  
Туза билмай бу сифат зулм ила бедода магар,  
Додлар қилмая ул коғир алнидан кечалар,  
Чиқса оҳим кўка то дута Масиҳо әтагин.

Нечаким қилса талаб дашти аро саъи фузун,  
То совурмай бадани гардини андоқки қуюн,  
Етмади манзили мақсада юруб ҳар Мажнун,  
Үйла урён герак аввораи саҳройи жунун-  
Ки, тааллуқ тикани дутмая қатъо әтагин.

Оташи ҳажр ила урён баданим сар то сар,  
Енар андоқки уқубат ўтина аҳли саҳар,  
Бу азоб ичра кўзум ёшики бу навъ оқар,  
Шомлар қонлу ёшим мавжина албатта дагар,  
Нечаким кўторур чархи муалло әтагин.

Кимки пайваста қўли жом ила саҳбода ўлур,  
Жаври гардуну ғами даҳрдин озода ўлур,  
Ўлса ҳам туфроғи онинг тараб омода ўлур,  
Ринд хок ўлса дахи дурди хум бода ўлур,  
На эса қўймаз алиндан маю саҳбо этагин.

Огаҳий, фасли баҳор ўлдию юз очти чаман,  
Бўлди саҳро юзи ойинаи гулзори Ҳўтан,  
Ғунчаваш танг ўлубон айлама бир ерда ватан,  
Гуллар очилди, Фузулий, ёқалар чок эдубан,  
Гал дутолум маю маҳбуб ила саҳро этагин.

## МУНЧА ЖАФО ҚИЛМОҚ

Саропо ашк ўлуб хоки дарингга сочило олмон,  
Қадим ўқ айлабон кўйинг сорига отило олмон,  
Бўлуб туфроқ аёқингга замони босило олмон,  
Тараффудлар била ўзни санго ҳамдам қило олмон,  
Бу ҳирмонимга мужиб не экан, жоно, било олмон.

Раводурму мурувват расмида мунча жафо қилмоқ-  
Ки, ер узра йиқилди пайкарим ул навъким туфроқ,  
Қил эмди раҳм, эй хўблар аро ҳусн ичра афзунроқ  
Қуёшдек оразингдин айру баҳтим тийрадур андоқ-  
Ки, ҳаргиз соядек ул тийраликдин айрило олмон.

Ҳасад аҳли манго қасд айлабон йўлим уза келмиш,  
Муродим эшигин саъю жадал қуфли била илмиш,  
Магарким кўйинга азм этганимни бу кеча билмиш-  
Ки, сар то сар кўнгул бўлсам жанобингга кело олмон.

Фироқинг доги ранжи ҳийлау тадбир ила кетмас,  
Ғаминг тийғи яроси ҳеч бир марҳам била битмас,  
Очилимоққа дили тангим гулистон сайри суд этмас,  
Ғамингдин ғунчадурман гар насими шафқатинг етмас  
Баҳор ўлса жаҳон яксар замони очило олмон.

Борибдур токи қўйи ишқ аро номус ила орим,  
Баробар онгламишман олам ичра йўқиму борим,  
Етурмак роҳат әлга қудратим етқунчадур корим,  
Мулоийим тийнат ўлмишман кишига етмас озорим,  
Агар хори раҳ ўлсам ҳам аёққо сончило олмон.

Манго душманлиг изҳор айласа гар ҳосиди жофи,  
Онинг ҳаққида манда дўстлиғ авторидур вофи,  
Иононғил сидқ бирла бу сўзимнинг йўқтурур лофи,  
Муҳаббат кийнадин кўнглумни ул навъ айламиш софи-  
Ки, душманлар юзига дўстлиғ бобин ила олмон.

Қилибдур бўйнума то ул пари зулфи ҳамин пайванд,  
Жунун жомин ичорман лаҳза-лаҳза ўйлаким гулқанд,  
Манингдек масти Мажнунга не панд айлар осиг, не  
банд.

Эруман бехуди ишқ, урма юзимга гулоби панд,  
Бу тадбириң била, эй шайхи нодон, ойило олмон.

Қачон умрим бўлуб охир, ажал чанголига еткум,  
Бўлуб ишқнинг била ҳамроҳ адам мулки сори кеткум,  
Вале ноаҳлни ёлғон сўз ила олдомой неткум,  
Саломат аҳли олида дедим: «Ишқингни тарқ эткум»,  
Саломат аҳли билсунлар, бу сўзда топило олмон.

Ҳама васлингда шоду, Огаҳий ҳажрингдадур мағмум,  
Сабаб бу ҳолга не эркони олимдадур мактум,  
Манга, эй хўблар шоҳи, бу сирни айлагил маълум,  
Эрур кўйингда итлар маҳраму ман Мунисинг маҳрум.  
Недин ул зумран маҳрам аро ман қотило олмон.

## АЕН ЭТ ЛУТФ ИЛА ШАФҚАТ

Эрурсан ҳұсни шоқи ман ғуломи хоксорингман,  
Фидо жону күнгүлни айлаган хизмат гузорингман,  
Ва лекин хайли ушшоқ ичра тийра рүзгорингман,  
Тараңхұм айлагил, әй шүхким, ишқ ичра зорингман,  
Гирифтори каманди тор зулфи мушкборингман.

Фироқинг тийра шомида чекиб юз ранж ила мәднат,  
Даме субҳи висолинг партавидин күрмадим роҳат,  
Назар айлаб бу ҳолимға аён әт лутф ила шафқат,  
Күнгүлда қолмади бир зарра ҷоғлиғ тоб ила тоқат,  
Юзинг хуршиди ҳижронида тун-күн беқарорингман.

Жунун дарди ғами хайли бошим узра ғулув айлаб,  
Кезарман ишқ саҳросин туну-күн ҳой-ху айлаб,  
Бу ҳолимни күрүб меҳру вафо расмини ҳү айлаб,  
Кел, әй Лайлывашимким, базми васлинг орзу айлаб,  
Бало даштида көзған ошиқи Мажнун шиорингман.

Эрурман умрлар ҳижрон қаро шомида сокинким,  
Нажот ондин висолинг субҳидин айру на мумкинким,  
Олиб парда юзингдин, әй маҳи хуршид, безанким,  
Күзүмни айла равшан меҳри янглиғ оразингдинким,  
Бўлубдур тийра усру торта-торта интизорингман.

Бўлубман тушгали кўйингдин усру ўйлаким магмум-  
Ки, бўлмишдур манго жону, дилу, ҳушу, хирад  
маъдум-  
Бу аҳволим әрур, әй хўблар шоҳи, санго маълум,  
Муруватдур, муқарраб даргоҳингдин айламак  
маҳрум,  
Маниким маҳрами рози ниҳону ошкорингман.

Онингдек тангдуур ىشىنг ىامى يەرا ماوشىمكىم,  
Туну күن җажрдин күэдин ئۆز سوري ئېشىمكىم,  
Бۇ җولىمغا تاراڭىم اىلابون, ئۆز باغرى توشىمكىم,  
Жафо توшин ىورۇب, كۈب қىلماغىل ماشруۇ بوشىمكىم,  
Vafo bogida butgan bir niholi mevadoringman.

Агарчи ҳусن اپو مۇمتۇز әرۇرسان اڭلى داۋرۇندىن,  
Baile op әتмагىل ىشىنگدا بۇ ماڭزۇنى گىرەندىن,  
Tikondin gül қочىب җارгىز چىقا олماس گولىستондин,  
Нигоро, ижтиnob اىلاب nedur man зорى җайрондин-  
Ki, сансан бир гули хандон, мане бечора хорингمان.

Онингдек бۇلмиشам тун-күن мани گولفوم муштоқى-  
Ki, ne olam җаросى بور مانگو ماڭلۇم ne ئۆزى,  
Tanimda әмدى жон асрۇرغا بير دام ۋاڭت әماس بۆكى,  
Манго اىلاب لابو-لاب دام-بادام согар тут, ئۆز سۆكىي  
Кۈلүنگдин бода يىمىي مۇدداتىدۇركىم ھۇمۇرингمان.

Сулаймондек әرۇرماң باخту давлат تاخтиدا سوكىن,  
Mutini җукىميم ўلмиش ваڭش, тايры, кофиру мۇъмин,  
Ҳавойи мىدەتىمدا, Ogaqii, پور تەز بىر لочىن,  
Агарчи باخти Фируз ила olam шоҳىمان, лекин  
Сенинг, ئۆز ҳусن اميри, бانдаи бەئەтиборингمان.

## ФУРҚАТ ИЧРА

Фурқат ичра истаб ул ошуби даврон муждасин,  
Ҳеч кимдин топмадим ман зори ҳайрон муждасин.  
Йигладим бу тун тилаб ҳақдин фаровон муждасин.  
Субҳ еткурди сабо гул барги хандон муждасин.  
Ё кўнггу топди Масиҳ алфосидин жон муждасин.

Кўр ўлуб эрди кўзим ҳижронидин ул хўбнинг,  
Келди бу кун нур ичига дийдаи мартубнинг,  
Билмадимким муждаси етмишдур ул маҳбубнинг,  
Ё фалак берди йиги кўр айлабон Яъқубнинг,  
Кўзлари очилмоқ учун моҳи Канъон муждасин.

Кўнглум эрди ҳажри зиндони ғамининг бекасе,  
Кечау кундуз фифон тинмай чекар эрди басе,  
Бўлди бир мужда онинг бу ҳолидин афғон басе,  
Не гули хандону не айши, не Юсуф муждаси,  
Топди бир маҳжуру ўлар ҳолатда жонон муждасин.

Ишқ дардидин шиканж эрди манго тан ғунчадек,  
Сар-басар эрди ичим қон бирла тўлғон ғунчадек,  
Танглик зиндонини айлаб нишиман ғунчадек,  
Ғунча эрдим тонг елидин тўнға сиғмон ғунчадек,  
То сабо еткурди ул сарви хиромон муждасин.

Маркабингни ел киби кулбам сори сурсанг нетонг,  
Жон сўзингдин жисмима бермак раво кўрсанг нетонг.  
Лутф этиб ул ёр пайғомин эшитдурсанг нетонг,  
Ҳажр аро, эй бек, агар сен нома еткурсанг нетонг,  
Тонг ели ҳар тун берур хуршиди тобон муждасин.

Ман сори азм айламай ул қотили пурфан ҳануз,  
Мақдами гаридин әтмак күэларим равшан ҳануз,  
Поймол ўлмай саму рахшиға хоки тан ҳануз,  
Нақди жон бердим, мусилмонлар, уётлигман ҳануз,  
То истадим бийикдин ул номусилмон муждасин.

Бахт гүё, Огаңий, ёру мутеим бўлдиким,  
Зулмати ғам хорини қўймай йўлимдин юлдиким,  
Васли меҳри нуридин кулбам саросар тўлдиким,  
Эй Навоий, шоми ҳижрон йигларим дафъ ўлдиким,  
Субҳ еткурди сабо гул барги хандон муждасин.

## САОДАТ НУРИ

Юзи хуршидиким бўлмиш саодат нури фош ондин,  
Сафо касб айлабон ою кун айларлар талош ондин,  
Эрурлар олам ичра кеча-кундуз нур фош ондин,  
Ҳамул тоғики толеъ бўлмиш эрди ул қуёш ондин,  
Қуёш лаълича бордур бошима ҳар пора тош ондин.

Саодат субҳидек ҳар дам аён айлаб табассумни,  
Гулафшон этгали ағёр аро рангин такаллумни,  
Қилибдур тийра оҳим дуди пинҳон мөҳу анжумни.  
Кўзимга уйқу ғам шоми нетиб киргайки, мардумни  
Яқиндурким оқизғай сели руди бирла ёш ондин.

Май олуд айлабон ул дилрабо лаъли қадаҳ нўшин,  
Аён этти жаҳон аҳлига жон сарчашмаси жўшин,  
Кўзи мастона боқғоч очибон қош ёси оғушин,  
Кавокиб наргисию ҷархнинг қавси кўнгул ҳушин,  
Не олсунлар чу олмишлар они ул кўзу қош ондин.

Шаби ҳижрон аро усру бузулди кўнглум аҳволи,  
Ҳазин жон доғи бўлди дарду меҳнат хайли помоли,  
Адам йўлиға охир ўзни ғамдин қиласоли холи,  
Кўнгул бир ойни истаб борди, жон қолди ўлум ҳоли,  
Бу ҳам айрилмоғой эрди бу қотиг йўлда кош ондин.

Ҳамул ширинлиқо ишқи тутуб ер жон ила танда,  
Қарору, сабру, тоқат қўймади Фарҳоддек манда,  
Кезарман кўҳсор ичра бўлуб тун-кун пароканда,  
Жунун афғонидин төр ичрадур нолам хирошанда,  
Онингдекким садо фарёдига тушмиш хирош ондин.

Күнгүл етса санга гар фоқадин андозасиэ мөхнат,  
Таваккул ҳаққа айлаб чекмагил маҳлуқдин миннат,  
Риёзат бирла ҳүй эт бор эса санда агар ҳиммат,  
Багир парколасин айлаб гизо, қонин қилиб шарбат,  
Таваққуъ қилма олам аҳлидин ўтса маош ондин.

Фигонин Огаҳийнинг етти чарх аҳли әшиттиким,  
Садойи гиряси аҳли жаҳон бағрин әриттиким,  
Дема гирён бўлуб тун-кун на мақсад ҳосил эттиким,  
Навоий макнати қон ёш ила бир ерга еттиким,  
Бўлубдур лаълфарш оғоқ аро ҳар ён тутош ондин.

## ЧАВГОН ЎЮНИН ҚУРДИНГ

Очиб майдин юзинг гулгул, чиқиб майхонадин хандон,  
Паридек жилва бирла токи бўлдинг озими майдон,  
Ишим дашти жунун ичра югурмак ҳар тараф нолон,  
Эрур саргашта хоки тан аро мажнун кўнгул ҳар ён,  
Тўн этгандек қуюндин жисмига мажнуни саргардон.

Чиқиб майдон аро то кўю чавғон ўюнин қурдинг,  
Қадам алтоф ила ишқ аҳлиниң бошига еткурдинг,  
Вале ҳар гаҳки бу девона сори маркабинг сурдинг,  
Ялонг жисмим кўруб онча бало тошини ёғдурдинг-  
Ки, захмим боғлоғандин эмди әрмастур таним урён.

Бўлуб ҳолимга нозир ҳалқ давримда қурад ҳалқа,  
Қаён юз урсам атрофимдин айрилмай юрад ҳалқа,  
На одамдин улус танҳо живоримда кўрад ҳалқа,  
Жунуним ҳайратига вахш давримда урад ҳалқа,  
Мушаъбад лаъбиға ҳангома ҳалқидек бўлуб ҳайрон.

Оқиб ер юзида ҳар сори юз минг наҳр ашкимдин,  
Хароб ўлмай не саҳро қолди, не бир шаҳр ашкимдин,  
Нечук айларсиз, эй аҳроб, умид баҳри ашкимдин,  
Тузалди Нуҳнинг тўфонидин<sup>5</sup> сўнг даҳр ашкимдин,  
Қиёмат ошкоро бўлди ул тўфону, бу тўфон.

Бу гулшан ичра ҳар дам боши уэра ёғибон жола,  
Қилибдур пайкарини ҳар тараф паргола-паргола,  
Бу янглиғ ҳол ила изҳор қилмай оҳ ила нола,  
Манингдек тоза доғи заҳмидин қон ғарқидур лола,  
Магарким доғини кўнглиға қўймиш шуълаи ҳижрон.

Ийонғыл, эй күнгүл, меңнат сародур ушбу оламким,  
Суруду нағмаси навҳа, суруру сури мотамким,  
Киши гар ондадур хүшёр әмас бир лаҳза бегамким,  
Ичиб гардунча соғар, кош андоқ бехуд ўлсамким.  
Иккинчи сурдин ҳам бўлмоғой ўйғонмаким имкон.

Қилиб журъат оёқингдин тааллуқ бандини синдер,  
Тутуб озодалиғ расмин, қадам майхона сори ур,  
Унут дунё ғамин аҳбоб бирла айш базмин сур,  
Жаҳон осойишип олингда мушкил қилмаким бордур,  
Агар мушкил десанг мушкил, ва гар осон десанг осон.

Эшитгил гаҳ-гаҳи ушшоқи бедил оҳу зоринким,  
Ғурӯр этма кўруб ҳуснинг баҳойи бемадоринким,  
Вафосиз англа ушбу даҳр boginинг баҳоринким,  
Кўб, ай гул, урма булбул жонига бедод хоринким,  
Сану мандек гулу булаубуни кўб ўткарди бу бўстон

Чекиб даврон жафосини фузун аъдоду имкондин,  
Тўйерман Огаҳийдек ҳар нафас юз минг карат жондин,  
Утар мундин туну кун оҳу иолам чархи гардондин,  
Навоий, қилма айб афғону фарёдимки, даврондин  
На бир фарёду ўн афғонки, юз фарёду минг афғон.

## «ҲОЙИ ҲОВВАЗ» РАДИФИ

### РУХСОРИ БИРЛА ҚОМАТИ

Ул шўхи бепарво миниб сармаст якрон устина,  
Лутфу адо бирла келиб ушшоқи ҳайрон устина,  
Ширин тақаллумлар била жон бергуси жон устина,  
Лаъли ҳаёт афзосидур рухсори жонон устина,  
Ехуд Масиҳ этмишдурур ер меҳди раҳшон устина.

Эй ҳосил этган ишқ аро огоҳлиғ кайфиятин,  
Қилғон замиридин жудо ғафлат ғубори виллатин,  
Кўрмак таманно айласанг гар ҳақ таоло қудратин,  
Наззора қилғил оташин рухсори бирла қоматин,  
Гар кўрмасанг гул бутганин сарви хиромон устина.

Фарҳунда рухсори келиб авжи сабоҳат кавкаби,  
Гисуий мушкини бўлуб ул навъким ҳижрон ёшиби,  
Бордур камоли ҳусн аро аҳли жаҳоннинг матлаби,  
Ул дилрабонинг дилкушо хати била ширин лаби,  
Тутган киби бордур ватан Ҳизр ѿби ҳайвон устина.

Эй дўстлар, ман хастаға дилдорлиғ зоҳир қилинг,  
Яъни тараҳдўум кўргузуб расми аёдатға келинг,  
Жисми назоримни кўруб, ҳоли харобимни билинг,  
Деманг ул ой ҳижронида не навъ ўтар ою йиллинг,  
Тун-кун чекорман тинмайин афғонлар афғон устина.

Эҳсон сани қиласусидур мақбули табъи хосу ом,  
Сандин они кўргач бўлур банданг жаҳон аҳли тамом,  
Эмдики фаҳм әттинг муни, эй хисрави олий мақом,  
Эҳсон әт, аммо қиласофил миннатдин элни талхком,  
Бўлгойму базл оғу солиб берса киши ион устина.

Минг йил агар хуршиддек қыл рафъат авжини мақар,  
Борча муроду комдин комингча бўлғил баҳравар,  
Аммо ажал еттач қилиб бу ёғду оламдин гузар,  
Киргунг қаро ер остига, охир санга йўқ суд, агар  
Чиқсанг фалакка айлабон айвонлар айвон устина.

Қасд этса жаллоди ажал гар ҳар кишининг жонига,  
Боқмас онинг юз ҳийлау минг рев ила достонига,  
Гар исми аъзамни ўқуб кирса Али қалқонига,  
Ҳойил бўло олмоқ әмас мумкин ажал пайконига,  
Довуд қилғон жавшанин кийса Сулаймон устина.

Йўқтур сабот ушбу жаҳон идбору иқболигаким,  
Олданмагил оқил эсанг асбобу амволигаким,  
Берма раоёҳ хайлани, эй зулм аҳли чанголигаким,  
Эй шаҳ, иноят бирла боқ, афтодалар ҳолигаким.  
Бўлмиш оларнинг сан киби кўп кимса султон устина.

Назм ичрадур кашф Оғадий табъига сирри гайбким,  
Йўқтур бу сўз таҳқиқида, албатта, шакку рапбиким,  
Билгач они рашк илгидин юз чок айлаб жайбким,  
Бўлса паришон хотири Рожийнинг әрмас айбким,  
Жамъ ўлғуси ҳар дам онинг андуҳи даврон устина.

## УЛ ЭОРУ НОШОД УСТИНА

Қаҳр айлаб ул қотил миниб якрони бедод устина,  
Қошу кўзига чин солиб келди бу ношод устина,  
Топмон амон әмди неча дод айласам дод устина,  
Мушкин қошининг ҳайати ул чашми жаллод устина,  
Қатлим учун нас келтуур нун элтибон сод устина.

Ул ой музайян айлабон қош ёси бирла оразин,  
Жонпарвар айлаб лаъли руҳ афзоси бирла оразин,  
Очмиш букун қадди жаҳон ороси бирла оразин,  
Қилғил тамошо қомати зебоси бирла оразин,  
Гар кўрмасанг гул бўлғонин пайванд шамшод устина.

То ул парининг водийи ишқи аро қўйдим қадам,  
Андуҳ ила ғамдин етар ҳар дам ситам узра ситам,  
Бу не қотиг ҳол эрдиким бунча ситам устига ҳам,  
Нозу адоу ғамзаси қатлим қилурлар дам-бадам,  
Ваҳ, мунча оғатму бўлур бир одамизод устина.

Чиқти букун тортиб қилич ул золими хунхорким,  
Бўлмай қолур олам аро жону дили афгорким,  
Ўтрусида онинг тирик турмоқ киму, ман зориким,  
Ман хастага жон асреноқ әмди эрур душворким,  
Қотил кўзи бедод этар ҳар лаҳза бедод устина.

То бир йўли ҳусни жаҳон тобини айлаб жилвагар,  
*Чинчон* Жону танимни иштиёқ ўтига ёқди сарбасар,  
Эмди тараҳдум кўргузуб ҳолимдин олмос бир ҳабар,  
Ул гул юзи шавқи била шайдо кўнгул шому саҳар,  
Булбулдек айлар минг наво юз навъ фарёд устина.

Мажнун жунун дашти аро ҳолимдин огаҳ бўлмағай,  
Гар бўлса огаҳ бир қадам отғунча ҳамраҳ бўлмағай,  
Мандек балокаш саҳтижон оламда, биллаҳ бўлмағай,  
Бошимга ёққон ғам тоши мингдин бирича бўлмағай.  
Гардун агар минг бесутун ёғдурса Фарҳод устина.

Хулқу шиям айлар чоги teng тут ёмону яхшини,  
Сайри наам айлар чоги teng тут ёмону яхшини,  
Базли дирам айлар чоги teng тут ёмону яхшини,  
Эй шаҳ, қарам айлар чоги teng тут ёмону яхшини-  
Ким, меҳр нури teng тушар вайрону обод устина.

Жоҳу, жалолу, давлату иқболнинг шукрини қил,  
Яъни қарам айлар чоги бечораларни кўзга ил,  
Умри адам фаржомга йўқтур вафо таҳқик, бил,  
Хоки танинг барбод ўлур охир жаҳонда неча йил,  
Сайр эт Сулаймондек агар тахтинг қуруб бод устина.

Ўзни муҳайё айланг, эй аҳбоб, сиз сўз дергаким,  
Лутфу фасоҳатлар била тил очингиз сўз дергаким,  
Лекин манга тарғиблар кўргузмангиз сўз дергаким,  
Не журъат ила Огаҳий очгой оғиз сўз дергаким,  
Минг хайли ғам қилмиш ҳужум ул зору ишод устина.

7

## ИШ МАНГО ОХУ ФИГОНДУР

Бўлмайин бир дам ниgorи бода ошомим била,  
Ҳамдаму ҳамроҳман андуҳу оломим била,  
Найлайнин, ё раб, бу баҳти накбат анжомим била,  
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,  
Бир нафас әврулмади даврон манинг комим била.

Дарди ишқу, ранжи фурқат зўр айлаб ҳар замон,  
Қилдилар ҳам жисми зоримни онингдекким камон,  
Чорае истаб бу дардимға мани бехонумон,  
Ҳар майиким онсиз ичдим топмодим ғамдин амон,  
Заҳри ғам гўё өзилмиш әрди ул жомим била.

Айламай ором бир соат тараб айвонида,  
Жон талошурман туну кун дарду ғам ғинданнида,  
Эй сабо, арз айла етсанг ул қуёшнинг ёнида,  
Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,  
Кунга етгайманму, ваҳ, бу субҳи йўқ шомим била.

Токи тушдум ишқ аро ман зори бадном, эй рафиқ,  
Топмадим бир дам висоли бамзидин ком, эй рафиқ,  
Иш манго оху Фигондур субҳ ила шом, эй рафиқ,  
Қайда бўлсун музтариб кўнглумға ором, эй рафиқ,  
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.

Қосидо, етсанг ул ойға ҳажр мудлик шомин айт,  
Зор кўнглум ул сифат шом ичра хун ошомин айт,  
Ишиқида дарду ғамим оғоз ила анжомин айт,  
Эй сабо, ул гулға муҳлиқ фурқатим пайғомин айт,  
Балки жон нақдин анго еткур бу пайғомим била.

Ишк аро токим тушибман айшу роҳатдин йироқ,  
Тақви аҳли мажмаидин ўзни солмишман қироқ,  
Шавқ ўти жисмим аро сўзондурур бошдин аёқ,  
Кўнглум ичра бут ғами куфр ичра бўлсам яхшироқ,  
Пирни дайр олдиға борғунча бу исломим билади.

Оғадий, ул ойга деб дарду дилим шарҳин дейин,  
Ғам туни топмон боқиб гаҳ илгари, гоҳи кейин,  
Оҳқим, ағёр ичиб тун-кун онинг васли майин,  
Эй Навоий, ўлсам армон әлткумдур ичмайин,  
Бир сабуҳи гул узори бода ошомим билади.

## УЛУС ТАЪЗИМУ ИКРОМИ БИЛА

Не бўла олдим ғами уқбо саранжоми била,  
Не фараҳ топдим жаҳон саҳбойи гулфоми била,  
Иш манга тун-кун улус таъзиму икроми била,  
Ваҳки, умрим бўлди зоёв борча эл коми била,  
Бодаи ноб ўрнига хуноба ошоми била.

Эй кўнгул, қил борча комингни худодин мултамас,  
Истасанг роҳат замона аҳлидин пайванд кас,  
Комрон ўлмоқ тилаб шаҳ хизматин қилма ҳавас,  
Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким арзимас,  
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқға бирор коми била.

Фақр әлифа кулбаси мулки жаҳондин яхшиким,  
Онда эски бўрё тахти Каёндин<sup>6</sup> яхшиким,  
Тинчлиқ бирла атола нўши жондин яхшиким,  
Заҳрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким,  
Оби ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Қадни ҳар тун хам қилиб тангри руқуниға әгил,  
Оч саҳарлар оҳ уруб, афғон чекиб зикриға тил,  
Айшу ишрат жойи эрмастур бу олам, онглағиға,  
Эй кўнгул, эл субҳ айши сори боқма хўй қил,  
Фардлиғ вайронида меҳнат қаро шоми била.

Ҳар кишиким фақр пиридин эрур иршодлиғ,  
Гўшае ичра ирик мoshob ила муътодлиғ,  
Етмагай ҳаргиз онга шаҳ хиљатидин шодлиғ,  
Кўшға юнг маскан аро хушроқдурур озодлиғ,  
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.

Аҳали дүнәким әрүрлар одамилиқдин йироқ,  
Пешаси озору миннат, одати кийну нифоқ,  
Хүшинг ўлса бу сўзимга сидқ ила тутғил қулоқ,  
Бўлмоқ итлар мунъими тан туъма айлаб яхшироқ.  
Тани қиласунча семуз нокаслар инъоми била.

Орав ўлди зард тарқ әт гулжабинлар суҳбатин,  
Қомат ўлди хам, унугтил сарв қадлар қоматин,  
Огаҳийдек тинмайин охторма дунё ишратин,  
Эй Навоий, хузи ила ўткар қарилиғ меҳнатин-  
Ким, йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

## КҮЗЛАРИМНИ АЙЛАГИЛ РАВШАН

Бўлуб субҳим фироқинг ичра шом оҳиста-оҳиста,  
Фигону нола айларман мудом оҳиста-оҳиста,  
Мани айларга годи шод ком оҳиста-оҳиста,  
Кел, эй сарви равон, айлаб хиром оҳиста-оҳиста,  
Кириб жон гулшанида қил маҳом оҳиста-оҳиста.

Манга дарду бало зинданидур субҳу масо маскан,  
Кўзим хира, дилим тийра, таним хаста, тилим алкан,  
Бу ҳолимға тараҳдум зоҳир айлаб, эй маҳи пурфан,  
Фироқингда қарорғон кўзларимни айлагил равшам,  
Очиб гаҳ-гаҳ руҳи хуршид фом оҳиста-оҳиста.

Демишсан дардга тоқат қила олмассан ишқ ичра,  
Миҳан тийғи била кўксунг тила олмассан ишқ ичра.  
Оёқ ғам даشتига босиб кела омассан ишқ ичра,  
Дема бош ўйнамоқ расмин била олмассан ишқ ичра,  
Билур сарбозлар расми низом оҳиста-оҳиста.

Бўлуб ман тоғами ишқинг аро бечорау вола,  
Қадим бўлмишдурур меҳнат юкидин ўйлаким ҳола,  
Бу ҳайъат бирла базмингга етибман тояу тола,  
Муғаний, туз бийик созингни-ю чеккил бийик нола  
Эмас дилхоҳ соэ этмак давом оҳиста-оҳиста.

Агар ҳушиңг әса бир дам әшиит пандимни; эй одам,  
Ема ҳайвон мисиллик ҳарна келса олинга ҳар дам,  
Бўлубдур нафс саркаш руҳига муставлию аҳкам,  
Десангким нафс ром ўлсун риёзат айлагил кам-кам,  
Солурлар бад лиғом отға лижом оҳиста-оҳиста.

Қаноат гулшани иззатға әлни айлабон восил,  
Тамаъ зинданы зиллатға қилур берайбу шак доқиλ,  
Тутубон жаҳлу ғафлат таркини оламда, эй օқиλ,  
Чу донишда чиқардинг от қаноат файзин әт ҳосил,  
Тамаъдин әлга бордур нангу ном оҳиста-оҳиста.

Келибдур то адамдин Оғадий бу олами дунға,  
Бўлубдур мубтало дарду ғами беҳадди афзунға,  
Тараҳҳум айлабон илгинг сўнуб саҳбойи гулгунға,  
Кетур, соқий паёпай жоми май Рожийи маҳзунға,  
Ғами дафъин килур шурби мудом оҳиста-оҳиста.

## ИШҚИГА БҮЛДИМ ОШНО

Бўлма мойил даҳр бобининг баҳористонига,  
Қилмогил мафтун қўнгулни наригиси фаттонига,  
Айлама жон булбулин шайдо гули хандонига,  
Оташин гул гарчи зиннатдур жаҳон бўстонига,  
Барқ әрур ҳар ел учургон барги буалбул жонига.

Одким, бу дайрнинг айшига йўқтур әътибор,  
Ишратидин сурату усрат бўлубдур ошкор,  
Кўрки юз минг жон чекиб, тортиб суубат бешумор,  
Бир қадаҳ май ичмади бу дайр аҳли бехумор,  
То таҳаррук бўлди бу тоси нигун давронига.

Токи ул бегонаваш ишқига бўлдим ошно,  
Васлидин маҳрум ўлуб чекмак ишим ранжу ано,  
Тоқатим йўқ тузгали мундоқ суубатга яно,  
Ҳасрат ўлтурди мани, эй муғ, кетур жоми фано,-  
Ким, чидай олмон букундин сўнг онинг ҳижронига.

Ишқ таврида вафо аҳлига бордур ўзга ҳол-  
Ким, бериб юз жон қилурлар сўнгра уммиди висол,  
Қиласун ҳар бул ҳавас даъвойи ишқ әтмак хаёл,  
Бўлмайин фони муҳаббат жомин ичмакдур маҳол,  
Сабт әтинг бу нуктани дайри фано айвонига.

Ишқ водиси аро азм айлабон ҳар ён далир,  
Васл шавқида туну кун тортиб афгону нафир,  
Огаҳий янглиғ талаб ичра бўлуб меҳнат пазир,  
Ком топмай кимки ҳирмон дардига бўлмиш асир,  
Истаса ҳамдард ўлтурдинг Навоий ёнига.

## ЮЗ УЗРА ЗУЛФИ АНБАРИН

То айлади азми сафар мастана ул рухсори маҳ,  
Хоки раҳига бош қўюб топти муродини ҳамаҳ,  
Тонг йўқ бу хижлатда агар ўлсам мани баҳти сияҳ,  
Не пўя урдим йўлида, не бошим эттим хоки раҳ,  
Ул шўх ишқи саънида бошдин аёқимдур гунаҳ.

Эй ҳамдами неку шиям, сўрсанг агар мандин алам,  
Тутғил қулоқ айлаб карам, айлай санго ман шарҳи ғам,  
Тун базм аро қўюб қадам, илгингга олиб жоми Жам,  
То бода ичти ул санам, то майға чўмди лаъли ҳам,  
Жонимда ўтдур дам-бадам, бағримда қондур таҳ-батаҳ.

Ишқ ичра ман беморға, ҳижронда дилафгорға,  
Енмоқ иш ўлмиш норға, етмак тилаб дилдорға,  
Кўб қўймайнин озорға, ё раб, етур дийдорға,  
Чун жилва бўлди ёрга, айш ўлди жони зорға-  
Ким, ул қаду рафторға жонгулшанидур жилвагаҳ.

Очса бўлуб маснаднишин, юз узра зулфи анбарин,  
Бўлмоқ асири куфру дин, тонг эрмас, эй дил, бил яқин.  
Гар қаҳр ила ул маҳжабин солиб қоши устига чин,  
Жон қасдига қилса камин, хайли эрур минг нозанин,  
Хуршид чекса тийги кин анжум не тонг бўлмоқ сипаҳ.

Хоби жаҳолатдин айил, мағрури давлат бўлмоғил,  
Тангри рукунга эгил, ҳар лаҳза оч шукрига тил,  
Лутф илги бирла муттасил фақр аҳали қўз ёшини силя,  
Умр ўтмагин андиша қил, давронға йўқтур мешр бил,  
Эй шаҳ, гадони кўзга илким, не гадо қолур, не шаҳ.

Ҳажри ғамидин рўзу шаб, жисмимда әрди ларзу таб,  
Ногаҳ қилиб тарки газаб, кулбамга келди бесабаб,  
Нўш айлабон май лаб-балаб, изҳор этиб айшу тарааб,  
Очғоч юзин ул нўшлаб, қилдим фифон бирла шааб,  
Булбулга тушса не ажаб, ошубу афғон субҳ гаҳ.

Гар қил гино авжини йўл, вар кўди фақр остида ўл,  
Шукриға дойим қўй кўнгул, аҳли ризо ичра қўшул,  
Лек Оғадийдек бўлма гўл, солиб кўзингни соғу сўл,  
Ҳар ён, Навоий, сўнма қўл, не келса ҳақдин рози бўл,  
Сан ожизу ҳокимдур ул алъазулак вул ҳукм лаҳ.<sup>7</sup>

## ЛАЪЛИ ХАНДОНДИН

Чекиб ҳижрон аро оҳу фигон оҳиста-оҳиста,  
Етар әрдим ўларга ҳар замон оҳиста-оҳиста,  
Билиб бу ҳолим айлаб имтиҳон оҳиста-оҳиста,  
Манга раҳм айлаб ул ширин забон оҳиста-оҳиста,  
Етушти бошим узра ногаҳон оҳиста-оҳиста.

Булуб ҳижрон тунида қайғу зиндан манго маскан,  
Йигидин тийра бўлмиш әрди чашмим бешаку безан,  
Бу ҳолимға тараҳдум кўргузуб ул шўхи сийминган,  
Фироқида қарорғон кўзларимни айлади равшан,  
Очиб рухсоран хуршид сон оҳиста-оҳиста.

Неча муддат әдиким, ҳажр дардига бўлуб дучор,  
Таним әрди заифу, кўнглум афгору, кўзим нокор,  
Топо олмай даво олам аро юз саъй этиб изҳор,  
Эдим ҳижрони дарди шиддатидин ўлгудек бемор,  
Етурди васлидин сиҳдат равон оҳиста-оҳиста.

Туман минг шукрким, ўлмакка етганда мане бемор,  
Келиб бошим узра ул табиби шаккарин гуфтор,  
Такаллум бошлади қилмоқ учун ҳолимни истифкор,  
Масиҳо мұжизин жонбахш лаълидин қилиб изҳор,  
Ўлук жисмимға берди тоза жон оҳиста-оҳиста.

Ертмоқға жамоли партавидин байтул аҳзоним,  
Очиб келди юзини лутф ила хуршиди тобоним,  
Қошимда ўлтурууб айлаб каломин роҳати жоним,  
Сўруб дилдорлиғ расми била ҳоли паришоним,  
Қилиб ойини дилбарлик аён оҳиста-оҳиста.

Вафоу меңр афзун зөхир айлаб ҳадди имкондин,  
Сочиб дурру гүҳар ҳар сўзлаганида лаъли хандондин,  
Аёмай жонфизо ширин сўзин ман зору ҳайрондин,  
Дедики: «Эй ошиқи зорим, малоли дарди ҳижрондин,  
Бўлубсан усеру зору нотавон оҳиста-оҳиста.

Фироқимда неча кун имтиҳон ҳолингни қиласишиман,  
Ниёзу ажзингу ихлосу сидқинг кўзга илмишман,  
Бори ушвоқ аро лойиқ сани лутфимға биласишиман,  
Бу дам васлим била коминг раво айларга келмишман,  
Мақомингға бори әлдин ниҳон оҳиста-оҳиста.

Берib жон нақдин, истар ҳалойиқ борҳо лаълим,  
Бирининг қиломишдур бир нафас комин раво  
лаълим,  
Вале маҳзи қарамдин вақф қиласишиман санго лаълим,  
Агар истарсан ўпмакликни инак жонфизо лаълим,  
Ва гар қучсанг белим инак миён оҳиста-оҳиста.

Замиринг ишқи ичра соғ әкандур ўйлаким шиша,  
Онга келтурмадинг ёди руҳимдин ўзга андиша,  
Ҳамим тогига субҳу шом уруб Фарҳоддек теша,  
Неча кун дарди ҳижроним аро сабр айладинг пеша,  
Бўл әмди васлим ичра шодмон оҳиста-оҳиста».

Бу сўзларни дебон чекти мани бўйнумға солиб даст,  
Ман онинг ўтрусида ҳам қилиб қаддимни бўлдим  
паст,  
Ул этти оғзима ширин лабини шаҳддек пайваст,  
Ман ўлдим ёр лаъли бодаси бирла бўлиб сармаст,  
Фироқи ранжидин топдим амон оҳиста-оҳиста.

Тўкуб ҳижронда йиллар Оғадий ашкини сув янглиғ,  
Висол иқлими сори гом уруб чобук буғу янглиғ,  
Етушти маснади ком узра шоҳи комжӯ янглиғ,  
Киши гар содиқ әрса ишқ аро васл ичра бу янглиғ,  
Бўлур Феруз баҳти комрон оҳиста-оҳиста.

## «Ё» РАДИФИ ОТАШИН РУХСОР

Дилбаримму жилва қилғон, ё малак ёхуд пари,  
Ё тулуъ әтти латофат буржининг саъд ахтари,  
Билмайин тардид аро бўлдим таҳайюр мазҳари,  
Орази ё лоламу, ё шамъму ё машшарий,  
Ё қамар, ё кўзгуму, ё офтоби ховари.

Оташин рухсорида эрканму холи габрин,  
Донаи испанд ё ўт узра тушганму экан,  
Кирпигиму ўқу ё ханжармудур билмон яқин,  
Қўзи ё жаллод, ё сайд, ё оқуйи Чин,  
Ё балойи жонму, ёхуд ҳиндуйи жодугари.

Тишмудур лаъли аро йўқ әрса бе ҳамто гуҳар,  
Ғунчай хандон аро ё жола тушмишдур магар,  
Ё наботи соф жон коми аро қилмиш мақар,  
Лаъли ё ёқут әрур, ё жони ширин, ё шакар,  
Ё ақиқи лаъл, ё жаннат гули барги тари.

Оғзиидур андоқ кичикким, гүё маъдум әрур,  
Шакли диққат аҳлининг олинда номафҳум әрур  
Лек сўз айтур чоғи бор әкони маълум әрур,  
Оғзи ё дуржи адам, ё нуқтаи мавҳум әрур,  
Чашмаи ҳайвонму, ё Фирдавси ризвон кавсари.

Чеҳрай гулгунму ё равзай ризвонмудур,  
Зулфи мушкинниму, ё сунбулу бўстонмудур,  
Лаъли рангини әконму, ё гули хандонмудур,  
Хатти ё мўру малаҳ, ё сабзай райҳонмудур,  
Ё хати мусҳафму, ё миръоти ҳусни жавҳари.

Белиму нозиклик ичра кўзга әрмастур аён,  
Йўқса бир қилму әканким, кўздин ўлмишдур  
**ниҳон,**

Е хаёли нозики ё ваҳмдур, ёхуд гумон,  
Қадди ё сарви равон, ё хома, ё ўқи синон  
Е алиф, ё оҳ, ё боги раунат аари.

Огаҳий, ул ой лабининг нутқи руҳ афвосиму,  
Йўқса ишрат жомининг роҳат физо саҳбосиму,  
Е фарақ тўтисининг гуфтор базморосиму,  
Сўз ё гулбонги булбул, ё Масиҳ анфосиму,  
Е магар Муниснинг айтган назми диққат парвари.

## БОГИ ЖАҲОНКИ ХУШТУРУР

Даҳр баҳори базмининг йўқ ҳадию каронаси,  
Еткуур әлни комига даври майи шабонаси,  
Онгла муни агар әсанг аҳли хирад ягонаси,  
Боги жаҳонки хуштурур гулшани айш хонаси,  
Роҳати жисму жон парвар базму тараб нишонаси.

Базм аро чунки мутриби созини илгиға олур,  
Сози қулоқларин буруб нағма туварга қўзғолур,  
Нағман дилкушо тузуб ноз ила соз агар чолур,  
Базм әли сабрини олиб, рақсга жонларин солур,  
Мутриби хуш навосининг шавқ физо таронаси.

Мажлиси маснади неча ранг ила хуш нигор әрур,  
Ҳар бири ишрат аҳлиниң хисрави комкор әрур,  
Онгласун они бегумон кимсага ҳушёр әрур,  
Жоми Жам ичра шарбати жон қиби хушгувор әрур,  
Софари зарнигор аро соф майи муғонаси.

Ҳар кеча аҳли ҳуснининг ишвай ноз шарҳини,  
Бир нафас аҳли ишқининг ажайу ниёз шарҳини,  
Ҳажр аро дард аҳлиниң кўнглида роз шарҳини,  
Ишқ әли жон кўнглиниң сўзға гудоз шарҳини,  
Равшан әтарга тилдурур шамълари забонаси.

Нозу адой ишвалар бирла тузауб низоми ишқ,  
Лутғу қарам била тутуб аҳли жаҳонга жоми ишқ,  
Буки дамо-дам әтгуси борчани ўшқоми ишқ,  
Қасди юз очиб, айламак әлни асири доми ишқ,  
Зулфи сиёҳин ўрмаки шўхлари баҳонаси.

Жилва паридек айлабон нур физо жамол ила,  
Базм әли ҳушини олиб неча туман далол ила,  
Ҳар неча баҳра еткуруб шаҳд киби мақол ила,  
Чеккуси жонни зулфиға лаъли зулоли ҳол ила,  
Домига банд әтар ҳамул қушни бу обу донаси.

Ҳажрида қолгон эл иши ғам ўтида гудоз әрүр,  
Васлиға етса ҳар киши хурраму сарфароз әрүр,  
Бошдин аёқ карашмау, ғамзаяу, лутфу, ноз әрүр,  
Базми мұяссар ўлса гар ҳарж қилурға оз әрүр,  
Бир кечалик нишотиға ер юзининг ҳазонаси.

Эйки, бу дайр ичида сан ишрат әлиниңг ағзали,  
Хотири хурраминг әрүр файзу сафо сижанжалы,  
Дилкашу хўб әрүр, дединг даҳр тараб гаҳи бали,  
Даҳр тараб гаҳи басе дилкашу хуб әрүр, vale  
Ҳайфки, йўқтурур онинг ишрати жовидонаси.

Шоҳи замон лутфидур тенг ёвуқу йироққаким,  
Файзи нигоҳи етгуси ҳам бийигу ошоқғаким,  
Боқмаса ул боқар эди ман киби бир чўлоқғаким,  
Муддати умрин, Огаҳий, чексун уғон узоқғаким,  
Айшу тараб замонидур шоҳи замон замонаси.

## ЕР ЎЛМАГАЙ

Рашқдин дерман жаҳонда бир киши ёр ўлмагай,  
Ёр файридин асар кўзга намудор ўлмагай,  
Оlam ичра иккимиздин ўзга жондор ўлмагай,  
Ёр ила бир хилват истарманки, ағёр ўлмагай,  
Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмагай.

Ўйла хилват ичра тузмак истарам суҳбатниким,  
Билмагай ҳар кимса онда айлаган ишратниким,  
Ҳақ манго қиласа карам бу навъ амниятниким,  
Элдин андоқ ёшурун истарман ул хилватниким,  
Кўнглум ондин воқифу жоним хабардор ўлмагай.

Ушбу хилватда қилиб ёлғуз ватанким, ўртада,  
Ёрга мағв әткоман жону баданким ўртада,  
Қолмагай тилга демак ман, йўқса санким ўртада,  
Тору пудим ичра нобуд ўлғоманким ўртада,  
Ўзлукимдин демаким ўзлукдин осор ўлмагай.

Бахт ўлуб ёвар агар тушса бу хилват иттифоқ,  
Бўлсам аҳли даҳр маъвоу маконидин йироқ,  
Ёрга демак тиларман ёшурун дарди фироқ,  
Буки дерлар бордурур девор кенида қулоқ,  
Ул фазо даврида кўза етгунча девор ўлмагай.

Лутф ила қилғай мұяссар бўйла хилватни худо,  
Онда ҳолим шарҳини ёр әтгай аввал ибтидо,  
Ҳар нафас зоҳир қилиб жонпарвару дилкаш садо,  
Махфий асроримға бўлғой ёр лафзидин даво,  
Ёрдин айру ва лекин соҳиб асрор ўлмагай.

Ерлиг даъвосида қилғон киши кўбдур талош,  
Ер деб ҳар кимнинг олида vale индурма бош,  
Огаҳий янглиғ қилиб ушбу жаҳон ичра маош,  
Эй Навоий, қилма ҳар ёр олида сиррингни фош,  
Бормудур имкониким ул ёрга ёр ўлмағай.

## БИР МОХИ ПАЙКАР ИШҚИНА

Қобили дийдор агар адли жамол айлар мани,  
Юзларининг кўзгуси тўти мисол айлар мани,  
Гарчи хўблар сурати соҳиб мақол айлар мани,  
Ҳайрат, эй бут суратинг кўрдукча, лол айлар мани,  
Сурати ҳолим кўран сурат хаёл айлар мани.

Даҳр аро меҳри руҳунг солғуси партав кунчаким,  
Ҳажридин ёғду куним бўлмиш қоронгу тунчаким,  
Партави ондин тиларман кеча тонг отгунчаким,  
Меҳр солмазсан манга, лутф айламазсан мунчаким,  
Соятак савдои вулфинг поймол айлар мани.

Ҳусн ила сансан жаҳонда меҳри анвар нечаким,  
Фурқатинг шомида манман вору музтар нечаким,  
Гарчи әҳсонинг манга беҳадду бемор нечаким,  
Заъф толеъ монии тавфиқ ўлур ҳар нечаким.  
Илтифотинг орзуманди висол айлар мани.

Ўйла олий манзилатсанким, санинг мислинг адам,  
Кўйинга ман хоксоринг еткурай найлаб қадам,  
Чун сарири ҳусн уза сан подшоҳи муҳташам,  
Бан гадо, сан шоҳа ёр ўлмоқ йўқ, аммо найларам,  
Ораву саргаштай фикри муҳол айлар мани.

Чок өврур ман ҳастага нозинг хадаигидин жигар,  
Сунбулунг савдосида девона кўнглум навҳагар,  
Эмди раҳм айлаб манго, эй сарви қадду сиймбар,  
Тийри ғамзанг отмоким, бағрим дилар, қоним дўкар,  
Иқди вулфинг очмаким, ошуфта ҳол айлар мани.

Ҳар нафас күнглум борур бир мөхи пайкар ишқина,  
Ҳар замон жоним тушар бир лаъли шаккар ишқина,  
Кўргач ўлгум мубтало бир шўхи дилбар ишқина.  
Даҳр воқиф этмиш мани наврас гўзаллар ишқина,  
Ҳар етан маҳваш асири хатту хол айлар мани.

Кимга раҳбарлик қилур ёри шафиқи ишқим,  
Бўлгуси манзил анго байтул атиқи ишқим,  
Оғаҳийдек чун манго бордур рафиқи ишқим,  
Эй Фузулий, қилмазам тарки тариқи ишқим,  
Бу фазилат доҳили аҳли камол айлар мани.

## САБРУ ҚАРОРИ КҮЭЛОЛИ

Токи ул ой җажрида сабру қарори күэлоли,  
Эмди онинг ишқи дардидин фирори күэлоли,  
Биздин ул андоқки ондин биз канори күэлоли,  
Эй күнгүл, келгил иков бўлуб нигори күэлоли,  
Сарви қаддин истабон сиймин узори күэлоли.

Оразин гулгул очиб, май тобидин ул гул узор,  
Жилва айлаб ўзгалар бавмини қилди лолазор,  
Эй күнгүл, қилмас анго таъсир эмди оҳу зор,  
Ерлиг кўз тутғонимиз күэлади чун ўзга ёр,  
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ўзга ёре күэлоли.

Маркабин майдон аро ҳар сори чопиб ёлғузин,  
Ўзгалар кўзиға айлар тутё рахши тузин,  
Бизга еткач ўзга сори куч била тоартар ўзин,  
Чун губори маркабидин равшан айлар эл кўзин,  
Телмуруб турғунча бориб шаҳсуворе күэлоли.

Охтариб оламни бир хуршиди талъат топмасақ,  
Гул жабину, ғунча лаълу, сарви қомат топмасақ,  
Ҳусн ила тутғон жаҳон мулкида шудрат топмасақ,  
Гар онингдек шўх шаҳар ошбубу офат топмасақ,  
Бир гарифе, меҳрибоне, гамгусоре күэлоли.

Неча жон қилсақ, фидо ул қотили хунхор учун,  
Неча сочсоқ ашқ дуррин йўлиға исор учун,  
Биздин улфат қатъ этиб коми дил ағёр учун,  
Сайри дашту боғ этармиз ҳам яна бир ёр учун,  
Дашт сори кўз сололи, боғ сори күэлоли.

Хеч ким дашти талаб қатъида, ё раб, толмасун,  
Жисми онинг бори хирмон остида товшолмасун,  
Етмайин манзилга заъф айлаб ўзини солмасун,  
Гарчи но пайдо әрүр мақсуд армон қолмасун,  
Ҳосу ом ичра қило олғунча бори кўзлоли.

Ҳар дам истаб ул ситамгар жавру зулмидин манос,  
Топмоқ ўзга шўх ишқига тиларсан ихтисос,  
Огаҳийдек бўлмагунча то онинг васлиға хос,  
Эй Навоий, бўлмагунг ондин бўлар бирла ҳалос,  
Келки ҳам васлин тилаб, сабру қароре кўзлоли.

## ГУЛ РАНГ ҚАБО

То тангри яратмишдурул орази зебони,  
Лаъли лаб онга бермиш бу ҳусни дилорони,  
Күргач не ажаб бўлсам ошуфтау ҳайрони,  
Ҳонбахш лабинг узра чиқмиш хати райдони-  
Ким, кўрди Ҳизр бирла бирда Масиҳони.

Таъдиб онга еткурди чарх ўйла тонг отғунча-  
Ким, урди сабо кожин оғзиши қонатғунча,  
Етмак сабабин сўрсанг бу зиллат онга мунча,  
Даъвиға очиб әрди лаб оғзиши ила ғунча,  
Бу тарки адабдиндур, оғзишин оқар қони.

Ҳар кимки жадон ичра фарзоналиғ истайдур,  
Кўргач сани ақл ондин бегоналиғ истайдур,  
Ҳар ошиқи шайдоким мардоналиғ истайдур,  
Шамъи рухинга, жоно, парвоналиғ истайдур,  
Бехуда әмас ойнинг ҳар кечада даврони.

Эй арсан ҳусн ичра хўблар аро чобукрак,  
Ғамзанг қиличиға иш ҳар лаҳза бояиртилмак,  
Чашми сияҳинг коми жон олмоқ әрур бешак,  
Пайваста қошинг ёйи мужгондин отар новак,  
Кўнглум ҳадафи онинг, жоним доди қурбони.

Ҳижрон аро ком әрди бу шифта ҳолингға-  
Ким, солса назар гаҳ-гаҳ фархунда жамолингға,  
Гарчи ета олмасман бир лаҳза висолингға,  
Бўлмиш дили тангимда ором хаёлингға,  
Зиндан аро тутғондек манзил маҳи Канъони.

Бу даҳри даний ичра гар шоҳу вагар сойил,  
Мажмуъи улус жони рухсорингадур мойил,  
Эй ноз фунунида маҳвашлар оро комил,  
Жонларға жамолингдин огаҳлиғ ўлур ҳосил,  
Ҳусн ичра санго бўлмиш ойнаи руҳоний.

Ҳар лаҳза агар отсанг ўқ бесабаб эрмаским,  
Огоҳийға ондин жуз айшу тараф эрмаским,  
Тан неча фигор ўлса жонга тааб эрмаским,  
Пайъаста яролардин шукрим ажаб эрмаским,  
Гулранг қабо топмиш Мунис тани урёни.

## АЛАМ ЧЕКТИ

Шаҳи зарсун кулаҳ чун субҳ дам тийги дудам чекти,  
Синоҳи нур олмоққа жаҳонни як қалам чекти,  
Адам мулкига зулмат лашкари турмай қадам чекти,  
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,  
Шион хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.

Очиб шоҳи кавокиб чун саҳарнинг роҳи мадрусин,  
Тамошо қилғоли азм айлади кўк тоқи минусин,  
Ҳасу хошоки зулматдин қилурға пок ўтрусин,  
Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургусин,  
Музахҳаб парларин андоқки товуси ҳарам чекти.

Қазо килки музайян қилғоли кўк тоқи таъмирин,  
Ёзор гоҳи онго валлайл, гоҳ вашшамас таъбириин,  
Бу дам кун тийги бирла ҳақ этуб валлайл таҳририн,  
Китоба сунъ килки сурай вашшамс тафсириин,  
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Жаҳондин тонг ели чун ҳар тараф тун дудини сурди,  
Қуёш анворини оғоқ аро ҳар сори еткурди,  
Тилаб ўз матлабин ҳар ким фифонин кўқдин ошурди,  
Муаззин каъба тоқи узра гулбонги самад урди,  
Бараҳман дайр айвонида оҳанги санам чекти.

Гаҳи маъшуқлар ушшоқи аҳволин савол әтти,  
Гаҳи ушшоқ маъшуқи қошида арзи ҳол әтти,  
Гаҳи аҳли сухан тадқиқ ила арзи мақол әтти,  
Маопи аҳли гоҳи нукта узра қилу қол әтти,  
Муғаний хайли гоҳи нағма узра зеру бам чекти.

Ютуб қонлар шаби ҳижрон ғамидин ошиқи содиқ,  
Ҳаётидин билиб ҳар дам мамотин афзалу фойиқ,  
Онго бу саъб меҳнатлар чекарни кўрмойин лойиқ,  
Яқо чок әтти гоҳи субҳ ул мотамғаким ошиқ,  
Бу муҳдлик шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Чекиб мулк очмоқ истар әрса шоҳи муҳташам тийгин,  
Керак тез әтмаса фақр аҳли оҳининг дудам тийгин,  
Яқиндурким Фалакка чекгуси ҳар кимга алам тийгин,  
Замона кулади ул ғофилгаким даврон ситам тийгин,  
Анго урмоқни англоб ўзгача тийги ситам чекти.

Тараб шамъин ёрут, жоно, зиёсиз умрни англаб,  
Кўнгулни хуррам әт нашъу намосиз умрни англаб,  
Юруткил соф саҳбони сафосиз умрни англаб,  
Хушо улким мунингдек чоғ вафосиз умрни англаб,  
Сабуди жомни аҳбоб бирла дам-бадам чекти.

Қою ошиқки онинг дилбари сиймин сақоқ ўлса,  
Юзи гул, сочи сунбул, сарв қад, ширин дудоқ ўлса,  
Ажаб әрмастурур сабру шикиб ондин йироқ ўлса,  
Агар кўнглида бир гул ҳажридин хору Фироқ ўлса,  
Баҳона йифламоқға бир неча жоми алам чекти.

Неча йиллар чекиб ҳижрон аро юз минг ғаму меҳнат,  
Кўзида ёш, тилида нола, кўнглида туман кулфат,  
Бу ҳолат ичра ногаҳ юз қўюб онинг сори давлат,  
Агар худ васл иқболи мұяссар бўлса бир соат,  
Фаридун таҳт узра базм туэди, жоми Жам чекти.

Хушо улким нигори илгидин бир жом бергач даст,  
Қадин таъзим учун ҳар дам қилиб хам ул сифатким  
шаст.

Солиб кўзни адаб бирла танин туфроққа айлаб паст,  
Бўлуб матлуб рухсорига маҳву жомдин сармаст,  
Юзин туфроққа қўйди, бошини олдига ҳам чекти.

Тутарда жом анго соқий олиб бурқаъни юздинким,  
Томизса турк ойини била тутғай тўқуздинким,  
Оқисса тўлдуруб согар яна сўнғай ўтуздинким,  
На давлатдурки бу ҳолатда андоқ борди ўздинким,  
Бақо иқлимидин раҳтини то мулки адам чекти.

Хүшо базмики майи ваҳдат онго соқий ҳабиб ўлғой,  
Нишоти бас ажибу нашъаси беҳад ғарип ўлғой,  
На мумкин, Огаҗий, бу базмға ҳар ким қариб ўлғой,  
Навоий, шояд ул раҳравға бу мақсад насиб ўлғой-  
Ким, ул дашти фано қатъ әтголи йиллар қадам чекти.

## МЕЗБОНЛИФ РАСМИНИ КҮРГУЗ

Фалак бедоди бирла хонавайрондурман, эй соқий,  
На вайронким, алохону аломнодурман, эй соқий,  
Фарибу, хоксору, зор, гирэндурман, эй соқий,  
Бу дайр ичра санго бир кеча меҳмондурман, эй соқий,  
Карам қил, мустаҳиқи лутфу әҳсондурман, эй соқий,

Бу даврон ичра бордур ҳар кишиким оқиу фозил,  
Онинг шаънида чархи сифлапарвар зулмидур комил,  
Ўзимни бу сабабдин айладим майхонага дохида,  
Қадаҳ тутғилки то бўлгой манга жамъияти ҳосил,  
Фалак бедодидин хотир паришондурман, эй соқий.

Тун оқшом масжид ичра кирганим журмин унугтиаким,  
Ул ишнинг тавбасин бу зору маҳзун қилиди тутғилаким,  
Карам зоҳир қилиб ёзгурмайин, қаҳрингни ютғилаким,  
Вараъ таркин қилиб дайр ичра кирдим бода тутғилаким.  
Риёни зуҳддин усру пушаймондурман, эй соқий.

Хирад аҳли қилурлар кеча-кундуз ҳийлау тавзири,  
Борига айламак таҳсил дунё фикр ила тадбир,  
Қочиб келдим олардин ошнолигни қилиб тақсир,  
Мани банд эт, аёқимга солиб май мавжидин занжир,  
Хираддин баски Мажнундек туризондурман, эй соқий.

Висолинг Огаҳийдек орау айлаб кеча-кундуз,  
Етибман оғзима етганда бамзинг аро ёлғуз,  
Бу ҳолимга тараҳҳум айлабон асбоби ишрат туз,  
Диловарга қадаҳ сўн мезбонлиғ расмини кўргуз,  
Бу дайр ичра санго бир кеча меҳмондурман, эй соқий.

## БҮЛМАСА БҮЛМАСУН НЕТАЙ

Ул күзу қоши қаро йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Бўса била канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Бўлса доги дубора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Гар аламимга чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.  
Вар ғамима шумора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Тийғи Фироқи дам-бадам бошим аюрса найлайнин,  
Ниши жафоси ҳар нафас бағрима кирса найлайнин,  
Оҳу фифоним ўтга бу даҳрини берса найлайнин,  
Ранжима йўқтурур адад, хост бу эрса найлайнин,  
Дардима гар канора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Холима боқмайин ҳамул ҳусн сарирининг шаҳи,  
Бўлғуси ўзга ҳалқнинг ҳамнафасию ҳамраҳи,  
Ғамдин әтар кўнгулларин базми висол ила таҳи,  
Ёрдин әлга комлар буки манинг сори гаҳи  
Кўз учидин назора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Жону кўнгулни қилмишам ёр хәёлига Фидо,  
Ақлу хираддин ўлмишам ҳажр ғами аро жудо,  
Васлинни жустжў қилиб олам аро мани гадо,  
Ҳамъ эмас эрса хотирим жам ўлуринг, зоҳидо,  
Ҳожати истихора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳар неча тангу тийрадур ҳажр тунида масканинг,  
Сабр қил, эй ҳазин кўнгул, борича қувватинг санинг,  
Шамъ киби на суд әтар оҳу Фифону шеванинг,  
Машъали васл ила улус шоми мунаvvару, манинг  
Бахтима бир шарора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Үл шаҳи ҳуснким, онинг әлгә етар кифояти,  
Меҳру вафоу лутфининг ўзгага йўқ ниҳояти,  
Лек ман гадоға йўқ гарчи дами инояти,  
Қисми азалға шодмон, буки фалак риояти,  
Ҳолима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.

Ҳажр аро Огаҳий киби заҳри аламни кўб еди,  
Ушбу сабаб била мудом ожизу хастадил эди,  
Дардига топмайин даво беҳаду ғоят инжиди,  
Дедим: «Эрур Навоий ўз дардига чорасиз», деди:  
«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай»

# МУСАДДАСЛАР

## СОҚИЁ, БЕР МАНГА ЖОМ

Нече даврон ситамидин ер уза паст бўлай,  
Оѓу, ашку, аламу, дард ила ҳамдаст бўлай,  
Истарам әмди ринд аҳлига побаст бўлай.  
Жоми май нашъасидин зўру забардаст бўлай,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Токи ақлу, хираду, ҳуш ила дучор ўлдим,  
Ғаму, дарду, алам илгига гирифтор ўлдим,  
Бўлмадим шод dameю, туну кун зор ўлдим,  
Боридин әмди мане ғамзада безор ўлдим,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Шиддати жаври фалак ўйла назор этти мани-  
Ким, алам базмида ғам чангига тор этти мани,  
Ҳар нафас неча туман нолага ёр этти мани,  
Захмай кулфат ила оқиэу зор этти мани,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Жонни дайр ичра ғами даҳрдин озод этайин,  
Дили вайронни чақир, дардидин обод этайин,  
Донишу, фаҳму, хирад борини барбод этайин,  
Бу тарниқ ила ўзимни нафасе шод этайин,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Эй хушо, риндики, етмас онга даврон ситами,  
Йироқ ўлмиш танидин санги ҳаводис алами,

Илмас онинг назарига бу жаҳон бешу ками,  
Балки тенг оллидадур даҳр вужуду адами,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Утди умрим туну кун ранжу алам фикри била,  
Фоқау фақр аро юз меҳнату ғам фикри била,  
Тамаъни марҳамат аҳли қарами фикри била,  
Сийму зар ҳирси, динору дирами фикри била,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки, сармаст бўлай.

Хонақоҳ ичра тилаб файз чу тутдим манзил,  
Кўрмадим анда даме ушбу муродим ҳосил,  
Келди ҳушёrlиг ичра манга юз минг мушкул,  
Огаҳийдек тиларам эмди хирадни зойил,  
Тобакай даҳр ғами қайдига побаст бўлай,  
Соқиё, бер манга бир жомки. сармаст бўлай.

## ОЗОД ҮЛОЛИ

Жаңд этиб әмди җавас бандидин озод үлоли,  
Дайр пириға бориб толиби иршод үлоли,  
Хизматида югуруб җамқадаму бод үлоли,  
Шафқати бирла dome хурраму обод үлоли,  
Эй күнгүл, тобакай андуң ила мұътод үлоли,  
Кел, фано согарини сипқорали, шод үлоли.

Ишқ таврида олорким әдилар соҳиби фан,  
Туну кун истамайин бир нафас осойиши тан,  
Саъй этиб айладилар базми висол ичра ватан,  
Лек бизлар қилибон җажр мазиқин маскан.  
Эй күнгүл, тобакай андуң ила мұътод үлоли,  
Кел, фано согарини сипқорали, шод үлоли.

Чарх бедоди етиб беңаду поён туну кун,  
Ишимиз чекмак әрүр нолау афгон туну кун,  
Танимиз хастау озурда әрүр жон туну кун,  
Бўлмади мушкулимиз бир нафас осон туну қун,  
Эй күнгүл, тобакай андуң ила мұътод үлоли,  
Кел, фано согарини сипқорали, шод үлоли.

Ким әса жоғил ўлуб соҳиби иззу иқбол,  
Чархдин коми муродин топиб, ўлди хушҳол,  
Лек ҳар ким әса аҳли ҳунару, фазлу камол,  
Меҳнату, дарду, алам хайлиға бўлди помол,  
Эй күнгүл, тобакай андуң ила мұътод үлоли,  
Кел, фано согарини сипқорали, шод үлоли.

То адамдин келубон даҳрда тутдуқ ором,  
Қўймадук тақвию тоат йўли сори бир гом,

Нафс илгига асир ўлдуқу бўлдуқ ноком,  
Умримиз кулфату, қайғу чекибон бўлди тамом,  
Эй кўнгул, тобакай андуҳ ила мұтод ўлоли,  
Кел, фано соғарини сипқорали, шод ўлоли.

Эй хуш улким қилибон тарк жаҳон лаззатини,  
Чекмади Огаҳийдек ҳисур тамаъ зиллатини,  
Маскан айлаб туну кун фақру фано хилватини,  
Кўрмади бир нафас олам ғам ила меҳнатини,  
Эй кўнгул, тобакай андуҳ ила мұтод ўлоли,  
Кел, фано соғарини сипқорали, шод ўлоли.

## ЭЙ АВЖИ АДОЛАТ

Эй авжиadolat узра хуршид,  
Вай тахти жалолат узра Жамшид,  
Сандин қилиб илтифот уммид,  
Мадҳингни бу зор қилди тақлид,  
Шоҳо, карамингдин этма навмид,  
Инъом ила хуррам айла жовид.

Эй мулк жаҳон сарири шоҳи,  
Рұксори спекри қудс моҳи,  
Сандурсан улус боши паноҳи,  
Мақсадинга етгасан, илоҳий,  
Шоҳо, карамингдин этма навмид,  
Инъом ила хуррам айла жовид.

Эй банда, санго мулук олам,  
Айёминг әрүр үлусға байрам,  
Оlamaro шоҳ сан киби кам,  
Ман зор киби шикаста қул ҳам,  
Шоҳо, карамингдин этма навмид,  
Инъом ила хуррам айла жовид.

Эй лаъли хушоб кони эҳсон,  
Вай дурри саман баҳри ирфон,  
Адлинг била ер юзи гулистон,  
Бергай санга умри Ҳизр яздон,  
Шоҳо, карамингдин этма навмид,  
Инъом ила хуррам айла жовид.

Ман зорки, бандай дарингман,  
Хоки қадами таковарингман,

Аз жумлан хайли чокарингман,  
Маҳзуни ғамину кишварингман,  
Шоҳо, қарамингдин этма навмид,  
Инъом ила ҳуррам айла жовид.

Сандин фуқаро кўрар кифоят,  
Шаҳларга доги етар ҳимоят,  
Муҳтоҗинга гарчи йўқ ниҳоят,  
Манман vale дархур иноят,  
Шоҳо, қарамингдин этма навмид,  
Инъом ила ҳуррам айла жовид.

Истаб қарами тарабгаҳингни,  
Үпди ҳама ҳалқ, дартаҳингни,  
Лекин бу фатодай раҳингни,  
Яъники ғарнб Оғаҳийни,  
Шоҳо, қарамингдин этма навмид,  
Инъом ила ҳуррам айла жовид.

## ОЛАМ ИЧРА ДИЛБАРЛАР

Баэм түздилар ногаң бир неча суманбарлар,  
Орави дурахшонлар, кокули муъянбарлар,  
Кўзлари чекиб ҳар ён юз синону ханжарлар,  
Қилғоли туман пора ишқ әлига пайкарлар,  
Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Чуки ман олар сори шавқ бирла юз урдим,  
Ўзни ул балоларга бехудона еткурдим,  
Кўргузуб тазарруълар юз адаб била турдим,  
Лек ҳар бирисидин беадад жафо кўрдим,  
Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Елбориб дедим кўздин оқизиб дамо дам қон:  
«Мажлис ичра шод айланг ман ҳазинни ҳам бир он».  
Дедилар тамасхурдин лабларин қилиб хандон:  
«Васл истама биэдин, кет йўлунгга, эй нодон».  
Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Ман дедим яна афгон тортибон неча каррат:  
«Не бўлур муқим ўлсам базмингиизда бир соат».  
Дедиларки: «Сан фартут, биз жувони хуш сурат,  
Бас, санга на лойиқдур биэдин истамак сұҳбат».  
Ваҳки, кўрмадим олам ичра бўйла дилбарлар.  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Ман дедим яна: «Сизда йўқмудур мусулмонлиғ,  
Еткуурсиз айлаб зулм, хотиримга вайронлиғ»,

Дедиларки: «Мажнундек тиљни құлма қазёнығы,  
Тұрсанг әмди бу ерда үзни күрмагунг жонлығы».  
Ваҳки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Чун алардин истиғно мундоқ айладим маълум,  
Бўлдим ул жафогарлар васли базмидин маҳрум,  
Қаррилиғмудур, йўқса толимдурму шум-  
Ким, аларға бу янглиғ бўлдим аҳқару мазмум.  
Ваҳки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

Огаҳий, кўнгул комин қилмоқ истабон ҳосил,  
Бўлма ул балоларнинг базми васлиға мойил,  
Мақсадингфа қилмаслар васл аро дами восил,  
Қатл әтарга чеккайлар балки ханжари қотил,  
Ваҳки, күрмадим олам ичра бўйла дилбарлар,  
Ўлтууррга ошиқни раҳмсиз ситамгарлар.

## ЖАВРУ ЖАФОСИНИ КҮРУНГ

Дўстлар, моҳвашиб ҳусну сафосини кўрунг,  
Қўёшосо юзининг нуру зиёсини кўрунг,  
Ҳизердек сабз хати нашъу намосини кўрунг.  
Сарв янглиғ қаддию, нозу адосини кўрунг,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Ўтини оҳим агар кўқдин ошурса, нетойин,  
Сувими ашким агар кўкка етурса, нетойин,  
Сабру, орому адам сори юз урса, нетойин,  
Элни нолам уни афона кетурса, нетойин,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Қадди зебоси келиб боги латофат шажари,  
Лаби ширини әрур нахли назокат самари,  
Сўзиидур лаззат аро танги малоҳат шакари,  
Не малак ўхшар анга нозу адода, не пари,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Оҳ уруб кетсам агар ҳар нафас ўздин, не ажаб,  
Ашк селини оқизсам ики кўздин, не ажаб,  
Айта олмай аламим бирини юздин не ажаб,  
Гар тилим қолса ғаму дард ила сўздин, не ажаб,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Юзи хуршид, қуёш маҳви зиёсидур онинг,  
Ҳусн аро ул шаҳу хўблар фуқаросидур онинг,

Жумлай ҳуру пари гүё фидосидур онинг,  
Үртаган жону дилим нозу адосидур онинг,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Муддатидурки бу дайр ичра ман хом тамаъ,  
Қилмишам жоми мурод айламак ошом тамаъ,  
Яъни әтмишман ул ой лабларидин ком тамаъ,  
Эмди мандин нафасе айламанг ором тамаъ,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Ситаму, жавру жафо таврида ҳамто йўқ онго,  
Шафқату, меҳру вафо рағбати қатъо йўқ онго,  
Қаҳру озори кўбу, марҳамат асло йўқ онго,  
Ўлса мандек неча минг ғамзада парво йўқ онго,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жаври жафосини кўрунг.

Махфий ўтига ичимнинг шаку райб айламангиэ,  
Боқинг аҳволима, нафии сори гайб айламангиэ,  
Ҳолима чок бажуз синау жайб айламангиэ,  
Кўнглум одиу кўзум ашкини айб айламангиэ,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

Лутфи жоми била ичмак тилабон бодаи ноб,  
Тамаъи хом ўти ичра жигарим бўлди кабоб,  
Чекарам Оғадийдек қадр шиканжида азоб,  
Айб ошуфталиғим айламангиэ, эй аҳбоб,  
Қоши ёсиға боқинг, кўзи қаросини кўрунг,  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосини кўрунг.

# МУРАББАӘЛАР

## ЖАМОЛИНГ ШАВҚИДА

Жамолинг шавқида ёқти фалакни ўтлуг афғоним,  
Бори ер юзини тўфонга берди чашми гирёним,  
Эшит додимни эмди дардинг ўлди қосиди жоним,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Ўтубдур илтифотинг орзуси бирла ою йил,  
Кўзим гирён, таним ларzon, кўнггул нолону алкои тил,  
Боқиб айни қарамдин ушбу ҳолимга тараҳҳум қил,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Тушуб маъқул кўнглунгга рақибинг ҳарза гуфтори,  
Ҳамиша қасди нозик хотирингнинг кўнглум озори,  
Замони тарки озор эт, манго раҳм айлабон бори,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Қарам рахши инонин ман сори бир дам әвурмассан,  
Хизрек бошим узра мақдаминг ҳаргиз етурмассан,  
Ўларга етмишам дардинг чекиб, ҳолимни сўрмассан,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Қилиб кўб ваъдалар, бирина қилмассан вафо ҳаргиз,  
Вафо мандин кўрарсан, тарқ қилмассан жафо ҳаргиз,  
Даме таъсир қилмас нолау зорим санго ҳаргиз,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Висолингда қилур ағёр тун-кун айш ила ишрат,  
Фироқнингда насибимдур манинг андуҳ ила кулфат,  
Дегил, бу нотавонингга недин кўргузмагунг шафқат,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат таҳтида султоним.

Етар мунглуг бошимға ҳар нафас юз минг бало сандин,  
Ва лекин зоҳир ўлмас лаҳзаи меҳру вафо сандин,  
Қачонға тегру чеккайман жафо узра жафо сандин,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Кечакундуз фироқинг тийра зиндан манга маскан,  
Ситам ўқи етиб сандин тану жонимда юз равзан,  
Қўлунгдин кимга дод айлайки, олам ичра сандурсан  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Вафо сандин тилаб, кўйинг аро бисёр йигларман,  
Фироғим тийгидин бағрим қилиб афгор йигларман,  
Қўюб юз остананг туфрогига, зор йигларман,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Букун жони ҳазиним бодаи лутфинг билан шод эт,  
Шикаста хотирим вайронини маъмуру обод эт,  
Бу қари қулни, яъни дарду ғам бандидин озод эт,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Үтуб умрим дуогўйи жаноби чарх сойингман,  
Йўлуғда юз ниёзу ажз бирла хокипойингман,  
Тараҳум айлагил ҳолимфаким, мискин гадойингман,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Кўруб лутфу ато сандин жаҳон ичра бори одам,  
Топиб кому муродини әрурлар хушдишу хуррам,  
Вале мандек әмастур ҳеч кимга илтифотинг кам,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Тилаб лутфингни маскан гўшаи кўйингни то қиадим,  
Итобинг ўтига юз минг уқубат бирла ё қиадим,  
Била олмон санго шум толеимдин не хато қиадим,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Нечи муддат дурурким солмадинг кўнглунгга ёдимни,  
Эшит әмди мурувват кўргузуб афгону додимни,  
Мани ноком қўйма мундин ортиқ, бер муродимни,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

Мурувват айлаким, афтодаи хоки раҳимгурман,  
Ғуломи остану жабдасон даргаҳингурман,  
Қарилиғ дардидин пажмурда бўлғон Огаҳингурман,  
Нигорим, меҳрибоним, макрамат тахтида султоним.

## МАҚОМИМ ЛОЛАЗОР

Ул паривашким, дилу жонимда ишқи дөғидур,  
Қади шамшоду юзи гул, лаъли гул ёфроғидур,  
Базмгоҳим васлидин бу кечә жаннат боғидур.  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Ишқида содиқлиқимни гүйёким билди ёр-  
Ким, мани ушшоқ, аро лутфи кўзига илди ёр,  
Гул юзин очиб келиб базмимни гулшан қиди ёр,  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Юз адо бирла келиб кулбамни маъво айлади,  
Бурқаъин олиб, жамолин мажлис оро айлади,  
Васлидин асбоби айшимни муҳайё айлади,  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Хур янглиғ қомати зебоу ҳусни бебадил,  
Бир лаби кавсар малоҳатда, биридур салсабил,  
Мажлисим файзи жамолидин биҳиштосо жамил,  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Айланиб комим била бу кечә даври осмон,  
Манзилим шамъи шабистонимга бўлмишдур макон,  
Ҳилватим маҳфузу, йўқ ағёрдин ному нишон,  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур

Вақт әрур субҳу, ҳаво жонпарвару, фасли баҳор,  
Масканим гулшан фазосию мақомим лолазор,  
Ҳамдаму ҳамсуҳбатим бир сарви қадду гулъузор  
Соқиә, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Қизди базмим ул сифатким мажлиси Ковусу Кай,  
Соз ўлуб кирди навога гижжагу, танбуру най.  
Тарқ әтиб тақвони, әмди ичкали риндана май,  
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Қарилүг ҳангоми әрди интиҳои умр җам-  
Ким, бугун ҳақ бир йигит васлин манго қиалди қарам  
Вақти масъуду кечә маңтобу суҳбат мұғтанам,  
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

Огаҳийға умрида бу павъ бир түн берди даст-  
Ким, анга бир мұғбача хилватда бўлди ҳамнашаст,  
Эмди бўлса хуштурур тонг отқучча масруру маст,  
Соқиё, жоми тараб келтурки, ишрат чоғидур.

# МУСАММАНЛАР

## ЭЙ КҮНГУЛ

Оқким, айлаб сафар азмини жонон, эй күнгүл,  
Ноз якронин суруб бўлди шитобон, эй күнгүл,  
Қатъ этиб таъжил ила кўҳу биёбон, эй күнгүл,  
Етти ўзга кишвар ичра шоду хандон, эй күнгүл,  
Айлабон ағёр базмини гулистон, эй күнгүл,  
Қилди кулбамни манинг бир тийра зиндон, эй күнгүл.

Йигласам эмди не тоинг бу ҳолима қон, эй  
күнгүл.

Ким, бўлубман мубталоий дарди ҳижрон, эй  
күнгүл.

Ошнолигни узуб мандин туман озор ила,  
Қўйди юз бегоналарга шеваи рафтор ила,  
Тузди айшу, кому, роҳат базмини ағёр ила,  
Ичди ишрат бодасини соғари саршор ила,  
Сочти лаззат нуқлини лаъли шакар гуфтор ила,  
Маст ўлуб шўру аолов бошлади ашрор ила,

Эмди ман кўкни неча йиқсам фифону зор ила,  
Ул маҳи сархуш эшиитмак эрмас имкон, эй  
күнгүл.

Муддайлар базми то ул моҳфа манзилдуур,  
Девлар хайли пари рухсорига восилдуур.  
Турфа кўргилаким, пари ҳам девра мойилдуур,  
Девнинг доги паридин мақсади ҳосилдуур,  
Лаҳза-лаҳза айш ила ишратлари комилдуур,  
Чун алар бир-бирининг васли била дилхушдуур,

Иш манга дарди фироқ ичра басе  
мушкилдуур-  
Ким, бу дардимга топилмас ҳеч дармон, эй  
күнгүл.

Токи издор айлабон бераҳмлик ул дилрабо,  
Ташлабон кетти мани оташгаҳи ҳижрон аро,  
Шуълаи оҳимға чурконди бори аҳли само,  
Даҳсни қилди фигоним ўтинг дуди қаро,  
Сели ашким ер юзида кўймади йиқмай бино,  
Эл макони ами топмай ихтиёр этти жало,  
Кошки ҳарғиз мани ҳалқ әтмагай эрди худо-  
Ким, сабаб бўлдим бўлурга даҳр вайрон, эй  
кўнгул.

Юзда лаъли шаклиму, ё боғи ризвон ичра ўт,  
Ё тушубдур зарра ҷоғлиғ меҳри рахшон ичра ўт,  
Йўқса гунча ахгари солмиш гулистон ичра ўт-  
Ким, ул ўтнинг тобидин тушти манго жон ичра ўт,  
Жон ўтидин шуъла урди жисми урён ичра ўт,  
Жисми урён ўти солди байтул аҳzon ичра ўт,  
Байтул аҳzon ўти доғи урди даврон ичра ўт,  
Ёнди ҳам ул ўтга барча аҳли даврон, эй кўнгул.

Қадди ҳажрида танимға санчилиб юз минг синон,  
Лаълининг шавқи била бағрим саросар бўлди қон,  
Қошининг фикри юкидин қоматим бўлди камон,  
Сочи савдосида кўзумга қоронғудур жаҳон,  
Кўзларининг орзусида әрур ашким равон,  
Белини айлаб тахайюл бўлмишам кўздин ниҳон.  
Гар яна қилса худо васлин мұяссар ногаҳон,  
Мунча мушкил меҳнат ўлғой эрди осон, эй  
кўнгул.

Толеу баҳт айлабон гар ҳолима парво яна,  
Қойтибон келса сафардин ул бути зебо яна,  
Муддайлар суҳбатин тарқ айлабон амдо яна,  
Тийра кулбам меҳрибонлиғ айласа маъво яна,  
Коса олиб қўлга бўлмоқға қадаҳ паймо яна,  
Бўйнума илгин солиб, нўш айласа саҳбо яна,  
Бўйла бир суҳбатни топсан гар мане шайдо яна,  
Колмас эрди заррача кўнглумда армон, эй  
кўнгул.

Ҳажр шомида бошимға келмаган гам қолмади,  
Иғламоқдин кўзларимда оқмаган нам қолмади,  
Дарду меҳнат жомидин ман ичмаган сам қолмади,  
Ғуссадин жисмимда қувват урголи дам қолмади,

Ақлу ҳүшим кетти, сабримдин асар әам қолмади,  
Қилмогон афсус ҳолимға бир одам қолмади,  
Ваҳ нетойким, рози ишқим әлга мубдам  
қолмади,  
Нечаким саъй айладим соқлорға пинҳон, эй  
күнгүл.

Гар бурундин ишқ мушкил әрканин билсам әди,  
Ҳажр дашти ичра бир дам ел киби елсам әди,  
Ханжарғы гам бирла багрим гүшасин тилсам әди,  
Бору йүқдин фурқат андуҳида айрилсам әди,  
Ҳасрат илги бирла кўздин гам ёшин силсам әди,  
Кўзга меҳнат тоғини бир заррача илсам әди.

Онсиzin сонсиз балони фаҳм агар қилсам әди,  
Ондин айрилмас әдим ўлгунча бир он, эй  
күнгул.

Топибон бегоналар ул ой висоли давлатин,  
Кечау кундуз сурарлар бамзу, айшу ишратин,  
Ноз ила ерлар дамо-дам хони ҳусни неъматин,  
Нўш әтарлар ҳар нафас жонбахш лаъли шарбатин,  
Оҳким, ман зор ичиб ҳар лаҳза заҳри фурқатин,  
Тинмайин токай чекарман кулфату гам меҳнатин,  
Эмди ман доғи тилаб ҳақдин ҳузури сұҳбатин,  
Ул тараф азм айлайин то борича жон, эй  
күнгул.

Иш манга бўлмиш ул ой кўйида маскан айламак,  
Дардлиғ абёт ўқуб, ҳолимға шеван айламак,  
Ҳусни васфини газал бирла мубайян айламак,  
Маснавий ичра гами ишқин мубарҳан айламак,  
Оғаҳий янглиғ рубоий санъатин фан айламак,  
Фикр ила дилкаш мухаммаслар музайян айламак,  
Лек эмас әрди ҳадим наэми мусамман айламак,  
Бўлди бу журъатга боис ҳукми султон, эй  
кўнгул.

## БУ КҮХНА ДАЙР АРО

Вақтинга хушлиғ, эй күнгүл, етса бу айшхонадин,  
Топсанг агар нишотлар мутриби хүш таронадин,  
Юз тараб ўлса ҳосилинг чангу, наю чагонадин,  
Жоми дугона етса гар муғбачаи ягонадин,  
Масти мудом әсанг агар соф майи шабонадин.  
Лаҳзае әмин ўлма ҳам гуссаи бикаронадин,

Билки, бу күхна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Ҳар кишиким бу дайр аро ёр ила ҳамнишин ўлур,  
Базмини гарм қылгучи мутриби нозанин ўлур,  
Соғари айш тутгучи соқийи гулжабин ўлур,  
Шоҳиди коми васлиға ҳар нечаким қарин ўлур.  
Базмиға тафриқа етиб, охир иши аниң ўлур,  
Васл нишоти борибон фурқат аро ғамин ўлур,

Билки, бу күхна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Берма күнгүлни бу жаҳон маҳфили бебақосиға-  
Ким, ғаму навҳа мундариж мутрибининг навосиға,  
Йўқ асари вафо dame соқийи хушнамосиға,  
Эшҳри халок мумтазаж бодаи жонфизосиға,  
Айшу нишоти арзимас меҳнатию балосиға,  
Ишрати жовидон тилаб, қўйма қадам фазосиға,

Билки, бу күхна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Эйки, бу маҳфил ичрадур орият истиқоматинг,  
Камдурур усрор фурқатинг, йўқ тараб давоматинг,  
Тушти неча кун иттифоқ онда бу навъ иқоматинг-

Ким, неча кўп иқоматинг, кўпроқ әрур надоматинг,  
Чанги ғаму малолдин йўқ нафаси саломатинг,  
Бас ғалат анда ишрату айш ила истиқоматинг.  
Билки, бу кўҳна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Кўрки бу айшхонада бир неча шоҳи муҳташам,  
Тахти Каёни устида айлади нўш жоми Жам,  
Шоҳиди айш васлидин комини олди дам-бадам,  
Шому саҳар бу ишрати бўлмади бир дақиқа кам,  
Охир этиб сипеҳр дун борчасига аёни ситам,  
Ҳасрат ила бу дайрдин ташқари қўйдилар қадам,  
Билки, бу кўҳна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Майкадан жаҳон аро гарчи тараб шиор эсанг,  
Соқийн маҳлиқо била шому сабоқ ёр эсанг,  
Бодан ноб арусиға ҳар кеча ҳамканор эсанг,  
Ком сурарда дойимо соҳиби ихтиёр эсанг,  
Балки бори жаҳон аро хисрави комкор эсанг,  
Бўлма буларга гарра гар оқилу хушёр эсанг,  
Билки, бу кўҳна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

Айшу тараб ери әмас ушбу саройи бебақо,  
Соқийн гулжабинига дайъ шиор әмас вафо,  
Соф майи нишотидин зарраи гам әмас жудо,  
Хандан сури ҳамдами гиряу, мотаму, азо,  
Ишрати жовидон талаб айламак андадур хато,  
Ушбу хатога, Оғадий, қилма ўзингни мубтало,  
Билки, бу кўҳна дайр аро қажравиш замонадин,  
Комига етмади бирор ишрати жовидонадин.

## УЛ ОЙ ФУРҚАТИДА

Ул ой фурқатида неча моҳу сол,  
Туну кун әдим зор ошуфта ҳол,  
Очиб тун кеча ҳур янглиғ жамол,  
Келиб қилди кулбамни жаннат мисол,  
Дён айлабон руҳпарвар мақол  
Талаттуғ била қилди ҳолим савол,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манга рўзи этти наими висол.<sup>1</sup>

Фироқ ичра ман зорға ёзу қишиш,  
Эди дард ила ғам юкин чекмак иш,  
Қадим ё әди мадди ашким кириш,  
Таним қалтираб ул сифатким қамиш,  
Тилаб ҳолима ёрдин бир боқишиш,  
Қадаб әрдим афкор бағримға тишиш,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи этти наими висол.

Жунун даштида ул сифатким қуюн,  
Кезиб ҳар тараф йиглабон тортиб ун,  
Чекиб оҳим ўти фалакка тутун,  
Ул ўтдин тушуб жонима юз тугун,  
Не кун әрдим осуда бир дам, не тун,  
Бу ҳолимға айлаб тараҳҳум бу кун,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи этти наими висол.

Тутуб суҳбат ул шўхи ағёр ила,  
Майи ноб ичиб жоми саршор ила,  
Қилур әрди ҳаз неча ашрор ила,

Бутун турфаким юз минг озор ила,  
Олордин жудолиғ қилиб ор ила,  
Келиб ҳамдам ўлди мани зор ила,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

Юз очиб нигорим нечукким қамар,  
Қўзимга паридек бўлуб жилвагар,  
Қуёшдек қилиб тийра кулбам мақар,  
Сўзидин сочиб лаҳза-лаҳза гуҳар,  
Лабидин тўкуб ҳар сўзида шакар,  
Қилиб ул шакардин мани баҳравар,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

Карам бирла деди: «Аё, ошиқим,  
На ошиқки, ушшоқ аро фойиқим  
Ғами ишқ даъвосида содиқим,  
Балоу миҳан даштида Вомиқим,  
Рафиқи куҳан, муниси собиқим,  
Улус ичра сансан манинг лойиқим»,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

Яна деди: «Эй бедили бенаво,  
Кўб ўлдинг ғаму ҳажрима мубтало,  
Бу тун келмишам ёр ўлурға санго,  
На ким коминг әрса аён әт манго-  
Ки, қилагумдурур барча коминг раво»,  
Бу сўзни әшиттач ман ўлдим Фидо,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

Чу ул бўйла сўргоч манинг ҳолатим,  
Тутулди тилим ортибон ҳайратим,  
Сўз айтурға ҳеч қолмади қудратим,  
Бўлуб маҳв анго сурату сиратим,  
Йиқилдим ер узра кетиб қувватим,  
Кесилди жаҳон аҳлидин улфатим,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

Бу ҳолим күрүб ул парилар шаҳи,  
Манго қылди таслим ўзин лиллаҳий,  
Ҳам оғушим ўлди муродим маҳи,  
Бори ғамдии ўлди замирим таҳий,  
Мақомим бўлуб васли хилватгаҳи,  
Ману ёр бир бўлдуқ, эй Огаҳий,  
Баҳамдуллоҳким ваҳбул зулжалол,  
Манго рўзи әтти наими висол.

# ТАРЖИЪБАНДЛАР

## ДАҲР БИР ГУЛШАНДУРУР

Даҳр уйи бунёдким, су узрадур маҳкам әмас.  
Онда кирган әл хавотирдин амон бир дам әмас,  
Дойимо вайронлиғ осори онинг арконидин,  
Барча олам аҳлиға маълум әрур, мубҳам әмас,  
Кечаш кундуз ёғар идбор гарди сақфидин,  
Еғмоқи ҳар дам фузун онинг замоне кам әмас,  
Бу сифатлиғ уй аро ҳар кимки маскан айлади,  
Хотири онинг хавотирдин даме бергам әмас.

Ушбу меҳнатхонада гар шоҳ бўлсан, гар гадо,  
Бир нафас айшу фароғат жомидин хуррам әмас.  
Онда ҳар ким бошига юз дарду ғам айлаб ҳужум,  
Бир киши йўқ ашки ҳасратдин кўзи пурнам әмас,  
Кўбдур онда ишрат уммеди била тутғон макон,  
Шоҳиди мақсадига лекин бирни ҳамдам әмас.  
Борча зинданни балиятга бўлубдур мубтало,  
Умри ичра бир нафас осуда бир одам әмас.

Даҳр бир вайрониаедурким, ҳароб обод әрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод әрур.

\* \* \*

Даҳр бир гулшандурур, бўйи вафоси йўқ онинг,  
Жонга ҳаз еткургудек обу ҳавоси йўқ онинг.  
Йўқ баҳорида ҳазон осибидин бир дам амон,  
Кўз юмуб очғунча фаслининг баҳоси йўқ онинг.  
Ишрати субҳини ғам шоми муқаддар айламиш,  
Бир нафас баҳр олғудек файзи сафоси йўқ онинг.  
Ҳар гуликим очилур онда онга йўқ барги аиш,  
Ҳар қушиким ун чекар, ишрат навоси йўқ онинг.  
Тушса ҳар шабнам суви гар онда ҳасрат ашқидур,

Чекса қад ҳар нахли шакли дил күшоси йўқ онинг,  
Они сартосар ҳаводис хайли манзил айламиш,  
Беҳавотир сайд қилғудек фазоси йўқ онинг.  
Ҳар кишиким роҳат истаб айлади маскан они,  
Меҳнату, дарду ғамининг интиҳоси йўқ онинг.  
Борча умрин ўткариб юз минг машаққатлар била,  
Лаҳзае зинданни кулфатдин раҳоси йўқ онинг.

Даҳр бир вайронандурким, ҳароб обод әрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод әрур.

\* \* \*

Даҳр дун айёрасиким, йўқ онго меҳру вафо,  
Пешаси кину, нифоқу, одати жавру жафо.  
Йўқтурур асло ҳамул маккора қотил зотида,  
Заррача раҳму мурувват, қатрача шарму ҳаё.  
Ҳийла домига ҳалойиқни гирифтор этгуси,  
Кўргузуб ғунжу, далолу, ғамзау, нозу адo.  
Ишвалар зоҳир қилур ҳар лаҳза юз найранг ила,  
Токи әл жону дилига солғай ошубу бало.  
Қадди шавқи ичрадур танларга юз захми синон,  
Кирпики фикридадур жонларга минг ниши изо.  
Зулфининг савдоси домида қилиб зору асир,  
Айлагай жумла ҳалойиқ рўзгорини қаро.  
Ҳажр заҳри бирла айлаб әлни доим талх ком,  
Васли нўши бирла бир дам айламас комин раво.  
Қатл әтар охир туман нокомлир тийги била,  
Кимсаки бўлмиш онинг қайди ғамига мубтало.

Даҳр бир вайронандурким, ҳароб обод әрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод әрур.

\* \* \*

Солма кўз ушбу жаҳон шавқига зинҳор, эй кўнгул,  
Ойрила олмас балога бўлма дучор, эй кўнгул,  
Ҳар нафас юз ишваким фош айлар, ондин мақсади  
Ҳалқни ишқида ўлтурмак турур зор, эй кўнгул.  
Васлиға майл әтса ҳар ким жавр ила айлар ҳалок,  
Бўлмоғил мойил онга, бўлғил хабардор, эй кўнгул.  
Истасанг топмоқ нигор олдида иззу әътибор,  
Ул ситамгар олдида қилма ўзинг хор, эй кўнгул.  
Гарчи суратда кўринур бир нигори шўху шанг,  
Лек маънида әрур бир золи маккор, эй кўнгул.  
Қасдидур әлни фириби домига қигай асир,  
Буки ҳар дам қилғуси юз жилва изҳор, эй кўнгул.

Хийласиға олдониб онинг бори олам эли,  
Тун-кун ўлмишлар висолига талабгор, эй күнгүл.  
Йўқ жаҳонда бир киши онинг фирибини ебон  
Бўлмоғон андуҳ ила ғамға гирифтор, эй күнгүл.  
Даҳр бир вайронайдурким, ҳароб обод әрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод әрур.

\* \* \*

Бу жаҳон вайронасиким, онда роҳатдур адам,  
Маскан әтмишдур они хайли ғаму фавжи алам.  
Ҳам биносида онинг ранги бақодур озу кўб,  
Ҳам ҳавосида онинг бўйи вафо бисёр кам.  
Не онинг шаҳрида бордур айшу роҳатдин нишон,  
Не онинг саҳросида бордур нишот осори ҳам.  
Шаҳрию саҳросидур манкуб хайли ҳодисот,  
Богию бўстонидур помоли афвожи ситам.  
Умрида меҳнат чекардин топмағай бир дам фароғ,  
Ҳар кишиким бу кўҳан вайронага қўйди қадам.  
Не ситамлар чекмай ондин борди Афридуну Кай,  
Не аламлар кўрмай ондин қолди Кайковусу Жам.  
Жавридин фориг әмас бир дам гадойи нотавон,  
Зулмидин эмин әмас бир лаҳза шоҳи муҳташам.  
Огаҳий, чиқ ондину, фақру Фано йулиға кир,  
Даҳр аро бўлмай десанг гар мубталойи банди ғам.  
Даҳр бир вайронайдурким, ҳароб обод әрур,  
Чиқса ондин ҳар киши ғам бандидин озод әрур.

## АЗИЗ ЖОНГА

Эй ғамзадай хужаста фаржом,  
Чеккан ситаму жафойи айём.  
Билгилки, әрүр жақон сароси  
Бир майкадаи хумор анжом.  
Соқийлари борча хўблақда,  
Гул жабҳау, гул руху, гуландом,  
Саҳбойни тараб била тўлодур,  
Онда ҳама шишау ҳама жом.  
Мутриблари нағмаси қўнгулга  
Роҳат етуруб ўечукки илҳом.  
Йўқ ишрату айшиға ниҳоят,  
Гар субҳ әрүр ва ё агар шом.  
Юз ҳайфки, онда кирса ҳар ким,  
Ишрат майнини қилурға ошом.  
Комин ола олмайин чиқор тез,  
Юз ғам била номуроду ноком,  
Чун вазъни жақон бу янглиғ әрса,  
Боғлаб ҳарами Фанога иҳром.  
Мақсадга восил эт ўзингни,  
Жонингга гар истар әрсанг ором.  
Олдурма қўнгулни бу жақонга,  
Еткурма жафо азиз жонга.

\* \* \*

Бир боғдуур җақон фазоси,  
Ким усрү фузун әрүр сафоси  
Исо дамини қўшар ҳавоға,

Сағни аро жон физо ҳавоси.  
Кавсарни сув эткуси уётдин,  
Ҳавз ичра зулоли жонфизоси.  
Довуд навосини қилур паст,  
Булбуллари дилкушо навоси.  
Жаннат гулию ниҳоли ўзни  
Сарву гулининг қилур фидоси.  
Ҳар меваси лаззат ичра бордур,  
Юз ғамзада дардининг давоси.  
Айтаб неча умрлар туганинг  
Неъматлари васфининг адоси.  
Алқисса бу бор дилкушонинг  
Йўқ ишрату айши интиҳоси.  
Гарчи кўб әрур нишоти, аммо  
Не судки йўқтурур бақоси.  
Кирган киши жони роҳат этмай,  
Юз ҳасрат ила бўлур жудоси.  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиҳ жонга.

\* \* \*

Тутғил бу жаҳонни, эй дилафгор,  
Бир дилбари шўху ноз кирдор.  
Бордур онга ҳусн гулшанида  
Қади сарв сиҳию, лола рухсор.  
Рухсори гули баробарида,  
Жаннат гулидир биайниҳи хор.  
Бошдин аёғи адоу ишва,  
Оғзи шакару, лаби шакарбор.  
Бир жилвада минг жаҳон әлини  
Қилгуси ўзига ошиқи зор.  
Васлиға агар етушса ҳар ким,  
Бўлгуси тараб майига саршор,  
Фарёдки, меҳр ила вафодин,  
Дойим барии ҳамиша безор.  
Васлида биравни шод қилмай,  
Қилгуси фироқига гирифттор.  
Жонига қўюб шуморасиз доғ,  
Айрилгуси ондин охири кор.  
Бидлингки, иши будур жаҳоннинг,  
Ондин кўтариб қўлунгни зинҳор,  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиҳ жонга.

\* \* \*

Билгилки, әрүр жаҳон абтар,  
Маккораи золиму фусунгар.  
Юз макр ила әл қарорин олиб,  
Мойил қилур ўзига муқаррар.  
Ҳар кунда тегиб тумон минг әрга,  
Ҳам бикр әрүр ҳануз ул гар.  
Комига етурмайин замони.  
Ойрилгай онга ким ўлса шаҳвар.  
Эохирда агарчи ўзни ул шум  
Кўргузгуси навжувону дилбар.  
Маънида ва лек зоти онинг  
Фартуту палид әрүр саросар.  
Сан гафлат ила билибсан они,  
Бир тоза аруси нозпарвар.  
Ошиқ бўлубон онга қилибсан  
Ишқида ўзингни зору музтар.  
Огоҳ бўлуб бу ҳолатингдин,  
Жонингга жағодин урма ханжар.  
Хушинг қулогин тутуб манинг, бу  
Пандимни эшиткил, эй буродар.  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиҳ жонга.

\* \* \*

Бордур бу жаҳон мунқалиб ҳол,  
Бир шаъбада бозу, ўшук ҳаззол.  
Ҳам буқаламунлиғ ичра чолок,  
Ҳам ҳийла намунлиғ ичрадур зол.  
Юз луъб ила кўргузур улусга  
Минг луъбату дилфириб тимсол.  
Ҳар луъби әрүр гарibu нодир,  
Ҳар луъбати ҳам латифу дуҳхол.  
Кўрган кишини қилур гирифтор,  
Кўймай нафасе қилурға эҳмол.  
Олиб илигидин ихтиёрин,  
Айлаб неча навъ ҳийлау ол.  
Мақсад талаби сори юбормай,  
Зоеъ ўтурур онга маҳу сол.  
Форат қилибон нуқуди умрин,  
Не мулк қуёр анго ва не мол.

Охир қилур они даст холи,  
Хижлаткадаи адамға ирсол.  
Эй дўст, менинг бу сўзларимни  
Дур янглиғ ики қулоқинга ол.  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиҳ жонга.

\* \* \*

Фарёдки, бу жаҳони ботил,  
Бир золиму, тунд хўю қотил.  
Эл қатли учун жафоси тийғи,  
Эгнида мудом әрур ҳамойил.  
Зулму, ситаму, жафо фанида  
Устоди ҳунар шиори комил.  
Тун-кун ситаму жафоси онинг  
Борча улуғу кичикка шомил.  
Жавридин эмас замони эмин,  
Гар шоҳдурур; йўқса сойил.  
Ноком чекар жафоу жаврин,  
Мажмуъ аро залу афозил.  
Бир лаҳза эмас улус бошидин  
Жаврию жафоси тийғи зойил.  
Бу олам ичида йўқтур андин  
Бўлғон киши мақсадига восила.  
Бир кимсани комига етурмай,  
Айлар адам аҳли ичра дохил.  
Ондин ҳазар айлабон ҳамиша  
Эй ҳамдаму, ҳушёру оқил,  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиҳ жонга.

\* \* \*

Бил ушбу жаҳонни, эй мусоғир,  
Бир кўҳна работу пур хавотир.  
Йўқ онда бақо сафоси асло,  
Лек анда фано губори воғир.  
Юз меҳнату дард суратига  
Саҳну, дару бомидур музоҳир.  
Эрмастур онинг фазоси ичра  
Роҳат асари бирорға зоҳир.  
Ҳар кун келиб они манзил айлар  
Бир ўзга сифат гуруҳ сойир.  
Коми билан бир кун они маскан

Қиалгон кишидур адиму нодир.  
Роҳат тилаб анда кимки кирди,  
Меҳнат билан чиқди ондин охир.  
Аҳволи жаҳондин ушбу лаҳза  
Дедим санга бир неча назойир.  
Бас онда Фароғ умиди бирла  
Гар оқил әсанг, хуш әтма хотир,  
Пандини әшитиб Оғадийнинг,  
Ҳолингга бўлуб ҳамиша ҳозир,  
Олдурма кўнгулни бу жаҳонга,  
Еткурма жафо азиз жонга.

## ЭЙ ЕРИ ПАРИВАШ

Эй маснади ҳусн уза Сулаймон,  
Човуш даринг сипеҳри гардон.  
Мұхтоғ санга жамеъ олам,  
Ҳукмингга мутеъ инс ила жон.  
Қолди әшигингда банда бўлмой,  
Олам аро не гадо, не султон.  
Даргоҳингга юз қўюб туну кун,  
Хуршид ила моҳ икки дарбон.  
Ҳуснунг қўёши чу қилди жилва,  
Заррот онга келди аҳли даврон.  
Ҳўблар кўрубон юзинг гулинини,  
Булбул киби бўлди зору нолон.  
Ишқингга ким әтти ўзни мансуб,  
Лутфинг онга айладинг намоён.  
Васлинг майнин тутиб дамо-дам,  
Қилдинг они масти, шоду хандон.  
Илло мани бенавоий қилдинг  
Қаҳринг била мубталойи ҳижрон.  
Кўб муддат әрурки бўлмишам ман,  
Оташгоҳи фурқат ичра сўзон.  
Ҳижрон ғамини чекорга бир он.  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқга етушти жони зорим.

\* \* \*

Эй ёри паривашу малак хў,  
Йўқ сан киби дилрабоий маҳ рў,  
Ширин лабинг ўтрусида кавсар,

Кавсар қошида әрүр сосиғ сув.  
Гавҗар киби тишларинг қошида  
Бўлғуси хазаф мисол инжу.  
Холи сияҳинг узоринг узра  
Тушкан кибидур ўт ичра ҳинду.  
Қаддинг қошида кўрунгуси сарв,  
Сарв олида ўйлаким таронғу.  
Икки қаро кўзларинг әрурлар,  
Оlamни бузорга икки жоду.  
То парда аро юзинг ёшурдинг,  
Кўзимга жаҳон әрүр қаронғу.  
Тийра шаби ҳажр аро қолибман,  
Бошимға қилиб ҳужум қайғу.  
Сан гайр ила базм әтиб, қилиб нўш,  
Чинни қадаҳ ичра чойи хушбў.  
Ман кулбай кулфат ичра ҳар дам.  
Ғам косасидан ичарман оғу.  
Ман бедилу, дилбарим әрурсан,  
Дилбар иши ушбу навъ ўлурму.  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқға етушти жони зорим.

\* \* \*

Ҳар дам манга юз жафо қилурсан,  
Минг дардға мубтало қилурсан.  
Қатлимға қилиб кўзингни жаллод,  
Қасдимға қошингни ё қилурсан.  
Ғамзанг қиличин чекиб бошимға,  
Жондин баданим жудо қилурсан.  
Кирпикларинг ўқларини отиб,  
Бошдин-аёқим яро қилурсан.  
Мандин ёширурга ганжи ҳуснунг,  
Эулфинг ики аждаҳо қилурсан.  
Вайрон әтубон биноий сабрим,  
Эулминг уйини бино қилурсан.  
Етса ситаминг гар интиҳоға,  
Бошдин яна ибтидо қилурсан.  
Токи тиласам ҳусул комим,  
Қаҳринг келибон ибо қилурсан.  
Лекин бори муддаиға ҳар дам,  
Ҳарна эса муддао қилурсан.

Жонимға уруб фироқ нишин,  
Эл заҳми уза даво қилурсан.  
Алқиссаки ҳар ситамки, билсанг,  
Күймай борини манго қилурсан.  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқға етушти жони зорим.

\* \* \*

Бир қатра күзум ёшиға Жайхун,  
Келди анго бир ҳубоб гардун.  
Хуни жигарим шафақ әмастур,  
Гардун этогини қилди гулгун.  
Оқимдин учуб ҳавога тоғлар,  
Ер юзи саросар ўлди ҳомун.  
Гулшанлар әмаски, хуни чашмим,  
Саҳро этогини қилди пурхун.  
Афғоним изосидин әмастур,  
Бир кимса жаҳон ичиди маъмун.  
Бори миҳан остида алифдек,  
Қаддим бўлубон биайнини нун.  
Мамдуд ўлуб ўйла мадди нолам-  
Ким, қасри фалакка бўлди устун.  
Кўрган киши йиглағай бу ҳолим,  
Кўнгли бўлубон малулу маҳзун.  
Шавқинг аро беқарор әрурман,  
Лайли ғамида нечукки Мажнун.  
Охир йиқилиб, кетиб ўзимдин,  
Бўлдум ғам аро ўларга мақрун.  
Гаҳ-гаҳ боқиб бу ҳолатимға,  
Эй шўхи хужастау ҳумоюн,  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқға етушти жони зорим.

\* \* \*

Ҳақ айни карамдин әтти, эй моҳ,  
Иқлими жамол уза сани шоҳ.  
Лекин санго бу ҳазинни қилди  
Бир қарри камин ғуломи даргоҳ.  
Қилмоқға бошимни поймолинг,  
Жисмим сангодур Фитодан роҳ.  
Ҳижронига тоқат айлай олмай,  
Тун-кун ишим ўлмиш оҳ ила воҳ.  
Гар айламасанг ишимга чора,

Үлгүм ғаму ҳасрат ила биллең,  
Лозим сандыр мани ҳазинги,  
Солсанг қараминг күзини гаҳ-гоҳ.  
Баским қарыбон фусурда бўлдим,  
Ҳолим кўруб әл қилурлар икроҳ.  
Бир лутф ила бермасанг йигитлик,  
Армон била кеткоман чекиб оҳ.  
Зиндони малол аро тушубман,  
Бир кимса әмас ғамидин огоҳ.  
Ашким тўкулуб нечукки дона,  
Жисмим қурубон биайниҳи коҳ.  
Уз ҳолима йигларам ниҳони,  
Ҳар тун чекибон фигони жонгоҳ.  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқға етушти жони зорим.

\* \* \*

Ҳар дилбари шўх ҳур манзар-  
Ким, ҳусн ародур жаҳонда ашҳар.  
Гаҳ-гоҳ бўлур қарам юзидин,  
Уз ошиқи сори меҳр густар.  
Кошонасиға кириб қуёшдек,  
Тийра туники қилур мунааввар.  
Ҳолин сўраб илтифот бирла,  
Айлар бошини фалакка ҳамсар.  
Ҳаста таниға етургуси жон,  
Деб неча каломи руҳпарвар.  
Комини чучуткали ичургай  
Нўши лабини, нечукки шаккар.  
Алқисса онинг на әрса коми,  
Лутфи била еткуур мукаррар.  
Лекин мани нотавонға ҳаргиз,  
Эй золиму, қотилу жафогар,  
Сандин нафаси висол коми,  
Умрим аро бўлмади мұяссар.  
Ҳажринг ўтиға ёниб ҳамиша,  
Жонда шарару, кўнгулда ахгар.  
Бу ҳол ила ман қачонга тегру  
Жон асрогоман, бўлуб мукаддар.  
Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
Чиқмоқға етушти жони зорим.

То майлинг әрүр фузун жафога,  
 Йўқ эаррача рағбатинг вафога.  
 Ул кунки, санго кўнгулни бердим,  
 Ондин бери қолмишам балоға.  
 Кундан-кун ўлуб зиёда жавринг,  
 Ман зору, ҳазину бенавоға.  
 Бир боқмогосан карам кўзидин,  
 Кўб йиллар ўтуб мане гадоға.  
 Дашибомлар айлагунгдур очсам  
 Олингда тилимни гар дуоға.  
 Лутфинг тилябон туганди умрим,  
 Етмасму итобинг интиҳоға.  
 Шаҳларга әрүр ҳамиша лозим,  
 Қулларни етурса муддаоға,  
 Гарчи санга етмагуси додим,  
 Лекин они солмишам худога.  
 Ман зорға жавр әтар чоғида  
 Гаҳ-гоҳ худони сол ароға.  
 Уз жонига раҳм эт Оғаҳийнинг,  
 Оҳини чиқармағил самоға-  
 Ки, чекса бир ўтлуғ оҳ мазлум,  
 Оламни ёқиб берур фанога.  
 Раҳм айлаки, қолмади қарорим,  
 Чиқмоқға етушти жони зорим.

## ҲАЙРАТГА СОЛУР...

Эй гавҳари маъдани саодат,  
Нав бодаи гулшани шарофат.  
Қаддинг чамани назокат ичра  
Зебанда ниҳоли хуш тароват.  
Фархунда узори тобнокинг,  
Ҳусн авжи уза маҳи латофат.  
Ширину, латифу тор оғзинг,  
Нав гунчай гулбуни малоҳат.  
Гисуйи муанбаринг юз узра  
Фирдавс аро сунбули назокат.  
Жоду ики наргисинг нигоҳи,  
Оламга солуб балоу офат.  
Офоқ аро қоматинг хироми  
Қойим қилиб офати қиёмат  
Бу ошиқи зору нотавонинг  
Ҳолига боқ, айлабон иноят.  
Ким ҳажр ғами қаро тунида  
Еттим, чекиб ўлгали малолат.  
Лекин нечаким малул эрурман,  
Юз шукрки, ҳар саҳар давомат,  
Жонимга эрур жалис зикринг,  
Кўнглумга мудом аниш фикринг.

\* \* \*

Матлуби жаҳон эрур жамолинг,  
Маъдуми замон эрур Мисолинг.  
Топғай әди тоза жон масиҳо,  
Топса әди жонфизо мақолинг.  
Ҳайвон 'сувига етурди хижлат,  
Жонбахш лабинг аро зулолинг.  
Ҳайратга солур чаманда гулни,  
Бир жилва била узори олинг.

Лола жигарыға қўйғуси дор.  
Рашк ўти била юз узра холинг.  
Юз ажэ ила ҳам бўлур янги ой,  
Кўрган чоғи дилкушо ҳилолинг.  
Девона бўлур пари гумонсиэ,  
Гар кўрса бу гунж ила далолинг.  
Кўрмак тамаъ айлабон юзингни,  
Ман ҳастай зор танг ҳолинг.  
Улсам доғи боқмон ўзга юзга,  
Билмонки, недур санинг хаёлинг.  
Иstab сани тинмайин шабу рўз,  
Гарчи топо олмадим висолинг.

Жонимға әрур жалис зикринг,  
Кўнглумга мудом анис фикринг.

\* \* \*

Сан шод юурсан, эй паризод,  
Ман ўлтурубон ғамингда ношод.  
Сан аиш ила шаробға машғул,  
Ман ранж билан таъбға мұттод.  
Сан ишрат аро мисоли Ширин,  
Ман меҳнат аро нечукки Фарҳод.  
Сан гайр ила шодмону хандон,  
Ман рашк ила тортиб оҳу фарёд.  
Қилмоқ санго иш ситам била эулм,  
Чекмак манга иш жафоу бедод.  
Сансан манга усрү, тунду саркаш,  
Манман санга бас мутеъу минқод.  
Сан ҳажр балосини қилиб кўб,  
Ман бўлмайин ул балодин озод.  
Сан ноз била итоб этиб жамъ,  
Ман сабр била сукунни барбод.  
Сан ҳеч муруват әтмагунгдур,  
Ман қайси кишига айлайин дод.  
Сан ёд мани бир айламассан,  
Ман ҳар нафас айларам сани ёд.

Жонимға әрур жалис зикринг,  
Кўнглумга мудом анис фикринг.

\* \* \*

То ишқинга топдим ошнолиг,  
Ғамдин топо олмодим раҳолиг.  
Қилди мани мубталойи ҳижрон,  
Гардун этибон ситам физолиг.

Ҳар лаҳзада қасди жоним айлар,  
То солди манго бу мубталолиғ.  
Юз дард солур бошимға ҳар дам,  
Ҳеч бири vale әмас даволиғ.  
Қўймас мани бир нафас балосиз,  
Мундоқ ҳам ўлур экан балолиғ.  
Бир дам етуруб юзинг қуёшин,  
Тийра туним әтмади зиёлиғ.  
Оллида аён этуб тазарруъ,  
Васлингни кўб айладим гадолиғ.  
Лекин нафасе тараҳҳум айлаб,  
Комимға етурмади раволиғ.  
Ёдинг била шод бўлдим охир,  
Қолди анга бу юзи қаролиғ.  
Сандин неча зоҳиран жудоман,  
Йўқтур vale ботинан жудолиғ.

Жонимға әрур жалис зикринг,  
Кўнглумга мудом аниқ фикринг.

## Tarjibun

Борму хабаринг бу мубталодин-  
Ким, жонға етушмишам анодин.  
Хуршид рухинг ҳавоси бирла  
Мавҳумроқ ўлмишам ҳаводин.  
Айримишам истабон висолинг.  
Бегонау, ёру ошнодин.  
Ашким била гарқ әтиб жаҳонни,  
Оҳимни ошурмишам самодин.  
Мунча аламу, жафоу озор  
Етти манго чархи беҳаёдин.  
Ким қилди жудо мани қилиб зулм,  
Сандек малаки парилиқодин.  
Ағёрга ёру ҳамдам айлаб,  
Ойирди, сани мане гадодин.  
Ҳар ерда әсанг мудом соғ ўл,  
Эмин бўлуб офату балодин.  
Ҳаққингда туну кун Огаҳийдек,  
Фориг нафаси әман дуодин.  
Бир гўшада йигларам ҳамиша,  
Васлингни умид этуб худодин.

Жонимға әрур жалис зикринг,  
Кўнглумга мудом аниқ фикринг.

# МУҚАТТОТ

(Қитъалар)

Қаноат гүшасида хоксор ўлмоқни одат қил,  
Агар етмак тиласан мәҳр янглиғ авжи иззатға.

Тамаъ тарк айлабон әлдин, әтак хуршиддек чеккил-  
Ки, то ўлтурмағайсан соядек хоки мазаллатға.

Қаноат давлати боқидурур қонеъваким, ҳарғиз  
Мұяссар бўлмағай томеъға етмак ушбу давлатға.

Тамаъ идбори томеъға тугонмас мәҳнатидурким,  
Етушмак мумкин әрмас ўлгучага бир лаҳза роҳатға.

\* \* \*

Қўнгул, мудтоҗлиқ ногаҳ агар қилса сани музтар.  
Бориб ҳожат раволиғ илтижо қил аҳли ҳимматдин.

Вагар худ жуъ фоқа тийғидин юз қатла ўлсанг ҳам,  
Тамаъ раҳму мурувват қилма ҳарғиз аҳли хиссатдин.

Ки юз ганж ул бериб очиқ юз ила ҳам чекар миннат,  
Бу бир нон берса ўлтургай очиг сўз бирла миннатдин.

\* \* \*

Бори олам әлининг шуму бадбахти ул одамдур-  
Ки, бухлу, хиссату, кибру, ҳасад ондин бўлур воқеъ.

Агар жамъ айласа юз ганж хиссат бирла Қорундек.  
Яна әл молини айлар тамаъ, бўлмай анго қонеъ.

Ўзи худ бермагай умрида бир муҳтоҗға бир нон,  
Берур әлға дөғи бўлғой камоли саъй ила монеъ.

Онингдек шумнинг дийдорини кўрмаслик авлодур-  
Ки, онинг шомати кўрган кишини ҳам қилур зоеъ.

\*

\* \* \*

Фалон бозилға юз лаънатки, гар инъом әтар бўлса,  
Танаъум аҳлини ундоб берур юз неъмати алвон.

Вале оч әл неча телмурса олида тилаб луқма,  
Қовар қаҳру ташаддуд зоҳир айлаб бермайин бир нон.

Бу феъли шоматидин гар анго қаҳру ғазаб айлаб,  
Гадойи дарбадар қиласа не тонг охир они яздан.

\*

\* \* \*

Фалон сифлаки чарх сифла парвар гардиши бирла,  
Жаҳон ганжини оз фурсатда жамъ әтти Фаридундек.

Ҳасосат ғоятидин мустаҳқға бермагай бир пул,  
Бу феълидин ажаб йўқ, гар они ер ютса Қорундек.

\*

\* \* \*

Бор икки шум бухлу ҳасад бирла даҳр аро,  
Ҳак лаънатига бир-бирисидин қариб әрур.

Дилдор базми ичрау шаҳ остонида  
Бири әрур рақибу бириси нақиб әрур.

Үлтурса ҳар киши гар оларни савоб учун,  
Тангри инояти анго бешак насиб әрур.

\*

\* \* \*

Эй кўнгул, кимсаким сани севмас,  
Қоч, онинг теграсига айланма.

Ки насиҳат қилурда ўтканлар  
Дедилар: «Севмаганга сўйканма».

\* \* \*

Сипоҳийки юз урса ғафлат анго,  
Етиб ҳар тараф хайли офат анго.

Аду илкига мубтало бўлғуси,  
Бори молу бошдин жудо бўлғуси.

Басо хайли душман киши зўр даст,  
Топиб ғафлат ила адудин шикаст.

Басо лашкари ожизу ҳазмдар,  
Чиқорибдуур әўрлардин дамор.

\*  
\* \* \*

Иътимод этма бевафо сўзига,  
Дўстлиғ бирла боқмагил юзига.

Шум эрур ҳайъати-ю дийдори,  
Майл кўргузмагил онинг сори.

Кимки машқимга назар қилгой,  
Урса ҳар ишга қўл зарап қилгой.

\*  
\* \* \*

Кичикликда адл айламак иртиқоб,  
Бил осор иззу жалолатдуур.

Ситам расмини айламак мунъадам  
Жаҳонда нишони талофатдуур.

\*  
\* \* \*

Ҳар киши душман қадимининг  
Йлтифотига гар кўнгул боғлар;

Тездурким ебон пушаймонлиғ,  
Бағрини ҳасрат ўтига доғлар.

Хуш эли гар истаса мақсад гулини жилвагар,  
Хору хас ойинаи гитийнамодур, эй күнгул.

Жазм қылса ёр васли боргоди азмини,  
Барча ашё ул тарафга раҳнамодур, эй күнгул.

\*  
\* \*

Кишиким ямонлиғ әрур шеваси.  
Келур ҳар нафас бошиға юз бало.

Жалойи ватан айлаб они фалак,  
Қилур ғурбат андуғига мубтало.

\*  
\* \*

Эй күнгул, яхшилиғни қыл пеша-  
Ки, ямонлиғ әрур ямонға жазо.

Кимки тарқ айласа ямонлиғни,  
Бўлур, албатта, яхшилиғга сазо.

\*  
\* \*

Фалак гардишин кўрки оғоқ аро,  
Қуёшни қаро ерга ҳамвор әтар.

Жадон дунлиқин кўрки фарқ әтмайин,  
Гуҳарни ҳазафдин басе хор әтар.

\*  
\* \*

Мулки Хоразмнинг зару молин,  
Билкул ул шум берди яғмоға.

Үйла беҳуда сарф айладиким,  
Ташлағон янглиғ ўлди дарёға.

\* \* \*

Гар азия ўлмоқ тиларсан хизмати ихлос илә-  
Ким, сабаб хизмат әзүр ҳар кимки бўлди  
аржуманд.

Кўрки зулмат хайли дафъига чекар ҳар субҳ  
тийғ,  
Офтоб ул важҳ бирла сурхи рёю сар баланд.

\* \* \*

Ҳар кишиким ташқари қўйса қадам ўз  
ҳаддидин,  
Етмайин мақсудига шармандан олам бўлур...

Юз туман ранжу мashaққат бирла оламдин  
бориб,  
Рўсиёҳу музтариб ҳол охиратда хам бўлур.

\* \* \*

Илм ичра камолоти ул ҳаддга етибдурким,  
Сўз ақидаси фикрининг тирноғи била ҳалдур.

Ақл ила фаросатким инсон шарафи ондин.  
Шаънида онинг гўё бир оити манзилдур.

\* \* \*

Кўнгулни боғлама номард ваъдасига дами-  
Ки, ваъдасида анинг бўлмагай вафо ҳаргиз.

Мулойим ўлма dame душмани қадимингга,  
Мулойимат била ул бўлмас ошно ҳаргиз.

Тоши йилоннинг агар ҳар нечаки, нармдуур,  
Ва лек бўлмас ичи заҳридин жудо ҳаргиз.

\* \* \*

Кимки, ўз ҳаддидин тажовуз әтиб,  
Амал бад сори қадам ургай,

Үзи ўз жони қасдини қилибом  
Үзига ханжари дудам урғай.



Агар жамъ ўлса учқун бир маконға,  
Бўлур, албатта, оташгоҳ пайдо.

Ва гар ҳар соридин йигналса қатра,  
Бўлур тадриж ила тўфон ҳувайдо<sup>1</sup>,



...Чунки бу нусхаға илик урдим,  
Ибтидо қилғали қалам сурдим.

От қўяр вақтда дедим они,  
«Жомеул воқеоти султони».<sup>2</sup>



Кишига ҳамроҳ ўлса марди чолок,  
Анго йўл оғатидин йўқтурур бок.



Чу қолдинг иш қилур вақтида ғофил,  
Пушаймонлиғ била эмди на ҳосил.

Чу ғарқ ўлдинг муҳити бегаронға,  
Нажотинг йўқ юз урсанг ҳар қаёнга.



Изҳор этибон ҳаво шарорат,  
Фош айлади ул қадар ҳарорат.

Ким ёнди улус танида жони,  
Ҳам куйди ўтиндек устухони.

Жонларға солиб сув ҳасрати ўт.  
Танларға қуёш ҳарорати ўт.

Эл ҳар сори ўтлиғ оқ тортиб,  
Ул оқ фалак юзин қарортиб.

Иш ўйла улусға саъб тушди,  
Ким жонлари оғзига етушти.

\* \* \*

Қуёш чеҳрасин ҳар қачонким очар,  
Ҳама шаппарак хайли ондин қочар.

Әрүр гул иси гарчи зебу думог,  
Ва лекин жуъл истар ондин қирог.

Писандидадур гарчи машъалға нур,  
Вале дуд әрүр дойим ондин нафур.

\* \* \*

Агар меҳмон санга бўлса мұяссар,  
Анго жойинг уйин жой әт мұқаррар.

Чу меҳмон дўстингдур хоҳ душман.  
Очуқ юзликни иззатни қил фан.

\* \* \*

Шаҳиким бўлса онинг нияти туз,  
Қаен юз урса давлат кўргузур юз.

Таваккал бирла ҳарёнким сурар от,  
Бўлур маъдум офоту балиёт.

Тиканзор ичра гар бўлса хиромон,  
Йўмна қудумидин бўлғай гулистон.

Сув истаб гар таважжуҳ қиласа изҳор,  
Ўт ичра бўлгуси дарё падидор.

Агар ўт кўнглига бўлса таманно,  
Бўлур ул лаҳза оташпош дарё.

Агар ҳар сорига кўргузса наҳзат,  
Бўлур борғон ери гулзори жаннат.

Вагар ҳар мулк сори чекса лашкар,  
Бўлур, албатта мансуру музaffer.

\* \* \*

Ул әл ичра қаҳат этти андоқ зуҳур-  
Ки, жонлар баданлардин ўлди нафур.

Самон рангидек сарғайиб юзлари,  
Кўкарди ғам мөшдин кўзлари.

Бўлуб барча буғдой киби сийна чок,  
Қилиб ўзни нон ҳасратидин ҳалок.

Кечак кўрса ой шаклини ногаҳон,  
Узотур илик айлабон нон гумон

Етиб очлиги ҳадду ғоятгача-  
Ки, еб ҳар на топса ўт-илдизгача.<sup>3</sup>

\* \* \*

Бўлуб фош алар ичра қаҳату ғало,  
Ҳама бўлдилар жуъга мубтало.

Қилиб кўзларин тийра нон фурқати,  
Солиб танлари ичра жон фурқати.

Очиб зулм әли панчай иқтидор,  
Олиб халқнинг илкидин ихтиёр.

Ебон барча амволини тўймайнин,  
Олиб нақду асбобини қўймайнин.

Ҳалойиқ ҳама айрилиб молидин,  
Демай молидин аҳли атфолидин.<sup>4</sup>

\* \* \*

Фазоси саҳни жаннатдек дилоро,  
Биноси рифъат ичра чархи фарсо.

Бўлуб коши анго барча ҳавоши,  
Анго бўлуб ҳавоши барча коши.

Музайян чархдек рангин равоқи,  
Мулавван меҳридек рахшанда тоқи.

Бўлуб ҳар ҳужраси ганжинаи илм,  
Мусаффолиқ била ойинай илм.

Фазосига муфавваз хуш ҳаволиқ,  
Ҳавосига мусаллам жон фазолиқ.

\* \*

\*

Киши неча иморат қиласа бунёд,  
Ва ёхуд ҳаддин афзун қўйса авлод,

Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,  
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.

\* \*

\*

Кимсаким бўлғай ямоналиғ пешаси,  
Ҳуни ноҳақ айламак андишаси,

Бўлса қасди мулк вайрон айламак,  
Ҳолини әлнинг паришон айламак,

Бўлубон ўз феъли бошиға бало,  
Икки олам ичра бўлғай юз қаро.

Тангри қаҳрига бўлуб охир дучор,  
Ўлгуси итлар масаллик хору зор.

Ибрат ўлғай ҳоли одам аҳлиға  
Демайнин одамки, олам аҳлиға.

\* \*

\*

Кийиклар ҳамул дашт аро сар-басар,  
Бўлуб сурати хуб ила жилвагар.

Узоқдин улусига намоён ўлуб,  
Тамошосида халқ ҳайрон ўлуб...

Отлари полчиғ устида ётиб,  
Ўзлари сар-басар сувға ботиб-

Ки, ётар әрдикі турорлар әди,  
Күргуликни әса күрарлар әди.

\* \*

\*

Хушо, улки душман бўлуб зер даст,  
Адам маҳбасида әса пой баст.

Етиб ондин аҳбобга инбисот,  
Кўнгуллар хавотирсиз айлар нишот.

Бори шўришу фитна сокин бўлур,  
Ҳалойиқ хавотирдин әмин бўлур.

\* \*

\*

Гаҳиким юз қўюб бошимга қайғу,  
Кўрунуб кўзима олам қаронғу.

Бўлуб ғам хайли гоҳи қосиди жон,  
Йиқилиб бошима гардуни гардон.

Очиб гоҳи ҳаводис илки неча,  
Қилиб кўнглумни(нинг) аъзосини ранжа.

Бўлуб дилхастау табъим паришон,  
Фигонлар айлар әрдим, лек финҳон.

\* \*

\*

Қиши шиддатининг ранжидин бўлур улоғлар  
нотавон,  
Барча чирик аҳли бўлур ҳам ожизу, ҳам  
хаста жон.

\* \*

\*

Эйки, замирингга сафо истасанг,  
Сайр қилу, қилма сабот ихтиёр.

Негаки, тағийир топар оби соғ,  
Дойим агар қылса чуқурда қарор.

Күрки, қуёш чобукини сайридин,  
Хар очар чарх уза равшан узор.

\* \* \*

\*

Сипоҳийки бор әрса беәдтиёт,  
Топар обру авжидин инҳитот.

Гуруҳийки хуррам ўлса онинг фани,  
Топа олмагай даст анга душмани.

Басо ҳазмсиз лашкар зўр даст·  
Ки, топмишдуур оз адудин шикаст.

Басо эҳтиёт ошно оз гуруҳ·  
Ки, қилмиш кўб аъдони жондин сўтуҳ.

# РУБОИЁТ

Ё раб, қилибон ғамингни маҳбуб манга,  
Дардингни туну кун айла матлуб манга.  
Рұхимни ҳамиша нафсга ғолиб әт,  
Нафсимни ҳамиша айла мағлуб манга.

Эй келди фунуну илм таслим санга,  
Қылмоқ манго дозим ўлди таъзим санга.  
Гарчи йўқ әди қувват аёқимда, vale  
Келдим бош ила олғоли таълим санга.

Умрим ўтубон қилиб гадолиғ, ё раб,  
Комимға етушмади раволиғ, ё раб,  
Мақсадға ҳама етти, vale қолди манго  
Оқ саққол ила юзи қаролиғ, ё раб.

Бир сўз дегали гар очса жонон икки лаб,  
Беҳадду адад бўлур дурафшон икки лаб,  
Юз қатла ғами ишқидин ўлсам ғам әмас-  
Ким, бергусидур бир сўз ила жон икки лаб.

Ул дилбар чобук сурубон ман сори от,  
Еткурди бошим узра қадам луфт ила бот,

Йўлида нисор айламадим нақди ҳаёт,  
Ваҳким, мани ҳар дам ўлтурур ушбу ўёт.

\*

Зарра учубон найири аъзам бўлмас,  
Ер болиш этиб, авжи фалак ҳам бўлмас,  
Инсон аро нодонни билинг ҳайвондур,  
Ҳайвон неча зўр айласа одам бўлмас.

\*

Қилмоқ била парвариш тикан гул бўлмас,  
Ҳам тарбият ила зоғ булбул бўлмас,  
Гар асли ёмонга яхшилиқ минг қиласанг,  
Яхшилиқ онинг нияти билкулл бўлмас.

\*

Ул навъ совуқ бўлди фаровон бу қиши,  
Ким ўлди тўнгуб одаму ҳайвон бу қиши.  
Бўлди аносидин янгидин туққондек,  
Ҳар кимки, амон соқлади гар жон бу қиши.

\*

Ҳар неча жафоу жавр әрур ёрға иш,  
Юз онча вафоу меҳр бузорға иш,  
Гар шамъ ўтига ҳар неча куйса, ўзини  
Үрмоқ анго парвонаи ноchorға иш.

\*

Эй икки юзинг жаҳон аро ою қуёш,  
Ондин олодур нуру зиё ою қуёш,  
Бу иккисидин туним-куним равшандур.  
Бас ҳожат эмас эмди манго ою қуёш.

\*

Ё раб, мани нафс бандидин айла халос,  
Ҳам кибру ҳаво камандидин айла халос,

Ҳар ишда писандингни маңга рўзи эт,  
Олам элининг писандидин айла халос.

\*

Ҳар кимсага бўлса сүҳбати ёр гараз,  
Ул сүҳбат аро бодан саршор гараз,  
Ишқ ичра бору йўқни тарқ айлаб,  
Қўйсун бошидин ҳар нечаким бор гараз.

\*

Ишқ урди онингдек дили вайронима ўт-  
Ки, жисм ёниб, тушти доги жонима ўт,  
Кул бўлса вужудим қуюб, әмди тонг әмас-  
Ким, урди ғазаб чеҳраи жононима ўт.

\*

Оҳимга жафойи чархи ахзар боис,  
Ашкимга ғами даҳри ситамгар боис,  
Йўқ-йўқки, ғалат айладим андоқ әрмас-  
Ким, борчасига фироқи дилбар боис.

\*

Даҳр аҳлидин уммад ато қилма алас,  
Гар оқил эсанг, бўйла хато қилма алас,  
Айлаб тамаъ вафо ситамгарлардин,  
Үз жонинга ўқ ўзинг жафо қилма алас.

\*

Эй даргаҳинга жамеъ одам муҳтоҷ,  
Одам демайин, жумлай олам муҳтоҷ,  
Муҳтоҗинг агарчи кўбдур усрү, аммо  
Мандек топилур жаҳон аро кам муҳтоҷ.

\*

Эрмас манго кўйинг сори оҳанг ҳараж-  
Ким, аж әлига тавофи кўйингдур ҳаж,  
Бошдин қадам айлагум йўлинг қатъида,  
Маъзур әмон агарчи эрсам аъраж.

Ман хастага матлуб эрур роҳату роҳ,  
Эй соқийи гулчехра, кетургил ақдоҳ,  
Токим ман они нафас-нафас сипқорибон,  
Даврон ғамидин топай бирор лаҳза фалоҳ.

\*

Тут дам-бадам, эй сарв гуландом, қадаҳ-  
Ким, ичмоқ алингдин мангодур ком қадаҳ,  
Ишқинг ғамидин күнгүл эрур бетоқат,  
Еткурсун анго замоне ором қадаҳ.

\*

Ҳалқа қурбон, қилма алоло, эй шайх,  
Оламга ўзинг айлама расво, эй шайх —  
Ким борча риёу ҳийла, макрингни  
Фош этма улус аро саропо, эй шайх.

\*

Қаддингга фидо нақди равоним, эй шўх.  
Садқа лабинга жавҳари жоним, эй шўх.  
Бошимга масиҳдек етушмас эрсонг,  
Ҳажр ўлтурадур бўйнинга қоним, эй шўх.

\*

Масжидда намоз ўқуб мудом, эй зоҳид,  
Гар топмас эсанг муроду ком, эй зоҳид.  
Ихлос била кириб харобот ичра,  
Соқий қўлидин ич тўла жом, эй зоҳид.

\*

Эй орази гул, қомати сарви озод,  
Қайси кишига айлайн илгингдин дод-  
Ким, шарбати васлингдин улус шод бўлуб,  
Ман заҳри Фироқингдин эрурман ношод.

\*

Гар келди шароби ишқ бисёр лазиз,  
Билмайдур они зоҳиди ҳушёр лазиз,

Ҳар навъ давоки дофиъи дарддуур,  
Күргуси қачон мизожи bemor лазиз.

\*

Эй ёр, санго хилват аро манзилдур,  
Сабр әтки, худо лутфи санго шомилдур-  
Ким, икки жаҳон роҳати бирла коми,  
Собир кишига хилват аро шомилдур.

\*

Еткурди сафо ер юзига фасли баҳор,  
Очили гулу, лолау насрин бисёр,  
Келгилки, чаманлар ичра базм тузуб,  
Нўш айлагали тараф майини, эй ёр.

\*

Ўлтурди мани ул кўзу қош, эй дилбар,  
Қатлим уза кўргузуб талош, эй дилбар,  
Ман бўйла агар юз карат ўлсам йўқ бок.  
Берсун санго ҳақ узоқ ёш, эй дилбар.

\*

Бад тийнат улус бум киби шумдуур,  
Тарбият ангаким әтса мазмундуур,  
Заққум ниҳоли исча гар оби ҳаёт,  
Охир беражак меваси заққумдуур.

\*

Борди кўнглум, келмади дилдор ҳануз,  
Васлиға магар топмоди ул бор ҳануз,  
Ё васлиға еткач бўлубон маҳви жамол,  
Холимни анго қилмади изҳор ҳануз.

\*

Ер этмади ман сори хироми ҳаргиз,  
Базмимга келиб ичмади жоми ҳаргиз,  
Ошиқларидин ҳисоб этиб кулбамга  
Бир келмади-ю, бермади коми ҳаргиз.

То тушкали бошимға ғами қулфатингиз,  
Үлтурди мани орзуйи ҳасратингиз,  
Юз шукрки, кўзларимни равшан қилди,  
Охир етуруб юз маҳи талъатингиз.

\*

Ҳар неча фирибу макр бирла ханиос,  
Одам баданига кириб айлар васвос,  
Озғурмоқ ишида кишини эрмастур,  
Талбис қилур чорида андоқким нос.

\*

Ҳар кимки тариқи ишқ аро содиқ әмас,  
Ошиқлиқ онингдек кишига лойиқ әмас,  
Ҳар нечаки чекса туну кун оҳу фифон,  
Билгилки, жамоли ёрга ошиқ әмас.

\*

Гул бўлмогуси юзинг жамолига әваз,  
Сарв ўлмогуси қадинг ниҳолига әваз,  
Жон берса ўлукка нечаким оби ҳаёт,  
Афлокидин ошуруб бири шүр,  
Яна бирисига айлади зұр...

Ичкірмаку олибон бириси,  
Хаббо кули солибон бириси.

Бири бириға амал қилиб фош,  
Солди биринга бириси ёнбаш.

Гар бирисини бириси йиқди,  
Ер дубдуруни фалакка чиқти.

Ожизәлік ила йиқиласа бири  
Чиқти яна бир қилиб далири...

Чунким кураш охириға етти,  
Түйхонаға шоқ азм әтти.

Бор әрди доги неча ажайиб,  
Хадд бирла қисобсиз гаройиб.

Юз ақл бўлуб биринга ҳайрон,  
Оlamни қилиб бириси хандон.

Ондиг қилайин бирини изҳор,  
Қурмиш әдилар баланд бир дор.

Сепояси осмондин ўтган,  
Иблар доги қаҳкашондан ўтган.

Яна қурууб әрдилар ики сим,  
Қуш устидан ўтмайин қилиб бим.

Нозиклик ичиде нол ёнглиғ,  
Не нолки бор хаёл ёнглиғ.

Келмишлар әди бир-икки моҳир,  
Дор узра ўюн қилурға зоҳир.

Бири Құқану, бири Кошғардин,  
Оғақ әдилар бары ҳунардин.

Гақ дор уза, гоқ сим узра,  
Үйнarlар умиду бим узра.

Гақ дор уза бүлубон сабукхиз,  
Гақ сим уза юргуси тез.

Гақ илгари, гақ кейинга сачраб,  
Юз фан била ташлар әрди партаб.

Гоқи оёқига ҳуққа боғлаб,  
Сим узра юруб ўзини чөрлаб.

Гоқ икки лаган олиб чекиб ун,  
Епіб бирига бирини вожун.

Сим узра құюбон они чолок,  
Устида ўтурди құлмайин бок.

Қылғоч ҳаракат бириси тушди,  
Бир сим уза илгари юрушди.

Гоқи ётибон уруб муаллақ,  
Сим узра яна тушар мутаббақ-

Ки, сийнасига олиб бир одам,  
Сим узра усул әтар дамодам.

Гақ құюбон они сим узра,  
Не симки, тор бим узра.

Күргузди неча фан ондин отлоб,  
Тишлатди улусға сар-басар лаб.

Гоқи минибон араб, ажамға,  
Чов солди араб била ажамға

Қайси бир ишин чекой баёнға,  
Ошуб солур бири жаҳонға.

Нисб әрди дөғи сутуни воло,  
Лекин уч әрди чархи фарсо.

Нече ёғоч ила әрди пайванд,  
Устида әди бир отаноқ банд.

Икки каду олибон баробар,  
Иккига солиб ики қабутар.

Қылди қадуларни ул ұнарманд,  
Икки аёқига иккисин банд.

Чиктөң онга зуфунун моҳир,  
Пири волажаб иш қилюрга зоҳир.

Чиқғоч қилибон фигон чекиб ун,  
Қирқ сири узра турди вожун.

Ул дам күтариб ики аёгин,  
Бир-бирига урди сўлу соғин,

Синди каду қабутар учти,  
Эл кулкудин ўлгали ёвушти...

Бор әрди яна неча тамошо,  
Ер устида шўришу алоло.

Созандалар айлабон юз оҳанг,  
бозандалар ўртада неча ранг.

Бирисининг илкида нақора,  
Юз нағмалар айлаб ошкора.

Илкига бириси олибон даф,  
Фарёд наво қилюр уруб каф.

Кўкка чиқибон фифони сурнай,  
Оlamни тутуб садойи карнай.

Ғижжак қилибон фифону нола,  
Ҳол аҳлинни солди ўзга ҳола.

Танбур этибон неча наволар,  
Ҳар кимга солиб туман ҳаволар.

Аъжуба ҳисобу ҳаддин афзун,  
Маҳбуба ҳадди ададдин афзун.

Сайр айладилар улус неча кун,  
Асбоби тарабни туздилар тун.

Барча улуғу кичик саропо,  
Комига қилиб ҳазу тамошо.

Бир неча олиб таомдин баҳр,  
Бир неча шароби жомдин баҳр...

Борча улус ўлди шоду ҳуррам,  
Қолмай кишида ториғ қиби ғам...

Соқий, кетур әмди жоми қирқаф,  
Мутриб, ол илик косин доги даф.

Журъангни етур мазоқим ичра,  
Нагмангни каюр қулоқим ичра.

Ким май манга ком нағмаи руд,  
Бу лаҳза әрур замони падруд-

Ким, тўй иши охириға етти,  
Тўй аҳли доги видоим этти.

Ман ҳам топибон даме фарогат,  
Мастона қиласай ҳазу ҳаловат.

## ЗУЛМИДАН ДОД

Оðким, чархи инқилоб шиор,  
Дойимо қажлик айлабон изҳор.

Халққа зулм айламак ишидур,  
Ситам әтмак әмиша варзишидур.

Кимсани күрса ҳар нафас хуррам,  
Қиалғуси мубталойи меңнату ғам.

Ким муроди била гар ўлса шод,  
Номурод айламакдур анга мурод.

Кимки, сур ичра қылса бир ишрат,  
Еткуур мотам ичра юз ҳасрат.

Ком ила ким етурса оғзига жом,  
Жомини синдуруб қилюр ноком.

Турфа жаллод әрур басе берәҳм,  
Не анго риояю не раҳм.

Элни ноком айлабон қўймас,  
Кулфат анжом айлабон қўймас.

Янги ой шакли бирла тортиб тийғ,  
Қатли қилмоқға дойим айлар биғ.

Зулм ила барчани қатл айлар,  
Хок аро жисмини залил айлар.

Чекмаган мәжнатини бир киши йўқ,  
Кўрмаган заҳматини бир киши йўқ.

Зулмидин дардинок әрур барча,  
Тийги бирла ҳалок әрур барча.

Ситамидин улусга қон ютмоқ,  
Бир-бiri ҳолига азо тутмоқ.

На ямон қолғуси, на яхши омон,  
Барча жаврин чекардадур яксон.

Тутуб ўз муроди била гўшан,  
Риёзатдин анжом этиб тўшан.

Дуонг айламакга фароғат била,  
Мудом айласун инс хилват била.

## ШУРИШ

Ато ўрлининг аҳволига йиглаб,  
Үгуллар ҳам ато ҳолига йиглаб.

Ано қиз ҳасратидин тортиб афгон,  
Қиз она меҳнатидин йиглабон қон.

Бу шўришдин тушуб оламга ошуб,  
На олам нилгун торамга ошуб.

Олиб ҳар хайл ерда бешумора,  
Матоу молға худни шумора.

Киши қолмайки сонсиз ўлжа олмай,  
Тўлубон тошмоғон бир ери қолмай.

Тўлуб қўшларға қул бисёр-бисёр,  
Ўкулуб ўлжа ҳам хардор-хардор.

Бўлуб бозори лашкарғаҳ фазоси-  
Ки, бир қул бўлмайин юз қул баҳоси.

## ОВ ТАЪРИФИ

Эйки, замирингға күшод истасанг,  
Шодлиғ афзуну аиёд истасанг,

Айла гаҳи сайру шикор ихтиёр,  
Айлама бир гүшада доим қарор.

Сайр иши чун топти қүёшдин зуҳур,  
Жилва била айлади зулматни нур.

Макси Ҳизэр чашмаси қилди аён,  
Мундин эрур зулмат аро жовидон,

Сайр ила миръоти кўнгул сафвати,  
Балки бадан сиҳдатининг қуввати.

Хоса шикор этса киши ихтиёр,  
Етгай анга айшу фараҳ бешумор.

## ҚАЛАМГА ХИТОБ

Тахайюл узоридин олиб ниқоб,  
Сухан шоҳидин айлайин беҳижоб.

Дейин аҳли сўз ичра мастона сўз,  
Табиат писанду дилорона сўз.

Кел эй, тахти ҳажаримға таъзим ила,  
Адаб бирлау арз таслим ила.

Бўлуб банда тун-кун жанобимда тур,  
Мужанг бирла фарш бисотим супур.

На даркор әса қил муҳайё ани,  
На дилхоҳ әса айла пайдо ани.

Олиб жузвонимни тамкин ила,  
Кетир ёнимга расму ойин ила.

Қаламдон сори ҳам қўлунгни узот,  
Бер илкимга они адаб бирла бот.

## СОҚИЙГА ХИТОБ

Кел, эй соқий, мажлис оро жамол,  
Тарабгўстар базм аҳли мақол.

Сўзнинг бодаси нашъа бахш ҳаёт,  
Юзнинг кўзгуси жилва оройи зот.

Жамолинг келиб зийнати анжуман,  
Висолинг фараҳ бахш аҳли сухан.

Қадинг фикридурур сарви бўстони дил,  
Лабинг зикридурур шаккористони дил.

Зулоли лабинг оби ҳайвон келиб,  
Кўзунг қосиди куфри имон келиб.

Жаҳону жаҳон аҳли маҳбубисан,  
Мусулмону куфр аҳли матлубисан.

Жабинноти маҳи осмон иишот  
Узоринг гули гулшани инбисот.

Камин банда дур сарви рафторингга,  
Ҳазин қул эрур лола рухсорингга.

Эрурсан саропо латофат аро,  
Суроҳий киби гарқ мавжи сафо.

Қиёмингда изҳори жон нашъаси,  
Хиромингда руҳ равон нашъаси.

Лабинг жом янглиг табассум намо,  
Сўзинг май киби жонга роҳат базо.

Таманнойи васлинг қилиб ҳар замон,  
Етар иштиёқингда оғзимға жон.

Иноят русумини оғоз қил,  
Карамни қўбу нозни оз қил.

Юруш ила бир лаҳза базмим аро,  
Қудумингдин эт они жаннат саро.

Вафо доъбини интизом айлагил,  
Кириб кулбам ичра мақом айлагил.

Қуёш янглиг эт масканим гарқи нур,  
Етур кўнглума инбисоту сурур.

Жамолингни шамъи шабистоним эт,  
Мақолингни лаzzатда жоним эт.

Гаҳи ноз бирла тақаллум қилиб,  
Гаҳи шева бирла табассум қилиб.

Юзингдин этиб гоҳ рафъи никоб,  
Бўлуб жилвагар ўйлаким офтоб.

Ол илкингга бир жоми гардун мисол-  
Ки, қиласун сумурганин масту мақол.

Бўлуб нашъаси жонга роҳат физой,  
Сафоси кўнгулдин қудратзадой.

Келиб лови аро меҳри рахшон киби,  
Вале ҳиддати барқи сузон киби.

Агар журъаси берса ҳар кимга даст,  
Онинг кўнглин этсин маонийпараст.

Чу бу васфлиг жоми гулфомни,  
Фараҳгўстар табъи нокомни.

Адаб шарти бирла кетургил манга,  
Карам Фарти бирла кетургил манга-

Ки, ичгач, бўлай они масти сухан,  
Демон мастким пой басти сухан.

Топиб нашъа муганини марғубдин,  
Бўлай баҳравар ва гар матлубдин.

## ҚУШ ОВИ

Ҳар дам қилибон шикор бир навъ,  
Ҳар лаҳза әтиб шиор бир навъ.

Ҳар кун бўлуб ўзгача саф аро,  
Қуш солмоқ ила қилиб тамошо.

Гоҳи олибон солиб итолку,  
Ҳар лаҳзада беҳисоб оҳу.

Гоҳи солибон паранда шоҳбоэ,  
Ҳаддин кўб олиб тазарв ила қоз.

Учмоқ билаки ҳавога лочин,  
Ҳайратдин әтиб улусни сокин.

Гоҳи учубон баланд шунқор,  
Ҳар дамда ов олди неча ҳазвор.

Гоҳи очибон қаноти туйғун,  
Ов бошига солди бас ямон кун.

Ҳарён яна неча сайдандоз  
Оз солмади қуш, ов олмади оз.

Гоҳи тутуб әл газандаларни,  
Гоҳи қовубон даррандаларни...

Ҳар лаҳза әди нишоти бу навъ,  
Ҳар дам әди инбисоти бу навъ.

## ПОЙГА ТАЪРИФИДА

Эрди бори барқ киби тәзтак,  
Қылғучи ҳар лаҳзада қатын фалак.

Суръат аро сабқат әтиб барқдин,  
Ғарбиға бир дам бориб шарқдин.

Гоҳ улуг отлар ўлуб раҳнарвад,  
Еткурубон кун юзига тийра гард.

Гоҳ ғунон ўйла сабук хез ўлуб,  
Суръат аро соақадин тез ўлуб.

Гарм равондек бўлубон гоҳ той,  
Туйноқи барқин қилибон чархсой.

Гард тутубон бори олам юзин,  
Қилди ниҳон наййирни аъзам юзин.

Гард аро отлар бўлубон жилвагар,  
Чиқгой анингдекки қўшундин шарап.

Барқ киби барчаси суръат қилиб,  
Баъзи қолиб, баъзиси сабқат қилиб.

Ўйла назар оллидин айлаб гузар-  
Ким, гузарин англамак асло назар.

Аҳли жаҳон бошдин аёқ йигналиб,  
Барча тамошо билан комин олиб.

## УРМОНДА ОВ

Ажаб бешаки, йўқ ҳадду гарони,  
Сибоъу жониворларнинг макони.

Шажарлар анда бош чекмиш самоға,  
Бориб ҳам ришаси таҳтул сароға.

Қолинлиғдин бўлуб бир-бирга маҳкам,  
Аросидин ўта олмас сабо ҳам.

Вале баъзи ери майдони авсаъ,  
Ҳамул майдон саросар кашту мазраъ.

Муайян баъзи ерда мурғзори,  
Кўнгулларда ҳавоси хор-хори.

Шикор аснофи анда бешумора,  
Қолур ҳайрон киши қилғоч назора.

## МАНЗИЛ ҮЗОҚ<sup>12</sup>

Пашша киму фил юки тоқати,  
Зарра киму меҳри мунир улфати.

Шамъға парвона ўзин бегумон  
Англаки, еткурмаку куймак ҳамон.

Тушти ажаб оллима йўл бас йироқ,  
Марҳала ноёбу манозил үзоқ.

Бим будурким, анга қўйсам қадам,  
Роҳзан ўлғай манга афвожи ғам...

## ВАБО ОФАТИ<sup>13</sup>

Күн исиг әрди дөгі вақти тамузды,  
Тобаш хуршид әди оғоқи сүз.

Хар тарафдин жонгудоз әсіб самум,  
Сув қилиб тош бағрини андоқки мұм.

Чүркениб ондин саросар тоғлар,  
Далалар бағрида қолди дөглар.

Хар сори әсти ҳавойи мұхталиф,  
Қилди әл умри маҳини мұнхасиф.

Үйлаким мис қиәди құм сарто қадам,  
Очти юз юз минг туман ранжу алам.

Топмай әл жон берса ҳам бир қатра сув,  
Гар топа олса әзүр мисли оғу.

Күн ҳароратдин бүлуб оташфишон,  
Құм дөгі ҳирқат аро үтдин нишон.

Кимки ул құм қатынға қўйса қадам,  
Үртанур бошдин-оёқ олғунча дам.

Ложарам комин уруб ақли сипоҳ,  
Тортебон жон ваҳми бирла ўтлағ оҳ.

Бир тараф зўр айлаб исиг шиддати,  
Жонистон бир сори тоун иллати.

Хар дам ул иллат шадойид күргузә,  
Ташлаб ул әл ўзни отдин қум уза.

Үтға тушган қыл масаллик тоб уруб,  
Жонларин жон офарингә топшуруб.

Етибу қолиб мановилда қатор,  
Бир-бирига айлабон жонин нисор.

Кимда ким бор әрса сиңдатдин асар,  
Хасталар әолиға бўлиб чоракор.

Миндуруб маркабға ўзни чоғлабон,  
Ип билан ҳар сори маҳкам боғлабон,

Жонлари борича йўл азм айлабон,  
Азм қилмоқ расмини жазм айлабон.

## АМУДАРЕ ТОШҚИНИ<sup>4</sup>

Сув андоқ беҳаду андоза тошиб,  
Баланду пастға тутолиб,

Қолиб сув остида күхү биёбон,  
Аён ўлди магар сув ошса түфон.

Халойиқ нечаким күз солса утру,  
Күзига бўлгуси марқи қаро сув...

Бўлуб йўл қатъида ҳайрону музтар-  
Ки, сув тутмиш жаҳон аҳлини яксар.

## ТУҚАЙДА ОВ

Васъатда фазосидур жақондек,  
Назұат аро равзан жинондеқ.

Гардунға дараҳтлар чекиб бөш,  
Ел кирмагудек ұжуму чирмөш.

Баъзи еридур васеи әомүн,  
Ҳам мазраа онда ҳаддин афзун...

Анвоюи шикори бешүмора,  
Хайрон ўлуб айлаган наэора.

Дүррожу тазарву кабку ҳам қоз,  
Күб неча десам ҳануз әрүр оз.

Чобук қулону семис товишиқон,  
Үл беша аро ададдин ошқон.

Сурат аро барчаси әрүр хуб,  
Бири-биридин күнгүлга марғуб...

## БОҒ ТАЪРИФИДА<sup>18</sup>

Бўлуб ул икки боги жаннат ҳаво,  
Эрам бўстони киби хуш сафо...

Сўйи жонфазолиқда кавсар киби,  
Бўлуб хоки хушбўй муанбар киби.

Масиҳо дамидек ҳавоси келиб,  
Жинон саҳни янглиғ фазоси келиб.

Юз алвон била очилиб гуллари,  
Тушуб гуллари узра сунбуллари.

Пишиб мевалар неча алвон бўлуб,  
Тамошосида ақл ҳайрон бўлуб.

Бўлуб ҳар бирининг аён шираси,  
Ҳаловатда андоқки жон шираси.

Алар ичра кирган киши бир нафас,  
Эрам боги сайрини қилмас ҳавас.

Алар васфида неча сурсам қалам,  
Мингидин бирин айлай олмон рақам...

## ШЕҮРИЙ МАДХАЛ<sup>16</sup>

Эй чарх, манга бу лаңза ёр ўл,  
Кел, хизматим уэра устувор ўл.

Ихлос ила әшигим супурғил,  
Таъзим ила бандавор турғил.

Ҳажарға етур сафоу тазийин  
Андоқки, нигор хонаи чин.

Г инаи сидқ әшигини оч,  
Л ат гүҳарин бошим уэа соч.

Ар комни айласам тақозо,  
Јни назаримда айла пайдо.

Олий қилибон манга маðални  
Таъзимима паст қил зуðални.

Мадҳим била муштариýға оч тил,  
Минбар анга останим әтгил.

Миррихни қил қопумда дарбон,  
Тұксун хусамоға тийғ ила қон.

Манзил қүёшинг ёнимда тутсун,  
Нури била масканим ёрутсун.

Зуðранг қилибон қошимға оðанг,  
Вақтимни хуш айласун чалиб чанг.

Енимда аторудинг ҳамиша,  
Қылсын қаламим йўнорни пеша.

Оллимда ой айлабон белин руст  
Хизматга ўзини айласин чуст.

Тутсун манга истаб илтифотим,  
Таъзим ила қоғазу давотим.

То ман олиб илкима қаламни,  
Шаҳнома сори сурай рақамни...

## ҲАЗОРАСБ ТАСВИРИ

...Ажаб күрким жақон ичра жақон ул,  
Жақон демойки олами осмон ул.

Танобий ҳайъатидин каңқашони,  
Дарахшон михлар анжуми нишони.

Келиб ҳар ёнида заррин қабоби  
Онинг тобинда моҳу офтоби.

Аёқдин бошға еткуринки, зангор,  
Ҳавошиси қизил келди шафақвор.

Ичига нақш этилган юз минг алвон.  
Эрур андоқки гул фасли гулистон.

Тўшалган остиға қолин рангин,  
Берилган ҳаддин афзун зебу тазйин.

Назора қиласоч они дол ўлуб ақл,  
Қолиб ҳайрат аро бедол ўлуб ақл.

## ЧАНДИР ДАРЕСИННИГ ТАСВИРИ

Ажаб дарёки онинг йўқ мисоли,  
Сувидур чашмаи ҳайвон зилоли.

Ики ёнидин әтмиш беша издор.  
Санамлар лаълу хаттидин намудор.

Тазарв ул бешалар ичра намоён,  
Бўлуб зебо савр бирла хиромон.

Қилиб дурроj зоҳир шакли марғуб,  
Кўрунуб әл кўзига жон киби хуб.

Бўлубон қадқаҳ зан кабк дарҳам,  
Товушқон ҳар қадамда жилвагар ҳам...

Учуб ҳадду ададсиз, сайд ҳар ён,  
Қилиб шаҳ қорчиғойин тез жавлон.

Тазарв олиб гаҳи ҳадду гаронсиз,  
Гаҳи сайд айлабон дурроj сонсиз.

Шикор айлаб гаҳи ҳадсиз товушқон,  
Гаҳи кабки дарий сайд айлаб осон.

На ёлғуз сайд әтиб паррандаларни,  
Шикор айлаб бори даррандаларни.

Не ёнглиғ жонворким кўрди, олди,  
Қиронлар ваҳшию тайр ичра солди...

## ЗАМОН ВА ФАЛАК ҲАҚИДА

Жаңон дилбариким иши ноз әрүр,  
Вафоу жафоси күбү оз әрүр.

Нече ранг ила жилва издөр этар,  
Үлүсни ўзига гирифтөр этар.

Күзи коҳли әл дуд афгонидин,  
Юзи ғозасидур улус қонидин.

Сочидин улус қасдиға дом этар,  
Фусундин күнгүл қушларин ром этар.

Русуму вафодин мубарродур ул,  
Либосу ҳаёдин муарродур ул.

Кишиким бўлур бекарори онинг,  
Анга зулм қилмоқ шиори онинг,

Висоли била кимниким қиласа шод,  
Ҳамул дам они айлагай номурод.

Қачон кимсага ошинолиғ қилур,  
Узоқ чекмай ондин жудолиғ қилур.

Ситам тийгини тортибон жонига,  
Солур юз жафо бирла ҳижронига.

Жаңонники қилдим бу янглиғ сифат,  
Фалакдин доги айтайнин маърифат-

Ким, ул раҳмсиз турфа жаллод әрур.  
Иши доимо зулму бедод әрур.

Белига қўшаб каҳқашондин камар,  
Бўлуб ҳайъати шу ила жилвагар.

Эрур илкида яъси қавси қузаҳ-  
Ки, то сайд қилғай шикори фараҳ.

Ҳилолидин илкида барандан тийғ,  
Шаҳобидин ўқлар отиб бедариг.

Қилиб одам аҳлин асиру қатил,  
Кесиб бошини, қонин айлаб сабил.

Шафақ қиласма зайлода онинг гумон,  
Қатл ўлғон эл қонидиндур нишон.

Жаҳон аҳли ичра сиғору кибор,  
Гадо ёки султон воло табор,

Забуни онинг бўлмайин қолмағай,  
Жафосига чора топа олмағай.

Жаҳону фалак шиквасин гар дедим,  
Нетонгким, алардин аламнок әдим.

Етиб наштари кинлари жонима,  
Сабаб әрдилар оҳу афғонима.

На манким қилиб оғаринишга кин,  
Хусусан қилиб аҳли донишга кин,

Жаҳон ичра гар яхшидурур, ямон,  
Алар зулмидин қолмағуси амон.

Гуруҳиким аҳли салаф әрдилар,  
Нажобат дуриға садаф әрдилар,

Борисига айлаб ситамлар аён,  
Борин қилдилар туфроқ ичра ниҳон...

# ҚАСИДАЛАР

## ҚАСИДАИ НАСИҲАТ<sup>1</sup>

Аё, хисрави маъдалат дастгоҳ  
Нажобат сипеҳрида рахшанда моҳ.

Шаҳаншаҳлиқ ўлсун муборак санго,  
Мададкор тангри табаррүқ санго.

Бўлуб лутфи ҳақ дойимо носиринг,  
Малул ўлмасин бир нафас хотиринг.

Замирингни сабр айлабон шод тут,  
Бори кулфату ғамдин озод тут.

Ато сукидин бўлма андуҳу кин,  
Кўнгулини бу ғам бирла қилма ҳазин.

Агарчи бу ғам усрุ душвордур,  
Вале чеккали банда ноchorдур.

Қилиб сабр бирла сукун ошкор,  
Бори ҳолда шукр қил ихтиёр.

Эшит бу ҳазин бандадин маърифат-  
Ки, дегум неча манфаатлиғ нукат...

Жаҳон ичра ҳалқ айлади шоҳлар,  
Қави қудрату соҳиби жоҳлар.

Қилиб баъзи адлу қарам ошкор,  
Вале баъзи зулму ситам ихтиёр.

Етиб баъзидин әлгә роҳат басе,  
Вале баъзидин ранжу меҳнат басе.

Бўлуб баъзи таҳсину раҳматга тўш.  
Вале баъзи нафрину лаънатга тўш.

Қилиб салтанат барча ўз комича,  
Суруб ҳукмнин кўнгли оромича.

Агар яхши әрди ва гар худ ямон,  
Ер остида бўлди бориси ниҳон.

На қолди аларнинг биридин асар,  
На бўлди бирининг ишндин хабар.

Бориси кўруб чарх дундин ситам,  
Адам сори почор қўйди қадам.

Будур дойимо чархи золим иши-  
Ки, зулмидин асло қутулмас киши...

Қани ул Иноқ Мұҳаммад Амин-  
Ки, Хивақ аро әрди маснад нишин.

Қани мир одил Авазбий Иноқ-  
Ки, лутғу ато әрди бошдин аёқ.

Қани хон олий макон Элтузар-  
Ки, бошига қўймиш әди тожу зар.

Қани шоҳи олам Мұҳаммад Раҳим-  
Ки, афлокга қаҳридин әрди бим.

Қаён борди Оллоқули подшо-  
Ки, очмиш әди мулк тортиб сипоҳ...

Қани даҳр шоҳи Мұҳаммадамин-  
Ки, оғоқ анго әрди зеру негин...

Қани каъбаи қиблагоҳинг сенинг-  
Ки, әрди шафиқу паноҳинг сенинг.

Эди қаҳридин муэтари осмон,  
Кафу жавдидин мунфаил баҳру кон...

Олур чогда илкига тийгу табар,  
Эди ожиз ўтрусида шери нар.

Они ҳам қилиб ожизу нотавон,  
Адам кишвари сори қилди равон...

Киши шоҳ бўлсун ва ёҳуд гадо,  
Қутулмоқ фалак зулмидин йўқ анго.

Фалак золи усрุ жафокор әрур,  
Фусунсоэу, маккору, ғаддор әрур.

Юзида йўқ асло ҳаёдин асар,  
Кўзида йўқ асло вафодин хабар.

Ҳаёсиздин асло вафо истама,  
Вафосиздин асло ҳаёс истама.

Улусга етурмак ситамдур фани,  
Эрурлар забуни фақиру гани.

Бирор гар муродин топиб бўлса шод,  
Муроди онинг айламак номурод.

Бирорга мақом ўлса гар авжи баҳт,  
Онинг қасди урмоқ они ерга саҳт.

Бирор топса пуржомдин комини,  
Ситам тошидин синдурур жонини.

Бирор нўш иқболдин топса баҳр,  
Берур жом идбордин онго заҳр.

Бирорда агар кўрса суру сурур  
Қилур они мотам аро носабур.

Маал қисса оламда яхши-ямон,  
Жафосидин онинг қутулмас амон.

Магар ул киши ондин эминдуур-  
Ки, дайри фано ичра сокин дуур.

Тутуб тенг жаҳон буду нобудини,  
Зиён бирла фарқ айламас судини...

Бугун, подшоҳо, санга салтанат,  
Берибдур худо кўргузуб марҳамат.

Агарчи бу иш бас оғир юқ дурур,  
Ғаму меҳнати неча турлук дурур.

Ўзингни буюк чеккали ҷоғлагил,  
Камар белга ҳиммат билан боғлагил.

Бу ишда ўзинг солма, мардона бўл,  
Жалодат шиору далирона бўл.

Бу ишнинг камолига толиб эсанг,  
Онинг боиси экандур десанг.

Деган бир-бир они бу ошуфта ҳол,  
Топар салтанат неча ишдин камол-

Ки, ҳиммат биридурур, шижоат бири,  
Адолат биридурур, сиёсат бири,

Жалодат бири, бири ғайрат дурур,  
Саховат бири, бири иффат дурур.

Бири ҳалм келди, бириси ҳаё,  
Бири ваъдаға айламаклик вафо.

Футуват бири, соғ ният бири,  
Муруват бирию ҳамият бири...

Биридурур вуқуф ўғрилар ҳолидин,  
Алар илкини кесмак әл молидин.

Бири келди бўлмоқ раиятнавоз,  
Масокину мазлумга чорасоз.

Бири тарбият бирла қилмоқ азим,  
Аларникудур никкоҳ қадим.

Бириси сипаҳ қўнглин олмоқдурур,  
Қарам доми бўйнига солмоқдурур.

Булардин етар салтанатга низом,  
Буларсиз ул иш ҳеч топмас тамом.

Яна неча иш салтанатға завол,  
Етиргуси сүргум алардин мақол-

Ки, гафлат бири, келди шаркат бири,  
Гүхолат бирину касолат бири...

Бири жаңа саңбосидин мастлик,  
Бири доми шаҳватға побастлик.

Бири фусқ бидъатға бермак ризо,  
Бири жабр-зулм айламак иқтизо.

Бири айлабон майл имсоки мол,  
Сипоқ аҳлини тутмоқ ошуфта ҳол.

Бири келди идмон айшу тараб,  
Бири келди итён лаҳву лаъб.

Бири мулкидин бехабарлиқ дуурп-  
Ки, шаҳларға бу иш хатарлиқ дуурп.

Бири иззат аҳлини ҳор айламак,  
Улус ичра беәтибор айламак.

Бири қылмоқ авбошға тарбият,  
Беріб мансаб әтмак анго тақвият.

Бири қурб ҳуссад ғаммоз әрур-  
Ки, қурби аларнинг зарап бир берур.

Бу сўзларниким ман баён айладим,  
Неча байт бирла аён айладим.

Буларға қаю шаҳки қиласа амал,  
Онинг мулкига етмас асло ҳалал.

Хукумат биноси бўлуб устивор,  
Онинг хонадонида тутғай қарор...

Фақириңгки, ожиз әрурман басе,  
Таним нотавондур нечукким ҳанни.

(9)

178

# ФОРСЧА-ТОЖИКЧА

## РУИИ ГУЛФОМИ ТУРО.

Эй, забонам карда дарбар чун нигин номи туро,  
Шуд дилам ойинадори рўйи гулфоми туро.

Кардаам дар роҳи ту ин жисми хокиро губор,  
То бувад рўзики бўсам нақши иқдоми туро.

Умрҳо шуд дар миёни жон гирифтам чун алиф,  
Дар Фироқат Фикри қадди сарв андоми туро.

Кай шавад, ёрабки, дар базми висолат мерасам,  
Тобакай таскин деҳам дилро ба пайғами туро.

Халқ аз хони наволат жумла неъматпарвар аст,  
Нест як мури нашуд маҳзузи инъоми туро.

Ҳеч кас аз нашъаи әҳсони ту махмур нест,  
Жумлаи аҳли жаҳон масти майи жоми туро.

Донаи ашкат бефишон, Огаҳий шому саҳар,  
Токи мурғи илтифоташ мешавад роми туро.

### Таржимаси:

Эй, тилим номини узук қилиб олган (жонон)  
Сенинг гулга ўхшаган юзинг учун менинг дилим кўзгу  
бўлди.

Бир кун келиб, мен сенинг босган изингни ўпишга  
мужассар бўлайн деб,  
Мен тупроғдан ясалган жисмимни сенинг йўлингга губор  
қиласман.

Кўпдан бери сенинг фироқингда «жон» сўзи даги алиф каби  
Сарви қаддинг ёдин жонимда сақлаб келаман.

Сенинг висолинг базмига, ё раб, қачон муюссар бўламан,  
Қачонгача сенинг хуш хабарларинг билан кўнгилга таскин  
бераман.

Дастурхонинг инъом-эҳсонидан ҳамма ҳам баҳраманддир.  
Бирорта чумоли йўқки, сенинг инъомингдан бенасиб  
қолган бўлсин.

Ҳеч ким сенинг эҳсонинг нашъасига хумор әмас,  
Сенинг жоминг майидан бутун жаҳон аҳли мастдир.

Эй Оғаён, унинг илтифот қуши сенга ром бўлгунча  
Эртаю кеч кўзларингдан ёш доналарини сочиб туравер.

### АҲЛИ ҲУСН

Зиҳи аз ҳуснат аҳли ҳуснро зебо жамолиҳо,  
Зи ишқат ошиқонро пойян соҳиб камолиҳо.

Базавқи шаҳди васфи лаъли гўёйи равон бахшат,  
Забонҳо ҳамчу тўти ёфта ширин мақолиҳо.

Басад Тадқиқ потавон баста мазмунни даҳонатро,  
Гусиста табъҳо сар риштани ноэик хаёлиҳо.

Шуда занжири гисуий паришон тори мушкинат,  
Дили девонагонро боиси ошуфта ҳолиҳо.

Бадарди доги ҳижронат касе кў мубтало гардад,  
Давояш нест жуз шому саҳар дилсўз нолиҳо.

Чашад як журъа махмуре агар аз бодай власлат,  
Бамости то қиёмат мекунад ишрат сиголиҳо.

Рамузи ошиойи бо сухан равшан намегардад,  
Магар дар шарҳи ў гардад забонҳо гунг — лолиҳо.

Макун таҳқири риндон, зоҳидо, к-аз тоати ноқис,  
Ба даргоҳи илоҳи хуштар ояд ловуболиҳо.

Ҳавойи гулшани ҳамдат кунад гар Оғаён, ҳар гоҳ,  
Ба чашми табъи у бинамо гули мазмунни олийдо.

## Таржимаси:

Қандай яхшики, сенинг ҳуснингдан кўплаб ҳусн аҳлари  
зеболик касб этади,  
Сенинг ишқингдан ошиқлар мартабаси етук бўлади,  
камолотга эришади.

Лаълингнинг завқли ширин сўзлари билан гўё кишига жон  
багишлайсан.  
Тўти қандай ширин мақол бўлса, сенинг тилинг ҳам  
худди шундай шириндир.

Сендан чиққан сўзларнинг мазмунини ҳар киши ҳам  
тушуниб ета олмайди.  
Энг ақали, зукко кишилар ҳам сен айтган мазмун ипининг  
учини топа олмайдилар.

Сенинг паришон зулфингнинг мушкин толалари занжир  
бўлиши,  
Девона ошиқлар кўнглини паришонлигига сабаб  
бўладилар.

Кимда-ким ҳижронинг дардига мубтало бўлса,  
Шому саҳар нола чекишдан бошқа унинг чораси  
қолмайди.

Агар васлинг майидан сенинг ишқингда хумор бўлган  
киши бирор қултум исча,  
То қиёматгача маст бўлиб, айш-ишрат билан умр  
кечиради.

Ошнолик рамзини сўзлар билан тушунтириб бўлмайди,  
Бу борада гунг бўлган тил, наҳотки, уни ифодалай олади.

Эй зоҳид, ринд одамларнинг камчиликлар билан тўла  
бўлган тоат-ибодатларини таҳқири қилма,  
Тангрининг даргоҳида шўхлар, риндлар тоат-ибодати  
яхшироқ қабул бўлади.

Оғаҳий, ҳамма вақт сенинг обод қулбангни,  
гулшанингни таъриф қилганда,  
Сен унга ўз олий табиатингдан юксак мамзунлар  
багишлагил.

## АХТАРИ БАХТАМ

Мададкори намуда ахтари бахтам маро имшаб,  
Мунаввар гашт чашмам аз рухи он маҳлиқо имшаб,

Ба мурданҳо расида будам аз дарди фироқи у,  
Бануши омадан бахшид дардамро даво имшаб.

Ба роҳатҳо мубаддал гашт озори жафоҳояш,  
Чу омадон ситамгар карда изҳори вафо имшаб,

Шабу рӯз орзум буд бўси лаъли нушинаш,  
Биҳамдуллоҳки ҳосил шуд маро ин муддао имшаб.

Дар ин маҳфилки, майхӯрон ҳамиша сархуши  
команд,  
Шуда аз нашъан жоми тараб комам раво имшаб.

Маро, эй Ҳизр, раҳ нанамо ба сўйи обиҳайвонат-  
Ки, нўши лаъли дилдорам басаст оби бақо имшаб.

Шабу рӯз Огаҳий аз шукри ин неъмат машав  
гофила-  
Ки, комат кард ширин аз майи лутфаш худо имшаб.

### Таржимаси:

Бу кеча менга бахтим юлдузи мадад қилди,  
У маҳлиқо юзининг нуридан менинг қўзларим ёруғ бўлиб  
кетди.

Мен ундан айрилганда ўлимга рози бўлган әдим,  
Унинг келиши билан ҳамма дардларимга даво етди.

У ситамгар ёрим ўз ваъдасига вафо қилиб менинг олдимга  
келганда,  
Унинг берган озорлари, жабру жафолари роҳатга айланди.

Унинг қизил лабларидан бир бўса олиш менинг кеча-кун-  
дуз қиласиган орзум эди.  
Худога шукурки, бу кеча мен ўз ииятимга етишдим.

Бу маъжлисда ўлтирадиган майхўрлар доим сархуш бўлиб,  
мақсадларига етишини орзу қиласилар.  
Май жомидан, хурсандчиликдан бу кеча мен ўз мақсад-  
ларимга әришдим.

Эй Хизр, сен ўз обиҳайвон сувинг ҳақидаги нақлларинг  
 билан менга йўл кўрсатма,  
Мен бу кеча маҳбубамнинг қизил лабидан бўса олсан, шу  
мен учун обиҳайвон сувидир.

Эй Огаҳий, бу неъматларнинг шукридан кеча-кундуз гоғил  
 бўлма,  
Чунки бу кеча худо ўз лутфи билан ёрнинг лаъли лаби  
 майдан комингни ширин қиласи.

## УМИД ОМАД

Биё дар кулбаам, эй мугбача, ҳангоми ийд омад-  
Ки, аз пири мугон бо майкаши бар ман навид омад.

Ба рўям баста буд абвоб ишратҳо рухат бинамо-  
Ки, бар қуфли тараб аз дидани рўят калид омад.

Ба васл ором деҳ якдамки, аз боди ҳазони ҳажр,  
Тани зори заифам музтариб чун барги бед омад.

Фигонам аз фалак бигувашт дар шоми ғамат, эй моҳ,  
Ба гўши марҳамат акнун туро вақти шунид омад.

Тараҳумҳо намуда аз майи васлат бидеҳ комам-  
Ки, чун кайфияти ҳолам туро ин дам падид омад.

Зи рўйи зарду аз мўйи сафид, эй дил, чи кор ояд,  
Сабаб бо суҳбати хубон зари сурху сафид омад.

Магардон аз ҳузурат беҳусли муддао имшаб-  
Ки, нақди илтифотат Огаҳий, карда умид омад.

### Таржимаси:

Байрам пайти, эй мугбача, менинг кулбамга ташриф  
буюргил,  
Муғлар пиридан менга хабар келдики, бу кеча майхўрлик  
кечасидир.

Бутун айшу ишрат әшиклари мен учун бекик эди, энди  
юзингни кўрсат,

Токи сенинг юзингни күриш бутун хурсандчилик  
құлфларига қалит бўлсин.

Айрилиқнинг кузи шамолидан тол баргидек титраб,  
изтироб чекиб турган  
Заиф вужудимга висол билан бир дам ором бағиша.

Эй ой юэли гўзалим, менинг ғам шомидаги фигоним  
фалакдан ҳам ошиб кетди,  
Энди раҳм-шафқат қулоқлари билан менинг  
фигонларимни әшитиш вақти келди.

Раҳм қилиб васл майдан бонасиб этгил,  
Чунки менинг оғир кайфиятим сенга аёndир.

Сарғайган юзу оқарган соч, эй дил, ҳеч нарсага ярамай  
қолди,  
Лекин гўзаллар суҳбатига сариқ олтин билан оқ кўнгил  
сабаб бўлади.

Сен мени илтифотингдан маҳрум қилиб, ўз ҳузурингдан  
қувлама,  
Чунки мен — Огаҳий сенинг муруватингдан умид қилиб,  
ҳузурингга келганман.

## ЭИ НИГОР, ОМАД БАХОР

Аэми сайри боғ кун, эй гульузор, омад баҳор.  
Карда сад файзи тароват ошкор, омад баҳор.

Боғдоро дода зинат, даштхоро дода файз,  
То кунад оғоқро жаннат шиор, омад баҳор.

Зиндаги бахшида аз файзу сафо амвотро,  
Карда Исоро эн мұжаз шармсөр, омад баҳор.

Кун тамошо к-аэ кафи дарә нишони абрұқо,  
Бар сарыб боғу чаман гавқар нисор, омад баҳор.

Жомхойи лолау гулро зи шабнам ҳар тараф,  
Карда саршори шароби хүшгүвор, омад баҳор.

Аз хазони ҳажри маҳмурони ишратро зи дил,  
Баҳри дағғын ғуссау ранжу хумор, омад баҳор.

Магузарон беҳуда ин ҳамгомро огоҳ бош,  
Пеш аз ин дар даҳр беҳадду шумор, омад баҳор.

Дил мабанд айёми ишратроки дар гулзори даҳр,  
Ваҳшию кам фурсату беэтибор, омад баҳор.

Сайр кун бо Огацый ҳамроҳ дар боғу чаман,  
Вақти гул гашти гулистон, эй никор, омад баҳор.

Таржимаси:

Эй гул юэли гүзал, баҳор келди, боғ сайрига аэм әт,  
Юз хил янги файзлар ошкор қилиб, баҳор келди.

Богларга зийнат бағишлиб, даштларга файыз беріб,  
Оламни жаннатға айлантириб, баҳор келди.

Үзининг файзы сафоси билан ҳамма жонсиз нарсаларга  
жоң бағишилайди,  
Мүйжиза яратышда Исони шармисор қилиб, баҳор келди.

Томоша қилки, баҳор келгач, дарёлардан буг күтарилиб,  
булут пайдо бўлади,  
Бу булутлар ҳар бир боя чаманда ёмғир марваридларини  
сочади.

Ҳар томонда лола ва гуллар косасин ўз шабнамлари  
билан тўлдириб,  
Хуштам шаробга ўхшатиб баҳор келди.

Айрилиқ ҳазонига мубтало бўлганлар дилидан,  
Ғусса, алам ва хуморни даф қилиш учун баҳор келди.

Эй ҳушёр одам, бу қийматли вақтни беҳуда ўтказма,  
билгилки,  
Бу баҳордан аввал дунёда сон-саноқсиз баҳорлар келиб  
кетган.

Бу дунёning ишратига, роҳатига кўнгул боғлама.  
Улар доимий әмас, огоҳ бўл, ваҳши, кам фурсат, ўтқунчи  
баҳор келди.

Оғаҳий билан бирга чиқиб боя чаманларни сайр қиал,  
Эй гўзал, баҳор келди, гул сайри вақти етишди.

## ЭЙ ДИЛ

Эй дил, зи чарх ком таманно макун абас,  
Аз ташнаком об тақозо макун абас.

Гар оқили бисоз ба дарди гуриснаги,  
Сайри ҳавас зи неъмати дунё макун абас.

Аз рангу бўю ҳусну вафо орий асту бас,  
Гулҳойи ин ҳадиқа тамошо макун абас.

Мурғи ҳавоий қудсию олам хароба аст  
Онро чу ҷугзи маскани маъво макун абас.

Жуз дард нест орзуий жоҳ бар сарат,  
Дарди сари барой ту пайдо макун абас.

Кун илтижо зи аҳли карам жумла комро,  
Аммо зи ҳар ҳасис тавалло макун абас.

Ганжи хафист дар дили вайронга рози фақр,  
Ин ганжро ба ҳеч кас шифо макун абас.

Зоҳид, ту кистию, майи жоми ишқ кист  
Худро ба дайр омада расво макун абас.

Дар кунжи узлат, Оғадий, дойим муқим бош,  
Раъбат ба сайри бори мусаффо макун абас.

### Таржимаси:

Эй кўнгул, бу чарх фалакдан муродим ҳосил бўлади деб  
умид қилма,  
Зоро чанқоқ кишидан сув умид қилиш ноўринидир.

Агар сен ақлар киши бўлсанг, очлик дардига бардош бер,  
қаноатли бўл.  
Дунёнинг ноз-неъматларига эга бўламан деб интилиш,  
ҳирс қўйиш ярамайди.

Бу замоннинг гўзаллари яланғоч; на ранги, на бўйи ва на  
хусни бор.  
Бундай гулларни томоша қилиш ярамайди.

Бу дунёнинг бекарор паррандалари муқаддасу, олам уйи  
харобадир,  
Уни бойқуш сингари менга ватан бўлади деб умид қилиш  
ярамайди.

Сенинг хаёлингдаги давлат орзуси иллатдан бошқа нарса  
әмас.  
Бу билан сен ўзингга ўзинг бош оғриги орттирасан, бу  
ярамайди

Ҳар нарсани илтижо қилмоқчи бўлсанг, карам-саҳоват  
аҳлидан қил,  
Аmmo хасисдан ҳеч нарса тамаъ қилма.

Фақирлик, камтарлик ҳар қандай кишининг вайрони  
кўнглида яширинган хазинадир,  
Бу хазинани ҳар кимнинг олдида ошкор әтма.

Зоҳид, сен кимсану, ишқ жомининг майи ким,  
Майхонага кириб, ўзингни шарманда қилма.

Эй Оғаҳий, узлат бурчагида доим макон тут,  
Мусаффо боғларни сайд қиласан, деб фойдасиз ҳаракат  
қилма.

ЖАФОУ ЖАВРУ БЕДОДАШ...

Ба жон қүшиш кун, эй дил, дар қабули ҳукми  
Вале ҳаргиз мазан дам аз шикасти аҳду паймонаш.  
ফরমান।

Хусули коми дигар орзу кардан зи ту ҳад нист,  
Туро як нуктай ширин басаст аз лаъли хандонаш.

Чу ишъ лаъли нүшинаш насиби нест нүшидан,  
Бинүшу дам мазан ҳар лаҳза заҳри чашми фаттонаш.

Агар хоҳи ба захми жони афгорат расад марҳам,  
Ҳадаф кун сийнаи софат ба шасти тиёри мужгонаш.

Ту дар зулмоти ҳижрон ташигидоро қаноат кун-  
Ки, дар васлаш насиби дигарон аст оби ҳайвонаш.

Жафу жавру бедодаш кашиданро муҳайё шав,  
Вале аз дил бирүн кун орзуйи лутфи эхсонаш.

Агар расми тағофил инчунин аст он паривашро,  
Нигаҳ кардан ба ҷашми дутғ бар ҳолат чи имконаш.

Чу воқиғ шуд рақиб аз сұхбати он шўх бирүн — о-  
Ки, дузах беҳ аз он жаһнатки, бошад хавғи  
шайтонаш.

Баландаст он қадар мөрөж истиғнөйи он дилбар-Ки, ҳолат Огажий маълум натавонад жуз афонаш.

## Таржимаси:

Эй кўнгул, маҳбубинг нимани буюrsa, уни жону танинг  
билишга қабул қил,  
Аммо аҳл-паймонни буэгандада ундан зорланиб дам урма.

Сен ўз маҳбубингни қўйиб бошқалар васлини орзу  
қилишга ҳаққинг йўқ.  
Унинг ширин лаъли лабидан чиқдан бир оғиз ширин  
сўзи сенга кифоя.

Унинг лаъли лабидан май ични ҳамма вақт ҳам насиб  
бўлмайди,  
Лекин ҳар лаҳза ўйнаб турган кўзлари эаҳрига бардош  
бериш учун ҳаракат қил.

Агар жонинг жароҳатига малҳам истасанг.  
Ўзингнинг покиёз кўксингни унинг мужгон ўқларига  
тутиб бер, шундан шифо топасан.

Сен ҳижрои қоронғилигидаги ташналикка қаноат қил,  
Чунки унинг васлида обиҳайвон суви бошқаларга насиб  
бўлади.

Сен унинг жафою жабрини тортишга ҳозир бўлиб тур,  
Лекин унинг лутфи эҳсони ҳақидаги хом хаёлни  
кўнглингдан чиқар.

Агар паривашга ғофиллик расм-одат бўлиб қолган бўлса,  
Лутф билан сенга назар солиши сира мумкин эмас, унда  
бу одат йўқ.

Рақиб билан у гўзал субҳатлашиб ўтирганидан хабар  
топсанг, ундан узоқлаш,  
Чунки шайтон бор бўлган жаннат дўзахдан ҳам ёмондир.

У дилбарининг ноз-истигно меърожи шу қадар баландки,  
Эй Огаҳий, фигон-нола қилишдан бошқа йўл билан уни ўз  
ҳолингдан хабардор қилиб бўлмайди.

## МУХАММАСИ ОГАХИЙ

Тан аз ҳами зулфаш сару по чину шикан шуд,  
Сар аз ғами чашмаш ватани дарду миңан шуд  
Ақл абрўйн вай диду расвойи заман шуд,  
Дил боз хаёли рухи ў карду чаман шуд.  
Жон низ ақиқи лаби ў диду Яман шуд.

Чун мушк шуда атрафишон анбари зулфаш,  
Буда шикану печ ҳама зевари зулфаш,  
Афзун ҳам аз он хоста зебу фари зулфаш,  
Бинкушод чу машшота гирин аз сари зулфаш,  
Бар гарданни шавқи мани девона расан шуд.

Аз хатти лабаш маъниий жонбахш бихонам,  
В-аз фикри дахонаш мазаи руҳ ситонам,  
Ширинтар аз он гашт зи жон шаҳди баёнам,  
То васфи каломи лаби ў кард забонам,  
Ҳар нуктаи софаш ба баҳо дурри Адан шуд.

Он гоҳки бо нозу адо он бути гулрӯ,  
Андохт паришон ба рухаш сунбули гесу,  
Ашъор багесуш бигуфтам ҳама чун мӯ,  
Аз сунбули мӯяш ҳама шеърам шуда хушбӯ,  
Ҳар мисрай рангин чу гулистани Ҳўтан шуд.

Дасти талаб аз домани васлаш шуда кўтоҳ,  
Дар ҳажр қашидам ҳама шаб нолан жонгоҳ,  
Карда бамани ғамзада раҳм оқибат он моҳ,  
Аз роҳи талаттуф басарам омада ногоҳ,  
Чун руҳи равон дохили афсурда бадан шуд.

Бинишаста мүқобил ба мани бедилу шэйдэ,  
Нүшид ба сад лутфу адо согари саҳбо,  
Гардида маро ҳосил азу кому таманно,  
Фахрам чи ажаб имшаб аз ин давлати узмо,  
Он ганжи вафо карда карам мойили ман шуд.

Аз парда бурун карда чу рухсораи анвар,  
Бикушода саросар гириди зулфи муамбар,  
Жо кулбай ман сохта ҳамчун маҳи ховар,  
Шамъя руҳи ўчиш шаби ман кард мунаввар,  
Жон пардан фоинус шуду чашм лаган шуд.

Аз Файзи рухаш гашт дилам моъмани фирдавс.  
В-аз гавҳари нутқаш шуда жон мазхани фирдавс.  
Гар жой наҳоҳам чи ажаб маскани фирдавс.  
Хилватгаҳи тағлам шуда чун гулшани фирдавс.  
Им шабки ба он дилбари гулчехра ватан шуд.

Сад шукрки, дилдор баҳангоми иноят,  
Дода ба дилам бодан гулфоми иноят,  
Дилро чи ажаб ё бад агар коми иноят,  
Чун ҳўрд зи дасти карамаш жоми иноят,  
Мастона ҳазин Оғаҳий саргарми сухан шуд.

### Таржимаси:

Унинг зулфи ҳалқасини кўриб, менинг таним ҳам печ-печ  
бўлиб қолди,  
Унинг кўзи ғамидан менинг бошим меҳнат дардининг  
ватани бўлиб қолди,  
Ақлим унинг қайрилма қошларини кўриб расво бўлди,  
Унинг юзлари хаёлида менинг кўнглам чамандек очилади,  
Жоним ҳам лаби қизиллагини кўриб, ақиқ макони Яманга  
айланиб қолди.

Унинг соchlаридан тарқалган хушбўй ҳид ҳамма ёқни тугиб  
кетди,  
Унинг соchlари жингалак-жингалак бўлиб безатиб туради,  
Унинг зулфи ҳар қандай таърифлардан зиёдадир,  
У раққоса каби ўйинга тушса зулфларидаги ҳалқа-ҳалқа  
тугунлар ёзилади,  
Мен девонанинг бўйнига унинг соchlари ип бўлиб  
богланади.

Дилбарим лабидаги сабзалардан маңга жон багишлесчи  
сўзларни англадим,  
Унинг оғзини ўйласам руҳни кўтарувчи бир маза менда  
хосил бўлади,  
Менинг ёзганларим шу сабабли жондан ширин бўлди,  
Чунки мен унинг лабининг васфини қилдим.  
Ёзган шеърларимнинг ҳар бир нозик маъноси баҳоланса,  
Адан мулкининг дурига тенг келади.

Ул гул юзли маъшуқа нозу адолар билан,  
Юзларига сунбул соchlарини ёзиб юборса,  
Шу онда у дилбарнинг сунбул сочининг ҳар бир торига  
бир-бир шеър айтсан,  
Унинг сунбул соchlари ҳидидан ҳамма шеърларим хушбўй  
бўлиб,  
Ҳар бир мисраъ шеърим Ҳўтан мулкининг гулистонига  
ўхшаб ранг-баранг бўлди.

Менинг қўлим унинг васли әтагини тутиб олишга қисқалик  
қиласди,  
Унинг ҳажрида ҳар тун нола қилиб бедор ўтдим,  
Ул ой менга оқибат ғамзалар билан раҳм-шафқат қилиб,  
Ногоҳ лутф билан менинг кулбамга  
Кучсиз ночор баданга янги руҳ — жон багишлагандек  
кириб келди.

Мен бедилу шайдонинг қаршисига ўтириб,  
Юз нозу адолар билан қизил май ичди,  
Мен ўз мақсадимни баён этиб унга мурожаат қилдим,  
Мен шу ёрим билан ўтиришини катта давлат деб биламан,  
фахрланаман.  
Чунки у вафодорлик хазинасини бахш этиб менга мойил  
бўлди.

Нурли юзини пардадан чиқариб,  
Хушбўй зулфининг тугунларини ҳам ечиб ташлаб,  
Шарқ моҳитоби сингари менинг кулбамдан жой олди.  
Унинг юзининг нури кечамни мунааввар қилгач,  
Менинг жоним фонусининг пардаси бўлди, кўзим шаъмдан  
бўлди.

Юзининг файзидан дилим жаннатнинг боғига айланди,  
Нутқининг гавҳаридан жоним жаннат хазинасига айланди,

Шунинг учун жаннатдан жойни хоҳламасам ие ажаб,  
Менинг кичик хилватгоҳ уйим жаннат гулшанига ўхшаб  
қолди,

Чунки бу кеча у дилбар қулбамни ватан қилди.

Юа шукрки, дилдор раҳм-шафқат қилиш вақтида,  
Менинг дилимга қизғиши май иноят қилди.

Дил нима учун ажаблансин,  
Ер ўз қўли билан май жомини иноят қилди,  
Мен ҳазин Огаҳий маст бўлиб сўзлашга киришдим.

# ИЗОХЛАР

## ҒАЗАЛИЕТГА ИЗОХЛАР

(Давоми)

25. Бу мисрәдаги күзгө ташланадиган вази сакталығи аснда сакталық әмас. Аруз вазнида алар үрииларда учрайдиган бундай «сакталық»ни китобхон үқишиша түгрилаб олиши керак. Бу мисрани «ғулистан» сүйндеги «у» товуши урту билан үқилиши орқали вази камчилиги түлдирилади. Огаҳий поэзиясида учраб турадиган бундай үриинларга китобхон альтиборини жалб қиласыз.

26. Бу үриндеги «калиф» ва «нун» сүйзлари араб алифбесидаги ҳарфларга ишорадыр. Классик адабиётта қабул қилинган адабий приёмға күра, алиф ҳарфи түгрилик, аддлик мазмуннанда, «нун» ҳарфи еса қадди букилган, әзилган, жафо чеккан мазмунларда ишлатылади.

27. Бу сүз Огаҳий асарларининг илгариги наирларыда (Огаҳий, «Таъвиңәул ошиқин», Тошкент, 1960, наирга тайёрлончы Ҳуршид) «ғайбат» тарзида үқилган, долбуки, байтнинг мазмуни бу сүзини «ғийбат» тарзида үқиши кераклыгини күрсатади. Чунки «ғайбат» сүзи ёки «аҳди ғайбат» бирикмаси шахснинг йүқлигини, гойиблигини билдиради, «ғийбат» сүзи еса орқадан ёмонлаш, гийбат қилиш маъноларыда келади. Мазкур байтда Огаҳий «юз минг ширин-пакар сүзинингни гийбат аҳли бир оғиз сүз билан заҳарга айлантириб юборади» демоқчи.

28. Лаҳзали жоми нишотинг даврсиз ҳам бўлмасин. Бу мисрәдаги «давр» сүзи «айланниш» маъносида ишлатылади. Натижада мазкур мисра «сенинг шодлар жоминг» бир лаҳза ҳам ҳаракатдан — айланнишдан тўхтамасин» деган маънони ифода этади.

29. Лотақнату — арабча ибора бўлиб, «умид узманлар» (бир нарсадан) деган мазмунда келади. Мисранинг мазмуни: «гуноҳ аҳли шаънида айтилганким, умидингни узмал!»

30. Шамсуя-вүҳо — арабча тарқиб бўлиб, күёшининг кўтарилиб тўлиқ нур сочиб турган вақтига айтилади. Кўчма маънода жамоли порлааб турган гўзалга ҳам ишлатылади. Мазкур мисранинг мазмуни: сенинг руҳсоринг тонг вақтида кўтарилган нур сочиб турувчи күёшидир.

31. Конун — арабча бу сўзининг бир неча маънолари бўлиб, бу үринда «манба», «марказ» мазмуннанда келади. Байтнинг мазмуни: қуриган булоқдан сув чиқмаганидек, ҳасад ўти билан қизиган, алансаланган кўнгилдан ҳам раҳм кутма.

**32. Жамшид** Эроннинг қадим замон тарихида ҳукмронлик қилган нешодийлар сулосининг тўртинчи ва ёнг машҳур подшоҳидир. Классик адабиёттимиизда бу ҳукмидорга турди сифатлар берилади ва «Хоми Жамшид» (Жамшид жоми — қадаҳи) «Жамшиди жоҳ» (юқори мартабали подшоҳ) ва бошқа кўп формадаги иборалари тез-тез учраб туради.

**33. Нуширавон** (Ануширавони Одил) қадим Эронда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласига мансуб подшоҳлардан бири. У мелод-пинг VI асрларида ҳукмронлик қилади ва тарихда ўз одиллиги билан шуҳрат топади. Шунинг учун Шарқ манбаларида унинг номи «Нуширавони одил» тараизда ишлатилади.

**34. Хотам.** Хотами Тай — араб шоирларидан Абу Адий ибн Абдуллоҳ иби Сатднинг лақабидир. Бу шоир ўз саҳовати ва давлат-мандлиги билан Шарқда шуҳрат қозонгандир. Узбек классик адабиёттида хам Хотам Тай саҳоват тимсоли сифатида ишлатилади.

**35. Доро** — қадим Эрон тарихида Аҳмонийлар сулоласига мансуб бўлган подшоҳлардан бири.

36. Бу байтда мазмун ҳозирги замон китобхони учун тушунилиши қийин бўлган архаик формада ифода қилинган. Биз фойдаланган манбаларнинг ҳаммаси худди шундай текст беради. Фикримизча, байтнинг мазмуни қўйидагича тушунилиши керак: ҳар вақт базм ичидаги шўх танинзлар ўйинга тушсалар, ажаб эмаски, фақат танинзлар эмас, балки жон бағишловчи ошиқлар ҳам ўйинга тушадилар.

**37. Скандар** ёки **Искандар** — мелоддан илгариги IV аср охирларида Шарқ мамлакатларига юриш қилиб, иён ўлкаларни фатҳ этган маълҳу Юнон лашкарабоши Александр Македонский.

**38. Хайбар** — Арабистонда Мадинага яқин жойдаги бир шаҳар исми.

**39. Анварий** — Авқадиддин Анварий XII асрда яшаб ижод этган (вафоти 1191 йил) форс-тоҷик адабиёттимииз машҳур намояндаларидан бири. Анварий Шарқ адабиётти тарихида ўзининг қасидалари билан машҳурдир.

## МУҲАММАСЛАРГА ИҶОҲЛАР

1. Мухаммаснинг бу банди Оғаҳий поэзиясида кенг ишланган антиклерикал мотивининг гўзал ва кучли бир намунасидир. Мазкур бандда шоир зоҳид-дин тақвадорларининг кирдикорлари тўгрисида сўзлаб, улар дин номидан ҳукм юргизиб элдан — ҳалқдан зарни — олтинни низр-ниёс тарикасида олиб тўймайдилар, ҳалққа ҳийла-найранг ишлатишдан уялмайдилар демоқчи бўлади.

2. *Тароватул таво*. Бу арабча ибора икки сўздан таркиб топган: тароват — гўзаллик, янгилик маъносида; таво ёса эмирилиш, йўқолиш, пасайиш маъносида келади. Тароватул таво — гўзалликнинг пасайиши, янгиликнинг йўқолиши маъноларини билдиради.

3. *Мосивалоҳни адам валлоҳу авлам биссанавоб*.— Бу арабча ибора гойиблик — киши кўзга кўринмай мавжуд бўлиш тангрига хосдир; «тўғрисини фақат тангри билади маъносида ишлатилади.

4. Бу мисранинг мазмуни: хурсандчиллик қулафини очиш учун калит меҳнатдур.

5. *Нуҳ тўғони* — диний афсоналарга кўра, қадим замонларда Нуҳ пайгамбар ҳукмрон бўлган даврда, бутун дунёни сув босган. Шунда Нуҳ пайгамбар катта бир кема ясад, шу кемага ҳамма жони-

ворлардан бир жуфт-бир жуфт солиб түфөнда ҳалок бўлишдан уларни асрар қолган ва шу йўл билан ер юзида жониворларни яна тарқалишига сабаб бўлган. Афсоналарда шу воқеани «Нуҳ түфөни» деб юритилади.

6. *Тахти Каёнийдин* — бу байтда, Оғаҳий инсофли ва вижданни оддий ҳалққа, яъни «фақр элига» ўз кулбаси жаҳон мулкидан яхшироқ, эски бўйраси esa Каёнийлар таҳтидан, яъни «таҳти Каёнийдин» афзалроқ, деб таърифлайди. Каёнийлар Эрон тарихининг кўрсатишига биноан, қадим замонларда ҳукмронлик қиласланган тўрт сулоланинг (пешодийлар, каёнийлар, аҳмонийлар, сосонийлар) иккинчисидир. Эрамиздан илгари ўтган бу судола ҳукмронлашги даврида афсонавий қаҳрамонлардан Кайковус, Кайхусрав, Кайқубод, Кайлаҳросиплар подшоҳлар қиласланалар.

7. *Алъажузунак вул ҳукм лаҳ* — бу арабча иборанинг маъноси мазкур мухаммасининг еттинчи бандидаги бешинчи мисраида баён қилинади, яъни «Алъажузлик вул ҳукм лаҳ» иборанинг маъноси «сен ожизу, ҳокимдур ул» демакдир.

8. *Ковус* — қадимиги Эроннинг мифи подшоҳларидан бири. Кай — асл, адолатли, ёқимли маъноларида ҳам келадиган бу сўз қадимиги Эрон подшоҳларидан Кайковус, Кайхусрав, Кайқубод ва Кайлаҳросиплар учун умумий, муштарак ном сифатида ҳам ишлатилади.

## МУСАММАНЛАРГА ИЗОҲ

1. Бу боҳамдуллоҳум ваҳбу зул жалол... — Бу байтининг мазмуни: бутун куч-кудратнинг әгаси тангринг шукрким, менга ёр висолининг неъматини ато қиласди.

## ҚИТЪАЛАРГА ИЗОҲЛАР

1. Бу ҳарактерли қитъа Оғаҳий томонидан 1242 йил ҳижрийда (1826—27 йил мелодий) Ойдуст бошчилигидаги қорақалпоқ ҳалқ қўзғолони муносабати билан ёзилган. Қитъада шонрнинг қўзғолончиларга бўлган симпатияси очиқ кўриниб туради ва ҳалқ ҳаракатининг тўғон синглари қудратли кучга эга экани айтилади.

2. Бу қитъа Оғаҳийнинг «Момеул воқеоти сultonий» асаридан олинди. Муаррих мазкур муқаддимада асар номини таъкидлаб кўрсатади.

3, 4. Бу қитъа 1273 йил ҳижрийда (1856—57 йил мелодий) Хоразм ҳонлигига (Тамоъ қалъасида) рўй берган қаҳатчилик ва очарчилик муносабати билан ёзилган.

5. Мазкур қитъа 1251 йил ҳижрийда (1835—36 йил мелодий) Хива шаҳрида мадрасаси олий қурилиши муносабати билан ёзилган. Бу мадраса шаҳарда карвонсарой билан Паҳлавон дарвозаси оралигига бўлган.

## ТУЮҚЛАРГА ИЗОҲЛАР

1. Биринчи мисрадаги «чоқир» сўзи «чогир — қадаҳ» маъносида, иккинчи мисрадаги «чоқир» сўзи «чақирмоқ» феълининг буйруқ формаси, тўртинчи мисрадаги «чоқир» сўзи esa иккى элементдан ташкил топади. «Чо» элементи «ча» ясовчи қўшимчаси бўлиб, «комим» сўзига

құшиб ұқылади, яғни «комімча — мақсадимча» маңносинні билдирады. «Қир» элементі аса «қірмоқ» феълнинг бүйruk формасидір. Шундай қылаб тұрткынчи мисра «Хеч раҳм құламай менніг мақсадим-ча қир» деган маңынны іфода қылады.

## МАСНАВИЙЛАРГА ИЗОХЛАР

1. *Хаварнақ* — Низомий Ганжавийнинг «Ҳафти пайқар» достонидеги бөш қаҳрамон Баҳром Гўрининг ясатған ажойиб гўзал касри. Ағсонадағы құра, бу қаср күң мәъжизақор безакларга эга бўлиб, қалимги Кўфа шаҳри яқинида бўлган. Хаварнақ ўзи адабиётда слободатан гўзаллик, юксак нағосат тимсоли сифатида ишлатилади.

2. *Ошиқи содик* — маснавийлар ичінде келадиган бу характеристика сюжет алоҳида ном билан кўрсатилмаган бўлиб, уни асар мазмунинг асосланыб «Ошиқи содик» номи билан атадик.

Бу асар сюжетини Оғаҳий қаердан олганлаги ва уни ёншда нимага суюнганинги аник айтиш кийин, Шунга қарамай буидай сюжетларга бой бўлган Шарқ адабиётини яхши ва чуқур билган Оғаҳий жуда кўп адабий манбалардан ижодий фойдаланиш йўли билан бу асарни яратган, деган тахминни қилиш мумкин.

Мухлебат темасида ёнлаган ва туталланган сюжетга эга бўлган бу асар Оғаҳий ижодий йўнайтишдаги чуқур ҳаёттй оптимизмни ўзида ифода этади ва асар сюжети ижодий натижалар билан якуланади.

3. *Иморати олий* — Оғаҳий бу маснавийда Хива хонларидан Мұхаммад Раҳим Авпал замонида Хива шаҳрида «Дош ҳовли» ичилде қурилган бир катта бинони тасвир қылади. «Жомиул воқноти султоний» асаридан Оғаҳий томонидан «Қўрининшона» деб аталган бу бинони бунид қилишда метьорлар — хоразм усталири яратган нақшларга шоқр алоҳида дикқатни жалб этади ва зўр маҳорат билан тасвир қылади.

4. *Рафинак боги тасвири* — Бу маснавий «Жамиул воқеоти султоний» тарихий хроникасидан олинган бўлиб, бунда Оғаҳий Хива яқинлигидаги Рафинак қишлоғига (бу қишлоқ ҳозир ҳам мавжуд) қурилган катта бир боғни тасвир қылади ва кейинги маснавийсини бу боғдаги иморат тасвирига багишлайди.

5. *Байрамалидаги талон-торож* — Мазкур маснавий «Жомиул воқноти султоний» тарихий хроникасидан олинган бўлиб, бунда Оғаҳий Хива хони Мұхаммад Аминхон сарбозларининг Байрамали қалъасига ҳужуми ва ундан тинч аҳолини талон-торож қилганлари ҳақида гапноради.

6. *Ғайрат қил* — Оғаҳий мазкур маснавийни ўз асаои «Жомиул воқеоти султоний» китобининг муқаддимасыда беради. Маснавийнинг мазмунидан кўриниб турганидек, шоир асар устида иш бошлашдан нағари ўзига-ўзи хитобан, ғайрат қилиш, ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ижодий ишга киришиш кераклиги ҳақидаги сўзлайди.

